Далее, отметим постоянно встречающуюся проблему среди научных трудов многих исследователей в области юриспруденции. Из-за незнания иностранных языков, авторы стараются ссылаться в основном на труды ученых стран СНГ, проводят сравнительный анализ законодательств со странами ближнего зарубежья, дают предложения на их опыте. Не умоляя труды ученых и законодательный опыт СНГ, мы предполагаем, это и есть изначальная фундаментальная ошибка при проведении исследований в области юриспруденции. Страны СНГ обрели независимость примерно 30 лет назад, что никак не может сказаться на формировании фундаментальных понятий и принципов рыночных отношений, отражения их уровня в законодательной системе, а самое интересное система рыночных отношений не полностью сформировалась в умах, менталитете и образе жизни людей. Соответственно сравнивать или изучать в качестве примера слабо развивающиеся страны, ссылаться на их теоретический и практический опыт, внедрять их в научную теорию и национальное законодательство, считать не рациональным, так как потом выясняется в процессе действия принятого нормативного акта имеются пробелы или противоречия, и зачастую приходится вносить дополнения и изменения, что тормозит развитие социально-экономических отношений. Необходимо учитывать, что развивающиеся страны однозначно копируют в полной или адаптированной форме с учетом национальных интересов у передовых развитых стран таких как США, Великобритания, ЕС, Южная Корея и др. Возникает вопрос – зачем изучать вторичный анализ опыта развивающихся стран, если можно обратиться к первоисточнику в эпоху цифровизации и информационных технологий? Учитывая вышесказанное, ответ таится в следующем – редакторы рейтинговых журналов не заинтересованы в таких типах научных трудов.

Решением данной проблемы, по нашему мнению, может явиться повышение квалификации исследователей в области IT, выработка у себя навыков таких как грамотная работа с базой данных, ориентирование в поисковиках, отбора нужной и исключение ненужной информации, извлечение основополагающей мысли из громадного массива информации, правильного применения методов научного познания. Использование онлайн переводчиков, которые показали свою высокую эффективность и постоянно улучшаются, думаем решит проблему знаний иностранных языков.

ствованных фрагментов в огромной, постоянно пополняемой базе текстовых работ, которая может сочетать в себе такие параметры, как, проверка текстов на различных языках; выявление и исправление замены сходных по написанию букв; выявление перестановки предложений, абзацев, страниц; корректно обрабатывать вставку, удаление, замену форм слов.

¹ Антиплагиат система – это применение уникального алгоритма эффективного и быстрого поиска совпадений и заим-

Хотелось бы в рамках данной статьи рекомендовать ряд электронных библиотек и баз данных, в которых публикуются работы ученых с мировым именем, изучение которых повысит качество проводимых исследований и возможность публиковать статьи в международных рейтинговых журналах. Информационные системы, предлагающих доступ к реферативно-библиографическим и полнотекстовым базам данных, например, Web of Science [29], Scopus [30], WestLaw [31], Lexis-Nexis [32], Ssrn.com [33] и мн.др. [2], которые объединяют большое количество различных информационных баз в рамках единого поискового интерфейса и языка информационных записей.

Также надо отметить, регистрация авторов в системах идентификаторов и базах данных научного цитирования (БДНЦ) стало неотъемлемым требованием международных журналов.

БДНЦ – это базы оценки публикаций и цитируемости авторов и журналов. Они отслеживают публикационную активность авторов, рейтинг журналов по качеству публикаций в соответствующей предметной области, формируют оценку степени признания и уровня публикаций в мировом сообществе и др.

Идентификатор выдаваемый автору обеспечивает взаимосвязь между автором и его публикациями, Идентификаторы позволяют установить однозначное соответствие между автором и результатами его работы, а также активностями, которое невозможно установить по фамилии и имени из-за проблем с однофамильцами, сменой фамилии при браке, неполным указанием имен в публикациях на различных языках. Так, системы идентификаторов авторов служат отслеживанию публикаций, как со стороны самого автора, так и организации где он работает и других интересующихся лиц.

К сожалению, единой мировой базы публикаций еще не существует и имеются ряд идентификаторов – ORCID, Google Scholar, Researcher ID (WoS) и Scopus Author ID. При этом, ORCID – Open Researcher and Contributor ID (с англ. — «Открытый идентификатор исследователя и участника») [28] является незапатентованным буквенно-цифровым кодом, который идентифицирует авторов научных статей и в перспективе направлен на становление единым унифицированным идентификатором автора.

Так, использование уникального идентификатора автора (unique author identifier), т.е. ID ученого служит установлению авторства конкретного научного труда, измерению цитируемости, упрощению процесса оценки популярности автора, хранению данных и улучшению видимости публикаций автора в интернете.

Использование международных баз данных для определения наукометрических показателей является неотъемлемой частью международной публикационной активности и цитируемости автора.

Заключение

Подытоживая нашу работу, отметим, что на качество сочинения и оформления научного труда влияет совокупность многих факторов, таких как уровень образования и кругозора автора, знание языка, обширность междисциплинарных знаний, аналитические и логические способности, авторское искусство, правильность выбранной темы и направления в исследовании, и самое главное – желание получить признание национального и международного научного сообщества.

Хорошая научная статья – это оригинальный научный стиль; органично взаимосвязанная целостность последовательности и смысловой законченности текста не только всей научной работы, но отдельно взятого абзаца; обоснованные факты; аргументированные доказательства и научные положения; цитаты со ссылками на первоисточник (антиплагиат); отсутствие эмоций, неясностей и разночтений; применение книжной/нейтральной лексики и специальной терминологии.

Считаем, что применение вышеприведенных методических рекомендаций для правильного выбора актуальных для публикации тем, техническому и стилистическому соответствию уровня написания, всеобъемлющему логическому раскрытию темы, четких и практических выводов, а также сопутствующее следование этическим правилам издательских домов ведущих журналов мира будут способствовать принятию к публикациям научных работ молодых ученых Узбекистана.

Предложенные методические рекомендации можно аналогично применять не только в области юриспруденции, но и в других сферах науки и образования.

Список литературы:

1. Гулямов С. Развитие законодательства об акционерных обществах в системе корпоративных отношений и проблемы его совершенствования. Авт. дисс. д.ю.н. –Т.: ТГЮИ, 2005. –С.10.
2. Майлз В. Научные базы данных в интернете. Ж: High-Tech Club № 27. 2003 С. 1-2 <https://www.kv.by/archive/index/2003270601.htm>. Дата обращения: 06.11.2020
3. Радаев В.В. Как написать академический текст. Ж: Вопросы образования № 1. Издательство: Национальный исследовательский университет "Высшая школа экономики" (Москва). 2011 С 271-293. https://www.elibrary.ru/download/elibrary_16991738_57963235.pdf. Дата обращения: 05.11.2020
4. Радаев В.В. Как организовать и представить исследовательский проект 79 простых правил. М.: Издательский дом ГУ-ВШЭ, 2001. С. 43. https://www.studmed.ru/view/radaev-vv-kak-organizovat-i-predstavit-issledovatel'skiy-proekt-79-prostykh-pravil_38399c446a8.html#3. Дата обращения: 06.11.2020
5. Субачев Ю.В. Подробный разбор структуры научной статьи IMRAD с рекомендациями. Официальный сайт Компании «Научные переводы» <https://xn--80aegcaa6cbngm5a6c1ci.xn--p1ai/razbor-struktury-statii-imrad/>. Дата обращения: 10.10.2020.
6. Charles R. L. The Id, the Ego, and Equal Protection: Reckoning with Unconscious Discrimination. Volume 38 of the Stanford Law Review. 1987. P. 317-388. <https://scholarspace.manoa.hawaii.edu/bitstream/10125/65975/The%20Id%20The%20Ego.pdf>. Date of access: 22.10.2020
7. Dekking, Michel. A modern introduction to probability and statistics: understanding why and how. 1946–. London: Springer. P. 234–238. https://archive.org/details/modernintroduction00dekk_722. Date of access: 10.08.2020
8. Declan B. "Free journal-ranking tool enters citation market". Nature. 451 (6). 2008. P. 6. <https://www.nature.com/news/2008/080102/full/451006a.html>. Date of access: 10.08.2020

9. Dolinko D., Comment: Intolerable Conditions as a Defense to Prison Escapes? 26 UCLA L. REV. (1979). P. 1126-1182
10. Fletcher G.P. Should Intolerable Prison Conditions Generate a Justification or an Excuse for Escape, 26 UCLA L. REV. (1979). P. 1355-1369.
11. Garfield, Eugene. "The evolution of the Science Citation Index". International Microbiology. 10 (1). 2007. P. 65–69.
<http://garfield.library.upenn.edu/papers/barcelona2007a.pdf>
 f. Date of access: 10.08.2020
12. Journal Citation Reports. transparent, publisher-neutral data and statistics. <https://clarivate.com/webofsciencegroup/solutions/journal-citation-reports/>. Date of access: 10.08.2020
13. Kessler, Contracts of Adhesion. Some Thoughts About Freedom of Contract, 43 COLUM. L. REV. (1943). P. 629-642.
14. Rodell F. Goodbye to Law Reviews. Yale Law School. Virginia law Review. 1936. P. 38-45. https://digitalcommons.law.yale.edu/fss_papers/2762/. Date of access: 12.10.2020
15. Rory C. The robot lawyers are here - and they're winning. 2017. <https://www.bbc.com/news/technology-41829534>. Date of access: 18.10.2020.
16. Salmon, Susie (2016). "Shedding the Uniform: Beyond 'A Uniform System of Citation' to a More Efficient Fit". Marquette Law Review. Milwaukee: Marquette University. P. 763-812.
17. Stone A. Legal Education on the Couch, 85 HARV. L. REV. 392 (1971). <https://www.jstor.org/stable/1339740?seq=1>. Date of access: 01.11.2020.
18. The Thomson Reuters Impact Factor – IP & Science – Thomson Reuters. <http://wokinfo.com>. Date of access: 10.08.2020
19. Warren & Brandeis, The Right To Privacy, Harvard Law Review, Vol. 4, No. 5. (Dec. 15, 1890), pp. 193-220. <https://www.cs.cornell.edu/~shmat/courses/cs5436/warren-brandeis.pdf>. Date of access: 29.10.2020.
20. <https://www.wipo.int/> - официальный сайт всемирной организации интеллектуальной собственности. Дата обращения: 10.10.2020г.
21. <https://ru.wikipedia.org/wiki/IMRAD>
22. <https://engstroy.spbstu.ru/contents> официальный сайт журнала «Magazine of Civil Engineering» Санкт-Петербургского политехнического университета Петра Великого.
23. <https://dic.academic.ru/dic.nsf/business/17072> словарь бизнес-терминов. Академик.ру. 2001.
24. <http://www.library.fa.ru/page.asp?id=376> официальный сайт финансового университета при правительстве Российской Федерации информационный комплекс.
25. <https://papers.ssrn.com/sol3/DisplayPipPublishers.cfm> - список журналов по праву.
26. <https://www.stanfordlawreview.org/submissions/article-submissions>
27. <https://www.antiplagiat.ru/>
28. http://pushkin.institute/science/publikacii/ORCID_instrukciya.pdf - информационно-библиотечный центр ФГБОУ ВО «Гос. ИРЯ им. А.С. Пушкина»
29. <https://webofknowledge.com> - официальный сайт Web of Science
30. <https://scopus.com> - официальный сайт Scopus.
31. <https://www.g2.com/products/westlaw/reviews> - официальный сайт WestLaw.
32. <https://www.lexisnexis.com> - официальный сайт Lexis-Nexis
33. <https://papers.ssrn.com> - официальный сайт ssrn.com

А.Т.Исабаев

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчиси**ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ
МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА ОИД
ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ**

Аннотация. мақолада Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби борасидаги фикр-мулоҳазалар баён этилган. Шунингдек, давлат органларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари масаласи ривожланган давлатлар, жумладан АҚШ, Бук Британия, Италия, Белгия, Болгария, Финландия тажрибаси асосида кўриб чиқиш тўғрисида фикрлар билдирилган.

Таянч сўзлар: жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, Халқ қабулхоналари, оммавий сайёр қабуллар, уйма-уй юриш, секторлар фаолияти. ариза, шикоят, мурожаат, квазисудлов, маъмурий низолар, умумий юрисдикция судлари,

Аннотация. в статье дается отзывы о порядке рассмотрения обращений физических и юридических лиц. Также было предложено рассмотреть опыт обращения физическими и юридическими лиц в государственные органы на основе опыта развитых стран, в том числе США, Великобритании, Италии, Бельгии, Болгарии и Финляндии.

Ключевые слова: обращения физических и юридических лиц, Народные приёмные, заявление, жалоба, обращение, квазиюстиция, административные споры, суды общей юрисдикции,

Annotation: the article provides feedback on the procedure for considering applications from individuals and legal entities. It was also proposed to consider the experience of individuals and legal entities applying to government agencies based on the experience of developed countries, including the USA, Great Britain, Italy, Belgium, Bulgaria and Finland.

Keywords: application of individuals and legal entities, Virtual reception, statement, complaint, appeal, quasi-justice, administrative disputes, courts of general jurisdiction.

Мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш йўналишида изчил ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу борада ҳар қандай мурожаатларни қонун талаблари ва асосларида, унда белгиланган тартиб-қоидаларга кўра кўриб чиқишини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади», деб эътироф этилганлиги, қолаверса, «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилишга ҳақли. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқирилиши шарт»лиги (35-модда) ҳамда «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд

орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш кафолатланганлиги» (44-модда) сингари қоидаларнинг белгилаб қўйилганлиги фикримизнинг бевосита тасдиғидир.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиши ҳамда тадбиркорлик фаолияти имкониятларининг тобора кенгайиши мурожаатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишни тақозо этди. Натижада 2014 йил 3 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Унда қонуннинг амал қилиш ва кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, ҳўжалик процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга ҳамда давлат органларининг, шунингдек, улар таркибий бўлинмаларининг ўзаро ёзишмаларига нисбатан тадбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилди. Шунингдек, қонунда Ўзбекистон Республикаси давлат органларига мурожаатлар жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан берилиши белгилаб қўйилди. Мазкур қонунда мурожаат этиш шакли оғзаки ва ёзма бўлиши билан бирга, электрон шаклда ҳам бўлиши мумкинлиги ҳамда электрон мурожаатларга қўйиладиган талаблар ва улар билан ишлаш тартиби ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикасида 2016 йил 24 сентябрдан бошлаб Бош вазирнинг (ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти) Виртуал қабулхонаси ўз иш фаолиятини бошлади. Бу эса қайд этилган мурожаатларнинг тегишлилиги ва мазмуни бўйича таҳлил қилиш ва натижалари бўйича аниқ чоратадбирларни белгилаш юзасидан мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириб, юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш фаолиятининг долзарблигини янада кучайтирди.

Айни пайтда давлатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга доир олиб борилган ислохотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4904-сонли Фармонининг қабул қилиниши ва шу фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ҳамда жойларда Халқ қабулхоналари ташкил этилиб, янги институтнинг жорий қилиниши билан мамлакатимизда фуқароларнинг давлат органлари, ташкилотлар, шунингдек мансабдор шахсларга мурожаат қилиши билан боғлиқ ҳуқуқларини рўйбга чиқариш ҳамда ҳимоя қилишнинг янги ва мукамал тизими яратилди. Пировард, ушбу йўналишдаги қонунчилик ислохоти Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунини янги таҳрирда чиқишига олиб келди. Ушбу қонунда жисмоний ҳамда юридик шахслар ҳуқуқларининг кафолатларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, уларнинг давлат органларига мурожаат этиш тартибини янада такомиллаштирди.

Қонуннинг энг муҳим янгиллиги мурожаатларни кўриб чиқишдаги бюрократик тўсиқларни йўқ бўлишига

замин яратди. Қонунда анъанавий принциплар билан бир қаторда мурожаатларни ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқиш, мурожаатларга нисбатан талабларнинг бир хиллиги, мурожаатларни кўриб чиқишда бюрократизм ва сансоларликка йўл қўйилмаслиги каби махсус принциплар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Демократик ислохотларни чуқурлаштириш, барқарор ривожланишни таъминлаш-халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратишнинг кафолатидир” номли қилган маърузасида шундай деган эди: “Фуқароларнинг ҳар қандай муаммоларини ҳал этиш давлатимизнинг халққа нисбатан асосий мажбуриятларидан бири эканини унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шунинг учун раҳбарлар мунтазам равишда халқ орасида бўлиб, шахсий қабулхоналар ташкил этишлари, жойлардаги муаммоларни ҳал қилишлари зарур. Бундан кейин жойлардаги раҳбарлар фаолиятига баҳо бериш биринчи навбатда ўз ҳудудидаги аҳоли мурожаатлари сонига қараб, уларнинг амалий ечимига қараб ва халқ ичида юришига қараб белгиланади. Қисқа қилиб айтганда, уларга халқнинг ўзи баҳо беради.”

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга оид хорижий давлатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, аксарият хорижий давлатлар конституцияларида фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи мустахкамланиб қўйилган. Германия, Буюк Британия ва Австралияда фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи давлатнинг парламент ва қонунчилик фаолияти устидан кузатув ва назорат механизми сифатида қаралиб, қонун чиқарувчи ва ижро органлари фаолиятининг алоҳида бир қисми саналади. Шунингдек мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва процедуралари ҳам турлича. Масалан, Испания Конституциясининг 29-моддасида барча испанлар давлат органларига қонунда белгиланган шаклда ва мақсадларда ёзма равишда якка тартибда ва жамоавий мурожаат юбориш ҳуқуқига эгадир деб белгиланган бўлса, Белгия Конституциясининг “Белгияликлар ва уларнинг ҳуқуқлари” деб номланган 28-моддасида ҳар бир кишининг бир ёки бир неча шахс томонидан имзоланган ариза (петиция) билан давлат ҳокимиятига мурожаат қилиш ҳуқуқи белгиланган. Болгария Конституциясининг 45-моддасида фуқароларнинг давлат органларига шикоятлар, таклифлар ва аризалар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Қозғистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тўғрисида”ги қонуни расмий талаб ва жавоб тариқасидаги мурожаат турлари мустахкамлаган. Қонунга мувофиқ расмий талаб - шахснинг шахсий ёки ижтимоий хусусиятига эга ахборотни бериш тўғрисидаги илтимоси, жавоб эса - шахснинг давлат томонидан олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсати, шунингдек ижтимоий хусусиятга эга воқеа ва ҳодисаларга нисбатан ўз муносабатини ифодалаш.

Миллий қонунчиликдан фарқли ўлароқ, Италияда шикоятлар ва уларни кўриб чиқиш билан боғлиқ бошқа ҳаракатларга давлат божи солинади. Бождан озод қилиш ёки унинг миқдорини камайтиришга фақат шикоятни кўриб чиқадиган инстанциянинг асосланганди қарорига биноан йўл қўйилади. Финляндия қонунда маъмурий органга мурожаат қилиш шакли, унинг етказилиши ва рўйхатга

олинишига аниқ талаблар мустахкамланиб қўйилган. Ҳокимият органларига тақдим этиладиган ҳужжатларда ишнинг моҳияти баён қилиниши лозим. Шунингдек, унда аризани жўнатувчининг исми ҳамда ишни ҳал этиш учун зарур бўладиган боғланиш бўйича маълумотлар кўрсатилган бўлиши лозим. Чехия Конституциясига мувофиқ, юридик шахснинг мурожаатида идентификациялаш рақами ҳамда корхона реестри ёхуд ҳар қандай бошқа қонунда белгиланган реестрда рўйхатга олинган манзил кўрсатилган бўлиши лозим. Литвада мурожаатнинг қабул қилинганлиги, мурожаат қабул қилинган сана, шикоятни қабул қилган мансабдор шахс, давлат хизматчиси ёки ходимнинг исми, фамилияси, телефон рақами, шикоятнинг рўйхатга олинган рақами кўрсатиладиган муайян ҳужжат билан тасдиқланади. Шикоятнинг қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат шахсга тақдим этилади ёхуд почта орқали ёки электрон почта орқали юборилади. Айнан шу қонунда давлат ҳокимияти органи илтимоснома ва шикоятларни қабул қилиб олиш учун мазкур органнинг иш куни тугаганидан сўнг ҳафтасига камида қўшимча икки соат белгилашга мажбурлиги тўғрисида норманинг мустахкамланганлиги диққатга сазовордир. Бундай ёндошув, шубҳасиз, ишловчилар ва бошқа банд бўлган мурожаат қилувчи шахслар манфаатини назарда тутди.

Шунингдек хорижий норматив ҳужжатлар шикоятлар берилганда бирор бир идорага қарашлилики белгилашга ҳам катта эътибор қаратади. Англияда шикоятларнинг асосий қисми вазирликлар ва идоралардаги махсус, кўпинча, маъмурий трибуналларда квази судлов тартиб-таомиллари тартибида амал қиладиган коллегиял органлар томонидан кўриб чиқилади. АҚШда, амалдаги қонунчиликка асосан, шикоятлар ҳужжат ёки хатти-ҳаракатлар шикоят қилиш предмети ҳисобланган органга берилади. Шикоятларни вазирликлар ва идоралар доирасида кўриб чиқиш учун шикоятларни кўриб чиқиш бўйича махсус хизматлар ташкил қилинади. Бошқарув органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларига алоқадор шикоятлар АҚШ президенти, конгресс аъзолари номига ёки штатларнинг қонунчилик органларига юборилиши мумкин. Айрим бошқарув органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан америка адабиётларида, одатда, тирбунал деб номланганди махсус органларга шикоят қилиш мумкин. Хитойда мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини бузганли учун мансабдор шахслар нафақат, интизомий ва маъмурий, ҳатто жиноий жавобгарликка тортиладилар. Японияда ўзига хос менталитет туфайли, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар (прокуратуралар, судлар) томонидан назорат қилишга эмас, балки “ички”, ўзига хос яраштирув тартиб-таомилларига эга бўлган маъмурий назоратнинг ўзига афзаллик берилади.

Демак хорижий давлатларда мурожаатлар асосан маъмурий юстиция доирасида кўриб чиқилади.

Хориж мамлакатларида мурожаат муаллифини, жумладан, электрон мурожаат идентификациясини тасдиқлаш тўғрисидаги масала турлича ҳал қилинади. Аксарият мамлакатларнинг қонунчилигида жисмоний шахслар мурожаат қилганда электрон рақамли имзо орқали идентификациялаш бўйича талаблар мавжуд эмас. Масалан, Россия Федерациясининг 2006 йилдаги “Россия Федерацияси фуқароларининг

муурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида” ги Федерал қонунининг 7-моддаси 3-бандига мувофиқ, “давлат органи, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органилари ёки мансабдор шахсларга электрон ҳужжат шаклида келиб тушган муурожаатлар ушбу Федерал қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Муурожаатда фуқаро ўз фамилияси, исми, отасининг исми электрон почта манзилини, башарти жавоб электрон ҳужжат шаклида юборилиши лозим бўлса, почта манзилини ҳам мажбурий тартибда кўрсатади. Фуқаро бундай муурожаатга зарур ҳужжатлар ва материалларни электрон шаклда илова қилишга ёхуд кўрсатилган ҳужжатлар ёки уларнинг нусхаларини ёзма шаклда юборишга ҳақлидир”. Қонунга асосан, электрон ҳужжат шаклида келиб тушган муурожаатга жавоб муурожаатда кўрсатилган электрон почта манзили бўйича юборилади. Муурожаатда муурожаатни юборган фуқаро фамилияси ёки жавоб юборилиши лозим бўладиган почта манзили кўрсатилмаган ҳолларда муурожаатга жавоб берилмайди.

Қирғизистон Республикасининг 2008 йил 26 февралдаги “Фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида” ги қонуни муурожаатларни аризалар, таклифлар ва шикоятларга йўли билан бирга, якка тартибдаги муурожаатларни, яъни бир фуқаронинг муурожаатини ҳамда жамоавий муурожаатни икки ва ундан ортиқ фуқароларнинг муурожаатини, фуқаролар номидан ташкилотларнинг муурожаатларини, шунингдек митинг ва йиғилишларнинг резолюцияларини фарқлайди. Юридик шахсларнинг муурожаатлари қонун билан тартибга солинмайди. Шу билан бирга, қайта муурожаат қилиш таърифига эътибор қаратиш лозим яни “янги далиллар ёки янги очилган ҳолатлар келтирилмаган қайта муурожаатлар кўриб чиқилмайди башарти, улар бўйича текширишнинг туғалланган материаллари мавжуд бўлса ва фуқароларга ушбу қонунда белгиланган тартибда жавоб берилган бўлса. Янги далиллар ёки қайта очилган ҳолатлар ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади”. Амалиётда бундай ҳолат вужудга келиши табиийдир. Фикримизча, ушбу тажрибадан бизнинг қонунчилигимизда фойдаланиш мумкин бўлади.

Хорижда ривожланган яна бир йўналиш - петициялар, яъни жамоавий муурожаатни бериш тартибасидир. Масалан, АҚШда Оқ уй сайтида “онлайн-петициялар” бўлими бўлиб, унда ҳар ким мамлакат Президенти маъмуриятига ўз муурожаатини йўллаши мумкин. Агар петиция бўйича 25 мингдан ортиқ имзо тўпланса, “Оқ уй” фуқароларнинг талабини инобатга олиб, унга расмий жавоб беришга мажбур. Башарти, АҚШда электрон петиция 100 мингдан ортиқ имзо тўпласа, уни мамлакат Президенти кўриб чиқиши шарт. Петиция сайтга киритилиши учун 30 кун ичида 150 та овоз тўплаши лозим ҳисобланади.

Ўзбекистонда жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш бўйича ўзига ҳос янги “Халқ қабулхоналари” андозасини бирор бир хорижий давлат тажрибасида учратмайсиз. Халқ қабулхоналарини биз жаҳонда давлат бошқарувида янги институт сифатида эътироф этсак, муболаға бўлмайди. Айнан Халқ қабулхоналари ўзида бизнинг миллий давлатчилик асосларимизни, миллий урф-одатларимизни, анъаналаримизни ўзида мужассамлаштирган миллий институтдир. Биз бир қатор ривожланган хорижий мамлакатлар (Италия, АҚШ, Чехия, Қирғизистон)нинг фуқаролар

муурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолияти билан танишганимизда муурожаат қилиш учун ҳам давлат божи ундирилишини ёки бўлмаса жамоавий муурожаатни кўриб чиқиш учун маълум бир миқдордаги имзоларни талаб қилиниши, фуқароларнинг муурожаат қилиш учун айнан алоҳида кунларда муурожаатни асословчи қўшимча ҳужжатларни илова қилган ҳолда давлат бошқарув органларига ташриф буюришлари, юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқишда алоҳида тартиб белгиланганлигини кўриш мумкин. Бизнинг ўзбек давлати қонунчилик тизимимиз бундай тартибларни эътироф этмаган ҳолда асосий Қомусимизда белгиланганидек, ҳар бир фуқаро ўзини ёки бошқалар биланми, давлат бошқарув органларига хоҳлаган вақтида муурожаат қилиши, муурожаатларни кўриб чиқиш учун ҳеч қандай бож ундирмаслиги (айрим ҳолатлар, масалан суд, нотариус ва бошқалар ишларидан ташқари), жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари бир хил тартибда кўриб чиқирилиши тамойилига асосланганлиги билан эътиборга лойиқдир. Яна бир муҳим масала- фуқаролар муурожаатларида кўтарилган муаммолар, қўйилган масалалар ва берилган таклифлар Халқ қабулхоналари томонидан, бу масалаларда ҳам мувофиқлаштирувчи ҳам назорат этувчи давлат идораси сифатида, уларни умумлаштириб мунтазам равишда чуқур таҳлил этиб ўз хулосаларини вазирликлар, бошқа давлат органилари ва идораларга улар ўзига тегишли бўлган ишларни, чоратadbirlарни белгилаб амалга ошириш мақсадида етказиб бориш лозим. Муурожаатлар ўз навбатида қуйидаги вазифаларни ҳам қамраб олади: ҳуқуқни муохофаза этиш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, огоҳлантириш, агар у содир этилган бўлса унинг оқибатларини бартараф этиш, бузилган ҳуқуқ ва манфаатларларни тиклаш, ахборот бериш каби ва бошқа функцияларни. Муурожаатлар ҳокимият вакиллари учун ҳам қимматли манбаа бўлиб шахс билан давлат ўртасида муҳим восита сифатида турли шаклда давлат органи қарор қабул қилганда фуқаронинг иштирокини таъминлаш мумкин ҳамда тийиб туриш функциясини бажариб ҳар бир давлат вакилининг ҳуқуқий мезонга қайтариш ҳусусиятига эга. Шунинг учун ҳам муурожаатлар билан ишлар ҳақида маълумотлар ҳар йил чораги натижалари бўйича Халқ қабулхонанинг махсус порталида ёки ахборот воситалари орқали жамиятга расмий етказиб турилиши лозим деб уйлаймиз. Электрон шаклида фуқаролар ва ташкилотлар муурожаатлари кўриб чиқиш натижаларини эълон қилиш ва булар юзасидан қўлланилган чораларни таҳлил этиш ва мониторинг орқали прогностик функциясини, яни ҳар турдаги қонунчилик соҳаларида ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилишига, ҳуқуқий муносабатларни комплекс равишда ривожлантиришга хизмат қилади. Президентимизнинг муурожаатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги фармонлари ва қарорларига асосан Халқ қабулхоналарига алоҳида эътибор қаратилиб янги ваколатлар берилишини биз у соҳа вакиллари катта масъулият билан қабул қилиб ўз фаолиятимизни янада кенгайтиришни яни Халқ қабулхоналари муурожаатлар билан ишлаш ягона маркази сифатида барча муурожаатлар аввал Халқ қабулхоналарига берилиб, соҳа мутассадилар томонидан ўрганилгандан кейин унинг ечими ижросини у орқали ёки ўз тааллуқлигига асосан аниқланган мутассадиди давлат органи ёки идорасига юборилса

одамлар кўтарилган масалани, муаммоларини ҳал этишда турли идораларга бориб уларни кимлар кўриб чиқишини аниқ билмасдан ориқча ҳаракатларидан озод этади. Бу усул барча мурожаатларга тегишли бўлиб шу жумладан суд, прокуратура, давлат хизматлари агентлиги, Ўзбекистон Президентининг жисмоний ва юридик шахслар низоларини судлардан олдин кўриш (медиация тизими) ҳақидаги янги қарорига асосан ташкил этиладиган апелляция кенгашларига ва бошқа давлат органлари ва жамоат идораларга йўлланган ариза, шикоят ва таклифларни бир ягона давлат органи-Халқ қабулхоналар орқали қабул қилиниб, рўйхатга олиниб ижроси электрон тизим орқали назоратга олиниб кузатилиб борилади. Албатта ҳозирги Халқ қабулхоналарнинг аппарат штатлари билан бу қўшимча фаолиятини амалга ошириш мураккаб масала эканлигини тушунган ҳолда бу ишлар билан ҳозирга қадар шуғулланиб келган ва самарали натижага эришолмаган бошқа органлар функциялари ва штатларини бир қисмини Халқ қабулхоналарига бириктирган ҳолда бу муаммони ижобий ечимини топиш мумкин. Масалан, ҳар бир вилоят, туман, шаҳар адлия бошқармалари ва бўлимлари ходимлари юрис-консультантлик хизматларини Халқ қабулхоналари тизимида ҳам амалга оширишлари ва улар бу жойларда халқимизга кўпроқ фойда келтиришлари мумкин. Бундан ташқари, бошқа органлардаги мурожаатлар билан бевосида ишлаётган ҳодимлар ҳам Халқ қабулхоналари штатларини тўлдиришлари мумкинлиги тўғрисида фикрлар ҳам мавжуд. Хулоса қилиб айтганда, фуқароларнинг арзларига қулоқ тутиш, одамларнинг дардини тинглаш, мурожаатлар билан ишлаш бугун барча соҳада олиб борилаётган ислохотлар натижасига баҳо беришда бош мезонлардан бирига айланиши лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Тошкент:-2016 йил
2. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такосмиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4904-сонли Фармони
4. Скидмор М.Дж., Трипп Маршалл Картер. Америкская система государственного управления. – М.: СП“Квадрат”, 1993.
5. Конституции государств Европейского соза // Под ред. Л. А. Окунькова. – М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА, 1997.
6. Рассмотрение жалоб граждан на действия органов управления и должностных лиц по законодательству зарубежных стран // Обзорная информация законодательства зарубежных стран. – № 2
7. Конституция Республики Болгария // Държавен вестник, бр. 56 от 13 июль 1991 г.(перевод с болгарского канд. юрид. наук Е.Н. Жичева).
8. Рассмотрение жалоб граждан на действия органов управления и должностных лиц по законодательству зарубежных стран // Обзорная информация законодательства зарубежных стран. – № 2
9. Акт об административных процедурах Финляндии 2003 года.

10. Кодекс административных процедур Чехии от 24 июня 2004 года.

11. Рассмотрение жалоб граждан на действия органов управления и должностных лиц по законодательству зарубежных стран //Обзорная информация законодательства зарубежных стран. – № 2 (75).

12. Хаманева Н.Ю. Право жалобы граждан в европейских социалистических странах. – Казань, 1984.

Б.Боймуродов
ТДЮУ катта ўқитувчиси

НОРМА ИЖОДКОРЛИГИДА ФУҚАРОЛАР ИШТИРОКИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: ушбу мақолада норма ижодкорлигида фуқаролар иштирокининг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. Шу асосда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан хулоса ва таклифлари илгари сурилган.

Калит сўзлар: норма ижодкорлигида фуқаролар иштироки, умумхалқ муҳокамаси, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқий экспертиза.

Аннотация: в данной статье анализируются правовые основы участия граждан в нормотворчестве. На основании этого были сделаны выводы и предложения по совершенствованию соответствующих нормативно-правовых актов.

Ключевые слова: участие граждан в нормотворчестве, всенародная обсуждения, нормативно-правовые акты, правовая экспертиза.

Annotation: this article analyzes the legal acts for citizen participation in law-making. On this basis, conclusions and proposals on improving the relevant legal acts were made.

Keywords: citizen participation in the law-making, popular discussion, legal documents, legal expertise.

Қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг самарадорлиги ва сифати мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар муваффақиятининг бирламчи ва муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Бунда норма ижодкорлиги фаолиятининг барча босқичларида юқори сифатни таъминлаш имконини берувчи тизимли ёндашув амалиётини жорий этиш керак бўлади. Сифатсиз қонунлар жамият ва давлат фаровонлигига салбий таъсир кўрсатади, фуқароларнинг ортиқча вақт ҳамда харажатларига сабаб бўлади, давлат бошқаруви жараёнларини янада мураккаблаштиради ҳамда коррупция ҳолатларини келтириб чиқаради. Шунингдек, табиркорлик фаолиятининг ривожланишига тўсқинлик қилади.

Замонавий демократик давлатда, шубҳасиз, ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқишнинг асосий тури ва усуллари бўлган давлат норма ижодкорлиги билан бир қаторда, ҳокимиятнинг асосий манбаи бўлган халқнинг ҳуқуқ ижодкорлиги муҳим ўрин тутди [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони норма ижодкорлиги фаолиятига янги, инновацион ғоялар ва усулларни татбиқ этишни назарда тутувчи, том маънодаги тарихий ҳужжат бўлди.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда узоқ йиллар давомида янги, инновацион усул ва принципларнинг норма ижодкорлиги фаолиятига татбиқ этилмагани, бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотларни тезкор ва самарали ҳуқуқий таъминлай оладиган норматив-ҳуқуқий база шаклланишига ўзига хос тўсиқ бўлди. Хусусан, идоравий ҳужжатларнинг салмоғи ҳаддан зиёд ошиб кетди. 1992 йилда норматив-ҳуқуқий

ҳужжат қабул қилиш ваколатига эга субъектлар 7 тани ташкил этган бўлса, бугунга келиб улар сони 50 тадан ошди. Бу эса, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар кўпроқ идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинишини кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжати халқ иродасини ифода этиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини кўзда тутиши керак. Бунинг учун эса фуқаролар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилингандан кейин эмас, балки улар билан лойиҳалигидаёқ танишиб чиқишлари, унинг мазмуни шакллантирилишида бевосита иштирок этишлари керак бўлади. Албатта, бу борада турли кўринишдаги ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси (regulation.gov.uz), “Mening fikrim” жамоавий мурожаатлар порталларини мисол қилиб келтириш мумкин. Лекин таҳлил қилинаётган ушбу масала аҳамияти жиҳатдан ниҳоятда долзарб ва табиатига кўра мураккаб жараён бўлганлиги сабабли унинг тизимли равишда ишлашга ихтисослашган, аниқ механизмларини амалиётга жорий этиш ва ҳуқуқий асосларини қонунчилик билан белгилаб бериш керак.

Бу борада мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев ўзининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида қуйидаги фикрларни билдириб ўтган эди: “Барчамиз бир ҳақиқатни унутмаслигимиз керак: қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт. Ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан фикр ва таклифларни қуйидан – фуқаролардан, жойлардаги халқ депутатлари Кенгашларидан олиш тартибини кенг жорий этиш зарур. Қонунларни қабул қилиш жараёнида уларни аҳоли ўртасида ҳар томонлама муҳокама қилиш тизимидан самарали фойдаланишимиз керак.

Олий Мажлис раҳбарияти қонунлар муҳокамасига кенг халқ оммасини жалб қилиш, бунинг учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, жумладан, Интернет тармоғида махсус “майдон”лар яратиши зарур[2].”

Кўриниб турибдики, эндиликда норма ижодкорлиги фаолиятига фақат ваколатли субъектлар иши сифатида қаралмаяпти. Норма ижодкорлиги маҳсули бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нафақат давлат органлари ва мансабдор шахслар, балки кенг халқ оммасининг ҳуқуқ ва эркинликларини белгилаб беради, улар иштирокидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Шу сабабдан мазкур жараёнга фуқаролар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кенг жалб этиш табиий зарурият ҳисобланади. Уларнинг иштироки билан қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари сифат жиҳатдан юқорилаб, янада ҳаётий хусусият касб этиб бораверади.

Норма ижодкорлиги жараёнида фуқаролар иштирокининг ҳуқуқий асослари, аввало, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига бориб тақалади. Бош қомусимизнинг 9-моддасида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади мазмунидаги норма белгиланган[3]. Шубҳасиз, ушбу нормани халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидаларидан деб айтишимиз мумкин. Зеро, ўз халқининг иродасини ифода этган давлат ва ҳуқуқина барҳаёт бўлади. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон

Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилинишини бу борадаги катта қадам бўлган деб айтишимиз мумкин. Ушбу қонунда референдум ўтказиш ташаббуси субъектлари сифатида фуқаролар ҳам белгиланган. Қонунга кўра фуқаролар референдум ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни кўрсатишда, референдумга қўйиладиган қонун лойиҳасини ёки ўзга қарор лойиҳасини ишлаб чиқишда, шунингдек масала таърифини (моҳиятининг аниқ ифодасини) белгилашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Президентини билан тенг ҳуқуқларга эга эканлиги баён этилган [4].

Асосий қонунимизнинг 35-модасида эса ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи баён этилган. Гарчи ҳозирги вақтда фуқаролар томонидан давлат органларига қилинаётган мурожаатлар ичида таклифлар асосий ўринда турмасида, ҳуқуқий онг ва маданиятнинг юксалиб бориши натижасида бу кўрсаткичлар ошиши, шубҳасиз. Ушбу конституциявий нормаларнинг мантикий давомини қатор қонунчилик ҳужжатларида учратишимиз мумкин. Хусусан, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра Ўзбекистон Республикасининг қонунлари энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш йўли билан қабул қилинади [5].

Қонундан кўриниб турибдики, юқоридаги ҳар икки ҳолатда ҳам фуқаролар билвосита ёки бевосита қонун ижодкорлиги жараёнида иштирок этади. “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмасида фуқаролар қонунлар лойиҳаларини ёки янги қонун қабул қилиниши, қонунга ўзгартишлар, қўшимчалар киритилиши, шунингдек амалдаги қонунни ёки унинг бир қисmini ўз кучини йўқотган деб топиш зарурлиги тўғрисидаги таклифларни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти кўриб чиқиши учун киритиши мумкин. Бунда фуқаролар томонидан киритилган қонунлар лойиҳаларини ёки таклифларни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти ўзи ишлаб чиқаётган қонунлар лойиҳалари учун асос сифатида қабул қилиши мумкинлиги белгиланган. Шунингдек, қонун лойиҳасини тайёрлаш учун қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан тузилган ишчи гуруҳига фуқаролар ўзларининг хоҳишларига кўра киришлари мумкин. Шу билан бирга, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти фуқароларга шартнома асосида қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича буюртма бериши мумкин [6].

Юқоридагилар билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида”ги Қонуни мавжуд бўлиб, ушбу Қонун қабул қилинганига кўп вақт бўлганлиги сабабли бугунги куннинг шиддатли ўзгаришларидан келиб чиқиб, ундаги ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш зарурияти юзага келган. Чунончи, ушбу қонунда қонун лойиҳаларини интернет тармоғи орқали муҳокамасини ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари белгилаб берилиши керак [7].

Лекин юқорида келтирилган нормалар бу борадаги принципиал жиҳатларни белгилаб берган бўлсада,

уларда асосан фуқароларнинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилишдаги иштирокини белгилаб берган ҳолос. Ваҳоланки, Қонун норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг бир тури бўлиб, ундан ташқари бир қанча қонун ости ҳужжатлари ҳам мавжуд бўлиб, уларда ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек қонуний манфаатларига тегишли бўлган нормаларни кўриш мумкин.

Фуқароларнинг норма ижодкорлиги фаолиятидаги иштироки масаласи мамлакатимизни устувор йўналишлар бўйича 2017 — 2021 йилларда ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясидан ҳам ўрин олди. Шунини таъкидлаш керакки, мазкур ҳужжатнинг ўзи ҳам кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтганидан кейингина қабул қилинди. Стратегиянинг давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш деб номланган устувор йўналишида қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш лозимлиги белгилаб берилди [8].

Ушбу концептуал ҳужжатнинг ижроси юзасидан қабул қилинаётган ҳар йилги Давлат дастурларида норма ижодкорлиги фаолияти бўйича қатор вазифалар белгиланиб, амалиётга татбиқ этиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармонида қонунчилик ва норма ижодкорлигида янгича ёндашувни назарда тутадиган қонунчилик ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқиш белгиланди [9]. Бунинг натижаси ўлароқ 2018 йилнинг 8 август кuni Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси”да норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини ошириш йўналишида қилиниши керак бўлган ишлар қаторида фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, тадбиркорлик субъектлари ва илм-фан вакилларини жалб этиш ишларини самарали ташкил этиш орқали норма ижодкорлиги жараёнига жамоатчилик муҳокамаларининг таъсир даражасини ошириш вазифаси белгиланди [10].

Дарҳақиқат, “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси” норма ижодкорлиги фаолиятида туб бурилишларни белгилаб берди. Эндиликда фуқаролар, ҳўжалик юритувчи субъектлар, давлат органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат устидан шикоят қилиш ва уни бекор қилишни талаб қилиш тартиб-таомилларини аниқлаштириш, маъмурий судларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мазкур жараёндаги ролини белгилаш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш жараёнини аниқлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Фуқароларнинг норма ижодкорлиги фаолиятида кенг иштирок этиши, уларнинг бу каби

иштироки фақат норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш жараёни билан чекланиб қолмасдан, балки уларни бекор қилиш даражасида белгилаб берилаётганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Жорий йилнинг 17 январь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармонида Қонун ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини янги таҳрирда қабул қилиш вазифаси белгиланди. Ушбу Қонуннинг янги таҳририда қонун ҳужжатларини қабул қилиш асоси ва тартибга солиш предмети аниқ белгиланган, бунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор масалалар юзасидан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишни чеклаш, вазирлик ва идоралар томонидан тайёрланган қонун лойиҳаларининг тўғридан-тўғри амал қилувчи қонун талабларига мослиги, нормаларни амалга ошириш механизмларига эга эканлиги нуқтаи-назаридан баҳолаш мажбуриятини Адлия вазирлигига юклаш, қонун ҳужжатлари лойиҳаларини келишиш тартибини такомиллаштириш, тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмига эга бўлмаган қонун лойиҳаларини киритишни тақиқлаш, Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга оширишга қаратилган масалалар назарда тутилмоқда [11].

Юқорида таҳлил этганимиз, норма ижодкорлиги фаолияти, жумладан фуқароларнинг ундаги иштироки тўғрисидаги мавжуд қонунчилик ҳужжатларини ҳамда амалга оширилаётган ислохотлар қувонарли натижалар ҳисоблансада, бироқ соҳада ҳали қилиниши керак бўлган ишлар кўп эканлиги ҳам ҳақиқатдир. Жумладан, 2018 йилги Давлат дастуридан ўрин олган Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасини самарали ташкил этиш тўғрисидаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг қарори қабул қилинмасдан турибди. Ушбу ҳужжатда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қонун лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасини ташкил этиш тартиби, шунингдек қонун лойиҳалари муҳокамасига кенг оммани жалб қилишнинг замонавий усуллари, жумладан ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш назарда тутилмоқда. Умуман олганда, нафақат қонунларнинг, балки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар барча турларининг ишлаб чиқиши, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши жараёнида фуқаролар иштирокининг аниқ ташкилий-ҳуқуқий механизмлари ва уларнинг ҳуқуқий асослари яратилмаганлиги боис норма ижодкорлигидаги мазкур муҳим институт қутилган даражада ишламасдан келаётганлигига олиб келмоқда.

Шу жиҳатдан, фуқароларнинг норма ижодкорлиги фаолиятига кенг жалб қилиш ва уларнинг иштирокини самарали таъминлаш мақсадида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Идоралар ва ҳукумат даражасида ишлаб чиқилаётган ҳамда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аксарияти жамиятнинг турли қатламлари манфаатларига таъсир кўрсатиши боис, уларни ишлаб чиқиш жараёнида муайян ҳужжатни

қўллаш натижасида у ёки бу гуруҳ шахслар учун юзага келиши мумкин бўлган оқибатларини иноватга олиш зарур. Бунда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш босқичида аксарият юзага келиши мумкин бўлган таъсир турларини олдиндан кўриш ва аниқлаш қийинчилик туғдиради. Шу боис, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига алоҳида боб киритилиб, унда барча турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фуқаролар иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари қонун даражасида баён этилиши керак.

2. Маълумки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизаси давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги текширилади. Юқоридагиларга қўшимча тарзда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш мезонларидан бири қилиб ушбу ҳужжат таъсирида фуқароларга нисбатан қандай оқибатлар юзага келиши мумкинлиги фактини белгилаш.

3. Шубҳасиз, фуқароларнинг норма ижодкорлиги фаолиятида фаол ва кенг миқёсда иштирок этиши қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифат жиҳатдан янада такомиллашувининг гарови ҳисобланади. Бироқ, махсус ҳуқуқий билимларга эга бўлмаган фуқароларнинг бу жараёнда иштирокини уларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтирмасдан туриб таъминлаб бўлмайди. Шу жиҳатдан, ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошираётганда, нафақат фуқароларнинг мавжуд ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақида, балки шу қаби ҳуқуқий нормаларнинг қабул қилиниши, ўзгартирилиши ва бекор қилинишида қатнашиш борасидаги ҳуқуқлари ҳақида ҳуқуқий маълумотлар бериш мақсадга мувофиқ. Ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришга қаратилган турли хил оммавий кўрик-танловлар ўтказишда масаланинг шу жиҳатларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Бу қаби ўзгаришлар ҳуқуқий амалиёт учун жуда катта натижалар бериши аниқ. Сабаби бугунги кунда учраб турган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи ҳужжатлар қабул қилинишининг олди олинишига ҳамда бу қаби ҳужжатлар билан боғлиқ низоларнинг камайишига олиб келади. Шу билан бирга, амалдаги ҳар бир қонун ҳужжати халққа яқин бўлиб, амалиётда тўғридан тўғри ишлашига сабаб бўлади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Комиссарова Е.Л. Формы участия граждан в правотворчестве современной России. Вестник Кемеровского государственного университета 2015 № 4 (64) Т.2
2. www.president.uz
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон
4. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон
5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, 10.01.2018

й., 03/18/459/0536-сон; 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон

6. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон

7. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон

8. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 06/18/5308/0610-сон; 25.05.2018 й., 06/18/5447/1269-сон

9. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2018 й., 06/18/5505/1639-сон

10. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.01.2019 й., 06/19/5635/2502-сон, 08.03.2019 й., 06/19/5687/2723-сон, 21.05.2019 й., 06/19/5722/3154-сон

11. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон

Н.Имомов

ТДЮУ кафедра мудири,
юридик фанлар доктори, профессор

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДА ҲОЛАТЛАР (ВАЗИЯТЛАР) ЮЗАСИДАН КАФОЛАТЛАР (WARRANTY)НИНГ ҚУЛЛАНИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: шартнома тузиш босқичида тарафларнинг ҳалол ҳаракат қилишлари, шартнома тузишга ундовчи ва асос бўлувчи маълумотларни тақдим этишда суиистеъмоллик йўл қўйилмаслиги муҳим ўринга эга. Бу аввало фирромлик ва ноинсофлик билан ҳаракат қилиниши чеклаш ҳамда контрагентларнинг шартномавий алоқалар бошланишиданоқ бир-бирларига билан ҳалол муносабатлар ўрнатиши таъминлайди. Амалдаги фуқаролик қонунчилигида белгиланган фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳалол ва оқилона ҳаракат қилишларига оид умумий қоида бугунги ижтимоий муносабатларнинг ривожланиш ва глобаллашув даражасида шартнома тузиш истагида бўлган шахсларни ҳуқуқий муносабатга киришишга ундовчи ва қизиқтирувчи ҳаққоний ва тўғри маълумотларни тўлиқ олиш имкониятини таъминлай олмайди. Шу сабабли шартнома тузишга ундовчи ҳолат (вазият)лар ҳақида маълумот берувчининг ўзи тақдим этган маълумотларнинг тўғри ва ишончлилигиг кафолатловчи механизмларнинг қонунчилик белгиланиши орқали ушбу бўшлиқни бартараф этиш мумкин. Ҳолатлар (вазиятлар) юзасидан кафолатлар (warranty) институти умумий ҳуқуқ оиласига мансуб давлат қонунчилигида кенг амал қилади ва кейинги йилларда мазкур институтни қитъа ҳуқуқ тизимига кирувчи мамлакатлар қонунчилигида ифодалаш анъанаси кузатилмоқда. Бу эса ўз навбатида, варранти (warranty) институти Ўзбекистон фуқаролик қонунчилигида ҳам ифодалаш заруратини кўрсатади.

Калит сўзлар: фуқаролик ҳуқуқи, кредитор, қарздор, шартнома, битим, кафолат, варранти, қонунчилик, инглиз ҳуқуқи

Аннотация: важное значение имеют честные действия сторон на этапе заключения договора и недопущение злоупотреблений при предоставлении информации, которая мотивирует и подкрепляет договор. Это, в первую очередь, ограничивает нечестные и подлые действия и гарантирует, что контрагенты устанавливают честные отношения друг с другом с самого начала договорных отношений. Общее правило справедливого и разумного поведения участников гражданского оборота, установленное действующим гражданским законодательством, не обеспечивает полный доступ к достоверной и правдивой информации, которая побуждает и мотивирует желающих вступить в правоотношения при сегодняшнем уровне развития и глобализации общественных отношений. По этой причине этот пробел может быть восполнен путем принятия законодательства, регулирующее механизм гарантированности точности и надежности информации, предоставляемой стороной об обстоятельствах (ситуациях), которые стимулируют заключение договора. Институт гарантий (warranty) широко применяется в законодательстве государств, относящихся к семье общего права, и в последние годы прослеживается традиция выражения данного

института в законодательстве стран континентальной правовой системы. Это, в свою очередь, указывает на необходимость закрепления института варрант (warranty) в гражданском законодательстве Узбекистана.

Ключевые слова: гражданское право, кредитор, должник, договор, соглашение, гарантия, варрант, законодательство, английское право

Annotation: honest actions of the parties at the stage of concluding the contract and the prevention of abuse when providing information that motivates and supports the contract are important. This primarily limits dishonest and dastardly practices and ensures that counterparties establish honest relationships with each other from the outset of the contractual relationship. For this reason, this gap can be filled by adopting legislation regulating the mechanism for guaranteeing the accuracy and reliability of information provided by a party about the circumstances (situations) that stimulate the conclusion of the contract. The institution of guarantees (warranty) is widely used in the legislation of states related to the family of common law, and in recent years there has been a tradition of expressing this institution in the legislation of countries of the continental legal system. This, in turn, indicates the need to consolidate the institution of warrant (warranty) in the civil legislation of Uzbekistan.

Keywords: civil law, creditor, debtor, contract, agreement, guarantee, warrant, legislation, English law

Инвестиция жозибадорлиги оширишнинг навбатдаги ҳуқуқий механизмларидан бири — бу ҳолатлар (вазиятлар) юзасидан кафолатлардир (warranty). Warranty — одатда бир тарафнинг ўз контрагенти учун шартномавий муносабатларга киришиш учун тақдим этган маълумотларининг ишончлилиги ва ҳаққонийлигига кафолат бериш ҳамда бу маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмаганда жавобгарлигини назарда тутувчи шарт саналади. Шу сабабли warranty билан бирга инглиз ҳуқуқида representation (тасдиқлар, тақдим этилган маълумотлар) ҳам амал қилади ва шартномавий муносабатларни тартибга солишда қўлланилади. Ушбу терминлар XVIII асрнинг иккинчи ярмида, яъни инглиз ҳуқуқида шартномали мажбуриятлар ва деликтлар ўртасидаги фарқни аниқ ифодаланган пайтда вужудга келган [17, - С. 96].

Шу билан бирга ўрта асрлар инглиз ҳуқуқида эътироз (covenant, debt)ларнинг турли шакллари аниқланган бўлиб, улар асосида шартноманинг жабрланувчи тарафи иккинчи тарафни тузилган шартноманинг шартларини бажаришга мажбурлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган [9, 2].

Англия ҳуқуқида шартнома шартлари одатда икки турга бўлинади. Биринчи турга тегишли шартнома учун асосий бўлган шартлар мансуб (шартнома тарафларидан бирининг ундаги шартларни бажармаслиги иккинчи тарафда шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқини вужудга келтиради) бўлса; иккинчи турига — шундай шартлар кирадики, бунда жабрланувчи томон фақат етказилган зарарлар қопланиши талаб қила олади.

Қайд этиш лозимки, Англия ҳуқуқида warranty ва representation институтларининг умумий мақсади мавжуд бўлишга қарамасдан, улар ўртасидаги айрим фарқлар мавжудлиги ҳам кўзга ташланади. Амалий фаолиятда бу қоидаги кўра ушбу шартлар

бузилишининг оқибатлари (шартномани бекор бўлиши эҳтимоли, зарарларни компенсация қилиниши)да намоён бўлади [8]. Ушбу икки ҳолатда зарарни компенсация қилиш услуги маълумотларни берган тараф тақдим этган фактлардан келиб чиқиб фарқланади. Warranty бўйича зарарлар компенсацияси миқдорини аниқлашда контрагентнинг шартнома тузишгача бўлган ҳолати ва шартнома шартлари бузилганидан кейинги ҳолати ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Representation бўйича шартнома шартларининг бузилишида шартнома тузиш факти бўйича зиён ва унинг бузилиш оқибатлари бўйича зиён ўртасидаги фарқ қопланади.

Шунга қарамасдан инглиз ҳуқуқида warranty ва representation ўртасидаги фарқ бугунги кунда de facto сезиларли даражада эмас. Асосан шартноманинг муайян бир турдаги қоидалари representationда ҳам, warrantyда ҳам мавжуд бўлади [4].

Инглиз ҳуқуқ тизимида warranty ва representation қуйидаги йўналишларда [11] қўлланилади:

- шартномага бевосита алоқадор бўлган маълумотларни уларни тақдим этаётган тарафнинг ошкор қилиши;

- warranty ва representation нотўғри бўлган ҳолларда шартнома тузиш доирасида расмийлаштирилган ҳужжатларни de jure бекор қилиш;

- ёлғон warranty ва representation тақдим этилган ҳолларда зарарни компенсация қилиш механизмини таъминлаш.

Умуман олганда, шартнома ҳуқуқи шаклланиши ва ривожланишига 200 йилдан кўп вақт ўтган Англияда фактларни ношартномавий қайд этиш воситаси ҳисобланган representation ва шартномали мажбуриятларда белгиланган warranty ўртасидаги фарқ етарли даражада ўз исботини топган. Англия қонунчилигида warranty ва representation тарафларни шартнома муносабатларга киришга ундовчи муҳим ҳолатлар сифатида қўрилади. Ушбу иккала институт фактлар тўғрисидаги қайд ёки маълумот сифатида эътироф этилади ва шартномавий муносабатлар вужудга келиши учун муҳим саналиши билан бирга, иккинчи тарафни шартнома тузишга ундайди ва бу ундов аниқ фактлар тўғрисидаги маълумотнинг мавжудлиги ёки унинг ҳаққонийлиги ёрдамида амалга оширилади ҳамда етказилган зарарни компенсация қилиш воситасида қувватланади. Маълумотларни тақдим этувчи бу вазиятда шартнома тузишга ундовчи маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун кафолат беради.

Англия ҳуқуқида шаклланган аёнанага мувофиқ representations (таъкидлар, тақдим этилган маълумотларнинг бўйича масъулият) дилект ҳуқуқининг институти саналади. Representation “факт тўғрисидаги таъкидлар — оғзаки ёки конклюдент ҳаракатлар сифатида шахсни муайян ҳаракат қилишга, айниқса шартнома тузишга ундаш усули бўлиб, бир шахснинг иккинчи шахсга қандайдик фактлар мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни бериши саналади” [3]. Ноҳаққоний таъкидлар олинганида ҳимояга бўлган ҳуқуқ қуйидаги учта мезон мос келганда вужудга келади: таъкидлар бошқа тарафда шартнома тузиш истаги шаклланиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлиши; ноҳаққоний таъкидларни тақдим этган тарафнинг ҳаракатларида айбнинг мавжудлиги; жабрланган тараф ҳақиқатда таъкидларга таянган бўлиши [16]. Шу жиҳатдан misrepresentation тақдим этилган таъкидлар ва улар олувчининг шу асосда шартнома тузиш истагининг шаклланганлиги

ўртасидаги сабабий боғланишни англатади. Бундай таъкид шартнома тузиш истагининг ягона ундовчиси бўлиши шарт эмас, таъкиднинг шартнома тузиш бўйича истакка таъсирининг ўзи етарли ҳисобланади[6].

Кафолат (warranty) – бу шартноманинг қисми бўлган нимадир тўғрисидаги аниқ ёки назарда тутилаётган маълумотдир[15]. Агар ўзининг мақсади бўйича таъкид (representation) шартнома тузишга ундаш бўлса ва келгусида юз берадиган ҳодисалар ҳақида эмас, балки шартнома тузиш пайтида мавжуд бўлган ёхуд унчага бўлиб ўтган фактнинг ҳаққонийлигига алоқадор ва шартнома тузилиш пайтида ҳаққоний бўлиши лозим бўлса, кафолатлар (warranty) келгусидаги фактга нисбатан маълумотларни қамраб олади ва шартнома матнига киритилади ҳамда уларнинг бажарилмаслиги исталган бошқа турдаги шартномавий мажбуриятни бажарилмаслиги каби жавобгарликни келтириб чиқаради[17].

Ҳолатлар ҳақидаги маълумотларнинг деликт ёки шартномавий табиатини аниқлашга, биринчи навбатда, бунда ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни бузганлик учун жавобгарликнинг вужудга келиш шarti, шу жумладан, уни берган шахснинг айби таъсир кўрсатади. Таъкиднинг ҳаққоний эмаслигига нисбатан деликт жавобгарлиги қўлланилади. Ҳаққоний бўлмаган таъкидларни беришда айюнинг мавжуд эмаслиги шартноманинг иккинчи тарафида фақат шартнома бекоир қилиш ва реституция (rescission) ҳуқуқини юзага келтиради, зеро етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқи ҳаққоний бўлмаган маълумотларни тақдим этишда айб мавжуд бўлганда юзага келади. Англия ҳуқуқида representationsдан фарқли равишда кафолатлар (warranty)нинг шартномавий туси қарздорнинг ўзи тақдим этган маълумотларнинг ҳаққоний эмаслигини билганлиги ёки билмаганлиги қатъий назарда вужудга келиши билан изоҳланади[15].

Representationsнинг warrantiesдан бир қатор муҳим фарқлари мавжуд. Биринчидан, кафолат (warranty)га нисбатан унинг мавжудлиги презумпцияси амал қилади, айти пайтда misrepresentationдан келиб чиқадиган даъволарда даъвогар зиммасига бошқа тараф унга тақдим этган маълумотлар тўғрисидаги фактларнинг шартнома тузиш учун муҳимлигини исботлаш бурчи ётади. Иккинчидан, кафолатда ифодаланган шартларга қатъий риоя этиш талаб этилса, таъкидлар учун фақат муҳим муносабатларга риоя этишнинг ўзи кифоя қилади. Учунчидан, кафолат шартноманинг шarti ҳисобланади; таъкид эса қоидага кўра фақатгина шартнома тузишга ундан саналади, холос. Тўртинчидан, одатда кафолатлар шартнома матнига киритилади, таъкидлар эса оғзаки бўлиши ҳам мумкин[3].

Шунга қарамайдан амалиётда тарафлар шартнома матнига тегишли ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни “representations and warranties” деган умумий ном билан киритадилар. Инкорпорацияси назариясига кўра representationsни шартнома матнига киритиш унинг warranties мақомига ўтишига сабаб бўлади[16], бинобарин ўзининг моҳиятига кўра таъкидлар (representations) фактлар масаласидир ва тарафлар эрки асосида келишув оқибатида эмас, балки фактик ҳолатлар натижасида вужудга келади. Бироқ амалиётда бундай шартномавий ҳолатлар ҳақида маълумот таъкид сифатида ҳам, кафолат сифатида ҳам талқин этилиши мумкин ва бу суднинг

квалификация қилинишига боғлиқ бўлади. Айти пайтда шундай амалиёт шаклланганки, унга мувофиқ шартномага киритилмаган оғзаки ҳолатлар ҳақидаги маълумот сд томонидан warranties сифатида, яъни шартноманинг бир қисми сифатида талқин этилиши мумкин ва бундай кафолатлар ёндош кафолатлар (collateral warranties) деб юритилади[21].

Амалиётда бундай турли хиллик тарихий сабаблар билан изоҳланади. Лордлар Палатасининг Hedley Byrne & Co Ltd v. Heller & Partners Ltd [1964] AC 465 иши бўйича қарори ва Misrepresentation Act 1967 қабул қилингунига қадар, зарарларни ундириш имконияти фақат ҳаққоний бўлмаган таъкидларни қасддан тақдим этилганда юзага келарди. Қасдни исботлаш кўп ҳолатларда мураккаб бўлганлиги сабабли ҳамда бошқа тарафнинг қасди очиқ кўриниб турмаганлиги боис даъвогар фақат бунинг муқобилини қилиши, яъни исботлаши лозим бўларди. Шу мнсабат билан ҳолатлар ҳақида маълумот бериш шартномага киритилади ва шартнома шarti тусига эга бўладики, бунда шундай маълумотларга ишониб шартнома тузган тараф шартнома жавобгарлик қоидалари бўйича ўзига етказилган зиённи ундириш имкониятига эга бўлади[12].

Бугунги кунда бу кўринишдаги мавжудликнинг мавжудлиги деликт ва шартномавий жавобгарлик учун зарарларни ҳисоблаш қоидаларининг турличалиги билан изоҳланадики, бунинг оқибатида ҳолатлар бўйича маълумот беришни таъкидлар ёки кафолатлар сифатида тан олиш зарар миқдорининг ўзгариши олиб келиши мумкин ва судлар аниқ иш бўйича ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни тақдим этишни малакалашда адолат мезонига таянадилар[21].

Шу жиҳатдан суд амалиётида таъкидларни деликт ҳуқуқи ва кафолатларни шартнома мажбурияти институти сифатида ажратишга нисбаан ягона ёндашув мавжуд эмаски, бу ҳолат даъвогарга даъвони турини танлаш имконини беради. Таъкидлар ва кафолатларни ажратишнинг бош мезони сифатида тарафларнинг ҳолатлар бўйича маълумотларни тақдим этишга шартнома шarti кучини беришга бўлган ниятини объектив ўрнатиш хизмат қилади[12]. Тарафларнинг ниятини аниқлашда судлар кўплаб омилларни ҳисобга оладиларки, улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: ҳолатлар бўйича маълумотларни тақдим этилганлиги ва шартнома тузилиши ўртасида ўтган вақт (узок вақт оралигининг мавжудлиги representationни англатади); ҳолатлар ҳақида тақдим этилган маълумотларнинг муҳимлиги (муҳим маълумотлар катта эҳтимол билан тарафлар томонидан шартноманинг шarti сифатида кўрилади); агар битим ёзма шаклда тузилган бўлси шартнома матнига киритилганлик (агар ҳолатлар ҳақидаги маълумотлар битим матнига киритилмасдан қолган бўлса, суд буни таъкид сифатида баҳолашга мойил бўладилар); қарздорда махсус билимларнинг мавжудлиги (агар ҳолатлар ҳақида маълумот тақдим этган шахс ушбу маълумотларнинг ҳаққонийлигини кафолатлаш учун мақбул ҳолатда бўлса, судлар буни кафолат деб эътироф этади)[2].

Representations ва warrantiesнинг фарқланиши, шунингдек уларнинг деликт ва шартномавий жавобгарликка тааллуқлилиги фақат назарий масала ҳисобланмайди. Деликт ва шартномавий жавобгарлик турли мақсадларни кўзлайди ва жабрланувчи томонидан ундириши мумкин бўлган зарарларнинг турли миқдорини назарда тутати[22]. Деликт

жавобгарлигининг мақсади салбий манфаатдан ҳимояланиш, яъни даъвогарни унинг ҳуқуқи бузилишидан олдинга ҳолатга қайтариш ҳисобланади; шартномавий жавобгарлик доирасида зарарларни ундириш мақсади – ижобий манфаатни ҳимоялаш, яъни даъвогарни шартнома лозим даражада бажарилганидаги ҳолатга олиб чиқиш саналади. Шу боис misrepresentationдан келиб чиқадиган деликт даъвоси доирасида даъвогар шартномага кириши муносабати билан етказилган зарар суммасини ундириши мумкин, бироқ бунда шартномани бузишдан келиб чиқадиган даъволар бўйича ундириладиган бой берилган фойдани талаб қилишга йўл қўйилмайди[2].

Мутахассисларнинг фикрича, инглиз ҳуқуқи бўйича ҳолатлар ҳақидаги маълумотнинг бир неча турлари ва уларнинг ҳар бири бўйича прецедент амалиёти мавжуд:

- 1) оддий сўз (mere representations);
- 2) оддий фикр (mere opinion);
- 3) мутахассиснинг фикри (expert opinion);
- 4) савдо муболағаси (trade puff);
- 5) “шатак билан” биргаликдаги савдо муболағаси (puffs with a specific promise attached);
- 6) чалғитишлар рўбару қилиш (далилларни сохталаштириш – misrepresentations).

Дастлабки уч турдаги ҳолатлар ҳақидаги маълумотлар шартномага киритилмаса, қолган учта турдагиси шартномада акс этган саналади, гарчи шартнома ёзма тузилиб улар шартнома матнига киритилмаган бўлсада[20,19].

Representationsни ҳуқуқий тартибга солиш статутлар ва умумий ҳуқуқ қоидалари орқали амалга оширилади. Ушбу институтнинг фундаментал жиҳати инглиз ҳуқуқи маълумотларни сохталаштириш учун шартномавий келишувларни ҳисобга олмаган ҳолда деликт жавобгарлиқни қўллаш имкон бериши саналади ва бу Фактларни сохталаштириш тўғрисидаги[13] Қонунга (1967 йил) мувофиқ таъминланади. Ушбу қонунга мувофиқ, шартномада фактларни сезиларли даражада қалбакилаштириш, сохталаштириш мавжуд бўлса, шартнома бир томонлама бекор қилиш учун асос бўлади. Одатда инглиз судлари тарафларнинг истаклари, кўзлаган манфаатларига эътибор қаратмайдилар, шу боис шартномани бир томонлама бекор қилиш бир қатор вазиятларда, жумладан тарафларни дастлабки ҳолатга ҳолатга қайтариш мумкин бўлмаганда ёки шартномани бекор қилиш учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келганда, суд етказилган зарарни қоплаш тўғрисида қарор қабул қилади[10].

Англия ҳуқуқи бўйича кафолатлар ўтиб бўлган ёки келгусида юз берадиган ҳолатларга тааллуқли фактларнинг қайд этилиши ифодалайди. Бундан фарқли равишда таъкидлар муайян вақт даврларига боғлиқ бўлмайди ва одатдаги фактларни тасдиқлаш ҳисобланади. Бироқ шартномавий мажбуриятлар бўйича кафолатлар бажарилмаган ҳолларда жабрланувчи тараф зарарни қоплашга ҳақли бўлса, ҳолатлар ҳақида ёлғон маълумотлар берилганда, зарарни қоплаш билан бирга шартномани бекор қилиш ҳуқуқи ҳам юзага келади. Англия ҳуқуқида ёлғон маълумотларни тақдим этиш деликт (tort) ҳисобланади, ўз навбатида, бундай маълумотлар тақдим этилганида, деликтга асосланган даъво берилади ва етказилган зарар ҳам деликт нормалари асосида аниқланади[2].

Кафолатли мажбуриятларнинг бузилиши шартноманинг бузилиши ҳисобланади ва бу вазиятда шартнома мажбуриятларини бажарилмасликка асосланган даъво қўзғатилади[21]. Бу ҳолатда зарар миқдорини аниқлаш ҳолатлар ҳақида ёлғон маълумот беришдан бир қадар фарқланади. Шу жиҳатдан ҳолатлар ҳақида ёлғон маълумот бериган етказилган зарарни аниқлаш ва кафолат бузилганда етказилган зарарни аниқлаш бир-бирдан фарқ қилади.

Россия қонунчилигида “representations and warranties” ўртасида фарқ мавжуд эмас. Қолаверса, Россия шартнома ҳуқуқида деликт тушунчаси мавжуд бўлмаганлиги боис шартномавий муносабатларида “деликт” даъволари ҳам қўлланилмайди. Бироқ РФ ГКнинг 431.2-моддаси томонидан тартибга солинадиган ҳолатлар ҳақида маълумот бериш инглиз шартнома ҳуқуқидаги кафолатлар ва таъкидларнинг элементларига эга ҳисобланади.

Ўз навбатида, ҳолатлар ҳақида маълумотни тақдим этиш ҳозирги, бўлиб ўтган ва келгусида юз берадиган фактларни қайд этишни ифодалаши мумкин. “Шартномани тузиш, уни бажариш ёки бекор қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар ҳақида маълумот бериш” жумласи вақт даврининг чекланмаганлиги билдиради ва бу даврда маълумотлар тақдим этилиши мумкин. Ҳолатлар ҳақида маълумот бериш қоидасининг бузилиши оқибатларига нисбатан Россия қонунчилиги мазкур оқибатларни вужудга келиши учун бошқа асосларни назарда тутадиги, б ҳолатлар аввало умумий ва қитъа ҳуқуқ тизимлари ўртасидаги фарқдан келиб чиқади. ГК РФнинг 413.2-моддасига ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни бузишга оқибатларининг икки турини назарда тутати. Биринчи ҳолатда, агар ҳолатлар ҳақидаги маълумотларнинг бузиш тақдим этилиши жабрланувчи тараф учун муҳим аҳамият касб этмайди ва бунда етказилган зарарни қоплаш ёки неустойкани ундириш талаб қилиниши мумкин[21]. Англия шартнома ҳуқуқидан фарқли равишда Россия қонунчилиги бўйича етказилган зарарни ҳисоблаш усуллари бир хилда бўлади.

Иккинчи ҳолатда, агар ҳолатлар ҳақида нотўғри маълумот тақдим этиш жарбланган тараф учун муҳим аҳамиятга эга бўлса, етказилган зарарни қоплаш ва неустойкани ундириш талаби билан бирга, шартномани бекор қилишни ҳам талаб қилиши мумкин, агар бундай оқибат тарафлар томонидан шартнома тузиш пайтида келишиб олинмаган бўлса[18]. Истисно ҳолатларда эса шартномани ҳақиқий бўлмаган битим сифатида эътироф этиш варианты ҳам мавжудку, бу инглиз ҳуқуқидаги шартнома бекор қилиш (rescission) билан айнийдир. Масалан, кафолатга нисбатан унинг моддийлиги презумпцияси мавжуд ва бу ҳолатда бундай даъволар учун ижобий қарор қабул қилиш учун даъвогар зиммасида уни шартнома тузиш тўғрисида қарор қабул қилишига таъсир кўрсатган таъкидларнинг муҳимлигини исботлаш бурчи ётади. Тақдим этилган кафолатнинг моҳияти кирадиган ҳолатлар, қайд этилган фактларга тўлиқ риоя этилиши етарли бўладиган таъкидлардан фарқли равишда аниқ бажарилмоғи лозим[6].

Кафолат шартномани тузиш шартли ҳисобланса, таъкидлар тарафларни шартномавий муносабатларга киришишга ундаш ролини бажаради. Кафолат, қоидага кўра, шартнома матнига киритилади, таъкид эса оғзаки шаклда ифодаланиши ҳам мумкин[18].

Шунга қарамасдан амалиётда келишаётган тарафлар шартнома матнига ҳолатлар ҳақидаги

маълумотларни ягона “representations and warranties” номи билан киритадилар. Шартнома матнига ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни киритиш назарий жиҳатдан уларга кафолат мақомини бериш учун ўзига хос “кўприкча” вазифасини бажаради, ўзининг моҳиятига кўра ҳолатлар ҳақидаги маълумот фақат фактларни аниқлаштириш шакли саналади ва тарафларни ўзаро келишганлик фактидан эмас, балки шартноманинг фактик шартларидан келиб чиқади[14]. Бундай ҳолатлар ҳақидаги маълумотлар судда бевосита тузилган шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган кафолат сифатида талқин этилиши мумкин.

Товар (иш ёки хизмат) сифатининг шартномадаги талабларга жавоб бермаслигига доир қоидалар фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларининг алоҳида турларида назарда тутилган. Бундан бошқа, шартномани тузишда ҳолатлар (вазиятлар) юзасидан нотўғри маълумотлар тақдим қилишнинг салбий оқибатлари миллий қонунчиликда назарда тутилмаган. Шунга кўра инглиз ҳуқуқининг ҳолатлар (вазиятлар) юзасидан кафолатлар институтининг айрим элементларини миллий қонунчиликка жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Бунда ҳолатлар (вазиятлар) юзасидан кафолатлар берган шахс учун мажбуриятлар ёки бошқа юридик оқибатлар, ҳолатлар (вазиятлар) юзасидан кафолатларда бундай оқибат келиб чиқиши мумкинлиги аниқ кўрсатилган ҳолдагина юзага келади. Шунингдек, ёзма шаклда акс эттирилмаган ҳолатлар (вазиятлар) юзасидан кафолатлар ҳақиқий ҳисобланмайди.

Умумий қоидага кўра, шартномадаги тараф билмаган ёки билиши лозим бўлмаган вазиятда тақдим қилган нотўғри маълумотлари учун жавобгар бўлмайди, бироқ тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда нотўғри маълумотларни тақдим қилган шахс, шартномада бошқа қоидалар белгиланмаган тақдирда, маълумотларнинг нотўғрилигини билмаган ёки билган бўлиши лозимлигидан қатъий назар жавобгар бўлади. Нотўғри маълумотлар юзасидан зарарларни ундириш ҳуқуқи, шартномани алдаш ёки чалғитиш натижасида тузилгани туфайли ҳақиқий эмас деб топиш имконидан маҳрум қилмайди.

Нотўғри маълумотлар олди-сотди шартномасининг предметида доир бўлса (масалан, бегоналаштирилаётган товарнинг сифат кўрсаткичлари, ёки акциялари солди-сотди қилинаётган корпорациянинг кўрсаткичлари) ҳолатлар (вазиятлар) юзасидан кафолатлар бўйича жавобгарлик мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик характерида эга бўлади. Мазкур таҳлиллардан келиб чиқиб, Фуқаролик кодексига “Ҳолатлар (вазиятлар) юзасидан кафолатлар (warranty)” номли моддани киритиш ва уни қуйидаги мазмунда белгилаш мақсадга мувофиқ бўларди.

363-1 модда. Ҳолатлар (вазиятлар) юзасидан кафолатлар (warranty)

Шартномани тузиш, шартнома шартларини бажариш ҳамда уни бекор қилиш учун муҳим бўлган ҳолатлар юзасидан нотўғри маълумот берган шартнома тарафининг маълумотларига ишонган ҳолда шартномани тузган иккинчи тараф, нотўғри маълумотлар тақдим қилиниши юзасидан кўрган зарарлари ёки шартнома бўйича неустойкани талаб қилишга ҳақли, агар:

- ҳолатлар (вазиятлар) юзасидан кафолатлар ёзма шаклда баён қилиниб, кафолатлар берган шахсда мажбуриятлар келиб чиқишига ёки бошқа юридик

оқибатлар келиб чиқишига асос бўлади деб ҳисоблаш учун етарли асос мавжуд бўлса;

- кафолат берган шахс маълумотларнинг нотўғрилигини билган ёки билиши лозим бўлганлиги ҳамда контрагент шартнома тузишда мазкур маълумотларга таянганлиги тасдиқланган тақдирда;

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда нотўғри маълумотларни тақдим қилган шахс, шартномада бошқа қоидалар белгиланмаган тақдирда, маълумотларнинг нотўғрилигини билмаган ёки билган бўлиши лозимлигидан қатъий назар мазкур модданинг биринчи қисмига кўра жавобгар бўлади. Бунда иккинчи тарафнинг тақдим қилинган нотўғри маълумотларга таянган ҳолатда ҳаракат қилгани, нотўғри маълумот тақдим қилган шахсга маълум бўлганлиги фараз қилинади.

Агар шартномада бошқача ҳолат назарда тутилган бўлмаса нотўғри маълумотларга асосланиб ҳаракат қилган тараф иккинчи тарафдан нафақат зарар ёки неустойка ундириш, балки шартномадан воз кечиш ҳуқуқига эга.

Нотўғри маълумотларга асосланиб ҳаракатланаётган тараф, шартномадан воз кечиш ўрнига шартномани ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилишга ҳақли (мазкур модданинг учинчи қисми).

Шартноманинг ҳақиқий эмас деб топилиши мазкур модданинг биринчи ҳамда иккинчи қисмида назарда тутилган оқибатларнинг келиб чиқишига тўсқинлик қилмайди.

Таъкидлаш лозимки, миллий қонунчиликка warrantyга оид қоидаларни киритиш биринчи навбатида, кредиторларнинг, хусусан инвесторларнинг, айниқса хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш ва кафолатлашни таъминлайди. Бунда инвестиция жалб этаётган томондан тақдим этилган ҳолатлар ҳақидаги маълумотлар (warranty) ва таъкидлар (representation)нинг ҳаққоний эмаслиги сабабли инвесторга етказилган зарар қопланиши лозим бўлади. Масалан, инвестиция жалб этиш мақсадида чет эллик инвестор билан музокарлар олиб борган тараф миллий бозорнинг конъюктураси, муайян турдаги товарларга бўлган миллий бозордаги тақлиф, тегишли турдаги ишлаб чиқаришдан кутилаётган даромад хусусида тақдим этилган маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслиги оқибатида инвестор кўрган зарарлари инвестиция жалб қилиш мақсадида чет эллик инвестор билан музокарлар олиб борган тараф томонидан қопланиши лозим бўлади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Beames J. A Translation of Glanville. Washington, 1900. – P. 207.
2. Beatson J., Burrows A., Cartwright J. Anson's Law of Contract. 29th ed. Oxford University Press, 2010. P.
3. Black's Law Dictionary / B.A. Garner (ed.). 9th Deluxe ed. West Pub., 2009. P. 1725.
4. Bourne T. Contractual Representations and Warranties – Why the Difference Matters. URL: <http://www.cripps.co.uk/contractual-representations-warranties-difference-matters/>.
5. Compensation and Deterrence // Commercial Contract Law: Transatlantic Perspectives / eds. by L. A. Di-Matteo, Z. Qi, S. Saintier, K. Rowley. Cambridge, 2013. P. 418.
6. Devenney J. Re-Examining Damages for Fraudulent Misrepresentation: Towards a More Measured Re-

sponse to Compensation and Deterrence // Commercial Contract Law: Transatlantic perspectives / L.A. DiMatteo, Z. Qi, S. Saintier, K. Rowley (eds.). Cambridge University Press, 2013. P. 418.

7. Devenney J. Re-Examining Damages for Fraudulent Misrepresentation: Towards a More Measured Response to

8. Elliott C., Quinn F. Contract Law. Harlow, 2009. P. 331-434

9. Glanvill R. Tractatus de legibus et consuetudinibus regni Angliae. Lib. 10. Cap. 8.

10. Gleb A., Pichikov, Aleksey E. Pechenkin representations, warranties AND indemnities in English law // Английское право и правовая система Республики Казахстан. Материалы международного круглого стола (Алматы, 23 октября 2018 г.) / https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31941058#pos=5;-106

11. Kunej G. W. To the Best of Whose Knowledge // California Business Law Practitioner. 2007. Vol. 22. No. 2. P. 58.

12. McKendrick E. Contract Law: Text, Cases, and Materials. 5th ed. Oxford University Press, 2012. P. 296.

13. Misrepresentations Act of 1967 URL: <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1967/7>

14. Saunders T.W.A Treatise on the Law of Warranties and Representations Upon the Sale of Personal Chattels. L., 2014. P. 87.

15. Thomas William Saunders. A Treatise on the Law of Warranties and Representations Upon the Sale of Personal Chattels. "Law Times" Office, 1874. P. 3.

16. West GD, Lewis WB. Contracting to Avoid Extra-Contractual Liability – Can Your Contractual Deal Ever Really Be the "Entire" Deal? // The Business Lawyer. 2009. V. 64. P. 1008.

17. Будылин С.Л. Деликт или нарушение договора? Заверения и гарантии в России и за рубежом // Вестник экономического правосудия. 2016. – № 3, 4. – С. 96.

18. Дубинчин А.А. Английское контрактное право: практическое пособие для российского юриста: заключение договора. М., 2012. – С. 225-226.

19. Оробинский В.В. Английское контрактное право. Просто о сложном. М., Феникс. 2016. С. 154-165.

20. Сулемейнов М.К. Английское право и правовая система Казахстана // Право и государство. № 3(72) 2016. С. 37-45

21. Томсинов А. В. Заверения об обстоятельствах и возмещение потерь в российском праве в сравнении с representations, warranties и indemnity в праве Англии и США // Вестник экономического правосудия Российской Федерации. 2015. № 11. С. 92.

22. Томсинов А.В. Мера убытков за недостоверные заверения в праве Англии и США // Вестник гражданского права. 2015. – № 5. – С. 105.

О.Х.Нарзуллаев

ТДЮУ профессора в.б.,
юридик фанлари доктори

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШДА ЯНГИ ЭНЕРГИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ЭНЕРГЕТИКА ҲУҚУҚИНИНГ РЕТОСПЕКТИВ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: энергия ишлаб чиқариш инсониятнинг мавжуд бўлиши ва ривожланишининг зарурий воситаси ҳисобланиб, табиат ва атроф табиий муҳитга таъсир кўрсатади. Барқарор ривожланишни таъминлашда энергетика соҳасини юриспруденция нуқтайи назарида ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш муҳим. Бу борада ривожланган мамлакатлардаги тажрибаси ва миллий давлатчилигимизнинг ҳуқуқий аъналарини ўрганиш аҳамиятли ҳисобланади. Янги энергия технологиялари ва энергетика ҳуқуқининг ривожланиши, тадқиқ этилиши, инновацион технологиялар, унинг ҳуқуқий асослари қиёсий таҳлили, илмий асослари ўрганилиши алоҳида аҳамиятлидир.

Калит сўзлар: барқарор ривожланиш, юридик таълим, фан, такомиллаштириш, энергия хартияси, энергия стратегияси, инновация, тенденция, энергетика ҳуқуқи, муқобил энергия, қайта тикланувчи энергия, қуёш энергияси, шамол энергияси, геотерма, ГЭС, биогаз, биомасса, коллайдер, атом энергияси, термаядро, ядровий ёқилғи, биологик хилма-хиллик, биологик ресурслар, халқаро энергетика ҳуқуқи.

Аннотация: производство энергии - необходимое средство существования и развития человека, влияющее на природу и окружающую среду. Изучение и сравнительный анализ энергетического сектора с точки зрения юриспруденции важны для обеспечения устойчивого развития. В этой связи, имеет большое значение изучение опыта зарубежных стран и правовые традиции национальной государственности. Особое значение имеют разработка и исследование новых энергетических технологий и энергетического права, инновационных технологий, сравнительный анализ его правовой основы, изучение научных основ.

Ключевые слова: Устойчивое развитие, юридическое образование, наука, совершенствование, энергетическая хартия, энергетическая стратегия, инновации, тренд, энергетическое право, альтернативная энергия, возобновляемая энергия, солнечная энергия, энергия ветра, геотермальная энергия, гидроэнергетика, биогаз, биомасса, коллайдер, ядерная энергия, термоядерная энергия, ядерное топливо, биоразнообразие, биологические ресурсы, международное энергетическое право.

Annotation: energy production is a necessary means of human existence and development, affecting nature and the natural environment. The study and comparative analysis of the energy sector from the point of view of jurisprudence is important in ensuring sustainable development. In this regard, it is important to study the experience of developed countries and the legal traditions of our national statehood. Of particular importance is the development and research of new energy technologies and energy law, innovative technologies, comparative analysis of its legal basis, the study of scientific foundations.

Key words: sustainable development, legal education, science, improvement, energy charter, energy strategy, innovation, trend, energy law, alternative energy, renewa-

ble energy, solar energy, wind energy, geothermal, hydro-power, biogas, biomass, collider, nuclear energy, thermo-nuclear, nuclear fuel, biodiversity, biological resources, international energy law, ecology, environmental sustainability, ecological security, biological diversity, biological resources, water, flora and fauna, natural resources, genetic engineering.

Дунёда ҳамма нарса энергия.
Ҳамма нарсанинг марказида энергия туради.
Алберт Эйнштейн

Цивилизация тарихида самарали технологияларни жорий этиш алоҳида аҳамиятга эга. XX аср инсониятнинг энергия эҳтиёжи турли шаклларда ўлкан ўсиши билан эътироф этилади. Ушбу тенденция XXI асрда ҳам давом этмоқда. Эътироф этиш лозимки, энергетикалар инсоният цивилизацияси тараққиётини таъминлаш бўйича ўзларининг тарихий вазифасини бажариб келмоқдалар. Шу билан биргаликда энергетикаларнинг жамият, ҳозирги ва келажак авлодлар олдида масъулияти тобора ортиб бормоқда.

Таъкидлаш керакки, мамлакатнинг тараққиёти кўп жиҳатдан мамлакат энергия (табиий) ресурслари билан қанчалик таъминланганлигига чамбарчас боғлиқ. Кўмир, нефть, табиий газ, торф, ўтин, сланец, сув, электр ва ядро энергияси, шамол ва қуёш энергияси энергетика ресурслари ҳисобланади.

Энергия муаммоси кўплаб жиҳатларга эга, улар орасида энг умумий жиҳатлардан бирини таъкидлаш лозим: энергия (кенг маънода) мавжуд бўлган барча нарсаларнинг бошланиши сифатида қараш мумкин. Ҳар бир киши энергия фалсафасини тушуниши керак. Энергия барча соҳаларга кириб боради, бизнинг бутун ҳаётимиз энергия билан боғлиқ. Энергия - бу бажариш қобилияти, маълум бир ишни бажаришдир. Ва, энергия истеъмоли инсон ҳаётининг зарурий шартидир.

Нобел мукофоти совриндори, Фанлар академиясининг академиги П.П.Капитса таъкидлаганидек: “Инсоният келажаги ўзини қандай энергия билан таъминлашига боғлиқ” (1). “Энергия” нима? Бу ҳаммаизга яхши маълумдек бўлиб кўринади, чунки кундалик ҳаётда ва илмий тадқиқотларда “энергия” сўзини ишлатамиз. Биз ҳар доим бу нимани англиштини биламизми? Ва энг муҳими - бу қаердан келиб чиққан. энергетикага тааллуқли барча ижтимоий муносабатларнинг марказида **энергия** туради. “Адабиётларда ҳозирчалик **энергетика** билан **энергия** ўртасидаги фарққа унчалик эътибор берилмайти” (2).

“**Энергия**” - (юнонча *energeia* - ҳаракат (аслида) - қадимги юнон фалсафасининг атамаси, маъноси: 1) ҳаракат, амалга ошириш; 2) фаолият.

Ҳар қандай кўринишдаги материя, хусусан, жисм ёки жисмлар тизимини ташкил этувчи зарралар ҳаракатининг ҳамда бу зарраларнинг ўзаро ва бошқа зарралар билан таъсирларнинг миқдорий ўлчови(3).

“Энергия” тушунчасининг ўзи ҳам мураккаб: “ерг” (эрг) - бу атаманинг иккинчи қисми, аслида ҳаракат (иш) маъносини. Энергия - бу эффект (ҳодиса) ёки табиат ҳодисалари гуруҳи, турли хил моддалар (материаллар) томонидан намойиш этилган (кўрсатилган), шунингдек ҳодисаларнинг ўзи. Илмий адабиётларда ушбу тушунчани Аристотел томонидан киритилганлиги таъкидланган. Тарихий аҳамиятга эга бўлган манбаларда “Энергия” сўзи ҳайратланарли даражада ёш эканлиги, унинг ҳозирги маъноси

тарихини фақат 1800 йилларнинг ўрталарига қадар кузатиб борилганлигини таъкидланган(4).

Демак, **энергетика** – энергиянинг ҳар хил турларини ҳосил қилиш, уларни бир турдан иккинчи турга ўзгартириш, муайян масофага узатиш ва етказиб бериш, улардан барча соҳаларда фойдаланишни ҳамда шулар билан боғлиқ назарий ва амалий муаммоларни ҳал қилишни ўз ичига олган халқ хўжалиги, фан ва техника соҳаси экан. “Энергетикани sanoatнинг алоҳида соҳаси деб қараб, уни энергия билан боғлиқ фаолиятларнинг умумлашган номланиши, деб тушуниш лозим” (5).

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, энергия ва энергетика билан боғлиқ масалада, **табиатнинг энг муҳим асосий** қонуниятларидан бири; унга кўра, ҳар қандай берк тизимда энергия йўқдан бор бўлмайди ва йўқолиб кетмайди, фақат бир турдан иккинчи турга айланиб туришини ҳам эътироф этишимиз лозим.

Барқарор ривожланиш(6) ва экология замонавий иқтисодий ва кўп жиҳатдан сиёсий ҳаёт бизга дунёнинг кўп қиррали соҳаларига энергия таъсирининг этарлича(7) “далилий материаллари”ни, ёрқин мисолларини тақдим этмоқда. “Энергетика сиёсати”, “Энергетика хартияси”, “Энергетика стратегияси”, “Энергия хавфсизлиги”, “Энергетика дипломатияси”, “Энергия (энергия тежамкор) иқтисодиёт” “коллайдер” (8) иборалари нафақат кундалик газеталар ва таниқли журналларнинг саҳифаларида, балки мустақам монографик тадқиқотлар сарлавҳаларига ҳам киритилмоқда. Шунингдек, алоҳида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, фуқаролик соҳасидаги олимларнинг таъкидига кўра, энергия ўзида материянинг муайян хусусиятини – фойдали ишни амалга ошириш, тадбиркорлик ва бошқа фаолият турлари учун шарт – шароит яратиб бериш имкониятини ифодалайди. Энергияни энергия билан таъминловчи ташкилотдан истеъмолчига бериб туриш туташтирилган тармоқ мавжуд бўлгандагина амалга оширилиши мумкин(9).

Экология, энергетика ҳуқуқи соҳаси, халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва миллий қонунчилигимиз(10)да “Энергетика ресурслари” ва “табиий ресурслар” тушунчасига турли хил қарашлар мавжуд, ушбу тушунчалар мураккаб ва ноаниқ, айна пайтда чамбарчас боғлиқдир. “Табиий ресурслар (ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ўзлаштирилган табиат объектлари) (11), Энергия ресурслари - кўмир, газ, нефть ва ядро маҳсулотлари - булар ҳақиқатан ҳам муҳим ресурслардир (улар қаттиқ, суюқ ёки газли бўлиши муҳим эмас). Аммо, бошқа томондан, электр энергияси (шунингдек, иссиқлик энергияси) бундай материални қайта ишлаш (ёқилғи) маҳсулидир. Шунингдек, гидроэлектр станцияларида тўғон ортидаги сувнинг потенциал энергияси тепадан тушиб турбина пичоқларини айлантиради ва электр энергияси механик энергия орқали ҳосил бўлади.

Энергетика ва умуман табиатни муҳофаза қилиш ҳуқуқи тарихида илк ҳуқуқий ҳужжат сифатида XIII асрда қирол Эдуард томонидан қабул қилинган “Лондонда турар жойларни иситиш учун кўмирдан фойдаланишни таъқиқлаш тўғрисида”ги эдикт кўрсатилди. Россияда Петр I нинг “Ўрмонлар, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган(12). Ўзбекистон ҳудудида эса, “Авесто”да муҳим экологик нормалар белгиланган.

Таъкидлаш керакки, “Энергетика ҳуқуқи” фани Россия Федерациясида (2001 йилдан бошлаб) Москва

давлат университетида “Тадбиркорлик ҳуқуқи” кафедраси(ю.ф.н.П.Г.Лахно) (13), Берлин Техника университетида (проф. Ф.Ю.Зеккер), Украина Техника Давлат университетида ўтиб келинади.

Дунёнинг кўпгина университетлари Ҳуқуқ мактабларида “Энергетика ҳуқуқи” предмети талабалар учун анча йиллардан буён ўқитилиб келинмоқда. Баъзи университетларда энергетика ҳуқуқи бўйича магистратура йўналишлари фаолият юритиб келмоқда. Масалан, АҚШнинг Жорж Вашингтон Университети Ҳуқуқ мактаби(14) магистратурасида Экология ва Энергия ҳуқуқи йўналиши 40 йилдан буён фаолият олиб бориб ушбу соҳада етук мутахассисларни тайёрлаб келмоқда. Ушбу йўналиш доирасида “Энергия ҳуқуқи”, “Энергия ва атроф муҳит”, “Табиий ресурслар ҳуқуқи”, “Қаттиқ ва ҳавфли чиқиндилар назорати”, “Нефть ва газ ҳуқуқи”, “Атом энергияси ҳуқуқи” сингари предметлар ўрганилади.

АҚШнинг Вермонт Университети Ҳуқуқ мактаби магистратурасининг Энергия ҳуқуқи йўналишида энергия ва экология ҳуқуқига оид 50 дан ортиқ фанлар ўқитилиб, ушбу соҳада нафақат АҚШ, балки дунёнинг энг илғор Ҳуқуқ мактаблари сирасига киради.

Буюк Британиянинг “Энергетика ҳуқуқи” бўйича энг яхши дастурларга эга бўлган университетларидан Қиролича Мария (Квин Мари) номидаги Лондон Университети Ҳуқуқ мактаби саналади. Ушбу университет Ҳуқуқ мактаби магистратурасининг Энергия ва табиий ресурслар ҳуқуқи йўналиши энг энергия ҳуқуқига оид кўплаб модулларни таклиф қилади. Ушбу модуллар ўқитилишида энергетика бизнеси соҳасида машҳур бўлган Эксон, Бритиш газ, Шелл компаниялари вакиллари ҳам ўз лекциялари билан қатнашадилар.

Доктор Виноградов С.В. Дания университети (Шотландия) энергетика, нефть ва табиий ресурслар бўйича фанлар ўтилган ва бунга 1977 йилда асос солинган. Шу соҳадаги билимларни чуқурлаштирадиган 23та махсус модул фанлари асосида ўтилади. Бу йўналиш бўйича 100дан ортиқ талаба таҳсил олади. Бу соҳада ушбу университетда бир қанча мутахассислар четдан келишади. Жумладан, Осиё, Лотин Америкаси, Африка, жанубий Европа(15), МДҲ ва бошқалар.

Ҳозирда энергетика(энергия)ни, ҳуқуқ объекти сифатида қараш, уни ўрганиш масалаларида мунозарали ҳолатлар мавжуд ва ривожланган давлатларда турли ҳуқуқ соҳаларида ўрганилмоқда. Чунончи, битта ҳолатга эътибор қаратсак, энергияни буюм деб ҳисоблаш мумкин эмас, чунки у материянинг ҳаракатланиш шакллари умуий миқдорий ўлчовидир. Энергияни моддий тушунишни рад этиш мулк режимини ушбу махсус фуқаролик ҳуқуқи объектига татбиқ этишнинг иложи йўқлиги билан белгиланади (Н.Заиченко) (16).

О.Оқюловнинг таъкидлашича, энергия одатдаги моддий неъмат сифатида тушунилиши мумкин эмас. Энергия ўзида моддийлик хусусиятини намоён этиб, ўзида муайян моддийлик ҳолати (ток кучланиши, сувнинг ҳарароти)ни ифода этади. Ушбу хусусиятлар инсонлар фойдали натижаларга эришишини, турли хилдаги техник операцияларни амалга оширишини таъминлаш, ишлаш ва дам олиш учун зарурий шароитларни яратишга хизмат қилади. Энергияни физик хусусиятларидан келиб чиқиб, бошқа товарлар каби омборларда ва махсус идишларда кўп миқдорда тўплаш ва сақлаб туришнинг имкони йўқ. Энергиянинг

фойдали хусусиятлари ундан фойдаланиш, уни истеъмол қилиш жараёнида намоён бўлади. Фойдаланиш натижаси сифатида бажарилган иш ёки амалга оширилган технологик операцияларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Бироқ, бунда энергиянинг ўзи бирор-бир маҳсулот ёки бошқа шаклига айланмайди, балки йўқ бўлиб кетади. Энергиянинг мавжуд бўлганлиги ва ундан фойдаланилганлиги улчов асбобларининг кўрсаткичларида акс этади холос(17).

Хорижий олимлардан Р.Саваттиер шундай ёзади, “юридик жиҳатдан энергия фақат мажбурият шаклида ифода этилиши мумкин. Бу ҳар доим умуий хусусиятлар билан белгиланадиган, фақат уни ишлатиш натижаларида ифодаланадиган ва ўлчов бирлигига мувофиқ сотиладиган нарсасидир. Мажбуриятнинг муҳим жиҳати сифатида, у ҳеч қачон мулк ҳуқуқи объекти бўлиши мумкин эмас.”

С.М.Корнеевнинг фикрича, энергия моддий дунёнинг оддий предмети сифатида қурилмайди, у материянинг маълум ҳолат берилган (ток босими, сув температураси ва бошқалар) ўзига хос хусусиятидир. Энергияни моддий дунёнинг оддий объекти сифатида, танадаги нарса деб ҳисоблаш мумкин эмас; бу модданинг ва материянинг ўзига хос ҳолати (кучланиш, сув ҳарорати ва бошқалар) берилган хусусиятидир. Ушбу хусусият фойдали ишларни бажариш, одамларнинг иши ва дам олишлари учун зарур шароитларни яратишда (ёритиш, шамоллатиш, иситиш ва бошқалар) топилади(18).

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг “Электр энергетикаси тўғрисида”ги қонунида фақат электр энергияси ва энергия “махсус товарлар” эканлиги тўғрисида аниқ маълумот мавжуд. Яъни электр энергияси - бир вақтнинг ўзида ҳосил қилиниши ва истеъмол қилиниши билан тавсифланадиган алоҳида турдаги товар ҳисобланади.

Бироқ, М.М.Агарков ва С.М.Корнеевлар энергия товар эмас деб таъкидлайдилар. Бу ҳуқуқий тартибга солишнинг мустақил объекти. Энергия умуий, коллектив, мавҳум тушунча. Энергия шунчаки мавжуд эмас. Энергия ҳам унинг манбаи ва ташувчисиз мавжуд бўлмайди. Энергиянинг ҳар хил турлари мавжуд: механик, иссиқлик, электр, физик, кимёвий ва бошқа кўплаб турлар. Фақат Фуқаролик Кодекси нуқтаи назаридан қаралмаслиги керак.

Энергия мураккаб, тармоқлараро аҳамиятга эга. Энергия айни пайтда бу моддий ҳодиса (яхши). Табиатда кўплаб энергия турлари мавжуд. Бироқ, бугунги кунда муносабатларни фақат инсон учун фойдали бўлган, одамлар томонидан кундалик ҳаётда ва касбий фаолиятда фойдаланиладиган ёки аксинча тақиқланган энергия турларига нисбатан тартибга солиш мумкин. Энергия шакллари унинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Улар фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солишда маълум хусусиятларни белгилайди (хавфсизлик талаблари, энергетика соҳасини сақлаш, энергияни этказиб бериш (узатиш) тартиби ва усули, унинг сифатини аниқлаш ва бошқалар). Энергиянинг ўзига хос хусусияти бу унинг бир шаклдан иккинчисига ўтиш қобилиятидир, бу ҳам энергетик муносабатларни тартибга солишда тегишли ҳуқуқий хусусиятларни талаб қилади.

Энергиянинг учта асосий тушунчаси мавжуд: улардан бири энергияни ўзига хос товар сифатида кўриб чиқилади; иккинчиси энергия моддий бўлмаган табиатнинг хоссаси. Учинчи олимлар энергияни

ҳуқуқий тартибга солишнинг мустақил объекти сифатида кўриб чиқишни таклиф қилмоқдалар.

Таъкидлаш керакки, энергия соҳасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий аҳамияти аниқлаш учун, аввало, энергетика ҳуқуқининг предметини ташкил этадиган жамоат муносабатлар доирасини белгилаш керак бўлади. Энергетика соҳасидаги жамоат алоқаларини аниқлаш ва бу соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш учун асосдир.

Таъкидлаш керакки, юридик адабиётларда ушбу масала бир неча бор кўтарилган. Энергетика соҳасидаги жамоатчилик билан боғлиқ муносабатлар доирасига юридик адабиётларда келтирилган қараш, яъни умумий ижтимоий муносабатлар “тармоқ” (энергетика) жамоаси билан боғланган.

Ю.О.Жўраев энергетика ҳуқуқи бошқа бошқа ҳуқуқлар (масалан, фуқаролик, меҳнат) сингари учта сифатда намоён бўлиши керак. У: 1) шаклланаётган ҳуқуқ тармоғи, 2) юридик фанлар тури; 3) ўқув курси каби сифатларда намоён бўлади. Энергетика ҳуқуқини юридик фанлар тури ҳамда ўқув курси, деб тўлиқ ишонч билан айтиш учун унинг ҳуқуқ тармоғи сифатидаги ҳолатига эътибор қаратиш лозим. Агар маълум бир ҳуқуқ тармоғи тўлиқ шаклланган ва ривожланаётган ҳуқуқ тармоғи бўлса, унда унинг юридик фани ва ўқув курси сифатида тан олинганлигига ҳеч шубҳа бўлмайди. Ҳуқуқ тармоғи бўлиб шаклланмаган ҳуқуқий институтлар мажмуасини юридик фани тури ҳамда ўқув курси, деб тан олишни шартли равишда амалга ошириш мумкин. Шу боисдан ҳам Энергетика ҳуқуқини алоҳида ўқув дарси сифатида амалиётга жорий этиш катта фойдадан холи эмас (19).

В.Ф. Попондопуло, энергетика ҳуқуқи ва энергетика қонунчилиги масалаларини кўриб чиқиб, энергетик муносабатларни энергия ишлаб чиқариш, узатиш ва истеъмол қилиш, шу жумладан электр энергияси ва унинг бошқа турлари билан боғлиқ муносабатлар сифатида қарайди (20).

В.Ф.Яковлев, П.Г.Ляхно таъкидлашчи, энергетика - бу иқтисодиётнинг бир соҳаси ва ушбу соҳада мавжуд бўлган муносабатлар, шу жумладан, биринчи манбаларни излаш, қидириш, энергияни ишлаб чиқариш, узатиш (ташиш), тақсимлаш ва ишлатиш (истеъмол қилиш) билан боғлиқ бўлган муносабатлар. Энергетика тўғрисидаги қонун ҳужжатлари жорий этилишининг асосини англатади (21). Шунинг таъкидлаш керакки, В.Ф. Яковлев, П.Г.Ляхно, мамлакатнинг ёқилғи-энергетика комплексининг таърифи қазиб олиш (ишлаб чиқариш), қайта ишлаш, ўзгартириш жараёнида бажарадиган функцияларининг бирлигига асосланиб, тегишли энергетика тармоқлари, корхоналари ва ташкилотлари тизими сифатида берилган. Энергия ташувчилар ва энергия ресурсларидан фойдаланиш, сақлаш, ташиш ва тарқатиш, шу жумладан энергия ресурслари билан аҳоли ва мамлакат иқтисодиёти эҳтиёжларини қондириш, халқаро мажбуриятларни бажариш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида энергия иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жараёнлар ҳисобланади (22).

О.А.Городов таъкидлашчи, энергетика ҳуқуқи предмети соҳасининг асосий йўналиши энергетика соҳасида ривожланаётган ижтимоий муносабатлар бўлиб ҳисобланади. Энергия ресурслари, энергия турларини ишлаб чиқариш, узатиш ва фойдаланиш, ушбу турдаги энергияни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда пайдо бўладиган

бошқа муносабатлар, сармоя киритиш, экологик талаблар ва хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ бошқа масалалар (23).

Шундай қилиб, энергетика қонунчилиги нормалари билан тартибга солинадиган муносабатлар доирасини белгилаб, ушбу муносабатлар, хусусан, аъъанавий, муқобил(қайта тикланувчи) энергияга манбалари, энергия ресурсларини қидириш, қазиб олиш, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, этказиб бериш, сақлаш, ташиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни қамраб олади деб айтишимиз мумкин.

Демак, замонавий энергетика ҳуқуқида марказий масала аъъанавий, муқобил(қайта тикланувчи) энергия манбалари билан боғлиқ муносабатларни ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга.

Аъъанавий энергетика соҳасида гап кетганда, Ўзбекистон энергетика тизими Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизимининг ўртасида жойлашиб, бирлашган энергетик тизимнинг асосий бўғини ҳамда регионда электр энергия ва қувват бозорининг илғор (актив) қатнашчиси бўлиб қолган.

Электр ва иссиқлик энергиялари ишлаб чиқарувчи ИЭСларнинг бирламчи энергия ресурсларининг таркибида газ ёқилғисининг улуши -94%, мазут – 2 %, кўмир - 4 % гачани ташкил этади. Яқин келажакда ёқилғи балансида кўмирнинг улуши 11 - 12 % ташкил этади. Ўзбекистонда 20 иссиқлик электр станциялари, 27 гидроэлектр станциялар ишлаб турибди (24).

Ҳисоб-китобларга кўра, сайёрамиз бўйича қора олтин захиралари 55-60 йилга етади. Бу муддат табиий газда 70-75, кўмир бўйича 150-160 йил баҳоланапти. Боз устига, углеводород манбаларини сурункали сарфлаш туфайли атроф-муҳит, аҳоли саломатлигига путур етказилапти, иқлим ўзгариши кузатилиб, озон қатлами емирилмоқда. Мутахассисларнинг аниқлашича, ҳар йили атмосферага 5 млрд. тонна карбонат ангидрид, тахминан 300 млн. тонна углеводород оксиди чиқарилади. Бу йигирманчи асрнинг биринчи ярмидагига нисбатан 3,5 баробар кўп, демакдир (25).

Ўзбекистон янги энергия технологияларни жорий этилиш борасида

Сунги тўрт йилда мамлакатимизда амалга оширилаётган энергияда оқилон фойдаланиш ва ишлаб чиқариш, энергия ва ресурсларни тежовчи янги технологияларни жадал жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиб салмоқли ислохотлар амалга оширилиб ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда (26). Умуман электр энергияси ва энергиядан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар ва унинг ҳуқуқий асосларини яратилиши янги босқични бошлаб берди. 200дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва стандартлар ишлаб чиқилиб ҳаётга жорий этилмоқда. Мутлақо янги махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 21 майдаги “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни (27), Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни (28), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПҚ-4779-сонли “Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2019 йил 22

августдаги ПҚ-4422-сонли “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июлдаги 452-сонли “Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг ва улардан ишлаб чиқариладиган энергиянинг давлат ҳисобини юритиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори(29) қабул қилиниб ҳаётга жорий этилди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар борасида хорижий тажрибага эътибор қаратадиган бўлсак, ҳозирги кунга қадар дунёдаги 50 та давлатда “Муқобил энергия манбалари тўғрисида”ги қонун қабул қилган ва ҳозирда муқобил энергиядан фойдаланиш бўйича муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинган. Халқаро миқёсида Германияда “Муқобил энергия ва энергия тизими тўғрисида”ги қонун(30), Хитойда “Муқобил энергия манбалари тўғрисида”ги қонун(31), Белоруссияда “Муқобил энергия манбалари тўғрисида”ги қонун, Украинада “Муқобил энергия манбалари тўғрисида”ги қонун(32), қўшни бўлган давлатларда Қозғистонда “Муқобил энергиядан фойдаланувчиларни қўллаб қўватлаш тўғрисида”ги қонун, Тожикистонда “Муқобил энергиядан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун, Қирғизистонда “Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида”ги қонунлар мавжуд бўлиб ҳисобланади(33).

Муқобил(қайта тикланувчи) энергия

Қайта тикланувчи энергия – бу атроф-муҳит энергия оқимидан олинган энергия манбаидир. Буларга: Қуёш, шамол, сув ресурслари, геотермал манбалар, саноат ва муниципал, қишлоқ хўжалик чиқиндиларидан олинган биогаз киради.

Қайта тикланувчи энергия салоҳияти. Парник газлари ташламаларини камайтиришнинг муҳим йўналишларидан бири қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўлиши мумкин. Ўзбекистонда қуёш энергиясининг ялпи салоҳияти 51 миллиард тонна нефть эквивалентидан ортиқдир. Ана шу ресурслар ҳисобидан, экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, мамлакатимизда жорий йилда истеъмол қилинадиган электр энергиясидан 40 баробар кўп ҳажмдаги электр энергияси ишлаб чиқариш мумкин. Умуман олганда, Ўзбекистонда ҚТЭМ катта салоҳиятларининг мавжудлиги ушбу секторни муваффақиятли ривожлантиришга хизмат қилади, бу эса тегишли иқтисодий қулай муҳит яратилганда ушбу салоҳиятнинг катта қисмини ўзлаштиришга имкон беради.

Қайта тикланувчи энергетика технологиялари.

Кейинги йилларда қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш бўйича бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Шу билан бир вақтда республика ҳозирнинг ўзида қуйидаги қайта тикланувчи энергетика технологияларини кенг қўллаш имкониятларига эга:

- қуёш сув исситиш панеллари;
- электр энергияси ишлаб чиқариш учун қуёш фотоэлектр тизимлари;
- электр энергияси ишлаб чиқариш учун микрогидроэлектр станциялари;
- электр энергияси ишлаб чиқариш учун шамол генераторлари;
- электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш учун биогаз ускуналари;

- қуёш-шамол гибрид (аралаш) тизимлари.
- геотермал энергиялардан фойдаланиш.

Ўзбекистон дунёнинг энергия мустақиллигига эга давлатларидан биридир. Аҳоли сони ва унинг кўпайиши (йилига 2,3%) жиҳатидан Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчи ўринда туради. Уртача аҳоли зичлиги 1 квадрат километрга 51,4 киши тўғри келади. Республика вилоятларидаги кўпгина қишлоқларда истеъмолчиларга электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш сифати ва ҳажмида муаммолар бор.

Барқарор ривожланиши. Дунёнинг кўпгина давлатларини қамраб олган ўтган асрнинг 70-йилларидаги энергетика инқирози мамлакататимиз учун бекиёс сабоқ бўлди. Бу ёқилғи– энергетика ресурсларининг захиралари тугаб боришини яна бир бор эслатди. Иқтисодиёт барқарор ривожининг “Келажак авлод манфаатларига даҳл қилмасдан, ҳозирги авлод талабларини қондириш”, деган тушунчаси шаклланди.

Газ саноатининг 20- аср ўрталарида ривожланишидаги ютуқлар – газ ва газ конденсатлари конларининг кам ҳаражатлар билан фаол ишга тушириш – энергия ресурсларининг истеъмоли умумий балансида табиий газ ҳиссасининг ортишига олиб келди. Ички бозорда газнинг нархи арзонлиги, катта қўламдаги газлаштириш углеводородлар қазиб олишнинг кескин ортиб кетишига олиб келди.

Қуёш энергияси. Ўзбекистоннинг иқлими ва географик шароити қуёш энергиясидан кенг соноат қўламида электр ва иссиқлик энергияси олиш имкониятини беради.

Қуёш энергияси – бу қайта тикланувчи энергия манбаидир, у амалда ишлатиш нуқтаи назаридан келажак порлоқ, қулай ва фойдаланишда оддий энергия. Ўзбекистонда қуёш энергиясининг ялпи салоҳияти 51 миллиард тонна нефть эквивалентидан ортиқдир.

Ўзбекистонда ҳаво бир йилда 320 кундан зиёд очик бўлиб, мамлакатимиз йил давомида қуёшли кунларнинг кўпчилиги бўйича дунёнинг аксарият минтақаларига нисбатан устунликка эга. Қуёш энергиясидан фойдаланиш уни қўллаш, унинг ресурслари ва оддийлиги нуқтаи-назаридан келажак порлоқ.

Иссиқ сув олиш учун қуёш коллекторидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун, “Энергиядан оқилон фойдаланиш тўғрисида”ги қонун. Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш Қоидалари муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Қуёш энергиясидан амалда фойдаланиш учун Ўзбекистонда яратилган шарт-шароит ва мавжуд имкониятлар мазкур минтақадан бу соҳадаги илғор технологияларни нафақат республикаимизда, балки бутун Ўрта Осиёда тажриба тариқасида жорий этиш майдони сифатида фойдаланишга асос бўлиб хизмат қилади.

Тўпланган тажрибани эътиборга олган ҳолда ва тадқиқотлар ҳамда тажриба-саноат ишланмаларини юқориқроқ техник ва илмий даражада ўтказишни янада давом эттириш, жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон шароитида муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш борасидаги айрим ечимларни амалда қўллаш, шунингдек мазкур соҳа учун замонавий ускуналар ва технологияларни

мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мақсадида, Ўзбекистонда қуёш ва биогаз энергиясидан фойдаланишни янада чуқурроқ ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш учун илмий-экспериментал ва моддий-техника базаси яратилган(34).

Шамол энергияси. Дунёда фойдаланиладиган қайта тикланувчи энергия турларидан бири шамол энергиясидир. Ўзбекистонда шамол энергиясининг ялпи салоҳияти 2,2 млн.т.н.э. деб баҳоланган. Шамол энергиясининг имкониятларига баҳо беришда уни беқарорлиги ва паст тезлиги инобатга олинади. Шунинг таъкидлаш лозимки, шамол тезлиги бир-бирларидан анча узоқда жойлашган Ўзбекистон гидрометеорология станцияларида 10 метргача баландликларда аниқланган. Бу станцияларнинг жойлашиши метеорологик масалаларнинг кўпгина функцияларини бажариш билан белгиланади ва бунда шамол бу масалалардан биридир. Ўзгидромет маълумотларидан замонавий шамол генераторларининг ишлаши учун зарур бўлган 80-100 метргача баландликдаги шамол тезлигини аниқлашда фойдаланиш амалда мумкин эмас. Ўзбекистон ҳудудининг географик ҳолатига кўра, шамол оқимлари мавсумий характерга эга. Текисликларда шамолнинг йиллик ўртача тезлиги 2,0-5,0 м/сек ни ташкил қилади. Баъзи маълумотларга кўра, шамол энергиясининг ялпи салоҳияти 3179,2 минг т.ш.ё. (тонна шартли ёқилғи), техникавий салоҳияти эса 610,5 минг т.ш.ё.га тенг(35).

Ўзбекистондаги ўртача шамол тезлиги шамол генераторларини баланд тоғ ҳудудларига ва Орол денгизига яқин ҳудудларга ўрнатиш имконини беради. Шамол энергияси салоҳиятини аниқлашда шамол тезлигининг ўртача суткалик қийматини эмас, айниқса, ўртача ўн кунлик ёки ойлик ўртача тезлиги қийматини эмас, балки шамол генераторлари ўрнатиладиган аниқ жойда ҳар ойдаги шамол тезлигининг ўзгариш динамикаси ва ой давомидаги барқарор бўлиши ҳақида маълумотларни тўплаш зарур.

Кичик сув оқимлари энергияси. Энергетика ва автоматика институтининг маълумотларига кўра, сув энергиясининг салоҳияти 2,58 млн. т.ш.ё. деб баҳоланади. Шу билан бирга “Ўзбекистон Республикасида ерларнинг чўллашишига қарши курашнинг Миллий ҳаракат дастури” да айтилишича, умумий сув энергияси ресурслари 7445 МВт қувватни ташкил этиб, бир йилда 26,7 млрд.кВт/соат ишлаб чиқарилади. Бу шартли ёқилғи тоннасига ўтирилганда 3,28 млн. т.ш.ё., яни юқоридаги кўрсаткичдан 30% ортқидир.

Кичик ва микро ГЭС лар камқувватли гидроэнергетик қурилмалар ёрдамида сув ресурслари ва гидравлик тизимлар энергиясидан фойдаланиб электр энергияси ишлаб чиқаради. Кейинги ўн йил ичида дунёнинг кўпгина мамлакатларида кичик сув энергетикасига талаб ортиб бормоқда. Кичик ва микро ГЭС ларнинг гидроресурслари турли сув ҳўжаликларидagi табиий шаршаралардан то сув тозалаш иншоотларигача. Ҳозир ичимлик суви қувурларида, шунингдек саноат ва оқова сувларида ҳам электр энергияси олиш мисоллари бор.

Кичик ГЭС лар ёрдамида, унча катта бўлмаган сув оқимларидан ҳам электр энергия олиш мамлакатимизда қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш йўлидаги самарали йўналишдир.

Кичик ГЭС ларни суғориш иншоотларида қуришдаги самарадорлик қурилган тайёр тўғонлар билан белгиланади.

Бу кичик сув оқимларининг салоҳияти устида излашлар олиб борилмаган ва у баҳоланмаган.

Сув ресурсларидан фойдаланишда, аграр соҳадаги корхоналар кичик ГЭС қуришига ҳақлими?

Ўзбекистон Республикасининг “Электр энергетикаси тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасига кўра, ягона электр энергетикаси тизимига уланган иссиқлик электр станциялари, иссиқлик электр марказлари, шунингдек қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланадиган электр станциялари давлат мулки ёки хусусий мулк бўлиши мумкин. Мазкур қонуннинг 12-моддасига кўра, юридик ва жисмоний шахслар ўзи фойдаланиши учун электр энергиясини ҳосил қилиши мумкин.

Биогаз технологиялари. Янги қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурларда энергия ва ресурсларни тежовчи янги технологияларни жадал жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, аҳолининг қайта тикланувчи энергия манбалари ҳақида хабардорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбалари фойдаланиш, фермер хўжаликларида чорвачилик ва паррандачилик чиқиндиларини қайта ишлашни таъминловчи муқобил энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш, фермер хўжаликлари(36)да замонавий технологиялар бўйича қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш, фермер хўжаликлари эҳтиёжлари учун, шу жумладан, иссиқ хоналарни иситиш учун муқобил энергия манбаларига эга бўлиш, хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда қуёш ҳамда биогаз энергиясини ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчиларни рағбатлантириш, уларга солиқ ва божхона имтиёзлари ва афзалликлар бериш билан боғлиқ масалалар ўз аксини топмоқда.

Аграр соҳада биогаздан фойдаланиш, энергияни тежайдиган технологияларни ва энергиянинг муқобил манбаларини жорий этишда, фермер хўжаликлари, кичик ва ўрта қишлоқ хўжалиги корхоналари имкониятини янада яхшилаш, суғоришнинг замонавий усуллари тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Биогаз ҳақида, биогаз деярли арзон экологик ёнилғи ҳисобланиб, чорвачилик, паррандачиликни қаттиқ ва суёқ чиқиндиларидан ҳамда ўсимликлар ва оқар сувларда ҳосил бўладиган қолдиқлардан олинади. Ўз хусусиятлари бўйича биогаз табиий газга яқин. Биогаз табиий газ каби қуйидаги жараёнларда ишатилиши мумкин:

- овқат тайёрлаш;
- электр ва иссиқлик энергия (иссиқ сув ва уй-жойларни иситиш);
- автомобиль ёнилғи сифатида.

Биогаз ишлаб чиқариш жараёни қолдиқлардан юқори сифатли гўнг ҳосил бўлади. Биогазни нафақат моллари, паррандалари кўп бўлган фермер хўжаликларда, балки хусусий хўжаликларда ҳам олиш мумкин.

Агарда бир неча фермалар ва хусусий хўжаликлар бир-бирига яқин жойлашган бўлса, чиқиндиларни қайта ишлаб чиқаришни марказлаштириб ташкил этиш ва олинган биогазни ферма ва хўжаликларга трубопроводлар орқали узатиш иқтисодий фойдалироқ бўлади. Биогаз қурилмаси турғун, доимий ва ишончли ишлаши учун ундан фойдаланувчи эксплуатациянинг хар бир тафсилотини билиши керак. Фақат шу

шартлар бажарилганда, қуйида берилган кафолатларга эришиш мумкин.

Юқорида кўрсатилган янги энергия технологиялари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 21 майдаги “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни(37) алоҳида аҳамиятга эга.

Атом энергияси захиралари битмас-туганмас

Аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган кенг қўлamlи ишлар йилдан-йилга эҳтиёж ортиб бораётган энергия ресурсларини ишончли манбалар билан таъминлашни талаб қилмоқда. Республикаимизда табиий бойликлар уран хом ашёсининг улкан захираси бўла туриб, амалда атом энергетикаси салоҳияти ишга солинмаган. Энергия билан барқарор таъминлаш, энергетика секторини диверсификация қилиш, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш ва ушбу йўналишларга илғор инновацион технологияларни жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июлдаги ПФ-5484-сонли “Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони қабул қилинди(39). Шунингдек, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди(40).

Атом энергетикаси – электроэнергияни атом электростанцияларида (АЭС) ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, бу мақсадда ядровий занжир реакцияси энергиясидан, кўп ҳолларда урандан фойдаланилади. АЭС сони бўйича электрэнергия ишлаб чиқиш бўйича Франция етакчилиги қилади, Францияда 80% электроэнергия айнан АЭСларда ишлаб чиқилади. У шу жумладан, Бельгия, Корея Республикаси ва бошқа қатор давлатларда ҳам қўлланилади. Дунё бўйича АЭСда электроэнергия энг кўп АҚШ, Франция ва Японияда ишлаб чиқилади(41).

АЭСнинг иссиқлик электроэнергетика станцияларидан асосий фарқи унда ядровий ёқилғи ишлатилишида намоён бўлади. Ядровий ёқилғи табиий урандан олинади, у: шахталарда (Франция, Нигер, ЖАР); очик конларда (Австралия, Намибия); ер ости ишқорлашуви йўли билан (АҚШ, Канада, Россия). АЭСда фойдаланиш учун уранни бойитиш талаб қилинади, шу боис уни қайта ишлаб 90%гача қайта ишланади.

Ядровий хавфсизлиқни таъминлаш мақсадида қуйидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган: “Ядро фалокатларининг олдини олиш тўғрисида”ги Декларация (1981), “Ядровий авария тўғрисида зудлик билан хабар бериш тўғрисида”ги Конвенция (Вена, 1986), “Ядровий хавфсизлик тўғрисида”ги Конвенция (Вена, 1994), “Ядровий материалларни жисмоний ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конвенция (Вена, 1979), “Ядровий зарар учун фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисида”ги Вена конвенцияси(42), Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 апрел “Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартномани (Семипалатинск, 2006 йил 8 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Европа Иттифоқи билан Европа Атом Энергияси Ҳамжамияти ўртасида Ўзбекистон Республикасида Европа Иттифоқи делегациясини

таъсис этиш, унинг имтиёзлари ва имунитетлари тўғрисида Битим (Брюссель, 2011 йил 24 январь) ва б.қ.

Ҳозирги пайтда “Ўзатом” агентлигининг ташкилотчилик ва мувофиқлаштирувчи роли ёрдамида Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида ҳудудда атом электрстанциясини қуриш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги Битим тайёрланиб, ушбу ҳужжат Москва шаҳрида 2018 йил 7 сентябрида имзоланди. Ушбу ҳужжат билан Ўзбекистонда ВВЭР-1200 сув-сувли энергетик реакторлар асосида иккита энергоблочки “3+” авлодга мансуб, қуввати 2400 МВт га тенг атом электрстанцияси қурилиши кўзда тутилган. Бундай юқори технологияли соҳани ривожлантириш учун ҳамкор танлашда Ўзбекистон унинг атом энергетикаси соҳасидаги кўп йиллик тажрибасини ва дунёдаги етакчилигини ҳисобга олиб, “Росатом” давлат корпорациясини танлади. Дунёнинг 12 мамлакатидан Россия технологиялари бўйича 36 та энергоблок қурилмоқда – бу хорижда қурилаётган энергоблоклар сони бўйича жаҳон соҳасидаги рекорд кўрсаткичдир(43).

Адабиётларда таъкидланишича, атом энергияси захиралари битмас-туганмас, чунки келажақда кўп элементлар атомларидан ҳам энергия олиш имкони топилади. Келажақда энергияга бўлган эҳтиёж термоядро энергиясини ишга солиш йўли билан қондирилади(44). Термоядро реакторининг ишга туширилиши одамзоднинг энергия муаммоларини ҳал этади, энергияга бўлган эҳтиёжни қаноатлантиради.

Хулоса ўрнида, республикаимизнинг барқарор ривожланиши янги энергия технологиялари ва энергетика ҳуқуқининг ривожланиши, тадқиқ этилиши, инновацион технологиялар, унинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш ишларини юқори даражага кўтарди. Энергия билан барқарор таъминлаш, ундан фойдаланиш ва ушбу йўналишларга илғор инновацион технологияларни жорий этиш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Лахно П.Г. Энергетическое право России и Германии: сравнительно-правовое исследование. «Юрист». М., 2011. С.10
2. Жўраев Й.О. Энергетика ҳуқуқининг шаклланиши: назарий ва ҳуқуқий муаммолар Энергетика қонунчилигини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари: Илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2015. –7 бет.
3. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. Тошкент. 222 бет.
4. Боданис Д. Биография самого знаменитого уравнения в мире. М., 2009. С. 25.
5. Жўраев Й.О. Энергетика ҳуқуқининг шаклланиши: назарий ва ҳуқуқий муаммолар Энергетика қонунчилигини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари: Илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2015. – 15 бет.
6. Тошбоева Р. Международно-правовой аспект обеспечения доступа к экологической информации и вопросы ее имплементации//Вестник юридических наук, 03/2020, стр.92-99

7. Adrian Bradbrook, Rosemary Lister Energy Law and the Environment. Cambridge University Press. 2006. 37 p.

8. Коллайдер - бу тўқнашган заррачалар тезлатувчиси, уларнинг тўқнашувлари. Коллайдерлар туфайли олимлар материянинг элементар зарраларига юқори кинетик энергия бериб, уларни тўқнашувини ҳосил қилиш учун бир-бирига йўналтирадилар.

9. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси 2 - жилд Т., Baktia press, 2013. 154 б.

10. Файзиёв Ш.Х. Энергетика қонунчилигини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари: Илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2015. – 15 бет.

11. Нурматов М.М. Экология ҳуқуқи умумий қисмидан. Ўқув-усулий қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2011. – 21 б.

12. Новиков Ю.В. Экология, окружающая среда и человек. – М., 2002.

13. Энергетическое право в Институте государства и права РАН. Энергетическое право. 1, 2008 г. 39 – с.

14. The energy policy of the United States. [Policy Options for Promoting Wind Energy Development in California: A Report to the Governor and State Legislature. США](#) в 1978 году, когда президент [Джимми Картер](#) подписал Национальный энергетический закон (National Energy Act) и Закон о регулировании коммунального хозяйства (Public Utilities Regulatory Policy Act). Цель этих законов заключалась в поощрении энергосбережения и развитии новых видов энергетических ресурсов, в том числе возобновляемых источников энергии, таких как ветровая и [солнечная энергия](#).

15. Курбанов Р.А. Основные направления международно-правового сотрудничества ЕС в сфере энергетики // Международное право и международные организации. 2012. N 4. С. 77 - 85.

16. Энергетическое право России и Германии: сравнительно-правовое исследование. Под ред. П.Г.Лахно. «Юрист». М., 2011. С.18

17. Оқюлов О. Энергия таъминоти шартномасининг мазмунини ва шартномавий муносабатларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари. Энергетика қонунчилигини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари: Илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2015. – 10 бет.

18. Лаврик Т. М., Фролов С. А. Правовое регулирование отношений в сфере энергетики: учебное пособие для студентов, обучающихся по направлению «Юриспруденция» / Т. М. Лаврик, С. А. Фролов. – Тамбов :Изд-во ФГБОУ ВПО «ТГТУ», 2014. – 7 с.

19. Жўраев Й.О. Энергетика ҳуқуқининг шаклланиши: назарий ва ҳуқуқий муаммолар Энергетика қонунчилигини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари: Илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2015. – 15 бет.

20. Попондопуло В.Ф. Энергетическое право и энергетическое законодательство: общая характеристика, тенденции развития. Энергетика и право. М.: Издательство «Юрист», 2008. С. 205.

21. Энергетическое право России и Германии: сравнительно-правовое исследование / под ред. П.Г. Лахно. М.: Издательская группа «Юрист», 2011. С. 49.

22. Энергетическое право России и Германии:

сравнительно-правовое исследование / под ред. П.Г. Лахно. М.: Издательская группа «Юрист», 2011. С.59.

23. Городов О.А. Введение в энергетическое право: учебное пособие. М.: Проспект, 2012. С. 7, 11.

24. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. Тошкент. 220 бет.

25. Алихонов Б. Муқобил энергия манбалари инновацион тараққиётга хизмат қилади. “Халқ сўзи” газетаси. 2014 й/ 28 май.

26. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йилда парламентга йўллаган Мурожаатномаси таҳлили. [www.senat.uz](#)

27. “Халқ сўзи”, 2019 йил 22 май

28. “Халқ сўзи”, 2019 йил 11 сентябрь.

29. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2020 йил 13 июль, 27-сон, 309-модда

30. Законодательство Германии об «Альтернативной энергии» Обновлено 13.02.2012 05:14 [http://www.selenyikirov.ru/index.php?option=com_content&view=article&id=34&Itemid=67&lang=ru](#)

31. [http://www.metropolgroup.ru/press_center/article.wbp?article_id=df04ae70-f9fc-4657-a45c-89041739e3a2](#)

32. Оригинал на [rada.gov.ua](#)

33. Закон о возобновляемых источниках энергии (Россия и СНГ) [http://sunexperts.ru/zakon-o-vozobnovlaemoy-energetike](#).

34. Narzullaev O. Biological resources-COVID-19. Legal support of biological resources for scientific purposes and biological safety O Narzullaev - Solid State Technology, 2020 .434

35. Нарзуллаев О.Х. Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишда қўлланиладиган технологияларини жорий этишни тартибга солиш чеклови меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг базаси, биогаз қурилмалари, сув иситиш коллекторлари, фотоэлектрик қурилмалар ёрдамида сув чиқариш ва энергия тежовчи суғориш насосларидан фойдаланган ҳолда суғориш тизимини тадбиқ этиш ва уларга сервис хизматини кўрсатиш мисолида. Т., 2016 й. 23 б.

36. Tukhtashev H. Entrepreneurship and Cadastral Activity in the Sphere of Natural Resources: Problems and Development Prospects in the Digital Economy H Tukhtashev International Journal of Psychosocial Rehabilitation 1 (23), 890

37. “Халқ сўзи”, 2019 йил 22 май

38. Отабоев А. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги. Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи энергия манбалари асосида генерацияни ривожлантириш номи тақдироти. Т – 2020. 4 б.

39. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ([www.lex.uz](#)), 2018 йил 20 июль

40. “Халқ сўзи”, 2019 йил 11 сентябрь.

41. Энергетика в России и в мире: проблемы и перспективы. – М.: МАИК «Наука/Интерпериодика», 2001.

42. Константинов А.И. Правовое регулирование охраны окружающей среды в ядерной энергетике России (На атомных станциях): Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2000. – 168 с.

43. [Атом энергетикаси соҳаси.
http://minenergy.uz/uz/lists/view/46](#)

44. Атом энергияси. [https://qomus.info/encyclopedia/cat-a/atom-energiyasi-uz](#)

Г.Ш.Узакова

ТДЮУ Экология ҳуқуқи кафедраси мудири,
юридик фанлари номзоди, доцент**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АҲОЛИ ПУНКТИ
ХУДУДЛАРИНИ ЗОНАЛАШТИРИШГА ОИД
ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ ТАЛАБЛАР**

Аннотация: мақолада Ўзбекистон Республикасида аҳоли пунктларини зоналаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари амалдаги Шаҳарсозлик ва Ер қонунчилиги асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, аҳоли пунктларини зоналаштиришнинг экологик-ҳуқуқий талаблари ривожланган хорижий давлатлар қонунчилиги асосида қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. Муаллиф мазкур мақолада зоналаштириш жараёнини аҳоли пунктларининг турлари ва ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилган, ушбу таҳлил асосида ўзининг мустақил ёндашувини баён қилган, шунингдек келтирилган ҳулосалар асосида амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиққан.

Калит сўзлар: зоналаштириш, аҳоли пункти, атроф муҳит, экологик талаблар, яшил ҳудудлар, антропоген ўзгарган ҳудудлар.

Аннотация: в статье анализируются организационно-правовые вопросы зонирования населенных пунктов Республики Узбекистан на основе действующего градостроительного и земельного законодательства. Также проведен сравнительно-правовой анализ законодательства развитых зарубежных стран в части эколого-правовых требований к зонированию населенных пунктов. В статье автор научно-теоретически анализирует процесс зонирования с учетом типов населенных пунктов и специфики регионов, на основе этого анализа выражает свой самостоятельный подход, а также разрабатывает предложения по совершенствованию действующего законодательства.

Ключевые слова: зонирование, населенные пункты, окружающая среда, экологические требования, зеленые зоны, антропогенно измененные территории.

Annotation: the article analyzes the organizational and legal issues of zoning of settlements in the Republic of Uzbekistan on the basis of current urban planning and land legislation. Also, the ecological and legal requirements for the zoning of settlements are analyzed comparatively on the basis of the legislation of developed foreign countries. In this article, the author scientifically and theoretically analyzes the process of zoning based on the types of settlements and the specifics of the regions, based on this analysis, expressed his independent approach, as well as developed proposals to improve existing legislation.

Keywords: zoning, settlements, environment, environmental requirements, green areas, anthropogenically modified territories.

Бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи кўп жиҳатдан улар яшайдиган ҳудудлардаги экологик талабларга риоя этилиш даражасига боғлиқ. Шу маънода Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги аҳоли пунктларини улардан фойдаланиш

шакли, мақсадига кўра зоналаштиришни назарда тутди. Аҳоли пунктларини зоналаштириш масалалари ер участкаларидан самарали, тўғри фойдаланишни ташкил этишда муҳим омили бўлиб хизмат қилади ва пировардида фуқароларнинг турмуш фаровонлиги ўсишига хизмат қилади. Аҳоли пунктлари ҳудудларини зоналаштириш жараёнида экологик талабларга риоя этилиши айниқса муҳимдир.

Таъкидлаш жоизки, юридик адабиётларда “ҳудудларни экологик зоналаштириш” тушунчасига ягона ёндашув ишлаб чиқилмаган. Хусусан, айрим муаллифлар экологик зоналаштиришни улардан оқилона фойдаланиш ва зарур даражада ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ҳудудлар, сув зоналари, ҳаво бўшлиғи, табиий объектлар ва манбаларнинг чегараларини аниқ ва яққол белгилаш учун қонунда назарда тутилган чора-тадбирлар тизими сифатида белгилайди [1].

О.И. Крассовнинг фикрига кўра, экологик зоналаштириш ер ҳуқуқини чеклаш усулларидан бирини ифодалайди [2]. Шу муносабат билан Н.Н. Мелников ҳам маълум бир зонанинг таркибидаги ер участкаларининг эгаларига, ер участкалари ушбу зоналардан ташқарида жойлашган шахслардан фарқли ўлароқ, ер бўйича турли ҳуқуқ ва мажбуриятлар берилади [3], деб таъкидлайди.

Л.Н. Чолтяннинг ёзишича эса, зоналаштиришнинг моҳияти, қоида тариқасида, ер майдонининг қўшни ҳудудларига қараганда, зона ҳудудида фаолиятга нисбатан қаттиқроқ чекловлар ўрнатишдир [4]. Экологик зоналаштириш натижасида маълум бир ҳудудда техноген ёки табиий омиллар, шу жумладан ландшафт элементлари, сув объектлари ва атмосферанинг ер сирти қатламлари таъсири остида атроф-муҳит объекти ва субъектларининг бузилиши ёки ёмонлашиши ҳолатлари қайд этилиши таъминланади [5].

Юқоридагиларга асосан, бизнинг фикримизча экологик зоналаштириш давлат томонидан табиий муҳитнинг барча таркибий қисмларини ҳимоя қилиш ва муҳофаза қилишни, шунингдек, фуқароларнинг экологик ҳавфсиз яшашга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишни, уларнинг соғлиғи ва фаровонлигига зарар етказишга йўл қўймасликни таъминлашга қаратилган маъмурий, иқтисодий, ҳуқуқий ва экологик хусусиятдаги белгиланган чора-тадбирлар мажмуига асосланган.

Шу нуқтаи назардан экологик зоналаштириш табиий экологик тизимларни ташкил этадиган объектларнинг ҳуқуқий режимини аниқлашга ҳар томонлама ёндашувни амалга оширишга ёрдам беради ва экотизимнинг барча таркибий қисмларини ҳимоя қилиш ва муҳофаза қилиш учун турли хил воситалар ва усуллардан фойдаланишни ўз ичига олади.

Бу борада юридик адабиётларда таъкидлаб ўтилганидек, зоналаштириш, ягона қонуний режимга эга бўлган иштирокчилар учун турли хил ҳуқуқий режимларни ўрнатиш учун ишлатилади [6]. Шуни қўшимча қилиш керакки, ҳуқуқий режимлардаги бу фарқ номуайян шахслар доирасига тааллуқли бўлиб, тақдоран фойдаланиш учун мўлжалланган ҳўжалик ва бошқа фаолиятни тақиқлаш ёки чеклашларни белгилашда намоён бўлади.

Экологик зоналаштириш билан боғлиқ тақиқлар ҳар қандай объектларни, масалан, ёқилғи қуйиш шахобчалари, ёнилғи-мойлаш материаллари

омборлари, хизмат кўрсатиш станциялари, ихтисослашган пестицид ва агрохимёвий омборлар, сувни муҳофаза қилиш зоналари, капитал қурилиш лойиҳаларини ўрмон фонди ерларида жойлаштириш билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Тақиқлар муайян ҳаракатларни амалга ошириш бўйича ўрнатилади, масалан, сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари ва санитария муҳофазаси зоналари, ер ости суви чиқаргичи санитария муҳофазаси зоналари ("Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуннинг 17, 35, 49, 100-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" 2019 йил 11 декабрдаги 981-сон қарори), муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари ва уларнинг қўриқланма зоналари, курорт табиий ҳудудлари ва рекреация зоналари, балиқ хўжалиги зоналари ("Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Қонуннинг 10, 17-моддалари).

Экологик зоналарда ер ҳуқуқига чекловлар ўрнатилишига келсак, улар табиий омиллардан келиб чиқади ва бошқа табиий объектлар билан узвий боғлиқ бўлган табиий объект сифатидаги унинг аҳамияти ер участкасининг ҳуқуқий режимини белгилашда эътиборга олинishi зарур[7].

А.А. Борисовнинг фикрига кўра, экологик зоналаштириш объекти сифатида – муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, шу жумладан миллий ва табиат боғлари кўзда тутилади[8]. Таъкидлаш лозимки, ушбу ёндашув баҳсли бўлиб, аниқлаштиришни талаб қилади. Зеро, табиий объектлар ва мажмуаларни зоналаштириш билан бир қаторда, қонунчилик ҳужжатларида бошқа ҳудудлар, масалан, радиоактив ва кимёвий ифлосланишлар, табиий офатлар ва техноген фалокатларга дучор бўлган ҳудудларда экологик зоналар ташкил этиш имконияти ҳам кўзда тутилган.

Юқоридагиларга асосан экологик зоналаштиришнинг иккита турини кўрсатиш мумкин: 1) табиий объектлар ва мажмуаларни муҳофаза қилишни таъминлайдиган зоналар; 2) экологик жиҳатдан ноҳуш ҳудудларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган зоналар.

Бунда биринчи гуруҳга сувни муҳофаза қилиш зоналари ва қирғоқларни ҳимоя қилиш зоналари, сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари, балиқларни муҳофаза қилиш ва балиқчиликни муҳофаза қилиш зоналари ва бошқаларни киритиш мумкин. Ушбу зоналар турли тоифадаги ерларда ўрнатилиши мумкин. Иккинчи гуруҳга экологик офатлар, фавқулодда экологик вазиятлар, шунингдек сув тошқини ва сув босиши бўлган ҳудудлар киради.

Экологик зоналаштиришнинг турларидан бири табиат боғларини функционал зоналаштириш бўлиб, бу уларнинг чегаралари доирасида функционал зоналарни (қўриқхонага айлантирилган зоналар, рекреация, хўжалик мақсадида ва бошқа тарзда фойдаланиш зоналари) белгилаш орқали махсус муҳофаза қилишнинг табақалаштирилган режимини ташкил этишни ва бундай зоналарнинг мақсадини аниқлашни англатади ("Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Қонуннинг 24, 25-моддалари).

Тадиқотчилар экологик зоналаштиришни амалга оширишда кўпинча табиий ҳудудни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлмаган зоналар аниқланиши

ҳолатлари рўй беришига асосли равишда эътибор қаратмоқдалар[9].

Бунга рекреацион фаолиятни амалга оширишни таъминлаш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, шунингдек, туризм соҳаси объектларини, музейлар ва ахборот марказларини жойлаштириш учун кўзда тутилган ёки чегаралари доирасида табиат боғ ҳудудида яшовчи фуқароларнинг ҳаёт фаолиятини ва табиат боғини бошқарадиган давлат муассасасининг ишлашини таъминлашга қаратилган фаолият кўрсатишга рухсат бериладиган хўжалик мақсадларига мўлжалланган зона рекреацион зонага мисол бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Қонуннинг 24-моддасида табиат боғлари ташкил этилаётганда уларнинг ҳудуди зоналарга бўлиниши, табиат боғларининг ҳудудида қўриқхонага айлантирилган зоналар, рекреация, хўжалик мақсадида ва бошқа тарзда фойдаланиш зоналари ажратиб қўйилиши белгиланган. Шунингдек, унга кўра, аҳолини соғломлаштириш учун шароит бўлган тақдирда табиат боғларида курорт табиий ҳудудлар учун назарда тутилган режимли курорт зоналар ажратиб қўйилади. Табиат боғлари зоналарининг ўлчамлари ва чегараларини ўзгартириш, улар қайси давлат органларининг тасарруфида бўлса, шу органлар томонидан, давлат экология экспертизаси хулосасини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Бундан ташқари, адабиётларда аҳоли пунктлари ерларида экологик зоналарни ўрнатиш, бундай ерларни экологик зоналаштириш принциплари ва усулларини белгилаш бўйича тақлифлар билдирилмоқда[10]. Бир қатор хорижий мамлакатларда экологик зоналарни аниқлаш бўйича ижобий тажриба шаклланган.

Хусусан, Германияда баъзи шаҳарларининг марказий ҳудудларида атроф-муҳитга ифлослантирувчи моддаларнинг чиқарилишини чеклаш талабларига жавоб бермайдиган машиналар кириши учун ёпиқ бўлган экологик зоналар – шаҳар ҳудудлари мавжуд[11]. Бундай тажрибани Ўзбекистон қонунчилигида қўллаш мақсадга мувофиқ бўлиб, аҳоли пунктлари ерлари ҳудудларида бундай экологик зоналарни ташкил этиш тўғрисидаги қоидаларни ер ва шаҳарсозлик қонунчилиги нормаларига киритиш мақсадга мувофиқ.

Бу борада Е.А. Савельева таъкидлаганидек, экологик зоналаштириш институти табиий мувозанатни тиклайдиган ягона ўзаро боғлиқ тизим сифатида табиий муҳитнинг барча таркибий қисмларини ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмининг касб этади[12].

Ҳудудларни зоналаштириш комплекс ҳуқуқий институт, ерларнинг ҳуқуқий режимини аниқлаш усули (ҳуқуқий воситалар мажмуи) ҳамда ҳуқуқий таомил сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Ҳуқуқий воситалар мажмуи сифатида ҳудудларни зоналаштириш бу ердан (қишлоқ ва ўрмон хўжалигида ишлаб чиқариш воситалари ҳамда иқтисодий ва бошқа фаолиятни амалга ошириш учун асос), кўчмас мулкдан (ер участкалари ва бошқа кўчмас мулк, шу жумладан қурилиш объектлари) бир вақтнинг ўзида ерни табиий объект сифатида (табиатнинг энг муҳим таркибий қисми) муҳофаза қилган ҳолда табиий ресурс сифатида фойдаланишга оид муносабатларни тартибга солиш воситасидир.

Ерларнинг ҳуқуқий режимини аниқлаш усули сифатида ҳудудларни зоналаштиришни баҳолаш мезонлари қуйидагилардан иборат: ҳудудни зоналарга бўлиш; қўшимча рухсатномалар ва тасдиқлаш тартибисиз ер эгаларининг (ер участкаларининг мулкдорлари, ердан фойдаланувчилар, ер эгалари ва ер участкалари ижарачилари) танлаш имкониятини мустаҳкамлаш рухсат этилган фойдаланиш турларини белгилаш.

Ҳудудларни зоналаштириш қонун ҳужжатларига асосланган ҳуқуқий таомил сифатида, зоналарнинг алоҳида ҳудудларида ер участкалари ва бошқа кўчмас мулк объектларидан рухсат этилган фойдаланиш турларини белгилашни назарда тутди, уларнинг якуний ҳужжатлаштирилган натижаси ер участкалари ва бошқа кўчмас мулк объектларининг ҳуқуқий режими учун асосни мустаҳкамлайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир.

Зоналаштириш ҳудудни ривожлантиришнинг шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштирилишида шаҳарсозликнинг фойдаланиш турларини ҳамда бу турлардан фойдаланишдаги чеклашларни белгилаб олган ҳолда унинг функционал мақсадга кўра бўлиниши ҳисобланади.

2002 йил 4 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексига мувофиқ, ҳудудларнинг зоналаштирилиши яшаш ва фаолият кўрсатиш учун қулай муҳитни таъминлашга, ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятдаги фавқуллодда вазиятлар таъсиридан муҳофаза қилишга, аҳоли ва ишлаб чиқариш ҳаддан ташқари зич жойлашиши, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олишга, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни, шунингдек маданий мерос объектларини, қишлоқ ҳўжалик ерлари ва ўрмонзорларни муҳофаза қилишга ва улардан фойдаланишга қаратилгандир (41-модда).

Ҳудудларнинг зоналаштирилиши ҳамда ҳудудий зоналарнинг шаҳарсозлик регламентлари тўғрисидаги маълумотлар давлат шаҳарсозлик кадастрида қамраб олинади ҳамда шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштиришнинг бириктирма тарҳларида, Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудини режалаштириш тарҳларида, туманни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳаларида, аҳоли пунктининг бош режасида ҳамда батафсил режалаштириш лойиҳаларида белгиланади (Шаҳарсозлик кодексининг 28, 30, 31, 33, 34 ва 37-моддалари).

Ҳудудларни зоналаштиришда ваколатли органлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда зоналаштириш учун маълум ҳудудни қисмларга бўлиб ажратадилар[13]. Зоналаштириш маълум бир ҳудудни қамраб олган ҳолда уни алоҳида қисмларга – ҳар хил турдаги зоналарга ажратишни назарда тутди. Натижада, ҳудуд турли хил зоналар тўпламини ифодалайди. Шубҳасиз, зоналаштиришнинг ҳуқуқий аҳамияти аслида маълум зоналарни барпо этишда эмас (бу мақсадга эришиш учун воситадир), балки зоналар чегараларида вужудга келадиган муносабатларни муайян ҳуқуқ нормалари доирасида бўлишини таъминлаш ҳамдир[14].

О.В.Шатрованинг фикрича, шаҳарларни зоналаштириш асосан ер участкаларини хусусийлаштириш объекти сифатида индивидуаллаштиришни, шунингдек, ўзлаштирилмаган қурилиш қилинмаган ер участкаларини қандай хусусийлаштиришни белгилайди. Аҳоли пунктида

шаҳарсозлик зоналаштириш мавжуд бўлмаганда, қурилиш қилинмаган ер участкаларини хусусийлаштириш усулини танлашда ҳал қилувчи омил бу ундан рухсат этилган фойдаланишдир[15].

Н.Л.Лисина ҳудудий зоналаштиришнинг ҳуқуқий табиатига тўхталиб, уни амалга ошириш натижасида ер участкаларидан ва уларнинг бошқа кўчмас мулкларидан фойдаланишнинг рухсат берилган турлари аниқланади ва бир томондан, у аҳоли пунктлари ерларидан фойдаланишда шаҳарсозлик режалаштирилиши элементи бўлса, иккинчи томондан, ер участкаларидан аҳоли пунктлари ерларининг таркибида фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш усули бўлиб хизмат қилади, деб ёзади. Муаллифнинг фикрича, ҳудудий зоналаштириш – бу аҳоли пунктининг ҳудудини зоналарга бўлиш ва уларнинг ҳуқуқий режимини шаҳарсозлик ҳужжатлари ва қурилиш қоидаларида белгилаш, шаҳарсозлик соҳасидаги тегишли органларнинг ер участкаларидан фойдаланишни, уларда бино ва иншоотларни ягона комплекс сифатида ташкил этиш ва улардан фойдаланишни келишилган ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган фаолияти[16].

Зоналаштириш муайян зоналар ҳудудларидан шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланишда чеклашлар белгиланишини назарда тутди. Хусусан, Шаҳарсозлик кодексининг 41-моддасида 9 та зоналарнинг ҳудудларидан фойдаланишда чеклашлар назарда тутилган: маданий мерос объектларининг муҳофаза зоналари, қўриқхона зоналарида; муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар зоналарида; санитария зоналарида; муҳофаза зоналарида; санитария-муҳофаза зоналарида; фойдали қазилмалар жойлашган зоналарда; табиий ва техноген хусусиятдаги фавқуллодда вазиятларнинг таъсирига учраган зоналарда; фавқуллодда экологик ҳолатлар ва экологик офат зоналарида; табиий-иқлим шароити экстремал зоналарда.

Ҳудудларнинг функционал мақсади ва улардан фойдаланиш жадаллиги ҳудудлардан фойдаланишдаги мазкур чеклашлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

А.Ю.Александрова қурилиши мўлжалланган аҳоли пунктлари ерларининг ҳуқуқий режими аниқланадиган зоналарни иккита мезонга кўра таснифлайди: зоналарни ажратиш (белгилаш) мақсадлари ва ушбу мақсадларга эришиш йўли бўйича.

Муаллифнинг фикрича, ажратиш (белгилаш) мақсадларига кўра зоналар қуйидагиларга бўлинади: 1) ташкилий-иқтисодий зоналар – ўрнатилишидан асосий мақсад ерларни тоифаларга ажратиш жараёнида аниқланган мумкин бўлган қурилиш турларини аниқлашдан иборат бўлган зоналар; 2) экологик зоналар – ташкил этилишидан асосий мақсад атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш бўлган зоналар.

Зоналарни ажратиш мақсадларига эришиш усулига кўра, қуйидаги зоналарга бўлинади: ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тўлиқ рўйхатини ўрнатадиган “асосий” зоналар; ерлар ва ер участкаларининг амалдаги ҳуқуқий режимига фақатгина қўшимча чекловлар қўядиган “қўшимча” зоналар[17].

Е.С.Бедова мавжуд ҳудудий зоналарнинг турларини қонун ҳужжатларида функционал мақсадларига мувофиқ қуйидагича таснифлашни таклиф этади: ижтимоий йўналишдаги инфратузилма

объектларини (турар-жойлар зоналари, жамоат ва ишбилармонлик зоналари, муҳандислик-транспорт инфратузилмаси зоналари ва бошқалар) жойлаштириш учун мўлжалланган ижтимоий зоналар; ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондирадиган объектларни (ишлаб чиқариш зоналари, қишлоқ хўжалигидан фойдаланиш зоналари ва бошқалар) жойлаштириш мақсадидаги ишлаб чиқариш зоналари; мақсади атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлган экологик зоналар (рекреацион зоналар, алоҳида кўрикландиган ҳудудлар зоналари ва бошқалар); мақсадлари аҳолининг махсус эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган махсус мақсадли зоналар (махсус мақсадли зоналар, ҳарбий объектларни жойлаштириш зоналари ва бошқалар) [18].

Аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуриш жараёнида уларнинг экологик хавфсизлигини таъминлайдиган шаҳарсозликнинг асосий чоратadbирлари аҳоли пунктлари ҳудудларини функционал зоналаштириш ҳисобланади. Шаҳарсозлик зоналаштириш, зоналар шаҳарсозлик фойдаланиш турларини ва улардан фойдаланишни чеклашни белгилаб, аҳоли пунктларини ривожлантириш учун шаҳарсозлик режалаштириш даврида ҳудудларни зоналарга ажратишни назарда тутди.

С.А.Балашенко эса, аҳоли пунктлари чегаралари доирасида (чеккасида) қуйидаги ҳудудий зоналарни ажратишни таклиф қилади: 1) турар-жой зоналари – турар-жой бинолари қуриш учун мўлжалланган, уларга ижтимоий-маданий, маданий мақсаддаги, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, автотранспорт воситаларининг тўхташ жойлари, саноат, коммунал ва омборхоналар ташкил этилиши мумкин бўлган ҳудудлардир, улар учун санитария муҳофаза зоналарини белгилаш талаб этилмайди, уларнинг фаолияти атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатмайди (шовқин, тебраниш, магнит майдонлар, радиация таъсири, тупроқ, ҳаво, сув ифлосланиши ва бошқа зарарли таъсирлар); 2) ижтимоий-ишбилармонлик зоналари – ишбилармонлик, молиявий ва ижтимоий фаолият марказлари, маъмурий ва бошқа бино ва иншоотлар, маданий, ўқув муассасалари, илмий-тадқиқот муассасалари, маданий объектлар, савдо ташкилотлари, умумий овқатланиш жойлари, ни жойлаштириш учун мўлжалланган ҳудудлар, соғлиқни сақлаш, аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш, шунингдек автотураргоҳлар; 3) ишлаб чиқариш зоналари – саноат корхоналари, транспорт, муҳандислик-инфратузилмаси, ушбу корхоналарнинг ишлашини таъминлайдиган коммунал ва омборхоналар объектлари, шу жумладан саноат корхоналари ва уларга хизмат кўрсатадиган объектларнинг санитария-муҳофаза зоналари ҳудудларини жойлаштириш учун мўлжалланган ҳудудлар; 4) транспорт, муҳандислик инфратузилмаси зоналари – транспорт, алоқа ва муҳандислик ускуналари иншоотлари ва коммуникацияларининг жойлашиши ва ишлаши учун мўлжалланган ҳудудлар; 5) дам олиш зоналари – аҳоли дам олиш жойларини ташкил қилиш учун мўлжалланган ҳудудлар, шу жумладан истироҳат боғлари, шаҳар ўрмонлари, ўрмон боғлари, пляжлар ва бошқа дам олиш ва туризм объектлари; 6) қишлоқ-хўжалик зоналари – бош режа ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқ ушбу ҳудудлардан фойдаланиш турини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилингунча, қишлоқ хўжалигини юритиш, мол боқиш ва пичанларни ўриш учун

мўлжалланган устувор қишлоқ хўжалиги объектлари ҳудудлари; 7) махсус мақсадли зоналар – ҳарбий ва бошқа иншоотларни жойлаштиришга мўлжалланган, уларга нисбатан қонун ҳужжатларида махсус режим ва улардан фойдаланиш тартиби белгиланган ҳудудлар ва бошқа ҳудудий зоналар[19].

Шаҳарсозлик кодексига асосан, аҳоли пунктларининг ҳудудларида 9 та турдаги ҳудудий зоналар белгиланиши мумкин: турар жой зоналари; ижтимоий-амалий зоналар; ишлаб чиқариш зоналари; муҳандислик ва транспортга оид инфратузилмалар зоналари; рекреацион зоналар; қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган зоналар; махсус мақсадларга мўлжалланган зоналар; ҳарбий объектлар ва режимли бошқа ҳудудлар зоналари; шаҳар атрофи зоналари.

Аҳоли пунктлари ҳудудий зоналарининг чегаралари қизил чизиқларни, табиий объектларнинг табиий чегараларини, ер участкаларининг чегаралари ва бошқа чегараларни инобатга олган ҳолда белгиланади.

Ҳар бир ҳудудий зона учун шаҳарсозлик регламенти билан белгиланган ҳуқуқий режим унда жойлашган барча ер участкалари, бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларга нисбатан бир хил қўлланилади.

Чегараларида шаҳарсозлик фаолияти алоҳида тартибга солиниши лозим бўлган ҳудудий зоналарда айрим бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг лойиҳалаштирилиши ва қурилишига нисбатан қўшимча талаблар белгиланиши мумкин (Шаҳарсозлик кодексининг 42-моддаси).

Юқоридагилар асосида мақсади ва вазифаларига қараб, зоналаштиришни уч турга бўлиш мумкин:

1) “рухсат этувчи-чекловчи” зоналаштириш – унинг асосий мақсади ажратилган зона чегарасида жойлашган ер участкалари ва бошқа объектлардан фойдаланишнинг мумкин бўлган турларини аниқлаш ҳисобланади. Объектларнинг ишлатилиши мумкин бўлган турларини белгилаш, рухсат этилганлар турлар рўйхатига киритилмаган бошқа фаолият турларини амалга оширишни чеклашга олиб келади. Мазкур зоналаштириш турининг номи, табиий объектлар соҳасида рухсат, одатда, рухсат берилмаган фаолиятни чеклаш билан таққосланишини таъкидлаш учун мўлжалланган[20]. Шаҳарсозлик зоналаштирилиши кўчмас мулкдан фойдаланишнинг рухсат этилган турларини, бундай фойдаланиш шартларини аниқлаш учун ишлаб чиқилган. Ушбу зоналаштириш турининг мақсади табиий ресурслардан оқилонга фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва инсон ҳаёти учун қулай шарт-шароитлар яратиш учун ҳудудни ташкил этишга комплекс ёндашишни таъминлашдан иборат.

2) экологик зоналаштириш – муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг айрим турлари учун назарда тутилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги 710-II-сон “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” Қонунида сувни муҳофаза қилиш зоналари, сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари, рекреация зоналари, курорт табиий ҳудудлар зоналари, балиқ хўжалиги зоналари, қўриқланма зоналар, табиат боғлари зоналари, миллий боғлар ҳудудларидаги функционал зоналар ва бошқалар ҳақида сўз боради.

О.М.Козырь миллий ва табиий боғлар ҳудудларини зоналаштириш бу муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги шаклланган қонунчилик

институту эканлигини таъкидлайди[21]. Н.В.Кичигин экологик зоналаштиришни муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва объектлар[22] режимининг хусусиятидир, деб ёзади.

Экологик зоналаштириш тегишли ҳудудда табиатдан фойдаланишнинг махсус режими ўрнатилиши билан тавсифланади. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар хўжалик фойдаланишдан тўлиқ ёки қисман олиб қўйилган ерлар деб белгилайди. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни яратиш ноёб ва типик табиий мажмуалар ва объектларни сақлашга, биосферадаги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари табиий жараёнларни, уларнинг генетик фондини ва бошқаларни ўрганишга қаратилган[23]. Табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш уларни мақсадларига боғлиқ бўлмаган фаолиятни таъқлашни аниқлашга;

3) “ташқилий-бошқарув” зоналаштириш – табиатдан фойдаланиш доирасида ташкиллаштириш ва бошқарув соҳаси муаммоларни ҳал қилиш учун мўлжалланган. Ушбу зоналаштириш турига ҳудудий режалаштиришда функционал зоналарни ажратиш ва бошқаларни киритиш мумкин. Шундай қилиб, ҳудудни функционал зоналаштириш, ердан фойдаланиш ва қурилиш қоидаларида батафсил ҳуқуқий режимга эга бўлган ҳудуднинг истиқболли устуворлигини аниқлаш учун амалга оширилади.

Табиий ресурсларни сақлаш ва уларни муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида хўжалик ёки бошқа фаолиятни амалга ошириш учун аниқ талабларни белгилаш, ер манбалари ва бошқа объектлардан фойдаланиш учун қўшимча таъқлар ва махсус шартлар, айрим ҳудудларда махсус зоналар ажратилган[24].

Бу борадаги жаҳон амалиётига эътибор қаратилса, масалан, АҚШда ўрнатилиши муайян табиий ресурсни ҳимоя қиладиган ёки баъзи соҳаларда ривожланишни рағбатлантиришни таъминлайдиган, “қоплама зоналари” ажралиб туради. Қопланадиган зоналаштириш жамоат манфаати – тарихий аҳамиятга эга объектларни сақлаш, ичимлик сувини ҳимоя қилиш ва бошқалар мавжуд бўлганда қўлланилади[25].

Зоналаштириш норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинадиган тартиб-таомил сифатида ҳудудий хусусиятга эга, яъни зоналар – бу ҳужжатларда тасвирланган ва тавсифланган, картографик материалларда кўрсатилиши керак бўлган, чегараларга эга бўлиши керак бўлган – ҳудуднинг бир қисмидир. Тегишли зоналарнинг чегараларини тасдиқлаш, зонанинг чегараларида жойлашган объектлардан фойдаланадиган (фойдаланишни режалаштирган), табиатдан фойдаланадиган, тегишли ҳудудда хўжалик фаолиятининг айрим турларини амалга оширувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таъсир қилади.

Кўриб чиқилаётган фаолият турларига хос бўлган ва юқорида айтиб ўтилган барча умумий нарсалар Л.Б. Шейниннинг, фақат бутун ҳудуд муайян зоналарга[26] бўлинганида ҳудудни зоналаштирилган деб тушуниш керак деган фикрига қўшилишимизга имкон бермайди. Чунки, зоналаштириш айрим ҳолларда кичик майдонларда ҳам амалга оширилиши мумкин[27].

Ер участкасига махсус зона ҳуқуқий режимининг қўлланилиши, нафақат объектни қуришда махсус қоидаларга мажбурий риоя қилишни, балки баъзи ҳолларда – ер участкасининг муомаласини чеклашни,

уни қуриш учун беришнинг мумкин эмаслигини ёки эгасига участкада жойлашган бино, иншоот, объектни хусусийлаштиришни таъқлашни келтириб чиқаради.

Умуман олганда, ерларни зоналаштириш давлат ва хусусий манфаатларни амалга ошириш учун шароит яратади, ердан фойдаланиш барқарорлигини кафолатлайди ҳамда унга сармоя қилиш учун шароит яратилади. Жамият манфаатлари ер, бино ва иншоотлардан фойдаланишни режалаштириш имконияти билан таъминланади. Бундан ташқари, ерлардан оқилона фойдаланиш ва ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ҳудудларни зоналаштириш амалга оширилади, шунинг учун қонунчиликда ер участкаларидан фойдаланишни чеклайдиган кўплаб турдаги зоналар белгиланган[28].

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, жамоатчиликнинг экологик манфаатларини амалга ошириш ва ҳар бир кишининг шаҳарсозлик зоналаштирилишида қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш воситаси сифатида жамоатчилик эшитувлари самарали ҳуқуқий воситага айланиши керак.

Ердан фойдаланиш ва қурилиш қилишни лойиҳалаштириладиган ёки ўзгартириладиган қоидалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотларга эга бўлиш учун тегишли давлат органлари аҳолини ўз вақтида ва тўқинликсиз фойдаланиш имконияти нуқтаи назаридан жамоатчилик муҳокамалари механизмини такомиллаштириш, уларнинг мазмун-моҳияти (эътирозлари, мулоҳазалари, таклифлари) ҳақида жамоатчилик фикрини ифода этиш ва қайд этиш имкониятини таъминлаш зарур.

Шу нуқтаи назардан Шаҳарсозлик кодекси 10-моддасини қуйидаги тахрирдаги олтинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ: “Жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиш учун ердан фойдаланиш ва унга қурилишни амалга ошириш лойиҳалари, шу жумладан ушбу лойиҳани асослаш учун зарур таҳлилий, иқтисодий ва молиявий материаллар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, давлат сири билан боғлиқ материаллар бундан мустасно.

Агар жамоатчилик муҳокамаси иштирокчилари ердан фойдаланиш ва қурилишни амалга ошириш лойиҳаси бўйича эътирозлар, мулоҳазалар, таклифларни билдирсалар, лойиҳа бўйича келишмовчиликлар баённомаси тузилади ҳамда келишув таомиллари ўтказилади.

Жамоатчилик муҳокамаси натижалари тўғрисидаги хулосада келишмовчиликлар баённомасига биноан уларни қабул қилиш ёки рад этиш асослари кўрсатилган оммавий муҳокаманинг иштирокчилари томонидан билдирилган эътирозлар, мулоҳазалар, таклифлар кўрсатилади”.

Хулоса қилиб айтганда, ерларни зоналаштириш ҳудудларнинг барқарор ривожланишига, фуқароларнинг соғлиғини, жамият ва давлатнинг маданий қадриятларини ҳимоя қилишга, экологик хавфсизликка ва жамиятнинг иқтисодий фаровонлигига эришишга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Экология. Юридический энциклопедический словарь / Под ред. С.А. Боголюбова. – М., 2001. – С. 134.
2. Крассов О.И. Комментарий к Земельному кодексу Российской Федерации. 2-е изд. – М., 2010. – С. 87.

3. Мельников Н.Н. Теоретические основы отнесения земель к категориям и зонирования территорий в Российской Федерации // *Хозяйство и право*. – Москва, 2013. – № 3. – С. 83.
4. Комментарий к Водному кодексу Российской Федерации / Под ред. О.Л. Дубовик. – М.: Эксмо, 2012. – С. 79.
5. Богданов Н.А. Экологическое зонирование: научно-методические приемы (Астраханская область). – М., 2005.
6. Комментарий к Водному кодексу Российской Федерации / Под ред. О.Л. Дубовик. – М.: Эксмо, 2012. – С. 81.
7. Колесова О.Н. Правовой режим водоохраной зоны // *Журнал российского права*. – 2012. – №4. – С. 50-57.
8. Борисов А.А. Значение зонирования территорий при определении правового режима земель: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2014. – С. 50.
9. Борисов А.А. Зонирование территорий как элемент реализации концепции устойчивого развития // *Государство в меняющемся мире: материалы VI Международной школы-практикума молодых ученых-юристов* (Москва, 26-28 мая 2011) / Отв. ред. В.И. Лафитский. – М., 2012. – С. 726-727.
10. Погорелая О.Н. О методах и принципах экологического зонирования городских территорий // *Вестник Балтийского федерального университета им. И. Канта*. – 2012. – № 1. – С. 58; Анисимов А.П. Новый Градостроительный кодекс Российской Федерации в контексте земельной реформы // *Право и экономика*. – 2005. – № 3. – С. 3-8.
11. Научно-практический комментарий к Федеральному закону «Об охране окружающей среды» (постатейный) / Под ред. А.П. Анисимова. – М., 2010.
12. Савельева Е.А. Правовое регулирование экологического зонирования в Российской Федерации // *Российская юстиция*. – Москва, 2014. – №2. – С. 12-13.
13. Boltanova E. Legal issues of land zoning in Russia // *REBA News*. – 2013. – Vol. 10. – № 5. – P. 10.
14. Анисимов А. Зонирование территорий городских и сельских поселений: виды и правовое значение // *Право и экономика*. – 2004. – № 6. – С. 58-64; Анисимов А.П. Теоретические основы правового режима земель поселений в Российской Федерации: Дисс. ... доктор. юрид. наук. – Саратов, 2004. – С. 261.
15. Шатрова О.В. Правовое регулирование приватизации земельных участков в поселениях: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2006. – С.9.
16. Лисина Н.Л. Правовой режим земель поселений: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2003.
17. Александрова А.Ю. Правовое регулирование использования земель поселений для застройки в России: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2008. – С. 5-6.
18. Бедова Е.С. Правовой режим земель населенных пунктов: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2012. – С.8-9.
19. Экологическое право: учеб. пособие / С.А. Балашенко [и др.]; под ред. Т.И. Макаровой, В.Е. Лизгаро. – Минск: БГУ, 2008. – С.337-338.
20. Волков Г.А. Принципы земельного права России. М.: Городец, 2005. С. 90 – 110; Васильева М.И. О методах, средствах и способах правового регулирования экологических отношений // *Экологическое право*. 2009. – № 2/3. – С. 56-67.; Чередников А.В. Градостроительное зонирование как средство обеспечения публичных экологических и частных интересов: дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2012. – С. 57.
21. Козырь О.М. Экологическое зонирование территорий // *Экологическое право России: Сборник материалов научно-практ. конф. Юбилейный выпуск* / Под ред. А.К. Голиченкова. – М.: ТИССО, 2004. Т. 1. – С. 471.
22. Боголюбов С.А., Кичигин Н.В. Законодательное регулирование деятельности федеральных органов исполнительной власти по обеспечению экологической безопасности. – М., 2007. – С. 130.
23. Борисов А.А. Значение зонирования территорий при определении правового режима земель: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2014. – С. 50-65.
24. Болтанова Е.С. Зонирование земель и их застройка: проблемы правоприменения // *Вестник Омского Университета*. – Москва, 2012. – №3(32). – С. 190-193.
25. Garvin Elizabeth A. Making Use of Overlay Zones // *Planning Commissioners Journal*. 2001. № 43 (Summer). P. 16 – 18; Joel Russell. Overlay Zoning to Protect Surface Waters // *Planning Commissioners Journal*. 2004. № 54 (Spring). P. 1 – 4; C. Majors, J. Rufo Hill, C. Stewart, J.D. Tovey. Land Use Planning. Land Use Tool. Analysis. Assignment. February 2007 (URL: http://courses.washington.edu/udp501/501%20papers/LU_P_PUD_OZ7_CSedits-1.doc)
26. Шейнин Л.Б. Земельное право России: учебное пособие (Российское юридическое образование). – М.: Эксмо, 2007. – С. 149.
27. Золотова О.А. Правовой режим земель охраняемых зон: дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2013. – С. 66-85
28. Болтанова Е.С. Эколого-правовые основы регулирования застройки земель зданиями и сооружениями в России: Дисс. ... докт. юрид. наук. – Томск: НИТГУ, 2014.

Ш.Жураев,

ТДЮУ ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди

ИНСОННИНГ ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗ ЯШАШ ҲУҚУҚИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ

Аннотация: атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлашда инсоннинг табиий ҳуқуқлари доирасига кирадиган инсоннинг экологик хавфсиз яшаш ҳуқуқининг мазмуни таҳлил қилиниб, унинг экологик ҳуқуқлардан фарқли томони кўрсатиб берилган ҳамда унга таъриф берилган.

Калит сўзлар: инсонни экологик хавфсиз яшаш ҳуқуқи, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизлик, хавфсизликка бўлган ҳуқуқ, Миллий хавфсизлик концепцияси.

Annotation: the content of the human right to live in an environmentally safe environment, which is an integral part of natural human rights in environmental protection and environmental security, is analyzed, its distinctive side from environmental rights is shown and described.

Keyword: human right to live in an environmentally safe environment, environmental protection, environmental security, right to security, national security concept.

Аннотация: проанализировано содержание права на экологически безопасное проживание, которое является частью естественных прав человека на охрану окружающей среды и экологическую безопасность, показаны и определены его отличия от экологических прав.

Ключевые слова: право человека на экологически безопасную жизнь, охрана окружающей среды, экологическая безопасность, право на безопасность, Концепция национальной безопасности.

Экологик хавфсиз яшаш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида белгиланган яшаш ҳуқуқининг маъноси билан қамраб олинган учун ҳам табиий ҳуқуққа киради. Табиий ҳуқуқ (*jus naturale*) — бу инсоннинг табиати, унинг жамиятда яшаши билан боғлиқ ҳуқуқ ва эркинликлар йиғиндиси. Бундай ҳуқуқларга назариётчи олимлар инсоннинг эркинлиги, бошқалар билан муносабатда бўлиши, ўз наслини давом эттириши, яшаш ва нормал шароитларда ҳаёт кечириши, мулкка эга бўлиши, ҳаёти ва соғлиғини жамият ва давлат томонидан муҳофаза қилиниши каби ҳуқуқларни ажратиб кўрсатадилар [1].

Табиий ҳуқуқлар инсон туғилишидан узвийликда бўлади. Кўпчилик давлатларнинг конституцияларида ва қонунчилигида табиий ҳуқуқнинг айнан ушбу ҳолати ўз аксини топган. Масалан, Россия Федерациясининг Конституциясида “инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ва унга ҳар қим туғилганда эга бўлади”, деб белгиланган (17-м. 2-қисм). Бу шуни билдирадики, улар ҳада этилмайди ва “тепадан” бирор-бир давлат ёки унинг органи томонидан белгиланмайди, балки ҳеч қандай сабабларга боғлиқ бўлмаган ҳолда табиий ҳолатларга кўра вужудга келади [2]. Япония Конституциясининг 11-моддасида “халқ бирор бир тўсиқсиз инсоннинг барча асосий ҳуқуқларидан фойдаланади. Ушбу Конституцияда белгиланган бу ҳуқуқлар ҳозирги ва келажак

авлодларга абадий ҳуқуқлар сифатида берилади” деб кўрсатилган [3].

Айрим муаллифлар инсоннинг яшаш ҳуқуқини мутлақ (абсолют) ҳуқуқ деб ҳисобласалар, бошқалари эса бу фикрни инкор этадилар [4]. “Инсон ҳуқуқлари турларининг моҳияти шундан иборатки, - деб ёзади З.М.Исломов, - яшаш, шаъни, турар жойини эркин танлаш ва бошқа шунга ўхшаш ҳуқуқлар инсон учун жамиятнинг мажбурий (императив) талабларидан ҳосил бўладиган ва шунинг учун ҳам мутлақ, дахлсиз ҳисобланиб инсон учун табиий сифатида тушунилмоғи керак. Улар давлат-ҳуқуқ воқелигида қонун томонидан шундайлигича акс эттирилиши лозим” [5].

Бизнингча, табиий ҳуқуқларнинг ҳаммаси ҳам мутлақ бўла олмайди. Бироқ, инсоннинг экологик хавфсиз яшаш ҳуқуқи абсолют ҳуқуқдир. Инсонни яшаш ҳуқуқидан қонун доирасида маҳрум қилиш ёки шахсий дахлсизлигини чеклаб қўйиш, яъни озодликдан маҳрум этиш мумкин. Лекин, бундай фикрни экологик хавфсиз яшаш ҳуқуқига нисбатан айтиб бўлмайди. Давлат экологик ҳалокат содир бўлиши аниқ бўлган жойга аҳолини жойлаштирмайди, ёки юз бериши муқаррар бўлган экологик ҳалокат манбаидан ҳимояланаётган аҳолининг “йўли тўсилмайди”. Бошқача қилиб айтганда, қонун билан инсонни экологик хавфсиз яшаш ҳуқуқидан маҳрум этиш мумкин эмас. Ҳаттоки, экологик ҳалокат минтақасида озодликдан маҳрум этилганлар муассасига талафот етказилаётган бўлса, ундаги одамлар хавфсиз жойга кўчирилиши лозим.

Инсоннинг экологик хавфсиз яшаш ҳуқуқини сув, ҳаво ва ердан фойдаланиш каби табиий ҳуқуқлар билан қиёслаш мумкин. Ушбу ҳуқуқлар ҳам мутлақ ҳуқуқлар сирасига кириб, уларни чеклаш ёки маҳрум қилиш мумкин эмас. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 35-моддасида аҳолининг ичимлик сувидан фойдаланиш ҳуқуқи устуворлиги тамойили белгиланган. Ушбу тамойилга кўра аҳоли ҳеч қандай ҳолатда ичимлик сувидан ҳаттоки сув учун ҳақ тўламаган чоғида ҳам ундан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Инсоннинг экологик хавфсиз яшаш ҳуқуқи туб маъноси билан фуқаро ҳуқуқларидан фарқ қилади. Фуқаронинг ҳуқуқлари деганда унинг давлат билан фуқаролик мақоми воситасида боғлиқлиги тушунилади. Бу ҳуқуқлар шахснинг сиёсий ташкилот аъзоси сифатидаги ҳуқуқлари бўлиб, улар давлат органлари ҳаракатлари ва актлари билан боғлиқдир [6]. Шунинг учун барча инсонлар фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлмайдилар. Мазкур давлатда яшаб ёки ҳозир бўлиб турган, фуқаролиги бор ёки фуқаролиги йўқ барча шахслар инсон ҳуқуқларига эга бўладилар. Инсоннинг экологик хавфсиз яшаш ҳуқуқи Ўзбекистонда яшаётган ёки сафарда бўлган ҳар бир шахсда мавжуд бўлади. Бунда инсоннинг давлат билан ҳуқуқий муносабатларга киришган бўлиши (масалан, фуқароликка эга бўлиши) шарт эмас. Бундай ҳуқуқ давлат билан ҳуқуқий боғлиқликка эга бўлган ҳар бир инсонга тегишли бўлади. Юридик адабиётларда ҳуқуқий боғлиқлик ўз мазмунига кўра ҳуқуқий муносабат категориясига қараганда кенглиги таъкидланади [7]. В.В.Борисовнинг фикрича, ҳуқуқий муносабат билан ҳуқуқий боғлиқлик орасида ҳам ўхшашлик ҳам фарқ бор: “ҳуқуқий боғлиқлик” мазмуни ва амал қилишлигига кўра бойдир; ҳуқуқий боғлиқлик ҳуқуқий муносабатларга хос бўлган аниқ расмий

рамкага бўйсунмайди [8]. Демак, давлат билан ҳуқуқий боғлиқ бўлган ҳар бир инсон экологик хавфсиз яшаш ҳуқуқига эга бўлади.

Инсоннинг экологик хавфсиз яшаш ҳуқуқи табиий мутлақ ҳуқуқ бўлгани билан бошқа бир қанча табиий ҳуқуқларга ўхшаб позитив ҳуқуққа айланмаган. У позитив ҳуқуқларга ўхшаб давлат томонидан “инъом” этилмаган, яъни Конституцияда ёки қонунларда ўз аксини топмаган бўлиши мумкин. Бироқ унинг таъминланишида давлат ва унинг органлари фаолият кўрсатиши лозим. Агар инсон ҳаводан нафас олиш, ерда яшаш ва кўп ҳолларда сувдан фойдаланиш ҳуқуқларидан давлат ваколатисиз фойдаланса, экологик хавфсиз яшаш ҳуқуқини амалга ошириши асосан давлат фаолиятига боғлиқдир. Бу ерда гап инсон шахси, соғлиғи ва ҳаёти ҳимояси тўғрисида кетмоқда. Адабиётларда тўғри таъкидланганидек, ушбу жараёнда “шахс суд ҳимояси ва давлатнинг бошқа ҳуқуқий муҳофазасининг объекти ҳисобланади. Барча давлат ва ҳуқуқ институтларининг пировард мақсади шахсни ҳимоя қилишга қаратилгандир” [9].

Давлат томонидан экологик хавфсиз яшаш ҳуқуқининг таъминланиши унинг ижтимоий моҳияти билан боғлиқ бўлади. Ушбу ҳуқуқни таъминлаш ижтимоий ҳимоялашга ўхшаб кетади. Агар ижтимоий моҳият жамиятдаги айрим қатламлар ва гуруҳлар учун алоҳида алоҳида бўлса [10], экологик хавфсиз яшаш ҳуқуқи эса жамият аъзоларининг ҳаммасига тенг ва бир хил ҳажмда тааллуқли бўлади ҳамда экологик хавфсизлик масаласида жамият аъзолари синфлар, ижтимоий гуруҳлар ёки қатламларга бўлинмайди. Маълумки, давлат ва ҳуқуқ назарияси фанида “ҳуқуқ ҳар доим ҳам ижтимоий синфлар, қатламлар, гуруҳларнинг манфаатлари ва эркини ифодалаган ва мустаҳкамлаган” [11] деган ҳолат бор. Бироқ, экологик хавфсиз яшаш ҳуқуқи ҳуқуқнинг мазкур таърифи “талабига” бўйсунмайди.

Қолаверса, инсоннинг экологик хавфсиз яшаш ҳуқуқининг ҳамма учун тенглик тамойили фуқаролик жамияти қоидаларига ҳам қандайдир маънода зид ҳисобланади. Маълумки, адабиётларда таъкидланганидек, “фуқаролик жамияти фаолиятининг муҳим шарт турли ижтимоий гуруҳ ва қатламлар бойлиги ҳамда тули хил манфаатларининг мавжудлигидир” [12].

Адабиётларда “тенгликнинг барча учун ягона, ҳамма учун мос бўлган таърифи йўқ”, деб ҳисобланиши билан бирга [13], “худо олдида тенглик, имкониятлар тенглиги, натижа-самаралар тенглиги аспектлари бор”лиги ҳақида таъкидланади. Шунга амал қилиб бизнингча, тенгликнинг экологик хавфсизлик олдида тенглигини ҳам алоҳида тамойил сифатида қабул қилиш лозим.

Таъкидлаш керакки, инсоннинг экологик хавфсиз яшаш ҳуқуқи синфий моҳиятга эга эмас. Конституцияда кўрсатилган яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашшдан ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқлари ҳам синфий моҳиятга тааллуқли бўлмаган ҳуқуқлардир.

Аниқ ҳуқуқ нормалари ҳамда уларнинг тизими айрим шахсларнинг хоҳиши ёки кўрсатмаларига биноан стихияли ҳолда, бошбошдоқлик асосида яратилмайди. Улар жамият ва давлатнинг объектив талабларини ифодалайди ва мавжуд иқтисодий,

сиёсий ва бошқа муносабатлар асосида шаклланади [14].

Шу ўринда айтиш лозимки, давлатнинг экологик хавфсизлик моҳиятининг марказида Конституциямизнинг 13-моддасида кўзда тутилган Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши тўғрисидаги қоида рўйбга чиқариш ётади.

Инсоннинг экологик хавфсиз яшаш ҳуқуқини ҳамма учун тенглиги тўғрисида гапирганда айтиш лозимки, “тенглик” тамойили аслида Конституцияда белгиланган тамойилдир. Конституциянинг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар” дейилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ҳам ҳамма учун тенгдир (21-м.). Демак, Конституциядаги ушбу тамойиллардан келиб чиқиб, инсонларнинг экологик хавфсиз яшаш ҳуқуқининг ҳамма учун тенглиги ҳақида фикр юритиш мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

1. Исламов З. Общество. Государство. Право. –Т.: Адолат, 2001. –С. 345.
2. Марченко М.Н. Проблемы теории государства и права. –М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. –С. 322.
3. Конституции мира (Сборник конституций государств мира). Т.6. –Т.: Академия МВД РУз, –1998. –С.359.
4. Чиркин В.Е. Современное государство. –М.: «Международные отношения». 2001. –С.262.
5. Исламов З. Общество, государство, право. –Т.: Адолат, 2001. –С. 346.
6. Чиркин В.Е. Современное государство. –М.: «Международные отношения», 2001. –С.256.
7. Комаров С.А. Общая теория государства и права. Учебник. 7-е издание. – СПб.: Питер. 2005. –С.157.
8. Борисов В.В. Правовой порядок развитого социализма: вопросы теории. –Саратов, 1977. –С. 299.
9. Саидов А, Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Т.: Адолат, 2001. –Б.228.
10. Исламов З.М. Общество. Государство. Право. – Т. Адолат, 2001, –С.224.
11. Марченко М.Н. Проблемы теории государства и права. –М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. –С. 325.
12. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. –Т.: «Шарқ», –Б.41.
13. Фридман М., Фридман Р. Свобода, равенство и эгалитаризм. – В кн.: Фридман и Хайек о свободе. Под.ред. Т.С.Лисичкина. – Минск. 1990. –С. 56.
14. Марченко М.Н. Проблемы теории государства и права. –М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. –С.334.

Э. Курбонов

Судьялар олий мактаби бош мутахассиси,
ТДЮУ мустақил изланувчиси

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР МЕЛИОРАЦИЯСИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ: ЗАМОНАВИЙ ҚОНУНЧИЛИК ҲОЛАТИ

Аннотация: мақолада қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий таъминланиши таҳлили келтирилган, бу борадаги ҳозирги қонунчилик ҳолати таҳлил қилинган, қонун ва қонуности ҳужжатларининг ер мелиорациясини тартибга солишдаги аҳамияти ёритилган, қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий таъминлаш борасида қонунчиликдаги муаммолар келтирилган, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилган.

Калит сўзлар: ер мелиорацияси, ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солиш, гидромелиорация, мелиорация объектлари, ўрмон мелиорацияси, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Аннотация: в статье приводится анализ правового статуса мелиорации земель в сельском хозяйстве, анализируется современное состояние законодательства в этой сфере, раскрывается важность нормативных правовых актов в регулировании мелиорации земель, указываются проблемы в законодательстве касательно правового обеспечения мелиорации земель в сельском хозяйстве и представляются предложения по совершенствованию законодательства.

Ключевые слова: мелиорация земель, правовое регулирование мелиорации земель, гидромелиорация, объекты мелиорации, лесная мелиорация, нормативно-правовые акты.

Annotation: the article investigates the legal status of land melioration in agriculture, analyzes the current state of legislation in this area, reveals the role of regulatory legal acts in the regulation of land melioration, ascertains possible problems in legislation framework regarding the legal support of land melioration in agriculture and develops proposals for improving legislation.

Key words: land reclamation, legal regulation of land reclamation, hydro reclamation, objects of reclamation, forest reclamation, legal acts.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” номли маърузасида “Ҳозирги кунда қонунларнинг ислохотлар самарасига таъсири етарлича сезилмаяпти. Уларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги роли пастлигича қолмоқда”[1, 8-бет] деб таъкидланганлар. Ушбу раҳбарий кўрсатма мамлакат миқёсида қонунлар самарасини ошириш, уларнинг ижросини таъминлашнинг таъсирчан чораларини кўриш, айниқса, барча соҳаларда ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини жиддий такомиллаштириш масаласини кун тартибига қўймоқда.

Бу устувор йўналиш қишлоқ хўжалигида ер мелиорацияси муносабатларига ҳам бевосита тааллуқлидир.

Қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солиш яъни, янги ҳуқуқ нормаларини яратиш

ёки уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мавжуд қонун ҳужжатларни тизимлаштириш мақсадга мувофиқ.

Олимлар таъбири билан айтганда, қонунчиликни тизимлаштириш натижасида янги ҳужжат қабул қилиниши ёки тўплам чиқарилиши, мавжуд қонунчилик ҳужжати мазмуни ёки шакли ўзгаришларга учраши ёхуд икки ёки ундан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида бутунлай янги қонунчиликни ҳужжатининг қабул қилиниши мумкин [2, 144-бет].

Қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясига доир муносабатлар бизнинг қонунчилигимизда асосан қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган. Қишлоқ хўжалиги ер мелиорация тадбирлар комплекс характерга эга бўлиб, бугунги кунда бу борадаги барча чора-тадбирларни ҳуқуқий тартибга солиш зарур.

Умуман олганда, бизнинг қонунчилигимизда ер мелиорацияси билан боғлиқ қонунчиликнинг ўрни қандай деган масалага ойдинлик киритиш муҳим деб ҳисоблаймиз. Мазкур масалада илмий адабиётларда турлича ёндашув мавжуд. Айрим олимлар буни аграр қонунчилик таркибига киради деб ҳисобласа [3, Стр.6.], айрим олимлар ер қонунчилиги таркибига киради [4, Стр.49] деб ҳисоблайдилар. Айрим олимлар уни ҳам экология ҳам аграр қонунчилиги таркибига киритадилар [5, 72-бет].

Ер мелиорациясига оид қонунчилик ер фондининг барча тоифаларига мансуб бўлса, қишлоқ хўжалигида ер мелиорацияси айнан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардаги мелиорация муносабатларини тартибга солишга қаратилган бўлади.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан келиб чиқиб таҳлил қилинганда қишлоқ хўжалиги ер мелиорациясига доир қонунчилик асосан қўйидагиларда ўз аксини топган:

- Ўзбекистон Республикасининг кодекс ва қонунлари (ер, аграр, сув ва экологик қонунлар)да;
- Ўзбекистон Республикасининг турли хил қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида.

Ўзбекистон Республикасининг кодекс ва қонунлари (ер, аграр, сув ва экологик қонунлар)да ер мелиорацияси билан боғлиқ муносабатларни тартибга солинишини таҳлил қилганда Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига тўхталиш жоиз.

Ер кодексининг 2, 13, 25, 29, 39, 40, 48, 81-моддаларида ер мелиорацияси билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинган.

Ер кодексининг 39-моддасида ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг ҳуқуқлари белгиланган. Айнан шундай ҳуқуқлардан бири сифатида ерларни суғориш ва уларнинг захини қочириш, агротехника ва бошқа мелиорация ишлари ўтказиш [6] кўрсатилган.

Мазкур норма мазмун-моҳияти билан ердан фойдаланишда айрим ҳуқуқлар кафолатланиши билан, лекин айрим ҳуқуқни тушунишдаги қийинчиликларни ҳам юзага келтиради. Унга кўра, “агротехника ва бошқа мелиорация ишлари” дейилганда мазмунан мелиорация тадбирлари агротехника тадбирлари билан мазмунан бирлашиб кетган. Яъни, мелиорация ишларини агротехника тадбири сифатида моҳиятан ифодланган. Ваҳоланки, агротехника тадбири ва мелиорация ишлари бир-биридан фарқ қилади. Агротехника тадбирлари сифатида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш

жараёнида қўлланиладиган барча тадбирларни тушуниш мумкин. Ер мелиорацияси тадбирлари ернинг сифат ва таркиб жиҳатидан яхшилашга қаратилган барча тадбирларни тушуниш мумкин. Фикримизни янада аниқлаштириш мақсадида Россия Федерациясининг “Ер мелиорацияси тўғрисида”ги қонунида келтирилган мелиорация тадбирлари тушунчасига эътибор қаратмоқчимиз. Унга кўра мелиорация тадбирлари – мелиорация тизимлари ва алоҳида жойлашган гидротехник иншоотларни лойиҳалаш, қуриш, эксплуатация қилиш, яйловларни суғориш, ҳимоя ўрмон плантацияларини яратиш, тупроқнинг кимёвий ва физик хусусиятларини яхшилаш ва ушбу ишларни илмий, техник жиҳатдан таъминлаш [7] тушунилади деб кўрсатилган.

Худди шунга ўхшаш тарзда Украинанинг қонунчилигида ҳам мелиорация тадбирларига тушунча берилган. Тупроқнинг кимёвий ва физик хусусиятларини яхшилаш, яйловларни суғориш, ҳимоя ўрмон плантацияларини яратиш, маданий-техник ишларни бажариш, сув таъминоти ва муҳандислик-геологик жиҳатдан ноқулай бўлган ерларни яхшилаш, мелиорация тизимларини, лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, ва улардан фойдаланишга йўналтирилган ишларга [8] мелиорация тадбирлари сифатида тушунча берилган.

Шунингдек, Ер кодексининг 81-моддасидаги кимёвий ёки радиоактив моддалар билан ифлосланган ерлардан фойдаланиш тартибига кўра кимёвий ёки радиоактив моддалар билан ифлосланган ерлардан фойдаланиш, муҳофаза зоналари белгилаш, бундай ерларда уй-жойларни, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маданий аҳамиятга молик объектларни сақлаш, уларда мелиорация ва агротехника ишларини ўтказиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланиши кўрсатилган бўлсада, амалда бундай ерларда мелиорация ва агротехника ишларини ўтказишни тартибга солувчи қонун ҳужжати мавжуд эмас.

Ер мелиорацияси билан боғлиқ замонавий қонунчиликни таҳлил қилганда албатта, қонунларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бундай қонунлар сирасига Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ўрмон тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунлари киради.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунида 2¹, 14, 35¹, 48, 49, 50¹, 62, 68, 82, 98-моддаларида мелиорация билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинган.

Лекин, қонунда назарда тутилган юқорида кўрсатилган нормалар асосан ер мелиорациясининг гидромелиорация билан боғлиқ жиҳатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган.

Хусусан, 2¹-моддада мелиорация объектлари тушунчасига таъриф берилган бўлиб, мелиорация объектлари – коллектор-дренаж ва ер усти ташлама сувларини тўплаш ҳамда уларни суғориладиган ерлардан ташқарига чиқариб ташлашга кўмаклашадиган, коллекторларни ва коллектор-дренаж тармоғини, вертикал дренаж қудуқларини, мелиорация насос станцияларини (агрегатларини) ва кузатув тармоғини ўз ичига оладиган сув хўжалиги объектлари [9] деб тушунча берилган. Мазкур нормани бизнинг қонунчилигимиздаги мелиорация билан боғлиқ қонун томонидан берилган энг асосий тушунчалардан деб таъкидлаш керак. Бошқа қонунларимизда мелиорация билан боғлиқ тўғридан-тўғри

тушунчаларга ҳуқуқий жиҳатдан оидинлик киритилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўрмон тўғрисида”ги Қонунида ер мелиорацияси билан боғлиқ нормалар кўп учрамайди. Қонуннинг 36-моддасида ўрмонларнинг маҳсулдорлигини ошириш тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра ўрмонларнинг маҳсулдорлигини ошириш ўрмонларни такрорий кўпайтириш, уларнинг нав таркибини яхшилаш, ўрмон мелиорацияси ва ўрмонларни плантация усулида етиштириш натижасида амалга оширилади [10].

Лекин қонунда ўрмон мелиорациясини амалга ошириш тартиби, унинг мақсади ва унга доир умумий тушунча берилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунида қишлоқ хўжалиги ер мелиорацияси билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда муҳим ўринга эга. Ҳозирги кунда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчи асосий субъектлардан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, қонуннинг 17-моддасида фермер хўжалигининг мажбуриятларидан бири сифатида “ер участкасининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унинг унумдорлигини сақлаб қолиш ва ошириш тадбир-чораларини кўриши, бизнес-режада шу мақсад учун маблағлар ажратилишини назарда тутиши” [11] мустаҳкамланган. Бундан кўринадики, албатта фермер хўжаликлари мажбурият сифатида ўз фаолиятлари давомида ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чора-тадбирларини амалга оширишлари қонунда мустаҳкамланиши қишлоқ хўжалиги ерларининг муҳим муҳофазасини таъминловчи элемент деб тушуниш мумкин.

Қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини тартибга солишда қонуности ҳужжатлари салмоқли ўринга эга. Бизнинг қонунчилигимизда асосий ер мелиорациясига оид муносабатлар қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳа-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатишни ташкил этиш ва молиялаштириш тартиби тўғрисида”ги, “Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари шулар жумласидандир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ер мелиорацияси билан боғлиқ муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинишига қаратилган бўлсада, комплекс ҳолда мелиорация

чора-тадбирларни ўзида мужассам қилган яхлит қонунчиликнинг мавжуд эмаслиги ер мелиорацияси борасида муаммолар ҳозиргача долзарб бўлишига сабаб бўлмоқда.

Ер мелиорацияси билан боғлиқ қонунларни такомиллаштириш мақсадида бир қатор таклифлар илгари сурилади:

Бизнинг фикримизча ер ва унинг унумдорлиги, ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солувчи алоҳида қонун, яъни Ўзбекистон Республикасининг “Ер мелиорация тўғрисида” ги қонуни қабул қилиш.

Ер кодексининг “Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг ҳуқуқлари” деб номланган 39-моддаси 4-банди “ерларни суғориш ва уларнинг захини қочириш, агротехника ва бошқа мелиорация ишлари ўтказиш”ни “ерларни суғориш, уларнинг захини қочириш ва бошқа мелиорация тадбирлари ҳамда агротехника ишлари ўтказиш” тарзида баён қилиниши керак деб ҳисоблаймиз. Сабаби, ерни суғориш, унинг захини қочириш ҳам мелиорация тадбирлари сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси талабларидан келиб чиқиб, “Кимёвий ёки радиоактив моддалар билан ифлосланган ерлардан фойдаланиш, муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисида”ги низом қабул қилиниши ва унда мелиорация ва агротехника ишларини ўтказиш тартиби мустақамланиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўрмон тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида “ўрмон мелиорацияси – ўрмон фонди ерларининг махсусдорлигини, унинг физик ва кимёвий таркибини яхшилашга қаратилган тадбирлар мажмуи” деб алоҳида тушунтириш берилиши мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. 8-бет.
2. Сафаров Ж.И. Экология соҳасида қонун ҳужжатлари тизими ва уларни кодификациялаш Дис...юрид.фан.док. – Тошкент. 2018. 144-бет.
3. Е.Л.Минина. Система аграрного законодательства и основные тенденции его развития // Журнал российского права. 2010. №6. Стр.6.
4. С.А.Боголюбов. Земельное право. Учебник. М.: «Юрайт». 2014. Стр.49.
5. Ж.Т.Холмўминов Экология ва ҳаёт: қонунчиликни такомиллаштириш масалалари. Т.: ЎзР ФҲИ. 2010. 72-бет.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 82-модда. <https://lex.uz>.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 82-модда. <https://lex.uz>.
8. Закон Украины «О мелиорации земель» 5462-17 от 16.10.2012.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 221-модда. <https://lex.uz>.
10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 122-модда.
11. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 40-41-сон, 433-модда.

Р.Х.Кенжаев

ТДЮУ “Экология ҳуқуқи” кафедраси доценти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЕРЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА ЭКОЛОГИК НАЗОРАТНИНГ ЎРНИ

Аннотация: мақолада Ўзбекистонда ерларни муҳофаза қилишда экологик назоратнинг ўрни қиёсий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: экологик назорат, атроф муҳит, ерларни муҳофаза қилиш, ердан фойдаланиш

Аннотация: в статье проведен сравнительный анализ роли экологического контроля в охране земель в Узбекистане.

Ключевые слова: экологический контроль, охрана окружающей среды, охрана земель, землепользование

Annotation: the article provides a comparative analysis of the role of environmental control in land protection in Uzbekistan.

Key words: environmental control, environmental protection, land protection, land use.

Бугунги кунда ерларни муҳофаза қилиш мамлакатимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Ернинг табиий ресурс сифатида шундай алоҳида хусусияти борки, унга тўғри муносабатда бўлинса, уни муҳофаза қилиш тўғрисида ғамхўрлик қилинса ҳосилдорлиги доимо ошиб боради. Аксинча эса унинг ҳолати ёмонлашиб, фойдаланиш учун яроқсиз аҳволга тушиб қолиши мумкин. Шунинг учун ер эгалари, мулкдорлари, фойдаланувчилари доимо тупроқ унумдорлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишлари, ернинг сифатини яхши сақлашга асосий эътибор қаратишлари лозим [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармонида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 20,2 млн гектар ерларнинг атиги 20,7 фоизи суғориладиган ерлар ҳисобланиши, сўнги 15 йил мобайнида аҳоли жон бошига суғориладиган ерлар 24 фоизга (0,23 га дан 0,16 гача) камайгани ҳамда мазкур ҳолат аҳоли сонининг ўсиши, сув таъминоти ҳажмининг қисқариши ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг бошқа ер фонди тоифаларига ўтиши натижасида юзага келаётганлиги келтириб ўтилган.

Ерларни муҳофаза қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмида давлат бошқаруви сингари экологик назорат институтининг ўрни бекиёсдир. Албатта ушбу соҳадаги экологик назорат ҳақида фикр юритишдан олдин умуман экологик назорат мақсади ва вазифаларига ойдинлик киритиш лозим.

Ўзбекистон Республикасини “Экологик назорат тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида экологик назорат тушунчасига таъриф берилган. Экологик назорат атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва жамоатчилик чора-тадбирлари тизимидир.

Экологик назоратнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш;

атроф муҳит ҳолатини кузатиб бориш, атроф муҳитнинг ифлосланишига, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланилишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш;

мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини, улар томонидан мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш;

атроф муҳитдаги ўзгаришлар, унинг прогноз қилинаётган ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланилиши ва кўрилаётган тегишли чора-тадбирлар тўғрисида давлат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларни ҳамда фуқароларни хабардор қилиш;

табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самардорлигини ошириш ҳамда давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларнинг амалга оширилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирокини таъминлашдан иборат.

Атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш механизмида экологик назоратнинг тутган ўрнига асосланиб, уни муҳим ҳуқуқий чора сифатида баҳолаш мумкин. Зотан, айнан экологик назорат воситасида тегишли ҳуқуқ субъектларига нисбатан давлат мажбурлови қўлланилиши таъминланади. Экологик ҳуқуқбузарликлар учун юридик жавобгарликнинг экологик назорат ҳамда унинг натижаларига асосланиб қўлланиши ҳолатлари ҳам амалиётда кўплаб учрайди.

Экологик назорат ҳуқуқий чора сифатида огоҳлантирув, ахборот ва жазолаш каби бир қатор функцияларни бажаради. Экологик назоратнинг огоҳлантириш функцияси аҳамияти шундаки, экологик назорат субъектлари, уларнинг экологик-ҳуқуқий талабларни бажариши назорат қилинишини англаган ҳолда, қонунчилик талабларини бажаришда ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда мустақил ташаббус кўрсатадилар. Ахборот функцияси эса, назорат жараёнида тегишли орган ёки шахслар ўз назоратлари остида бўлганларнинг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятларига оид турли-туман маълумотлар йиғишлари билан изоҳланади. Жазоловчи функция эса, ҳуқуқбузарга қонунчиликда кўзда тутилган санкциялар қўлланилишида ифодаланади [2].

Ерларни муҳофаза қилиш жараёнида экологик назоратнинг вазифалари эса куйидагиларда кўринади: атроф табиий муҳит ҳолатини ҳамда хўжалик юритиш ва бошқа фаолият таъсири остида унда бўладиган ўзгаришларни кузатиб бориш; атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф табиий муҳитни соғломлаштириш, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунлар талаблари ва атроф табиий муҳит сифатининг нормативларига риоя этиш борасидаги дастурлар ҳамда айрим тадбирлар бажарилишини текшириш.

Б.Ҳ. Калонов мазкур соҳада олиб борган тадқиқот ишида, давлат экология назоратининг тушунчасини унинг ўзига хос хусусиятларини изоҳлаш орқали очиқ бериш мумкин, деб таъкидлайди. Яъни, давлат экология назоратининг энг асосий хусусияти, унинг давлат номидан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан олиб борилишидир. Давлат экология назоратининг иккинчи хусусияти шундан иборатки, у давлат экология сиёсатининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда ҳамда экологик қонун ҳужжатларини яратиш, ижро этиш ва бажарилишини таъминлашда асосий давлат-ҳуқуқий ва ташкилий восита бўлиб майдонга чиқади. Учинчидан, давлат экология назоратининг муқаррарлиги экологик талабларнинг бажарилиши учун давлат-ҳуқуқий кафолат тизими яратилганлигини англатади. Тўртинчидан, давлат экология назорати фақатгина экологик-ҳуқуқий талабларнинг бажарилишини таъминлаб қолмасдан, бундай талабларни бажармаган ёки тегишли даражада бажармаган давлат органлари, юридик шахсларни ва фуқароларни давлат номидан ҳуқуқий мажбурлов ва юридик жавобгарлик жараёнларига тортади ҳамда уларнинг таъсир чораларини қўллабди. Давлат экология назоратининг бешинчи хусусияти - у аксарият ҳолларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан олиб борилганлиги учун шу органлар ваколатининг узвий қисмидир. Давлат экология назоратининг бу тизимдан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайди. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг экология назоратини олиб бориш ваколатлари уларнинг фаолиятини белгилаб берган қонун ҳужжатларида махсус кўрсатилмаган бўлиши мумкин. Экология назоратининг яна бир хусусияти – у давлат экологик функциясининг бир кўриниши сифатида амалга оширилишини билдиради. Б.Ҳ. Калонов экология назорати хусусиятларидан келиб чиқиб, давлат экология назорати тушунчасига куйидагича таъриф берган: “давлат экология назорати деб, давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи органлари ҳамда улар тизимига кирувчи махсус органлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан амалга ошириладиган табиий бойликлардан самарали фойдаланиш ва атроф муҳит муҳофазасига қаратилган қонун ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлаш тушунилади” [3].

Экологик назорат тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти турли ҳуқуқшунос олимлар томонидан тадқиқ этилган. Ш. Х. Файзиев фикрича, экологик назорат бу атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш қоида-талабларини барча вазирлик, давлат қўмиталари ва идоралари, корхоналар, ташкилотлар, муассаса, мансабдор ва жисмоний шахслар томонидан бажарилишини текшириш, табиий муҳит ҳолатини ўрганиш ва кузатиш чора-тадбирларни қўллаш билан боғлиқ сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий чора-тадбирлар йиғиндисини ўз ичига олади [4].

М.М. Бринчук эса, экологик назоратга экологик қонунчилик талабларига риоя этилиши ва бажарилишини текшириш бўйича ваколатли субъектлар фаолияти тушунилади, деб таъриф беради [5].

А. К. Голиченков фикрича, экологик назоратни турли жиҳатлардан турли даражаларда кўриб чиқиш зарурдир, яъни:

биринчидан, экологик назорат давлат бошқарувининг табиатдан фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги функцияларидан биридир;

иккинчидан, экологик назорат атроф табиий муҳит сифатини бошқариш механизмнинг таркибий қисми, экологик кўрсатмалар ва табиатни муҳофаза қилиш борасидаги тадбирлар бажарилиши самарадорлигининг кафолатидир;

учинчидан, экологик назорат табиатдан фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш борасида давлат бошқарувининг қонунийлигини таъминлаш усулидир.

Экологик назорат даражаси эса, икки хил бўлади: биринчидан, атроф табиий муҳит муҳофазаси ҳамда табиатдан фойдаланиш борасидаги давлат бошқарувининг функцияси сифатида; иккинчидан, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини бажариш кафолатлари, ушбу тадбирларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларнинг, табиатни муҳофаза қилиш борасидаги давлат бошқарувининг қонунийлигини таъминлаш усулларининг амалга оширилиши сифатида кўриб чиқади [6].

Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 7-боби экологик назоратга оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга бағишланган бўлиб, у ерларни муҳофаза қилиш жараёнида қуйидаги тизимда амалга оширилади. Республикада ерларнинг ҳолатини кузатиш, уни ҳисобга олиш, унга баҳо бериш ва истиқболни белгилашни таъминлаш мақсадида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизими ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 сентябрдаги 737-сон қарорига билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тўғрисида”ги низомга мувофиқ, атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги — атроф табиий муҳитнинг ифлосланиш даражасини аниқлаш, унинг экологик ҳолатини баҳолаш, салбий жараёнларнинг оқибатларини прогноз қилиш бартараф этиш мақсадида атроф табиий муҳитнинг биотик ва абиотик компонентларининг ҳолатини, уларнинг ифлосланиш ва антропоген фаолиятнинг бошқа зарарли таъсирлари (жараёнлари) туфайли ўзгаришини ҳамда табиий ресурслардан фойдаланишни тасдиқланган дастур бўйича мунтазам кузатиш тизим ҳисобланади.

Ерлардан оқилана фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида экология назорати тизими давлат атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат назоратидан иборатдир. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунинг 31-моддасига мувофиқ, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назорати давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги эса ерларни муҳофаза қилиш соҳасида

давлат назоратини амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органлари ҳисобланади.

Ерларни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назоратидан ташқари, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат назорати мавжуд бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, ўз тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар фаолияти устидан ерларни муҳофаза қилиш соҳасидаги идоравий назоратни амалга оширади.

Ерларни муҳофаза қилиш соҳасидаги экологик назоратнинг навбатдаги тури бу ишлаб чиқариш назорати бўлиб, уни корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг экология хизмати амалга оширади ҳамда ерларни муҳофаза қилиш, ерлардан оқилана фойдаланиш ва уларни тиклаш, атроф табиий муҳитни соғломлаштириш, ерларни муҳофаза қилишга доир қонунларнинг талаблари бажарилиши юзасидан дастурлар ҳамда айрим тадбирлар ижросини текшириш мақсадини кўзлайди.

Ерларни муҳофаза қилиш соҳасидаги жамоат назоратини эса, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва фуқаролар амалга оширадilar. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, демократик-ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти куриш йўлидан бораётган Республикада ерларни муҳофаза қилиш борасида жамоат назоратини кучайтириш, уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга оид ҳуқуқий асосларни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ерларни муҳофаза қилиш жараёнида экологик назорат турли хил чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш орқали намоён бўлади. Биринчидан, ер ресурсларида бўладиган ўзгаришларни кузатиш, ахборот жамланмасини шакллантириш; иккинчидан, ерга нисбатан салбий таъсир кўрсатадиган антропоген омилларни ўрганиш; учинчидан, ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш жараёнининг барча жабҳаларида экология ва ер қонунчилиги қоида-талабларига риоя этилишини текшириш; тўртинчидан, ер қонунчилигида ўрнатилган қоида-талабларни бузган юридик ва жисмоний шахсларни аниқлаш, огоҳлантириш ва ҳуқуқий таъсир чоралари кўриш; бешинчидан, аҳоли ўртасида ер қонунчилиги қоида-талабларини тушунириш ва тарғиб қилиш.

Шу ўринда бизнингча, ерларни муҳофаза қилиш соҳасида экологик талаблар ҳақида тўхталиб ўтишимиз ўринли бўлиб ҳисобланади, зеро, маъмур талаблар — ер мелиорацияси, ерларда муайян иншоотларни жойлаштириш, қуриш, лойиҳалаштириш, қайта тиклаш, мелиоратив тизимлардан ҳамда алоҳида жойлашган гидротехник қурилмалардан фойдаланиш кабилар, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида муҳим аҳамият касб этиб, уларга риоя этилиши бевосита ер назоратини амалга ошириш орқали таъминланади.

Ер назорати бўйича якуний қарор қабул қилиш учун ҳар қандай орган, ер қонунчилиги бузилганлиги, ким айбдорлиги, ҳуқуқбузарлик давом этмаслиги учун қандай чора қўллаш кераклиги, ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган зарар, агар ҳуқуқбузарлик ҳали содир этилмаган бўлса, қандай қилиб уни тугатиш мумкинлиги ҳақида аниқ ва холис маълумотларга эга бўлиши лозим. Ер назоратини муваффақиятли амалга ошириш учун ерларни ҳисобга олиш вақтида уларнинг

таркиби ҳамда фойдаланилганлигини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Улар махсус ва агрохўжалик турларга бўлинади. Махсусга мелиоратив, тупроқ, геоботаник ва бошқалар кириб, уларнинг ўтказилиши натижасида ер сифати ҳақидаги маълумот қўлга киритилади, агрохўжаликда эса, уларнинг фактик ҳолати ўрганилади. Буларнинг барчаси назоратнинг ахборот билан таъминланишининг аҳамиятини асослаб беради [7].

Ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этувчи ер назорати ўз навбатида давлат назоратининг муҳим кўринишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Давлат назорати ер фонди давлат бошқарувининг муҳим функцияларидан бири бўлиб, бу ҳолат нафақат бизнинг Республикамизда балки бошқа хорижий мамлакатлар ер қонунчилигида ҳам ўз аксини топган. Масалан, Украина Ер кодексининг 187-моддасига мувофиқ, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органлари, ташкилот, корхона, муассасалар ва фуқароларнинг Украина ер қонунчилигига риоя этишларини таъминлашдан иборат [8].

Шундай экан, бошқариш функцияси сифатидаги ерларни муҳофаза қилиш соҳасида экологик назорат бир қатор махсус ўзига хосликларга эгаки, улар орқали у бошқа давлат функциялардан фарқ қилади. Булар қуйидагилардир:

биринчидан, давлат органлари томонидан бу соҳада экологик назорат амалга оширилиши борасидаги муносабатларни “ҳокимият муносабатлари” деб аташ мумкин, зеро назоратга ҳокимият ваколатларини амалга ошириш хосдир;

иккинчидан, ер ресурсларига бўлган давлат мулкчилиги ҳуқуқи давлат органлари томонидан экологик назорат амалга оширилишининг моддий кафолатидир;

учинчидан, давлат аралашувининг юридик чегаралари юзага келган моддий шарт-шароитларга биноан аниқланади.

Экологик назоратни амалга оширишдан кўзланган мақсадлар турлича бўлиб, уларни шартли равишда умумий ва махсус мақсадларга ажратиш мумкин. А. К. Голиченков ҳақли равишда таъкидлаб ўтганидек, “умумий мақсад мамлакатда амалга ошириладиган барча экологик фаолиятдан кўзланадиган мақсадга мос келади” [9].

Бизнингча, айтиб ўтилган умумий мақсад билан бир қаторда, ерларни муҳофаза қилиш соҳасида экологик назорат бошқа махсус мақсадларни таъминлашга ҳам йўналтирилади. Хўжалик юритиш ёки бошқа фаолиятнинг инсон ҳаётига ва соғлиғига, ер ресурсларига зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда шундай зарарли таъсирларнинг бартараф этилиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш худди шундай махсус мақсадлар сирасига киради. Умумий ва махсус мақсадларни ажратиш кўрсатиш кенг маънодаги “экологик назорат” тушунчасини шакллантириш имконини беради.

Кенг маънодаги ер ресурсларини муҳофаза қилиш соҳасидаги экологик назорат деганда, давлат органларининг хўжалик ва бошқа фаолият таъсири остидаги ер фонди ва унинг ҳолатини кузатиш, барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан ер ресурслари муҳофазаси ва экологик хавфсизликни таъминлаш борасидаги талабларнинг бажарилишини

кузатиб бориш, экологик ва ер қонунчилиги нормалари талаблари бузилишининг сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш, шунингдек, уларнинг олдини олиш борасидаги фаолияти тушунилади.

Шу билан бирга, ер фондини муҳофаза қилиш доирасидаги “экологик назоратни” тор маънода ҳам тушуниш мумкин. Тор маънода экологик назорат деганда, ер ресурсларига етказилаётган зарарли таъсирни бартараф этиш ҳамда шундай таъсирлар юзага келишининг олдини олиш мақсадида, амалдаги қонунчиликнинг экологик норма ва талаблари ижросини текшириш тушунилади.

Ерларни муҳофаза қилиш соҳасида экологик назоратнинг мақсадлари экологик хавфсизликни таъминлаш, хўжалик ёки бошқа фаолиятнинг ер фондига зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш ҳамда бартараф этишдир. Улар турли ташкилий-ҳуқуқий усуллар билан амалга оширилади. Қуйидагилар шулар жумласига киради: ер ресурслари ҳолатини кузатиб бориш; уларни муҳофаза қилиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш борасидаги тадбирларнинг бажарилишини текшириш ва умумлаштириш; экологик ва ер қонунчилиги нормалари ва талабларининг ижросини текшириш; юридик ва жисмоний шахслар амалга оширадиган экологик зарарли фаолиятнинг олдини олиш, чеклаш, тўхтатиб қўйиш ҳамда тугатиш йўли билан экологик зарарли фаолиятнинг олдини олиш ва уни баҳолаш; экологик қоида-талабларни бузган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий ва жиноий жавобгарлик чораларини қўллаш.

Экологик назорат тўғрисидаги ҳуқуқий нормалар давлат томонидан тан олинган ва таъминланадиган ҳамма учун мажбурий қоидалар сирасига киради, улардан ушбу муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва бурчлари келиб чиқади ҳамда ер ва экология ҳуқуқ соҳаларининг умумий қисмининг ягона ҳуқуқий институтларини ташкил этади.

Ҳозирги кунда, ижтимоий муносабатларнинг ушбу соҳасини тартибга солишнинг етарли даражадаги амалиёти ҳам мавжуд, бу вазифаларни амалга ошириш ваколати берилган махсус давлат органлари бу борада самарали фаолият юритмоқдалар.

Ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш юзасидан экологик назоратнинг асосий вазифаси юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, давлат органлари, ташкилотлар, корхоналар ҳамда фуқаролар томонидан ердан самарали фойдаланиш мақсадида ер қонунчилиги талабларига риоя қилинишини таъминлашдан иборат бўлиб, ушбу назорат ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси” талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майида “Ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишни назоратини кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрларини юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5065-сонли Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги Қарорига ҳамда бир қанча ер муносабатларини тартибга солиш тўғрисида Ҳукуматнинг қабул қилган қарорларига асосан Ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза

қилишни назорат қилиш борасида ўтказиладиган текширишларни белгиланган тартибда амалга ошириш, ерга оид муносабатларни тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, қонун ҳужжатлари талабининг бузилиш сабаблари ва оқибатларини бартараф этишга йўналтирилган юридик ва жисмоний шахсларга бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни назорат қилишнинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Давергеодезкадастр қўмитаси ва унинг жойлардаги қуйи тизимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер муносабатларини тартибга солиш тўғрисидаги қарорлари талабларига ҳамда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг тегишли қарори билан тасдиқланган текширишлар режа-жадвали асосида соҳа мутахассислари томонидан 2017 йилда 297 та (ўтган йилнинг шу даврида 369 та) хўжалик юритувчи субъектларнинг 1,2 млн гектар (ўтган йилнинг шу даврида 730,7 минг гектар) ер майдонида ердан фойдаланиш ҳолати юзасидан режали ва режадан ташқари текширувлар ўтказилди. Ўтказилган текширишлар натижасида 285 та (ўтган йилнинг шу даврида 342 та) хўжалик юритувчи субъект раҳбарлари томонидан 4,7 минг гектар (ўтган йилнинг шу даврида 66 минг гектар) ер майдонида ер қонун бузилиш ҳолатларини содир этганликлари аниқланди. Натижада ер қонун бузилиш ҳолатларини содир этган 237 нафар (ўтган йилнинг шу даврида 289 нафар) субъект раҳбарларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси” нинг тегишли моддаларига асосан маъмурий чоралар кўрилди ва Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 85-моддасига кўра ер қонун бузилиш ҳолатларини келтириб чиқарган субъект раҳбарларига бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар берилди. Юқорида аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари таҳлил қилинганда, 35 та ердан фойдаланувчилар томонидан маълумотларни ҳисоботдан яширганлик ёки нотўғри кўрсатганлик ҳолатлари 12 фоизни, 158 та ердан фойдаланувчилар томонидан хўжалик ички ер тузиш лойиҳаларидан чекинишлик ҳолатлари 55 фоизни, 58 та ердан фойдаланувчилар томонидан ердан хўжасизларча ёки самарасиз фойдаланганлик ҳолатлари 20 фоизни, 34 та ердан фойдаланувчилар томонидан бошқа қонун бузилиш ҳолатлари 13 фоизни ташкил этди. Ер қонун бузилиш ҳолатларини содир этган 285 та субъектдан 237 тасига нисбатан Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси”нинг тегишли моддаларига асосан маъмурий жавобгарликка доир иш кўзғатилиб маъмурий жаримага тортилди, 7 та ҳолатда чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига, 41 та ҳолатда эса аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли тартибда чоралар кўриш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси”нинг 34-моддасига асосан “Бир неча ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун маъмурий жазо қўллаш” учун Худудий кенгашларга ҳужжатлар расмийлаштирилиб юборилди [10].

Шунингдек, Давергеодезкадастр қўмитаси қуйи тизимидаги ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза

қилиш устидан назоратни амалга оширувчи **давлат инспекторлари** томонидан ерлардан самарали ва оқилона фойдаланишни тартибга солиш, ер қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2017 йил 6 майда рўйхатдан ўтган 2878-сонли Низомнинг 3-илоvasида юклатилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Давергеодезкадастр қўмитасининг қуйи тизимлари томонидан 2017 йил давомида Кенгаш (вилоят комиссиялари) билан қўшимча келишувсиз жами 1495 та (ўтган йилда 2245 та) тадбиркорлик субъектларининг ердан фойдаланиши юзасидан назорат тадбирлари ўтказилди. Натижада субъектлар томонидан 5243 гектар (ўтган йилда 9080 гектар) майдонда, шундан 500 таси режадаги чигитни экишда, 347 таси кузги бошоқпи донни экишда, 194 таси сабзавот, қартошка, полиз ва бошқа экинларини экишда ва 454 таси ерлардан белгилангандан бошқа мақсадларда фойдаланиб келаётганликлари аниқланди. Аниқланган ер қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида:

- жами 429,4 млн сўм миқдорида маъмурий жарима қўлланилди;

- 1839 гектар майдонда содир этилган қонун бузилиш ҳолатларини келтириб чиқарган субъект раҳбарларига нисбатан чора кўриш учун прокуратура органларига ҳужжатлар расмийлаштирилиб тақдим этилди, 738 гектар майдондаги қонун бузилиш ҳолатлари жойининг ўзида бартараф этилиб, жойларда қонун бузилиш ҳолатлари бартараф этилишига эришилди [10].

Юқоридаги амалий мисоллар ҳам шуни кўрсатмоқдаки, ерларни муҳофаза қилиш соҳасидаги назоратни амалга оширишда бу борада илмий изланишлар асосида яратилган бой илмий тажриба ҳамда амалдаги қонунчиликни бир бирига мослаштиришни тақозо этади. Чунки бугунги ва келажак авлодни фаровон ҳаётини таъминлаш асосан ва кўп жиҳатдан табиат ресурсларидан, шу жумладан ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни самарали муҳофаза қилишга узвий боғлиқдир.

Ерларни муҳофаза қилиш соҳасидаги экологик назоратнинг аҳамияти шундаки, биринчидан, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари қоида-талабларини юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этилиши юзасидан маълумотлар базасини шакллантиради, иккинчидан, махсус қоида-талабларнинг ижро этилиши даражасига баҳо берилиб, тегишли ҳуқуқий таъсир чоралари кўрилади, учинчидан, энг муҳими барча давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар томонидан қоида-талабларни бузилишини олдини олишга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ер ҳуқуқи. / Масъул муҳаррир Холмўминов Ж.Т.. – Тошкент: ТДЮУ, 2019. – Б.251.
2. Земельное право: Учебник. / Боголюбов С.А., Галиновская Е.А.; под ред. Боголюбова С.А. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2014. – С. 238-239.
3. Калонов Б.Х. Ўзбекистон Республикасида давлат экология назоратининг ҳуқуқий муаммолари. Юрид. фан. номз. илмий даражасини олиш учун дисс... автореферати.-Т., 2004. – 10-11 б.

4. Экология ҳуқуқи. / Масъул муҳаррир: Усмонов М.Б. — Тошкент: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси “Адабиёт жамғармаси” нашр., 2001. — 65 б.

5. Бринчук М.М. Экологическое право. -М.: ЮРИСТЪ. 2004. — С.335.

6. Голиченков А. К. Экологический контроль: теория, практика правового регулирования. — М., 1992.-С. 73.

7. Земельное право России. Учебник. Кол.авт. М.: «Былина», 2017. — С.181-182.

8. Земельное право Украины: Учеб. Пособие. / Авт. кол.: Беженарь А.М., Бердников Е.С., Бондар Л.А. и др.; Под ред. Погребного А.А., Каракаша И.И. — К.: Истина, 2012. - С.437.

9. Голиченков А.К. Экологический контроль: теория, практика правового регулирования. — М., 1992. — С. 37.

10. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. -Т.: Ўзбекистон, 2018. -Б.77-78.

Ш.Зуфарова

Соискатель Академии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ДАЛЬНЕЙШЕГО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В СФЕРЕ ЗАЩИТЫ ПРАВ НА ОБЪЕКТЫ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ

Аннотация: статья посвящена актуальным вопросам кодификации правовой защиты интеллектуальной собственности в Республике Узбекистан. На основе анализа зарубежного опыта в указанной сфере предлагается разработать Кодекс интеллектуальной собственности Республики Узбекистан.

Ключевые слова: кодификация, кодекс интеллектуальной собственности, защита прав на объекты интеллектуальной собственности, гражданско-правовая защита интеллектуальных прав, уголовно-правовая защита интеллектуальных прав, административно-правовая защита интеллектуальных прав.

Аннотация: мазкур мақола Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк ҳуқуқий ҳимоясини кодификациялашнинг долзарб масалаларига бағишланган. Хорижий тажрибани таҳлил қилиш асосида мазкур соҳада Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк Кодекси ишлаб чиқиш таклиф қилинмоқда.

Калит сўзлар: кодификация, интеллектуал мулк кодекси, интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқ ҳимояси, интеллектуал ҳуқуқларнинг фуқаролик-ҳуқуқий ҳимояси, интеллектуал ҳуқуқларнинг жиноий-ҳуқуқий ҳимояси, интеллектуал ҳуқуқларининг маъмурий-ҳуқуқий ҳимояси.

Abstract: the article is devoted to the topical issues of codification of legal protection of intellectual property in the Republic of Uzbekistan. Based on the analysis of foreign practice in this area, it is proposed to develop an Intellectual Property Code of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: codification, code of intellectual property, protection of intellectual property rights, civil legal protection of intellectual rights, criminal legal protection of intellectual rights administrative legal protection of intellectual rights.

В настоящее время Республика Узбекистан находится на стадии активной интеграции в мирохозяйственные связи, под влиянием которых происходят изменения в механизмах защиты прав на объекты интеллектуальной деятельности. В этой связи особое значение обретают вопросы их защиты в различных сферах (медиа, кино-видео, музыкальная, полиграфическая индустрии, цифровые коммуникации, торговля лицензиями на запатентованные объекты промыш-

ленной собственности, программное обеспечение и т.д.).

В связи с этим в нашей стране интенсивно развивается соответствующий механизм правового регулирования, происходит детализация юридических норм в указанной области.

Авторы выделяют гражданско-правовую, уголовно-правовую и административно-правовую защиту интеллектуальных прав [1].

Гражданско-правовая защита включает в себя нормы, содержащиеся в части IV Гражданского кодекса Республики Узбекистан.

Что касается уголовно-правовой защиты прав на объекты интеллектуальной собственности, Уголовным кодексом закреплена ответственность за нарушение авторских или изобретательских прав (Статья 149) [2].

Вместе с тем, защита интеллектуальной собственности в Узбекистане не ограничивается гражданско-правовыми инструментами. Так, Кодекс об административной ответственности предусматривает санкции за незаконное использование чужого товарного знака, знака обслуживания), наименования места происхождения товара или фирменного наименования (статья 177), нарушение авторского права и смежных прав (статья 177¹), нарушение прав на изобретение, полезную модель и промышленный образец (статья 177²) [3].

В Главе 56 Таможенного кодекса содержатся нормы по защите прав на объекты интеллектуальной собственности ст.ст. 382-393 [4].

Гражданский кодекс отсылает к специальным законам. Для каждого вида объектов интеллектуальной собственности (см.ст. 1031 ГК [5]) разработано порядка 20 законов прямого действия. Среди которых можно особо выделить Законы: «Об авторском праве и смежных правах» [6], «О товарных знаках, знаках обслуживания и наименованиях мест происхождения товаров» [7], «О коммерческой тайне» [8], «О селекционных достижениях» [9], «Об изобретениях, полезных моделях и промышленных образцах» [10], «О правовой охране программ для электронных вычислительных машин и баз данных» [11], «О правовой охране топологий интегральных микросхем» [12] и ряд других.

Законы же «О присоединении Республики Узбекистан к Договору Всемирной организации интеллектуальной собственности по авторскому праву» [13] и «О присоединении Республики Узбекистан к Договору Всемирной организации интеллектуальной собственности по исполнениям и фонограммам (Женева, 20 декабря 1996 года)» [14] приняты в 2019г.

Несмотря на такое пристальное внимание к проблематике защиты прав на объекты интеллектуальной собственности, дискуссионными остаются вопросы, связанные с применением указанных норм.

Мы согласны с мнением Атоева С. который утверждает, что, во-первых, это характеризуется отсутствием четкой системы в законодательстве. Например, Закон «О правовой охране программ для электронных вычислительных машин и баз

данных» содержит ряд ссылок на Закон «Об авторском праве и смежных правах» [15].

Во-вторых, происходит дублирование норм, которые содержатся как в специальных законах, так и в Гражданском кодексе. Например, нормы Гражданского кодекса дублируют нормы Закона «Об авторском праве и смежных правах» [15].

Следует отметить, что с начала 90-х годов прошлого века в ряде зарубежных стран (Франция (1992), Филиппины (1998) и др.) приняты кодифицированные акты, направленные на комплексную защиту объектов интеллектуальной собственности.

По мнению французского юриста Р.Кодияка [16] существуют: ассоциативные (Кодекс Хаммурапи [17]), алфавитные (Codex belgicus 1649 (Бельгийский кодекс) [18]), хронологические (Военный кодекс, составленный в 1708 г. шевалье Де Спарром [19]) и систематические кодексы (кодификации Юстиниана [20]).

Французская правовая традиция отличается значительными успехами в кодификации законодательства. Большинство правил и требований, применимых к правам интеллектуальной собственности, вытекают из Европейского Союза и кодифицированы во французском Кодексе интеллектуальной собственности.

Правовое регулирование интеллектуальной собственности во Франции осуществляется национальными и международными нормами права.

Необходимость последовательной реализации международных обязательств в сфере интеллектуальной собственности легло в основу Кодекса интеллектуальной собственности (Code de la propriété intellectuelle) [21].

Во Франции данный документ действует с июня 1992 года как единый кодифицированный нормативный правовой акт в сфере интеллектуальной собственности. С его принятием были отменены ранее действующие законы и подзаконные акты в данной области правового регулирования.

Кодексом интеллектуальной собственности Франции предусмотрена правовая охрана авторского права и смежных прав, а также объектов промышленной собственности (промышленных образцов; изобретений и технических знаний, в том числе производственных секретов, полупроводниковых изделий, селекционных достижений, товарных знаков и знаков обслуживания, географических указаний).

Принятие Кодекса интеллектуальной собственности способствовало упрощению правоприменения в этой области, а также остановило процесс неконтролируемого искажения ведомственным нормотворчеством. Кодекс состоит из двух частей: законодательной (Partie législative) и регламентирующей (Partie réglementaire). Законодательная часть включает в себя часть первую, регламентирующую литературную и художественную собственность, часть вторую, посвященную промышленной собственности, и часть третью по применению норм на заморских территориях и на Майотте. Регламентирующая часть, назначение которой состоит в детализации положений законодательной части, включает

в себя восемь томов, посвященных авторскому праву и смежным правам, объектам промышленной собственности и применению норм заморскими территориями Франции.

Большинство норм Кодекса содержит основополагающие принципы международных соглашений в рамках Всемирной организации интеллектуальной собственности, а также соглашений, таких как Соглашение по торговым аспектам прав интеллектуальной собственности (ТРИПС), входящих в пакет документов Всемирной Торговой Организации [22].

Так, согласно статье L. 111 1 Кодекса интеллектуальной собственности автор творческого произведения в силу факта его создания имеет в отношении этого произведения исключительное право нематериальной собственности. В Кодексе приведен перечень охраняемых произведений, включая произведения литературы, художественные, музыкальные, кинематографические произведения, произведения декоративно-прикладного искусства, программное обеспечение ЭВМ, сезонные промышленные изделия, относящиеся к одежде и украшениям.

Необходимо также учитывать, что при составлении Кодекса существуют разногласия, возникающие среди цивилистов. Так, Е. Войниканис утверждает, что цивилистическая идеология кодификации препятствует формированию межотраслевых связей и оформлению института интеллектуальных прав как комплексного правового института [23].

В отличие от многих других законы об авторском праве Филиппин защищают также патенты, товарные знаки и другие формы интеллектуальной собственности [24].

Кодекс интеллектуальной собственности Филиппин разделен на пять частей: Ведомство интеллектуальной собственности (часть I), Закон о патентах (часть II), Закон о товарных знаках, знаках обслуживания и фирменных наименованиях (часть III), Закон об авторском праве (часть IV), Заключительные положения (часть V). Права интеллектуальной собственности в соответствии с Кодексом интеллектуальной собственности следующие: 1) Авторское право и смежные права; 2) Товарные знаки и знаки обслуживания; 3) Географические указания; 4) Промышленные образцы; 5) Патенты; 6) Макетные схемы [топографии] интегральных схем; и 7) Защита нераскрытой информации [25].

Определенная работа в сфере кодификации отраслевого законодательства в указанной сфере ведется и в КНР. Это связано с рядом факторов, так в 2019 году КНР вышел на первое место по числу поданных международных патентных заявок ВОИС (58 990 заявок) в рамках системы Договора ВОИС о патентной кооперации (РСТ) [26] в качестве самого, обойдя крупного пользователя системы РСТ США (57 840 заявок в 2019 г.) [27].

Несмотря на такое положение Лиу (Kung-Chung Liu) полагает, что КНР должен модернизировать защиту прав на объекты интеллектуальной собственности посредством принятия Кодекса интеллектуальной собственности. Кодификация заложит прочную правовую основу для дол-

госрочной стратегии инновационного развития и верховенства закона в Китае [28].

На основе вышесказанного, автор рассматривает кодификацию законодательства Республики Узбекистан в единый Кодекс интеллектуальной собственности, включая в одну часть нормативно-правовые акты, имеющие законодательную природу, во вторую – нормативно-правовые акты, имеющие регламентарную (подзаконную) природу. При этом главы каждой из частей должны соответствовать друг другу.

Для нашей страны, которая стремится модернизировать законы об интеллектуальной собственности предлагается разработать Кодекс интеллектуальной собственности Республики Узбекистан.

В связи с чем, при составлении представляется необходимым использовать опыт зарубежный опыт в указанной сфере [29].

Во-первых, полагаем целесообразным, что кодекс должен объединить в себе вопросы защиты всех объектов интеллектуальной собственности, определенные в статье 1031 ГК, помимо этого, в нем следует также регламентировать вопросы защиты авторских прав и противодействия обороту контрафактной продукции в Интернете.

Во-вторых, важным является определение в кодексе институциональных основ защиты прав на объекты интеллектуальной собственности (статус уполномоченных органов, их функции, задачи и др.)

В качестве уполномоченных органов предлагается определить Кабинет Министров Республики Узбекистан, Агентство по защите интеллектуальной собственности при Министерстве юстиции. В качестве обеспечивающих права интеллектуальной собственности предлагается включить Министерство инновационного развития, МВД, ГТК, ГНК, КОГГ СГБ, Антимонопольный комитет, Департамент при Генеральной прокуратуре, Агентство по защите прав потребителей, Агентство продвижения экспорта Республики Узбекистан и др.

В кодексе также следует определить функции Торгово-промышленной палаты и Патентных поверенных.

В-третьих, считаем необходимым систематизировать нормы касающиеся ответственности за нарушение прав на объекты интеллектуальной собственности. В этой связи полагаем включить в Кодекс нормы, регламентирующие вопросы применения видов и форм ответственности за нарушения прав интеллектуальной собственности. Предлагается установить в кодексе гражданско-правовую, уголовно-правовую и административную виды ответственности.

Список литературы:

1. Nemlioglu I.A Comparative Analysis of Intellectual Property Rights: A case of Developed versus Developing Countries. J.: Procedia Computer science. Published by Elsevier B., 2019. P. 988-998.
2. <http://lex.uz/ru/docs/111457>
3. <http://lex.uz/ru/docs/97661>
4. <http://lex.uz/ru/docs/2876352>
5. <http://lex.uz/ru/docs/180550>
6. <http://lex.uz/ru/docs/1023494>
7. <http://lex.uz/ru/docs/6936>
8. <http://lex.uz/ru/docs/2460799>
9. <http://lex.uz/ru/docs/64972>
10. <http://lex.uz/ru/docs/77168>
11. <http://lex.uz/ru/docs/143970>
12. <http://lex.uz/ru/docs/31682>
13. <http://lex.uz/ru/docs/4202741>
14. <http://lex.uz/ru/docs/4202730>
15. Атоев С. Право интеллектуальной собственности в Узбекистане: законодательство, практика и перспективы. <http://www.programma.x-pdf.ru/16yuridicheskie/638312-1-pravo-intellektualnoy-sobstvennosti-uzbekistane-zakonodatelstvo-praktika-perspektivi-pravo-intellektualnoy-sobstv.php>. Дата обращения: 09.09.2020 г.
16. Rémy Cabrillac. Les Codifications. Presses Universitaires de France - PUF (15 novembre 2002), 320 pages.
17. См.: J. Vanderlinden, Comparer les droits..., op. cit., p. 231.
18. См.: J. Vanderlinden, Le concept de code..., op. cit., p. 356.
19. Ibid., p. 376.
20. «Все право, которым мы пользуемся, относится либо к лицам, либо к вещам, либо к искам» (фраза из Институций Гая, воспроизведенная в Институциях Юстиниана).
21. Code de la propriété intellectuelle <https://www.legifrance.gouv.fr/codes/id/LEGITEXT00006069414/>
22. См.: V.-L. Benabou, V. Varet, La codification de la propriété intellectuelle, op. cit., p. 140.
23. Войниканис Е.А. Кодификация законодательства и ее особенности в сфере интеллектуальных прав: теоретико-правовые аспекты. Право и политика 11 (179), 2014
24. Intellectual Property Code of the Philippines. Republic Act No. 8293 (January 1, 1998). Act prescribing the intellectual property code and establishing the intellectual property office, providing for its powers and functions, and for other purposes.
25. <https://boi.gov.ph/wp-content/uploads/2018/02/RA-8293.pdf>. Дата обращения 15 сентября 2020 г.
26. The International Patent System (PCT).
— URL: https://www.wipo.int/edocs/mdocs/mdocs/en/wipo_pct_mct_16/wipo_pct_mct_16_p05.pdf
27. Выступление Генерального директора ВОИС Фрэнсиса Гарри о результатах работы ВОИС в 2019 г., основных положениях программы на 2020 г. и возникающих, в связи с этим вызовах, включая пандемию COVID-19.
28. K.-C. Liu, U. S. Racherla (eds.), Innovation, Economic Development, and Intellectual Property in India and China, ARCIALA Series on Intellectual Assets and Law in Asia, 2019, pages 25-37.
29. J.-M. Mousseron, J. Schmidt, Brevets d'invention // Recueil Dalloz-Sirey, 1993, Somm. corn., p. 375.

Қ.А. Мусаев
ТДЮУ мустақил изланувчиси

БИТИМЛАРНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада битимларни ҳақиқий эмас деб топишнинг назарий ва амалий муаммолари илмий нуқтаи назардан тадқиқ қилинган. Битимларни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича муаммоларга ечимлар ишлаб чиқилган ва қонунчиликка таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: битим, битимларнинг ҳақиқий эмаслиги, ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асослари, ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимлар, низоли битимлар.

Аннотация: в данной статье рассматриваются теоретические и практические проблемы признания сделок недействительными. Были разработаны решения проблем признания сделок недействительными, внесены предложения в законодательство.

Ключевые слова: сделка, недействительность сделок, основам правопорядка или нравственности, ничтожные сделки, оспоримые сделки.

Abstract: this article discusses the theoretical and practical problems of invalidating transactions. Solutions to the problems of invalidating transactions were developed, and proposals were made to the legislation.

Keywords: transaction, invalidity of transactions, the basics of law and order or morality, insignificant transactions, disputed transactions.

Рим ҳуқуқи даврдан бери битимнинг ҳақиқий эмаслиги муаммолари юридик адабиётларнинг диққат марказида бўлиб келган. Рим ҳуқуқида битимнинг ҳақиқий эмаслиги тушунчаси бўлмаган, лекин мавжуд бўлмаган битим (*nullus*) тушунчаси бўлиб, бунинг оқибатида ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим тушунчаси пайдо бўлган.

Ҳақиқатдан ҳам ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган ва низоли битимларга бўлиниш кўплаб мамлакатлар, жумладан Франция, Германия, Руминия ва кўплаб постсовет мамлакатлари қонунчилигида кенг қўлланилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 113-125-моддалари битимларнинг ҳақиқий эмаслигига бағишланган бўлиб, бугунги кунда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Юридик адабиётларда Фуқаролик кодексининг 116-моддаси қўлланилиши билан боғлиқ бўлган муаммога анча вақтдан буён эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 116-моддаси ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига зид бўлган мақсадда тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслигини ифодалайди. Шунинг таъкидлаш кераки, битимларни ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига зидлиги сабабли ҳақиқий эмас деб тан олиш бир вақтнинг ўзида

муайян битимлар, қонунлар ва ҳуқуқий меъёрларни бузган тақдирдагина амалга оширилади.

Қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир. Битимни ҳақиқий эмас деб топиш учун шахснинг қасддан ҳаракат қилганлиги асос бўлади.

Россия қонунчилигида ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига зид мақсадда тузилган битимлар тўғрисидаги қоидалар Россия империяси қонунлар тўплами Х жилдининг 1528-моддасида таъкидлаб ўтилган [1].

Олимлар томонидан ҳам ушбу масала ҳақида турли хил назарий фикрлар айтиб ўтилган. Бу масала бўйича ҳуқуқшунос олим Н.В. Рабиновичнинг фикрича, ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган, шунингдек низоли битимлар ҳам ваколатли органлар (суд, арбитраж) томонидан ҳақиқий эмас деб эълон қилиниши зарур [2, 16 б].

Ю.Г.Басиннинг таъкидлашича, битимни ҳақиқий эмас деб топиш учун ваколатли давлат органлари ёки манфаатдор шахснинг талаби асосида амалга оширилади [3].

Бизнинг фикримизча, Ю.Г. Басиннинг илгари сурган фикри асосли кўринади. Битимнинг ҳақиқий эмаслигини тўғрисида шунинг таъкидлаш лозимки, ФК ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган асослар бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас топилади. Шунингдек, ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳақиқий эмаслигини оқибатларини қўлланиш тўғрисидаги талабни ҳар қандай манфаатдор шахс қўйиши мумкин.

Ю.А. Рубцова таъкидлаганидек, суд амалиётида қонунни четлаб ўтган битимларни ҳақиқий эмас деб топилган кўплаб ҳолатларни учратиш мумкин [4].

ФКнинг 116-моддасига мувофиқ битимнинг асосий белгилари бўлиб, биринчидан, мақсад: битим ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоққа зид мақсадда тузилади; иккинчидан, бундай битим тузган тарафларнинг ҳеч бўлмаган биттасида ғаразли ният бўлади.

Айтиш мумкинки, ҳуқуқ-тартибот категорияси кўп йиллар мобайнида юридик фанлар вакилларининг диққат марказида бўлиб келган, чунки у ҳуқуқ, ҳуқуқий тизим ёки ҳуқуқий муносабатлар каби юридик категорияларга чамбарчас боғлиқдир.

“Ҳуқуқий тартибот” атамаси ҳуқуқий доиралар категорияси сифатида одатда қонун билан тартибга солинадиган муайян муносабатлар ҳолатини англатади, бу қонунга риоя қилишнинг зарур даражаси билан тавсифланади, барча фуқаролар, юридик шахслар ва давлат ҳокимияти органлари томонидан субъектив ҳуқуқлар, ҳуқуқий мажбуриятларни таъминловчи, ҳуқуқбузарга нисбатан давлат томонидан қўлланиладиган чораларни қўллаиди, бузилган субъектив ҳуқуқларни тиклайди [5].

А.Я. Курбатовнинг ёзишича, ҳуқуқ-тартибот асосларига тажовуз қилиш жамият манфаатларига зарар етказишга олиб келади. Масалан, солиқ қонунчилигини бузилишига олиб келадиган битимлар, шунингдек қалбаки

ҳужжатлар ва қимматли қоғозларни тайёрлаш ва сотишга қаратилган битимлар [6].

Л.В. Щенникова фикрича, антииҷтимоий битимлар оммавий манфаатларни бузишга ва ғазнага зарар етказиш билан боғлиқ деб ҳисоблайди. Шунинг учун “ҳуқуқ-тартибот асослари” атамасини “оммавий тартибот асослари” деб аташни илгари суради [7].

Е.В. Васьковскийнинг фикрича, “ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳуқуқий жиҳатдан тузилмаган ва мавжуд эмас деб ҳисоблайди” [8, 174 б].

Г.Ф. Шершенович тўғри таъкидлаганидек, “ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим” қонун бўйича ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларни юзага келтирмайди [9].

Ушбу юқоридаги берилган таърифлар орасида назаримизда А.Я. Курбатов, Л.В. Щенникова, Е.В. Васьковский ва Г.Ф. Шершеновичлар томонидан берилган таърифлар нисбатан битимларнинг ҳақиқий эмаслигини тўлиқроқ қамраб олган деб айтиш мумкин. Битимларнинг ҳақиқий эмаслигига кенгроқ тўхталиш ва таъриф бериш мақсадга мувофиқдир.

Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ноқонуний ҳаракат бўлган ҳолда фақат қонунда ушбу ҳолат учун кўзда тутилган ҳуқуқбузарликка қарши оқибатларни юзага келтиради.

Низоли ва ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимларни О.В. Гутников моддий ва формал мезонларга бўлади. Моддий мезонлар қуйидаги хусусиятларни ўз ичига олади:

- битим тузилишидаги камчиликларнинг жиддийлик даражаси;
- битимнинг ҳақиқий эмаслиги ҳуқуқ ва манфаатларнинг хусусияти билан боғлиқлик даражаси (оммавий ёки хусусий).

Формал мезонларга қуйидагилар киради:

- суд қароридан қатъий назар, ҳақиқий эмас деб топилганлиги ёки ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги суд қарори;
- битимга эътироз билдиришга ва битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллашни талаб қилишга ҳақли бўлган шахслар доираси;
- битимларни ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш учун белгиланган даъво муддати;
- битимнинг ҳақиқий эмаслигини тасдиқлаш шартлари [10, 134-142 б].

Н.Д. Шестакова битимнинг ҳақиқий эмаслигини тан олишни оқибатларини умумий (икки томонлама реституция), махсус (бир томонлама реституция) ва қўшимчага (зарарни қоплаш) ажратади [11, 61 б].

Битимнинг ҳақиқий эмаслиги битим ҳуқуқий муносабатлар сифатида эмас, балки юридик факт сифатида тушунилади. Битимнинг ҳақиқий эмаслиги уни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги суд қарори кучга киргунга қадар ҳақиқий ҳисобланади.

Н.В. Рабиновичнинг сўзларига кўра, битимларнинг ҳақиқий эмаслиги қуйидагиларга боғлиқ: 1) ироданинг нуқсонлари; 2) иродани ифода этишда нуқсонлар; 3) ирода ва ирода ифодаси ўртасидаги номувофиқлик; 4) учинчи шахс томонидан битимга қонун бўйича талаб этиладиган розилиги мавжуд эмаслиги [12, 8 б].

И.Г. Ташкер қонунни четлаб ўтган битим қонунга зид бўлган мақсадни амалга оширишга олиб келади деган фикрни илгари суради [13, 114 б].

С.С. Алексеев тўғри таъкидлаб ўтганидек, битимнинг ҳақиқий эмаслиги – бу томонлар учун керакли ҳуқуқий натижани бермайдиган, аммо маълум шартларга кўра улар учун салбий оқибатларнинг пайдо бўлишига олиб келадиган битимдир [14].

Шуни таъкидлаш керакки, ФКнинг 116-моддасини қўллаш объектив мезонга асосланади - битим қонун талабларига зиддир, шунинг учун томонларнинг айби бор ёки йўқлиги ушбу моддани қўллаш учун ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас. Ўз-ўзидан қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик битимларнинг ҳақиқий эмаслигини тасдиқлаш учун етарли асосдир.

Битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги ҳар қандай даъво исталган манфаатдор шахс томонидан берилиши мумкин. Бундан ташқари, суд ушбу оқибатларни ўз ташаббуси билан қўллаши мумкин.

Ю.В. Романецнинг фикрича, қонун амалга оширилган қоидабузарликларнинг жамоат хавфлилиги даражасига қараб битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини таснифлайди: ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асослари бузилган тақдирда - битим предмети мусодара қилишни, бошқа қоидабузарликлар учун битим тузишдан олдинги ҳолатга келтиришни ташкил қилади [15].

С.С. Алексеев ҳуқуқ-тартиботни жамият ривожининг маълум бир босқичида ижтимоий муносабатларнинг ижобий ҳолатини акс эттирувчи ҳуқуқ ва қонунлиқ асосида ижтимоий ҳаётни ташкил этиш деб белгилайди [16].

Ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топишда судлар, бу битим ҳуқуқ-тартибот асосларини таъминловчи, яъни конституциявий тузум асослари, давлатнинг мудофаа, хавфсизлик ва иқтисодий тизими (курол-яроғнинг ноқонуний экспорти, солиқ тўловларидан бўйин товлаш ва бошқалар), фуқаро ва шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини кўриқловчи ва ҳимояловчи ҳуқуқ нормаларининг талаблари бузилганлиги ёхуд ижтимоий ахлоқ асослари, яъни жамиятда шаклланган эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, гуноҳ ва савоб ҳақидаги қарашларга зид ёки зид эмаслигини аниқлашлари лозим [17].

Битимни амалга оширган шахснинг ёки икки томонлама битим (шартнома) иштирокчиларидан бирининг имзоси ҳақиқийлигига шубҳа туғилиб, битим низолашилганда, арз қилинган талаб асосли бўлса, битим ФКнинг 116-моддасига мувофиқ ҳақиқий эмас деб топилади.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, кимошди савдосини ўтказиш қоидаларининг бузилганлиги кимошди савдоси натижаси бўйича тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади. Бунда суд битимни ФКнинг 116-моддасига асосан ҳақиқий эмас деб топади. [18].

ФКнинг 116-моддаси қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига зид бўлган мақсадда тузилган

битимнинг ҳақиқий эмаслигини кўрсатади. Шунинг билан керакки, амалдаги ФКнинг 116-моддасида “ҳуқуқ-тартибот” ва “ахлоқ асослари” тушунчаларининг аниқ таърифи берилмаган. Шунинг билан ушбу атамаларни талқин қилишда ва уларни амалда қўллашда ноаниқликлар вужудга келмоқда.

Фуқаролик ҳуқуқи фанида “ҳуқуқ-тартибот асослари” бўйича турли нуқтаи назарлар мавжуд. Айрим муаллифларнинг фикрича, ҳуқуқ-тартибот бу муайян ҳуқуқлар, мажбуриятлар билан биргаликда уларни амалга оширишда ҳуқуқ нормаларига мос келадиган ҳуқуқий муносабатлар тизими тушунилади. Бошқалар бир муаллифлар эса “ҳуқуқ билан тартибга солинадиган муносабатларнинг муайян ҳолати” ёки “ҳуқуқий муносабатлар билан чегараланмаган ҳуқуқий муносабатлар тизими” ҳақида ёзадилар. Ҳуқуқ-тартибот - бу ижтимоий ҳаётнинг ҳақиқий ҳодисаси, ижтимоий феноменидир [19].

Фикримизча, ҳуқуқ-тартибот асослари – бу жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий тузилиши бўйича белгилаш ва унга риоя қилиш, ҳуқуқий қоидаларни таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган давлат томонидан ўрнатилган асосий нормалардир.

О.Н. Садиқовнинг таъкидлашича, ахлоқ - бу жамият ҳаётидаги одамларнинг хулқ-атворини баҳолаш асосида шакллланган одиллик, эзгулик ва ёвузлик, ёмонлик ва яхшилик ғоясидир [20, 215 б].

Бизнинг фикримизча, ахлоқ асослари - бу жамиятдаги ахлоқий меъёрлар ва тўғри хулқ-атвор нормалари тўғрисида умум қабул қилинган ахлоқий тамойиллар тушунилади.

Шу нуқтаи назардан, ФКнинг 116-моддасига мувофиқ “ҳуқуқ-тартибот асослари”ни белгилайдиган қонунлар доирасини қонуний равишда аниқлаш ҳамда ушбу моддада кўрсатилган категорияни очиб бериш таклиф этилади.

Хулоса сифатида шунинг қайд этиш лозимки, қонуншунос “ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асослари” каби категорияларни аниқ белгилаш лозим. Бу ўз навбатида ФКнинг 116-моддасини назарияда ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида янада фаол ишлатилишига ёрдам беради.

Адабиётлар рўйхати

1. Свод законов Российской империи. Том X. Свод законов гражданских СПб., 1900 // [Электронный ресурс]. / [сайт]. [2018]. URL: <http://civil/consultant.ru/reprint/books/211>.
2. Рабинович Н. В. Недействительность сделок и ее последствия / Н. В. Рабинович. – Л. : Изд-во ЛГУ, 1960.
3. Гражданское право : учебник для вузов (академический курс) / отв. ред. М. К. Сулейменов, Ю. Г. Басин. – Алматы : КазГЮУ, 2000. – Т. 1.
4. Рубцова Ю.А. Историческое развитие гражданского законодательства о сделке, совершенной с целью, противной основам правопорядка и нравственности // История государства и права. 2011. № 18.
5. Юридический энциклопедический словарь / под ред. А. Я. Сухарева. – М., 1984. – С. 278.
6. Курбатов А. Я. О применении ст. 169 ГК РФ в налоговых отношениях // Хозяйство и право. – 2008. – № 7. – С. 112.
7. Щенникова Л. В. Антисоциальные сделки // Арбитражное правосудие в России. – 2007. – № 12. – С. 47.
8. Васильковский Е. В. Учебник гражданского права / Е. В. Васильковский. – М. : Статут, 2003 (по изд. 1894 г.)
9. Шершеневич Г. Ф. Учебник русского гражданского права (по изд. 1907 г.) / Г. Ф. Шершеневич. – М. : Спарк, 1995. – С. 127.
10. Гутников О. В. Недействительные сделки в гражданском праве (теория и практика оспаривания) / О. В. Гутников. – 3-е изд. – М. : Статут, 2007.
11. Шестакова Н.Д. Недействительность сделок / Н. Д. Шестакова. – СПб.: Юрид. центр Пресс, 2001.
12. Рабинович Н.В. Недействительность сделок и ее последствия. Л., — 1960. — С. 8, 86.
13. Ташкер И.Г. Некоторые вопросы недействительности противозаконных сделок // Советское государство и право. — 1958. — № 8. — С. 114.
14. Алексеев С. С. Гражданское право. — М.: Проспект, 2012. — с. 536
15. Романич Ю.В. Сделки, противные основам правопорядка и нравственности (этический и правовой аспекты) // Вестник гражданского права. 2009. № 2.
16. Алексеев С.С. Теория государства и права: Учебник для юридических вузов и факультетов. — М., 1997. — С. 456.
17. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2014 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодий судлар томонидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 269-сон қарори
18. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Суд амалиётида битимларни тартибга солишчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 17-сон қарорида

19. Григорьева М. А. Понятие гражданского правопорядка как научная проблема // Современное право. – 2008. – № 10. – С. 39.

20. Садилов О. Н. Научно-практический комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации / О.Н. Садилов. – М.: Проспект, 2002. – 735 с.

Н.Р.Темиров

ТДЮУ мустақил изланувчиси

МУЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ТАРИХИ, ТУШУНЧАСИ ВА ҚОНУНЧИЛИК ТАҲЛИЛИ

Аннотация: мазкур мақолада муаллифлик ҳуқуқи унинг келиб чиқиш тарихи, тушунчаси ҳамда бу соҳада Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқилган қонун ҳужжатлари юзасидан тақлифлар билдирилган.

Калит сўзлари: муаллифлик ҳуқуқи, мулкӣ ҳуқуқ, шахсий номулкий ҳуқуқлар, фан адабиёт ва санъат асарлари.

Аннотация: В данной статье представлены предложения по истории, концепции авторского права и законодательства, разработанного в Республике Узбекистан в этой области.

Ключевые слова: авторское право, имущественное право, личные неимущественные права, произведение науки, литературы и искусства.

Annotation: This article presents proposals on the history, concept of copyright and legislation developed in the Republic of Uzbekistan in this area.

Keywords: copyright, property rights, personal non-property rights, works of science, literature and art.

Қадим замонлардан бери инсоният ғайриоддий ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлган нарсаларни ҳимоя остига олишга интилиб келган. Шунинг учун ҳам интеллектуал мулк тушунчасининг пайдо бўлиши узоқ тарихга бориб тақалади. Европа мамлакатларида интеллектуал фаолиятнинг номоддий натижаларига нисбатан (адабиёт, санъат асарлари, ихтиролар ва бошқалар) пайдо бўлган ҳуқуқ 200 йилдан кўпроқ вақтни ўз ичига олади. Ушбу тушунча моддий нарсаларга эгалик қилиш ҳуқуқи асосида вжудга келган албатта.

Таъкидлаш жоизки, муаллифлик ҳуқуқи деганда, фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш, улардан фойдаланишда юзага келадиган муносабатларни қонун асосида тартибга солиш тушунилади. Қонунчиликка асосан, муаллифлик ҳуқуқининг объекти сифатида ахборот кўринишидаги асарлар, интервьюлар, мақолалар, фан, адабиёт ва санъат асарлари ҳимояга олинган.

Қиролича Анна томонидан 1709 йилда Англияда қабул қилинган биринчи қонун муаллифлик ҳуқуқини қонунчиликда расман тан олинганини кўрсатади. Қонунга кўра биринчи марта муаллиф ўз асари нусхасини кўпайтиришда рухсат бериш ҳуқуқини олди ва натижада “Copyright” (нусха олишга рухсат) термини пайдо бўлади. Мазкур қонун ноширнинг нашр этилган кундан бошлаб 14 йил ичида нашр этилган нашрга бўлган ҳуқуқини белгилаб берди ва муаллифнинг ҳаёти давомида ушбу муддатни яна 14 йилга узайтириш имконини берди.

Францияда 1791-1793 йилларда қабул қилинган иккита қонунга асосан адабий, драматик, мусиқий, визуал ижоднинг барча турларини ҳимоя қилиш кафолатланди.

Англия Франциядан сўнг муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Европанинг бошқа давлатлари томонидан ҳам қабул қилинди.

1886 йилда “Адабиёт ва бадий асарларни ҳимоя қилиш тўғрисида” Берн конвенцияси, сўнгра

интеллектуал мулк соҳасини тартибга солувчи бошқа халқаро шартномалар (конвенциялар) қабул қилинди.

Муаллифлик ҳуқуқи муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича француз тажрибаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини қабул қилинишида асос бўлиб хизмат қилди дейилса муболаға бўлмайди. Унинг 27-моддасида эса “Ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этишга, санъатдан баҳраманд бўлишга, илмий тараққиётда иштирок этиш ва унинг самараларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.” эканлиги белгилаб қўйилган [1].

Б.Тошевнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда ҳам соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида муаллифлик масалаларига катта эътибор берилган. Амир Темур шоир Махмуд Шабистарийнинг “Гулшани роз” асари уни бутун ўзига тортгани, у китоб муаллифига ҳурмати сабабли, шоирнинг ватани бўлмиш Шабистар аҳолисини ардоқлаб, уларнинг ҳар бирига беш мисқол тилладан, 18 минг беш юз милла тилла бағишлагани ва Амир Темурдай буюк инсон муаллифларга катта эътибор қаратгани, уларни моддий жиҳатдан рағбатлантирилишига раҳбарлик қилгани ҳақида ёзади [6].

Юқорида таъкидлаганимиздек, Берн конвенцияси 1886 йилда асос солинган бўлиб, мазкур конвенция фан, адабиёт ва санъат асарлари ҳамда уларнинг муаллифлари ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган универсал халқаро шартномалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон ҳам мазкур конвенцияга аъзо давлатлардан ҳисобланиб, Адабиёт ва бадий асарларни ҳимояси Ўзбекистон Республикасида ҳам бир хилда ҳимоя қиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси муаллифлик ҳуқуқининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди. Хусусан, Конституциямизнинг 42-моддасида фуқароларга бевосита илмий-техникавий ютуқлардан фойдаланиш кафолатлари берилди. Конституциядаги бундай ҳуқуқ ва эркинлик барчамизга ижод билан шуғулланиш интеллектуал фаолият натижаларимиздан самарали фойдаланиш ҳамда ўз тафаккури маҳсулотларини ҳеч бир тўсиқсиз тарқатиш имкониятини беради [2].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуни 2006 йилда қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

Бундан ташқари, 1994-йилда қабул қилинган “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам диққатга сазовордир.

Муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиёт ва санъат асарларига нисбатан, уларнинг мақсади ва қадр-қиммати, шунингдек ифодаланиш усулидан қатъи назар, татбиқ этилади.

Фан адабиёт санъат асарлари Берн конвенциясининг 2-моддасига асосан “Адабиёт ва бадий асарлар” тушунчаси адабиёт, фан ҳамда санъат соҳасида булган ва яратилиш услуби ва шаклидан қатъи-назар китоблар, рисоалар ва бошқа ёзма асарлар; маърузалар, мурожаатномалар, диний маърузалар ва шунга ухшаган бошқа асарлар; драматик ва мусика-драматик асарлар; хореографик асарлар ва пантомималар; матнли ва матнсиз мусикий бадиялар; кинематография услублари ёрдамида

яратиладиган кинематографик асарлар; суратлар, рассомлик асарлари, архитектура асарлари, ҳайкалтарошлик, графика ва литография асарлари; фотография услублар ёрдамида яратиладиган фотографик асарлар; амалий санъат асарлари; иллюстрациялар; географик хариталар, режа ва эскизлар; география, топография, архитектура ва бошқа фанларга тегишли булган пластика асарлари каби предметларни камраб олади [3].

Демак, муаллифлик ҳуқуқи интеллектуал мулк ҳуқуқининг бир таркибий қисми бўлиб, фан адабиёт ва санъат асарларининг эгасини (муаллиф) эътироф этиш ва ҳимоя қилиш, улардан фойдаланиш режимларини ўрнатиш, муаллифларга мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни берувчи ҳамда муаллифнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича муносабатларни тартибга солувчи фуқаролик ҳуқуқ нормаларининг мажмуи саналади.

Ижодий меҳнат маҳсулини яратган шахс ёки фуқаро муаллифлик ҳуқуқининг субъекти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни субъект сифатида ажратиш мумкин шунинг назарда тутиш лозимки қонун асар яратувчиларини ҳеч қандай ёш чегаралари билан чекламайди. Шунинг учун ҳуқуқий ҳимоядан нафақат вояга етган шахсларнинг асарлари, балки вояга етмаган шахслар ҳам фойдаланиш имкониятига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 29-моддасида ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганлар (кичик ёшдаги болалар) учун битимларни, уларнинг номидан фақат ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийлари тузиши мумкинлигини инобатга олсак муаллифлик ҳуқуқини кичик ёшдаги болалар учун фақат уларнинг ота оналари, фарзандликка олувчилари ёки васийлари амалга оширадilar. 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахслар эса ўз ҳуқуқларини, шу жумладан муаллифлик ҳуқуқларни ҳам мустақил равишда амалга оширадilar [4].

Юридик шахслар асарларнинг муаллифи бўла олмайди, лекин улар муаллифлик ҳуқуқининг (ҳуқуқ эгаси) эгаси бўлиши мумкин бироқ муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари унинг мулкӣ ҳуқуқларидан қатъи назар, унга тегишли бўлиб, асардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар бошқа шахсга ўтказилган тақдирда ҳам унинг ўзида сақланиб қолади.

Мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқлар нафақат муаллифлик ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқ, ушбу ҳуқуқлар фуқаролик ҳуқуқининг энг муҳим тушунчаларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун мазкур ҳуқуқларнинг ўзига хос хусусиятларини муаллифлик ҳуқуқи нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунининг 18-моддасига асосан асар муаллифига қуйидаги шахсий номулкий ҳуқуқлар тегишлидир:

асар муаллифи деб эътироф этилиш ҳуқуқи (муаллифлик ҳуқуқи);

асардан муаллифнинг ҳақиқий исми-шарифи, тахаллусини кўрсатган ҳолда ёхуд исми-шарифини кўрсатмасдан, яъни имзосиз фойдаланиш ёки фойдаланишга рухсат бериш ҳуқуқи (муаллифлик исми-шарифига бўлган ҳуқуқ);

асарни ҳар қандай шаклда ошкор қилиш ёки ошкор қилишга рухсат бериш ҳуқуқи (ошкор қилишга бўлган ҳуқуқ), шу жумладан чақириб олиш ҳуқуқи;

асарни, шу жумладан унинг номини муаллифнинг шаъни ва қадр-қимматига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқи (муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи).

Муаллифнинг асардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини англатади:

асарни такрорлаш (такрорлаш ҳуқуқи);

асарнинг асл нусхасини ёки нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи);

асарни барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи);

асарнинг асл нусхасини ёки нусхаларини прокатга бериш (прокатга бериш ҳуқуқи);

тарқатиш мақсадида асарнинг нусхаларини, шу жумладан мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг рухсати билан тайёрланган нусхаларини импорт қилиш (импорт қилиш ҳуқуқи);

асарни сим (кабель) орқали ёки бошқа шу каби воситалар ёрдамида узатиш йўли билан барчанинг эътибори учун юбориш (кабель орқали юбориш ҳуқуқи);

асарга тузатишлар киритиш, уни аранжировка қилиш ёки бошқача тарзда қайта ишлаш (қайта ишлаш ҳуқуқи);

асарни омма олдидан намойиш этиш (омма олдидан намойиш этиш ҳуқуқи);

асарни омма олдидан ижро этиш (омма олдидан ижро этиш ҳуқуқи);

асарни симсиз воситалар ёрдамида узатиш йўли билан барчанинг эътибори учун юбориш (эфирга узатиш ҳуқуқи);

асарни таржима қилиш (таржима қилиш ҳуқуқи);

асарни барчанинг эътиборига такроран юбориш, агар бундай юбориш дастлабки юборишни амалга оширган ташкилотдан бошқа ташкилот томонидан амалга оширилса (барчанинг эътиборига такроран юбориш ҳуқуқи).

Муаллиф ўз асаридан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олиш ҳуқуқига (ҳақ олиш ҳуқуқи) эга [5].

Ривожланган давлатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда самарали тизим мавжуд эмас. Энг жиддий муаммолардан бири бу муаллифлик ҳуқуқининг бузулиши, асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини такрорлаш, тарқатиш, барчанинг эътиборига етказишда жавобгарликка тортиш масаласида қонун ҳужжатлари етарли даражада мукамал эмас. Гарчи, 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, Муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузиш (177¹) ҳамда Ихтирога, фойдали моделга ва саноат намунасига бўлган ҳуқуқларни бузиш (177²) каби янги моддалар билан тўлдирилган бўлсада, амалиётда бу икки модда билан маъмурий жавобгарликка тортиш амлиёти деярли кам учрамоқда бу соҳда суд амалиёти жуда кам учрамоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтишимиз лозимки, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси

ҳамда амалда қонун ҳужжатлари мавжуд бўлсада, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш соҳасида хали кўп муаммолар мавжуд яъни инсофсиз рақобатга қарши ҳуқуқий ҳимоянинг етарли эмаслиги, тижорат сирларини ҳимоя қилишнинг етарли даражада ишлаб чиқилмаган ва қонунчилик билан тартибга солинган механизми ва бошқалар.

Шундай қилиб, интеллектуал мулкни ҳимоя қилишни таъминлаш Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий ва иқтисодий ислохотларининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиши лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. 27-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
3. Берн Конвенцияси.
4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.
5. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунининг 18-6 моддаси\2006 йил.
6. Тошев Б. “Бугун – Халқаро китоб ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кун” <http://hudud24.uz/bugun-halqaro-kitob-va-mualliflik-huquqlarini-himoya-qilish-kuni>

Б.Рашидов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедраси бошлиғи, юридик
фанлар номзоди, доцент

АЙРИМ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ ВА АҚШ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИДА ХУСУСИЙ АЙБЛОВ ИНСТИТУТИНИНГ БЕЛГИЛАНИШИ

Аннотация. мақолада Европанинг айрим мамлакатлари ва АҚШ жиноят-процессуал қонунчилигидаги хусусий айбловга оид жиноят ишларини юритиш тартиби ва хусусиятлари билан боғлиқ нормалар қиёсий таҳлил қилинган, амалга оширилган таҳлил асосида мамлакатимиз жиноят процессида хусусий айблов институтини такомиллаштиришга оид тавсиялар баён этилган.

Таянч сўзлар: жиноят-процессуал қонун, хусусий айблов, ярашув, жабрланувчи, хусусий айблов институтини қўллаш хусусиятлари, жиноят иши қўзғатишни рад этиш, жиноят ишини тугатиш, хусусий айблов институтини такомиллаштириш.

Аннотация. в статье сравнительно анализируется нормы уголовно-процессуального законодательства некоторых стран Европы и США связанные с порядком и особенностями производства дел частного обвинения, и излагаются рекомендации по совершенствованию института частного обвинения в отечественном уголовном процессе.

Ключевые слова: уголовно-процессуальный закон, частное обвинение, примирение, потерпевший, особенности применения института частного обвинения, отказ в возбуждении уголовного дела, прекращение уголовного дела, совершенствование института частного обвинения.

Annotation. the article comparatively analyzes the norms of the criminal procedural legislation of some European countries and the United States related to the procedure and features of the production of private prosecution cases, and outlines recommendations for improving the institution of private prosecution in the domestic criminal process.

Keywords: criminal procedure law, private prosecution, reconciliation, victim, features of the application of the institute of private prosecution, refusal to initiate criminal proceedings, termination of criminal proceedings, improvement of the institute of private prosecution.

Европада Англия қонунчилигига кўра жиноят процесси алоҳида қонунлар билан белгиланмаган, яъни процессуал фаолият умумий (суд прецеденти) ва статут [1] ҳуқуқига асосланиб юритилади. Ҳозирда Англияда 300 дан ортиқ статутлар мавжуд. Масалан: 1971 йилдаги “Судлар тўғрисида”ги қонун, 1984 йилдаги “Полиция ва суд далиллари ҳақида”ги қонун, шунингдек 1795 йилдаги “Ҳиёнат ҳақидаги ҳужжат” ҳам амал қилади. Англияда жиноят процесси асосан суддаги жараёнлардан иборат, бўлиб дастлабки иш юритуви (суднинг фаол иштирокида амалга оширилади), ишни судга бериш, суд муҳокамаси ва апелляция тартибида иш юритиш каби босқичларни ўзига қамраб олади. Судгача иш юритиш қисман тартибга солинган. Англияда жиноят процесси тортишувга асосланган, яъни айблов томон талабига

кўра фаолият бошланади ва барча босқичларда тортишувга асосан иш юритилади. Айбловни асосан хусусий шахс ёки полиция амалга оширади. Англияда исботлаш ҳуқуқи жуда мураккаб бўлиб алоҳида ҳуқуқ тармоғи ҳисобланади. Унга кўра суд учун қизиқиш уйғотадиган фактларни тасдиқловчи ёки рад этувчи барча нарса далил ҳисобланади. Суд иш учун аҳамиятли бўлган ва мақбул далиллардан фойдаланиши мумкин. Далиллар бизнинг қонунчиликдаги каби хусусиятларга эга бўлиши белгиланган.

Англияда полиция терговини (дастлабки иш юритуви) полиция, оммавий таъқиб дирекцияси, коронерлар, хусусий шахс ва ташкилотлар, бошқарув органлари амалга ошириши мумкин [2]. Яъни айбловни амалга оширади. Хусусий айбловни ажратиш учун Англия қонунчилигидаги жиноятлар ва уларнинг таснифланишига оид қоидаларга эътибор қаратиш зарур. Тарихан Англияда жиноятлар уч гуруҳга тризн (хиёнат) (энг оғир), фелония (оғир) ва мисдиминор (унча оғир бўлмаган)га ажратилган. Ҳозирда хиёнат деб ҳисобланадиган жиноятлар (1945 йилдан) ҳам фелонияларга киритилади.

Мисдиминорларга биздаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ва айрим маъмурий ҳуқуқбузарликларга ўхшаш қилмишлар киради. Ушбу тоифа ишларнинг барчаси хусусий айбловга доир ишлар ҳисобланади[3].

Фелониялар билан боғлиқ ишларда эса одатда қонунда кўрсатилган тартибда, ҳокимият органи кўрсатмаси ёки бошқарув органи ташаббусига кўра полиция, оммавий таъқиб дирекцияси томонидан айблов амалга оширилади.

Умуман Англияда жиноят турлари алоҳида қонунлар билан белгиланмаган, жумладан умумий ҳуқуққа кўра жиноят деб баҳоланадиган ва статутларда жиноят сифатида аниқ таърифланган жиноий қилмишлар (жиноятлар) ажратилади. Англияда қотиллик, босқинчилик каби жиноятлар умумий ҳуқуққа кўра жиноят деб ҳисобланади, яъни қонун ҳужжатида аниқ тавсифланмаган. Жиноятларни кўриб чиқиш тартибига кўра эса қуйидагича таснифланади:

- 1) айблов ҳужжатида кўра тергов қилинадиган жиноятлар (асосан прецедент жиноятлари);
- 2) соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиши мумкин бўлган жиноятлар (фақат статутларда белгиланади). Бундай жиноятлар сони ошиб бормокда;
- 3) аралаш (гибрид) жиноятлар.

Шунингдек, қамоқ билан боғлиқ ва қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар ҳам ажратилади. Қамоқ билан боғлиқ жиноятларга: 5 йилдан ортиқ озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган ва оғир жазо белгиланган жиноятлар тегишли, қолганлари эса қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жиноятларга киритилади.

Англияда хусусий айбловга оид ишларда расман судга қадар иш юритуви мавжуд эмас, хусусий шахс ўзи тергов олиб бориши ёки бировга (адвокат) топшириши, шунингдек хусусий қидирув бюросига мурожаат қилиши мумкин. Хусусий айбловга оид ишларда айбловчи айбловдан воз кечиши ишни тугатишга асос бўлади. Бошқа жиноят ишларида ҳам айбловчилар судда айбловни амалга оширадилар ва уларнинг айбловдан воз кечишлари ишни тугатишга асос бўлади.

Англияда хусусий айбловга оид ишларни юритишнинг алоҳида тартиби белгиланган бўлмасада,

ушбу тоифа ишлар соддалаштирилган тартибда кўрилади. Шунингдек айблов ҳужжати билан ишни кўриш ва аралаш тартибда ҳам юритилиши мумкин. Соддалаштирилган тартибда ишни кўришнинг ўзига хос хусусиятларига дастлабки эшитув босқичи йўқлиги, айблов ҳужжати бўлмаслиги ва қасамёд қилганлар иштирокисиз магистрат судларида кўрилиши киради. Судда иш айбланувчи ва айбловчиларнинг иштирокисиз ҳам кўриб чиқиши мумкин [4].

АҚШда ҳам қонунчилик Англиядан мерос қилиб олинган бўлиб, ҳозирда ҳам жуда ўхшаш ҳисобланади. Аммо АҚШда федерал ва алоҳида штат қонунчилигига бир вақтда амал қилинади, шунингдек федерал ва алоҳида штатнинг суд ва бошқа органлари жиноят процессуал фаолиятни амалга оширадilar. АҚШ жиноят-процессуал қонунчилиги Англиядаги каби умумий ҳуқуқ асосланади, шунингдек у статут ҳуқуқи нормалари билан уйғунлашиб кетган. Умуман олганда ҳозирги кунда АҚШ жиноят-процессуал қонунчилиги тизимига 1787 йилги АҚШ Конституцияси, 1791 йилги “Ҳуқуқлар ҳақидаги билль”, бошқа қонунлар, суд прецеденти, шунингдек маъмурий (ижро ҳокимиятининг) ва одат нормалари ташкил этади [5].

АҚШда терговни амалга оширувчи органларга полиция, атторней хизмати ва федерал тергов органлари (АҚШ Адлия, Молия ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари таркибига кирувчи айрим тузилмалар, Федерал ҳукуматнинг тергов органи, коронер) [6] киради. Полиция штатники ва маҳаллий бўлиши мумкин ҳамда у ўзига тегишли ҳудудда ҳуқуқ тартиботни таъминлайди ва жиноятларнинг терговини амалга оширади. Атторней хизматининг асосий вазифаси жиноятларни тергов қилиш билан бир қаторда судда ижро ҳокимияти номидан айбловни қувватлайди, шунингдек федерал миқёсда Бош атторней муассасаси функцияларини амалга оширади, шунингдек у ўзининг алоҳида тергов тузилмасига ҳам эга. Шу билан бирга АҚШда хусусий тергов амалиёти ҳам кенг йўлга қўйилган. Яъни фуқаролар хусусий қидирув компанияларидан детектив ёллашлари мумкин, хусусий қўриқлаш ва хавфсизликни таъминлаш ташкилотлари ходимлари ҳам ушлаш ва далилларни дастлабки расмийлаштириш ҳуқуқига эга [7]. Адвокатлар ўз мижози манфаатлари йўлида хусусий тергов ўтказиш ҳуқуқига эга.

Худди Англиядаги каби АҚШда ҳам жиноятлар мисдиминор ва фелонияларга ажратилади. АҚШ қонунчилигига кўра мисдиминорларга бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятлар киради. Мисдиминор жиноятларга оид ишлар Англиядаги каби хусусий айбловга тегишли бўлиб, соддалаштирилган тартибда кўрилади. АҚШ жиноят процессида ҳам хусусий айбловга оид ишларни кўришнинг алоҳида тартиби белгиланган бўлмасада, соддалаштирилган тартибда кўриш имкони мавжуд. Жумладан, дастлабки суд эшитувларида судья жиноятни фелониядан мисдиминорга ўзгартириш орқали соддалаштирилган тартибда иш юритилиши мумкин. АҚШда жуда кўп жиноят ишлари аралаш тартибда кўриладиган тоифага киритилган ва шу боисдан бундай ишларнинг кўп қисми соддалаштирилган тартибда кўрилади. Соддалаштирилган тартибда ишларни судья якка тартибда кўради, дастлаб айбланувчидан қўйилган айбга муносабати сўралганда у айбга иқдорлигини айтса суд тергови ўтказилмасдан ҳукм чиқарилади.

Германия қонунчилиги континентал ҳуқуқ тизимига

тегишли бўлиб, жиноят-процессуал ҳуқуқнинг асосий манбаларини 1877 йил 1 февралдаги Жиноят-процессуал кодекс (ҳозир 1987 йилги таҳрири амалда) [8], 1877 йил 27 январдаги Суд тузилиши ҳақидаги қонун (ҳозирда 1975 йилги таҳрири амалда), Конституциявий ҳуқуқ, 1950 йил 4 ноябрдаги Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси, Вояга етмаганларга оид ишлар бўйича одил судловни амалга ошириш тўғрисидаги қонун (ҳозир 1974 йилдаги таҳрири амалда), Жиноят кодекси ташкил этади. Айнан Жиноят кодексида жабрланувчининг жиноят иши кўзғатиш мақсадида шикоят аризасини бериш ҳуқуқи тартибга солинган [9]. Германия жиноят процессида бизнинг жиноят-процессуал қонунчилигимизга ўхшаш жиҳатлар кўп. Германияда жиноят процесси қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Суриштирув шаклида амалга ошириладиган дастлабки тергов. Суриштирувни прокуратура амалга оширади ва унда шахс (айбланувчи) жиноий қилмиш содир этган ёки содир этмаганлиги ҳақида асос бор ёки йўқлиги аниқланади. Ушбу босқич ишни тугатиш ёки давлат айблови эълон қилиш билан тугалланади.

2. Айбланувчини судга бериш бўйича иш юритув. Ушбу босқичда суд суд муҳокамасини очиш масаласини ҳал этади.

3. Суд муҳокамаси. Суд муҳокамасини очиш ҳақида қарор чиқарилганидан бошланади, тайёргарлик ва суд муҳокамасининг ўзидан иборат бўлади. Ҳукм чиқариш билан якунланади.

4. Ҳукм устидан шикоят бериш ва унга асосан иш юритиш.

5. Ижро ишини юритиш. Ҳукм кучга киргач зарур бўлса бошланади, унга прокуратура бошчилик қилади [10].

Германияда жиноят-процессуал фаолиятни бошлашнинг ва амалга оширишнинг шартлари белгиланган. Процессуал шартлар ишда ҳукм чиқаришнинг мақбуллиги шартларидир. Процесснинг икки хил шартлари: жараённинг кейинчалик давом этиши учун зарур бўлган ижобий шартлар ва жараённинг давом этиши учун мавжуд бўлиши керак бўлмаган салбий шарт назарда тутилган. Хусусий айбловнинг зарур элементларидан бири бўлган жабрланувчининг аризаси мавжудлиги процесснинг ижобий шартларига киритилади [11]. Процесс шартлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги барча босқичларда текширилиши зарур.

Германияда хусусий айбловга оид таъқиб қилинадиган жиноятлар рўйхати Германия ЖПК §374 (1) [12] да қатъий белгиланган. Унга кўра хусусий айбловга доир жиноятларга уй-жой, бино дахлсизлигини бузиш (Burglary) (ГФР ЖК 123-м.), ҳақорат қилиш, тўхмат (185-189-м.), ёзишмалар сир сақланиши тартибини бузиш (202-м.), баданга (қасддан, эҳтиётсизлик натижасида) шикаст етказиш (223, 229-м.), таъқиб қилиш (238-м. 1-қ.), таҳдид қилиш (қўрқитиш) (241-м.), тижорат соҳасида пора олиш ва бериш (299-м.), жиноий тарзда мулкка шикаст етказиш (303-м.) [13], ГФР Носоғлом рақобат тўғрисидаги қонунининг 16-19-моддаларига, Патент тўғрисидаги қонуннинг 142-моддаси биринчи қисмига, Фойдали моделлар тўғрисидаги қонуннинг 25-моддаси биринчи қисмига, Яримўтказгичлар ҳимояси тўғрисидаги қонуннинг 10-моддаси биринчи қисмига, Ўсимлик навлари ҳимояси тўғрисидаги қонуннинг 39-моддаси биринчи қисмига, Товар белгилари тўғрисидаги

қонуннинг 143-моддаси биринчи қисми, 143а-моддаси биринчи қисми, 144-моддаси биринчи, иккинчи қисмларига, Намуналар тўғрисидаги қонуннинг 51-моддаси биринчи қисми, 65-моддаси биринчи қисмларига, Муаллифлик ва аралаш ҳуқуқлар тўғрисидаги қонуннинг 106-110-моддалари ва 108b-моддаси биринчи, иккинчи қисмларига ҳамда Тасвирий санъат ва фотография асарларига нисбатан ҳуқуқлар тўғрисидаги қонуннинг 33-моддасига мувофиқ жиноий қилмишлар киради.

Германияда хусусий айбловга оид таъқибни фақатгина жабрланувчи қўзғатиши мумкин, прокуратура томонидан бу ишларда давлат айблови фақатгина оммавий манфаат мавжуд бўлганда тақдим этилади [14]. ГФР ЖК 77b-моддасига кўра хусусий айбловни қўзғатиш қонунда муайян муддат билан чекланган, унга кўра жиноий қилмиш содир этилганлиги ҳақида жабрланувчига маълум бўлганидан бошлаб уч ой ичида жабрланувчи судга мурожаат қилиши мумкин. Бу муддат ўтказиб юборилганидан сўнг мурожаат қилинганда процесс юритилмайди, юритилгани тугатилади[15].

Германияда хусусий айбловга оид ишларни юритишнинг қуйидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин[16]:

1. Таъқибни бошлаш икки усулда прокуратурага мурожаат қилиш ёки тўғридан тўғри судга мурожаат қилиш орқали амалга оширилиши мумкин. Биринчи ҳолатда прокуратура текширув ўтказиб оммавий манфаати мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текширади, мавжудлиги аниқланса давлат айблови эълон қилади, акс ҳолда процессни тугатади. Бу ҳолда ҳам жабрланувчи иккинчи усул орқали хусусий айбловни давом эттириши мумкин.

2. Хусусий айблов асосида таъқиб этилаётган жиноят процессуал мазмуни жиҳатидан оммавий таъқиб жиноятига ўхшаш бўлса, давлат айблови амалга оширилади, бунда хусусий айблов ҳам бирга амалга оширилиши мумкин.

3. Хусусий айбловга оид ишларда жабрланувчи айбловни амалга оширади, яъни прокуратуранинг ўрнини эгаллайди. Шу билан бирга прокуратура иш юритувининг исталган босқичида жиноий таъқибни махсус ариза асосида ўз зиммасига олиши мумкин (ГФР ЖКП 377-м. 2-қ. 1-б.).

4. Шу билан бирга Германия ЖКП 380-моддаси биринчи қисмида белгиланишига кўра, хусусий айбловга оид ишларни юритиш фақат ер (федерал бирлик) [17] адлия органи белгиллаган келиштириш органлари тарафларни келиштира олмаса (яраштиролмаса) амалга оширилиши мумкин (ГФР ЖКП 380-м. 1-қ.).

5. Хусусий айбловчи оммавий таъқибни амалга оширилаётгандаги каби шикоят қилиш (апелляция) борасида прокуратура билан тенг ҳуқуқларга эга бўлади (ГФР ЖКП 390-м. 1-қ. 1-б.).

Германия қонунчилигида қўшимча хусусий айблов институти мавжуд. Унинг мазмунига кўра прокуратура эълон қилган давлат айбловига жабрланувчи ҳам қўшилиши мумкин. Бу институт, аввало, жабрланувчининг шахсий манфаатларини қаноатлантириш ва тиклашга қаратилган бўлиб, бир вақтда назорат функциясига ҳам эга. Германия ЖКП 395-моддасида жиноятларга оид ишларда жабрланувчи қўшимча хусусий айбловни амалга ошириши мумкин. Қўшимча хусусий айбловни биздаги хусусий-оммавий айбловга қиёслаш мумкин.

Шу билан бирга Германия қонунчилигидаги жиноят ишини муҳокама қилишда жабрланувчининг мулкый даъволарини қўриб чиқиш тартиби ҳам мазмунан хусусий айбловга алоқадор. Биздаги жиноят процессида фуқаровий даъво институтига ўхшаш бўлган бу институт Германияда кенг ва батафсил тартибга солинган. Бунда жабрланувчи қилмиш содир этилиши натижасида келиб чиққан оқибатларни бартараф этиш, жумладан зарарни қоплаш ва етказилган номоддий зарар учун пуллик компенсацияга оид талабларни қўйиши мумкин[18].

Германия жиноят процессида алоҳида иш юритуви тартиби белгиланган бўлиб унинг икки шакли мавжуд: соддалаштирилган ва жадаллаштирилган суд юритувларидан иборат. Хусусий айбловга оид ишлар ҳам муайян шартлар бўлганда мазкур тартибда юритилиши мумкин. Хусусий айбловга оид ишларни юритишнинг ўзига тегишли алоҳида тартиби белгиланган бўлмасада, алоҳида тартибга амал қилиш имкони мавжудлиги бу борадаги ижобий жиҳат деб баҳолаш мумкин. Алоҳида суд юритуви унча оғир бўлмаган жиноятлар ва оддий ишларга нисбатан қўлланилади. Соддалаштирилган иш юритувига кўра суд муҳокама ўтказмасдан иш билан танишиб қарор қабул қилиши мумкин. Жадаллаштирилган юритувда айбланувчини судга топшириш босқичи бўлмайди, айбни ёзма шаклда эълон қилиш талаб этилмайди, жазо тайинлашда қўшимча чекловлар қўлланилмайди, суд муҳокамаси дарҳол ёки жуда тез ўтказилади (бир икки ҳафта ичида тугатилади), қисқа муддатга ушлаб туриш мумкин, олти ойдан ортиқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси кутилаётганда ҳимоя мажбурий ҳисобланади[19].

Франция жиноят процесси ҳам Германия қонунчилигига ўхшаш бўлиб, континентал ҳуқуқ тизимига мансуб. Франция жиноят процесси манбаларини 1789 йилдаги Инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари декларацияси, 1958 йилги Франция Конституцияси, 1958 йилги Жиноят-процессуал кодекс ва бошқа қонун ҳужжатлари (1972 йилги “Кам аҳамиятли жиноий қилмишларга оид ишларда соддалаштирилган суд юритуви ҳақидаги”, 1981 йилдаги “Давлат хавфсизлиги судини тугатиш тўғрисидаги” ва “Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги”, 1982 йилдаги “Суд муҳокамаси жараёнида қўпол касбий хатоликка йўл қўйган адвокатга нисбатан қўлланиладиган жараёнлар ҳақидаги”, 1983 йилдаги “Жиноятдан жабрланганлар ҳимоясини кучайтириш тўғрисидаги” қонунлар) ташкил этади [20].

Францияда жиноят процесси 1) суриштирув, 2) жиноий таъқибни қўзғатиш, 3) дастлабки тергов, 4) суд муҳокамаси ва 5) суд қарорларига нисбатан шикоят бериш ва уларни қайта қўриш босқичларидан иборат.

Суриштирув полиция томонидан ёки шахсларнинг ўзлари томонидан иш қўзғатиш асосларини аниқлаш учун ўтказилади ва натижалари прокуратурага жиноий таъқиб қўзғатиш учун тақдим этилади. Давлат органлари тизимида фақат прокуратура жиноий таъқиб қўзғатиш ҳуқуқига эга. Жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) шахс ҳам таъқиб қўзғатишни сўраб мурожаат этишга ҳақли. Жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) томонидан жиноий таъқиб қўзғатиш хусусий айбловга оид иш юритувига хос бўлиб, бунда у шикоят билан тергов судьясига ёки тўғридан тўғри судга мурожаат қилиши мумкин.

Тергов судьясига мурожаат қилиш агарда прокурор

таъқиб қўзғатмаса амалга оширилиши мумкин. Тергов судьяси бу шикоятни қабул қилиб, прокурорга ўтказди, у эса бундай шикоятда таъқибни қўзғатиш учун қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлса жиноий таъқибни қўзғатишга мажбур. Тўғридан тўғри судга мурожаат қилиш қоидабузарликлар билан боғлиқ ишларда (майда жиноятлар) шахсни бевосита судга чақириш ҳақидаги ҳужжат асосида унга муайян кун ва вақтда судга келиш мажбурияти юклатилади. Ушбу ҳужжатни суд ижросини ёзади ва шахсга бевосита ўзи ушбу ҳужжатларнинг нусхасини топширади, ушбу вақтдан бошлаб шахс судланувчи деб ҳисобланади.

Франция Жиноят кодексига[21] кўра шахсий ҳаёт махфийлигини қасддан бузиш (Франция ЖК 226-1-м.), сир тутиладиган шахсий ҳаёт сирига оид маълумотларни йиғиш, фойдаланиш, уларни жамоатчиликка етказиш ёки шунга йўл қўйиш (226-2-м.) жиноятлари фақатгина жабрланувчи шикояти бўлгандагина оммавий таъқиб қўзғатилиши мумкин. Шунингдек, ёзиш, таснифлаш, етказиш ёки бошқа шаклда ишлов бериш орқали олинган ошкор этилиши манфаатдор шахс обрўсига путур етказадиган ёки унинг шахсий ҳаёти дахлсизлигини бузадиган маълумотни манфаатдор шахснинг рухсатисиз, танишишга ҳуқуқи бўлмаган бегоналарга таништириш (226-22-м.) жинояти учун фақат жабрланувчининг шикояти бўлгандагина жиноий таъқиб бошланиши мумкин.

Шу билан бирга Францияда суд иш юритувининг махсус тартиби мавжуд[22]. Яъни соддалаштирилган иш юритувининг икки кўринишини жорий этилган: 1) жиноий ордонанс; 2) қатъий белгиланган миқдорда жарима солиш. Жиноий ордонанс прокурор ёки судьянинг хоҳиш-иродасига асосан барча қоидабузарликларга оид ишларда қўлланилиши мумкин, аммо жабрланувчи қилмиш содир этган шахсни бевосита судга чақиртирган бўлса қўллаш мумкин эмас. Ушбу тартибга кўра суд муҳокамаси ўтказилмасдан шахсга жарима қўлланилади ёки у оқланади.

Қатъий белгиланган миқдорда жарима солиш айрим қилмишларга нисбатан жандарм томонидан қўлланилиши мумкин. Бунда жандарм қоидабузарлик ҳақида хабар беради ва тўлов қоғозини беради. Агар қоидабузар жаримани уч сутка ичида тўласа, унинг миқдори камайди. Бу ҳаракатни амалга оширмаса 30 кун ичида жаримани тўлаб унга норозилиги ҳақида шикоят бериши мумкин, ҳар икки ҳаракатни ҳам амалга оширмаса жарима миқдори автомат тарзда кўпаяди ва унга ижро варақаси берилади (биздаги айрим маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларда жазо қўллаш тартибига ўхшаш).

Умуман олганда турли тажрибаларни ўрганиш муайян масалада ҳар томонлама мулоҳаза қилиб, кейин хулоса қилиш имконини беради. Юқорида кўриб чиқилган давлатларнинг қонунчилигидаги хусусий айблов институтининг белгиланишига оид нормалар таҳлиliga кўра айтиш мумкинки, ушбу давлатларда хусусий айблов институти самарали қўлланилиб келинмоқда. Ва улардаги айрим жиҳатларни, яъни ижобий жиҳатларни миллий қонунчиликда акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар руйхати:

1. Статут ҳуқуқи – парламент қабул қиладиган қонунлар. (Статутное право (англ. Statutory law или statute law, от слова статут) — в странах

англосаксонской правовой системы совокупность норм права, создаваемых законодательными органами (законы). В статутное право также включаются акты органов местного самоуправления (local ordinance). В статутном праве существует иерархия правовых актов: акты законодательных органов обладают большей юридической силой, чем акты исполнительных органов; акты государственных органов обладают большей юридической силой, чем акты местных органов. Статутное право дополняется общим правом (англ. common law) — правоприменительной деятельностью судов, которые посредством судебных прецедентов толкуют существующие правовые нормы или заполняют пробелы в праве.) [Электрон манба]. Манба манзили: <https://ru.wikipedia.org/wiki>.

2. Курс уголовного процесса / Под ред. д.ю.н., проф. Л.В. Головки. – 2-е изд., испр. – М.: Статут, 2017. – С. 184-185. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://www.consultant.ru/edu/student/download_books/book/golovko_kurs_ugolovnogo_processa.

3. Изоҳ: Англо-саксон ҳуқуқ тизимида хусусий айблов деганда айблов тўлиғича хусусий шахс томонидан амалга ошириладиган иш юритуви тушунилади.

4. Ўша жойда. 186-бет.

5. Гамидов А.М., Ахмедов Р.У. Сравнительно-правовой анализ стадий уголовного процесса России и США // Государственная служба и кадры. – 2019. – № 2. – С. 138. (<https://cyberleninka.ru/article/n/sravnitelno-pravovoy-analiz-stadiy-ugolovnogo-protsessa-rossii-i-ssha>)

6. Англия ва АҚШда ўлим сабабини аниқлаш учун тергов ўтказувчи мансабдор шахс.

7. Апарова Т.Р. Суды и судебный процесс Великобритании. Англия, Уэльс, Шотландия. – М.: Институт международного права и экономики. Издательство "Триада, Лтд", 1996. — С.97-100. (157 с.)

8. Германия Федератив Республикасининг 1987 йил 7 апрелдаги Жиноят-процессуал кодекси (2014 йил 23 апрелгача бўлган ўзгаришлар билан) [Электрон манба].

Манба манзили: https://www.legislationline.org/download/id/6117/file/Germ-any_CPC_1950_am_2014_en.pdf / (мурожаат вақти: 2020 йил 26 июнь).

9. Бойльке Вернер Германия Федератив Республикасининг жиноят-процессуал ҳуқуқи: Дарслик. 12-нашр, қўшимча ва ўзгартиришлар билан. – Т.: Тошкент давлат юридик университети нашриёти, 2017. Б.2.

10. Ўша жойда Б.3.

11. Ўша манба Б.245.

12. Изоҳ: §374 (1) ёки §374 I ни – биздаги 374-модда биринчи қисми каби тушуниш мумкин.

13. Германия Федератив Республикасининг 1998 йил 13 ноябрдаги Жиноят кодекси (2013 йил 10 октябрдаги бўлган ўзгаришлар билан) [Электрон манба].

Манба манзили: https://www.legislationline.org/download/id/6115/file/Germ-any_CC_am2013_en.pdf / (мурожаат вақти: 2020 йил 26 июнь).

14. Бойльке Вернер Германия Федератив Республикасининг жиноят-процессуал ҳуқуқи: Дарслик. 12-нашр, қўшимча ва ўзгартиришлар билан. – Т.: Тошкент давлат юридик университети нашриёти, 2017. Б.503.

15. Германия Федератив Республикасининг 1998 йил 13 ноябрдаги Жиноят кодекси (2013 йил 10

октябргача бўлган ўзгаришлар билан) [Электрон манба]. Манба манзили: https://www.legislationline.org/download/id/6115/file/Germany_CC_am2013_en.pdf / (мурожаат вақти: 2020 йил 26 июнь).

16. Бойльке Вернер Германия Федератив Республикасининг жиноят-процессуал ҳуқуқи: Дарслик. 12-нашр, қўшимча ва ўзгартиришлар билан. – Т.: Тошкент давлат юридик университети нашриёти, 2017. Б.504-510.

17. Изоҳ: Германияда ер биздаги вилоят маъносида.

18. Бойльке Вернер Германия Федератив Республикасининг жиноят-процессуал ҳуқуқи: Дарслик. 12-нашр, қўшимча ва ўзгартиришлар билан. – Т.: Тошкент давлат юридик университети нашриёти, 2017. Б.504-510.

19. Ўша жойда Б.457-462.

20. Уголовно-процессуальное право (Уголовный процесс): Учебник для вузов / Под ред. проф. Э.К. Кутуева; науч. ред. и вступительное слово проф. В.П. Сальникова; 2-е изд., перераб. и доп. – СПб.: Санкт-Петербургский ун-т МВД России; Фонд «Университет», 2019. – С.564-565. (583 с.) (<http://fonduniver.ru/wp-content/uploads/2019/02/UP-pb.pdf>)

21. Франциянинг 1992 йилдаги Жиноят кодекси (2019 йилгача бўлган ўзгаришлар билан) [Электрон манба]. Манба манзили: <https://constitutions.ru/?p=25017> / (мурожаат вақти: 2020 йил 29 июнь).

22. Уголовный процесс современных зарубежных государств: Учебное пособие / К. Б. Калиновский. Петрозаводск: Изд-во ПетрГУ, 2000. 48 с. / <http://www.kalinovsky-k.narod.ru/p/2000-1.htm>

Ш.Кулматов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедраси бошлиғи
ўринбосари, юридик фанлар доктори, доцент

ЖИНОЯТ ИШЕНИ ЮРИТИШДА ҲИМОЯ ТАРАФИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРИШИ

Аннотация: мақолада муаллиф суд-тергов амалиётида айрим процесс иштирокчилари томонидан процессуал мажбуриятларни бажарилмаслик ҳолатларининг сабабларини ўрганган, амалдаги ЖПКнинг 271-моддасини ҳам таҳлил қилиб, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиққан.

Таянч сўзлар: суд-тергов амалиёти, суриштирув, дастлабки тергов, жиноят процесси иштирокчилари, тергов ҳаракатлари, процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлар, жавобгарлик.

Аннотация: в статье автор рассматривает причины невыполнения процессуальных обязанностей некоторыми участниками судебной практики, анализирует статью 271 УПК и разрабатывает соответствующие предложения и рекомендации.

Ключевые слова: судебная практика, дознание, предварительное следствие, уголовный процесс, участники уголовного процесса, следственные действия, процессуальное право и обязанности, ответственность.

Annotation: in the article, the author discusses the reasons for non-compliance with procedural obligations by some participants in the proceedings in the judicial-investigative practice, analyzes article 271 of the Criminal Procedure Code and develops appropriate proposals and recommendations

Key words: Judicial practice, inquiry, preliminary investigation, participants in criminal proceedings, investigative actions, procedural law, and obligations, responsibilities.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги «Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4818-сон қарорида суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш тизимига босқичма-босқич тўлиқ ўтилиши назарда тутилди. Мақсад судларда одил судлов фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олиниши учун вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан электрон маълумотлар алмашинуви тўлиқ йўлга қўйиш, жиноят процесси иштирокчиларига ҳам процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларни бажаришлари учун қулайликлар яратишдир.

Умуман олганда, одил судловнинг таъминланиши ва ҳуқуқни муҳофаза қилишнинг самарадорлиги нафақат жиноят ишени юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонун нормаларига риоя этишига, балки судлов фаолиятига жалб қилинган ва уни амалга оширишда ёрдам кўрсатишга бурчли бўлган барча шахслар[2]: гувоҳлар, экспертлар, жабрланувчилар, таржимонлар ва бошқаларнинг ўз бурчларини виждонан бажаришларига ҳам боғлиқ[3].

Суд-тергов амалиётида айрим процесс иштирокчилари томонидан процессуал

мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари учрайди. Масалан, амалдаги ЖПКда процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлигининг тўлиқ белгиланмаганлиги ёки гувоҳ ва жабрланувчига қулай шароитнинг яратилмаганлиги яъни йўл кира, турар жой ижараси ва суткалик харажат пулларини тўлаш механизми ишламаслиги сабабли процессуал ҳаракатлар ўтказиладиган жойга ўз вақтида етиб келмаслиги ва ҳ.к. Ваҳоланки, ушбу харажатлар амалдаги ЖПКнинг 318-моддаси билан тартибда солинган бўлсада, лекин амалда мазкур норманинг механизми ишламайди. Сабаби ушбу ҳолатда давлат бюджетидан маблағ ажратилиши назарда тутилган бўлсада, лекин аниқ механизмлар мавжуд эмаслиги оқибатида унинг амалда ишламаслигини кузатиш мумкин[1].

Ҳозирги кунда юқоридаги мисолда келтирганимиздек, суриштирув ва дастлабки терговда ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи ва ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг процессуал мажбуриятларни бажармаганликлари учун жавобгарлик ва жавобгарликка тортиш тартиби амалдаги ЖПКда тўлиқ ифодасини топмаган.

ЖПК 271-моддасининг иккинчи қисми 1-бандида жабрланувчилар ва гувоҳлар суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг гувоҳлантиришдан, экспертизадан ўтиш, эксперт текшируви учун намуналар тақдим этиш тўғрисидаги қонуний талабларини бажаришдан бош тортиш тартиби учун жавобгарликка тортилиши белгиланган бўлса-да, уларнинг айнан қайси турдаги жавобгарликка тортилиши ва бунинг тартиби белгиланмаган.

Шунингдек, ЖПКнинг 145-моддасида – гувоҳлантиришни ўтказиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим гувоҳ ва жабрланувчи учун мажбурий эканлиги, 180-моддасида – экспертиза ўтказиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим тегишли шахслар учун мажбурийлиги, 192-моддасида эса жабрланувчидан мажбурлов йўли билан намуналар олиниши белгиланган.

Худди шундай ҳолда ЖПК 271-моддасининг иккинчи қисми 2-бандида уйда олиб қўйиш, тинтув ўтказиладиган, шунингдек мол-мулки хатланган шахслар (гумон қилинувчи, айбланувчи ва уларнинг яқин қариндошларидан ташқари) суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг талаби билан изланаётган ашёларни беришдан бош тортиш тартиби учун жавобгарликка тортилиши таъкидланган бўлса-да, улар айнан қайси турдаги жавобгарликка тортилиши ва бунинг процессуал тартиби қандай бўлиши белгиланмаган.

Бундан ташқари, қонунда уйда олиб қўйиш, тинтув ўтказиладиган, шунингдек мол-мулки хатланган шахслар, агар улар гумон қилинувчи, айбланувчи ва уларнинг яқин қариндошлари бўлишса, жавобгарликка тортилмаслиги белгилаб қўйилган. Лекин деярли ҳар бир жиноят ишида гумон қилинувчи, айбланувчи ва уларнинг яқин қариндошлари ишдан манфаатдор бўлганликлари учун ушбу ҳаракатларнинг ўтказилишига тўсқинлик қилиши мумкинлиги барчамизга аён. Яқин кишилари томонидан эса тўсқинлик қилиш жуда камдан-кам ҳолларда учраши мумкин. Шу билан бирга, ЖПКнинг 161-моддасида изланаётган ашёлар мажбурий тарзда олиб қўйилиши ёки уларни қидириб топиш учун тинтув ўтказилиши, 290-моддасининг биринчи қисмида эса ҳукмнинг фуқаровий даъвога ва бошқа мулкый ундиришларга доир қисми ижросини таъминлаш учун суриштирувчи,

терговчи ёки суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва фуқаровий жавобгарнинг мол-мулкни хатлаши шартлиги белгиланган.

Амалдаги ЖПК 271-моддасининг иккинчи қисми 3-бандида суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги қарорини бажармаганлик учун ёки етарли даражада бажармаганлик учун алоқа муассасаларининг ходимлари жавобгарликка тортилиши таъкидланган бўлса ҳам, улар айнан қайси турдаги жавобгарликка тортилиши ва бунинг тартиби белгиланмаган. Жиноят кодексининг 232-моддасида эса суд қарорини бажармаганлик учун мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланган. Лекин суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг қарорини бажармаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланмаган.

Шу ўринда «агар суриштирувчи, терговчи, прокурор почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисида суднинг ажримини ижро этиш учун алоқа муассасаларига юборган бўлса, ушбу ажрим билан таништириш ва унинг ижросини таъминлаш вазифаси тўғридан-тўғри алоқа муассасаси ходими зиммасига юклатиладими ёки унинг раҳбаригами?» деган савол туғилади. Албатта, аввало, алоқа муассасасининг раҳбари таништирилади ва бу ажримнинг ижроси унинг зиммасига юклатилади.

2017 йил 1 апрелдан бошлаб почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш суд органларининг рухсати билан амалга оширилиши, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисида суд ажрими тегишли алоқа муассасаси ходимининг зиммасига юклатилиши ва алоқа муассасаси ходими ушбу ажрим ижросини таъминлашга мажбур эканлиги белгиланган[4]. Қонунда асосий эътибор почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш суднинг рухсати билан амалга оширилишига қаратилган.

Фикримизча, юқоридагилардан келиб чиқиб, ЖПК 271-моддасининг иккинчи қисмида «...алоқа муассасасининг раҳбари» деб ўзгартиш киритиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Алоқа муассасасининг раҳбари суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги суд ажримининг ижросини ўз қўл остидаги ходимларига топшириши ёки шахсан ўзи бажариши мумкин, агар алоқа муассасасининг ходими ушбу қарор ижросини таъминламаса, алоқа муассасасининг раҳбари олдида жавоб беради ва бунинг учун раҳбар ушбу ходимга нисбатан тегишли қонуний чорани кўради. Суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги суднинг ажримини бажармаганлик учун ёки етарли даражада бажармаганлик учун алоқа муассасасининг раҳбари тўғридан-тўғри жавобгар ҳисобланади.

Қолаверса, Жиноят кодексининг 232-моддасида ҳам айнан суд қарорини бажармаганлик учун мансабдор шахс жавобгар бўлиши белгилаб қўйилган.

ЖПК 271-моддасининг иккинчи қисми 4-бандида агар мансабдор шахслар ва фуқаролар ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришга, экспертмент ўтказишга, мурдани эксгумация қилишга, олиб қўйиш ва тинтув ўтказишга тўсқинлик қилсалар, жавобгарликка тортилиши белгиланган, аммо қайси турдаги ва тартибдаги жавобгарликка тортилиши кўрсатилмаган.

ЖПК 271-моддасининг иккинчи қисми 5-бандида агар процесс иштирокчилари маълумотларни ошкор қилишга йўл қўйилмаслиги ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан огоҳлантирилган бўлсалар, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилганлик учун жавобгарликка тортилиши белгиланган, лекин айнан қайси турдаги жавобгарликка тортилиши акс эттирилмаган. Бизнингча, ЖПК 271-моддасининг иккинчи қисми 5-бандида процесс иштирокчилари суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилганлик учун ЖК Махсус қисмининг 239-моддасига биноан жавобгарликка тортилишини ҳисобга олган ҳолда ЖПКнинг 271-моддаси иккинчи қисм 5-бандига «...огоҳлантирилган бўлсалар» жумласи «...огоҳлантирилган бўлсалар ЖКнинг 239-моддасида назарда тутилган жиноий жавобгарликка тортиладилар» деб ўзгартрилиши керак.

ЖПК 271-моддасининг иккинчи қисми 6-бандида корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ, мутахассис, эксперт, таржимон, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, халқ маслаҳатчиларининг келишига тўсқинлик қилганлик, жиноятнинг сабабларига ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларга барҳам бериш тўғрисидаги суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг тақдимномасини ёки суднинг хусусий ажримини бажармаганлик учун ёхуд талаб даражасида бажармаганлик учун қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилишлари мумкинлиги белгиланган. Шунингдек, ЖПКнинг 299-моддасида ҳам тақдимнома ёки хусусий ажрим бажарилмаган ёки виждонан бажарилмаган тақдирда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг айбдор раҳбари қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилиши кўрсатилган, лекин қандай жавобгарликка тортилиши кўрсатилмаган. МЖТКнинг 198-моддасида мансабдор шахс ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаса ёки хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилса, маъмурий жавобгарликка тортилиши, МЖТКнинг 181-моддасида мансабдор шахслар суднинг хусусий ажрими (қарори) бўйича чоралар кўрмаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилиши, МЖТКнинг 196-моддасида мансабдор шахслар ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан ички ишлар органларининг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилиши белгиланган, ҳолос.

Суриштирув ва дастлабки терговда суриштирувчи, терговчи, прокурор жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгардан жиноят иши учун аҳамиятли бўлган далилларни қонун доирасида талаб қилиш ваколатига эгадирлар. Лекин жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган далилларни беришдан бош тортганлик учун тегишли жавобгарлик ёки бирон-бир ҳуқуқий таъсир чораси ва уни қўллаш тартиби амалдаги қонунларда белгиланмаган.

Бизнингча, тергов ва суд амалиётида кўпроқ фуқаровий жавобгар томонидан иш учун аҳамиятли бўлган далилларни беришдан бош тортиш ҳолатлари учраши айтиш ҳақиқат. Чунки фуқаровий жавобгар

даъво билан боғлиқ мулкый ундиришга оид далилларни яширишга, бермасликка ҳаракат қилади. Фуқаровий даъвогар эса даъво билан боғлиқ мулкнинг ундирилишидан тўғридан-тўғри манфаатдор бўлади. Жабрланувчи бир вақтнинг ўзида фуқаровий даъвогар деб ҳам эътироф этилиши мумкин. Жабрланувчи фуқаровий даъвогар деб эътироф этилмаган тақдирда ҳам далилларни яширишга ва уни бермасликка мойил бўлмайди, чунки бундан манфаатдор эмас. Шунинг учун фуқаровий даъвогар ва жабрланувчини ушбу мажбуриятдан ҳалос этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Бизнингча, фуқаровий жавобгарга нисбатан иш учун аҳамиятли бўлган далилларни беришдан бош тортганлик учун маъмурий жазо сифатида жарима чораси белгиланадиган бўлса, жарима миқдорини тўлаш билан чекланган ҳолда, ихтиёридаги далилларни тақдим этмаслиги мумкин. Чунки фуқаровий жавобгарнинг ихтиёридаги далилларни тақдим этмаганлиги учун қўлланиладиган маъмурий жазо чораси кам аҳамиятлидир. Жиноий жазо эса фуқаровий жавобгар томонидан иш учун аҳамиятли бўлган далилларни беришдан бош тортиш ҳолатларига нисбатан оғирроқдир.

Шунинг учун бундай ҳолатда терговчи тегишли процессуал ҳужжат чиқариши талаб этилади ва бу процессуал ҳужжатда фуқаровий жавобгардан талаб қилинаётган иш учун аҳамиятли бўлган ихтиёридаги далилларни бериши шарт эканлигини тушунтириш, акс ҳолда мажбурий тарзда (масалан, тинтув ва олиб қўйиш тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали) олиниши ҳақида огоҳлантириш лозим[5].

Суриштирув ва дастлабки терговда суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганини, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлаш учун ЖПКда назарда тутилган ҳолларда ҳолис чақиртирилади[6]. Ҳолис узрсиз сабабга кўра ўз вазифасини бажаришдан бош тортганлиги учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортилиши белгиланган, лекин амалдаги ЖПКда қандай жавобгарликка тортилиши ва уни қўллаш тартиби кўрсатилмаган.

Ҳозирги кунда амалиётда фуқароларнинг тергов ҳаракатларида ҳолис сифатида қатнашишини таъминлаш долзарб муаммолардан биридир[7]. Шунинг учун, фикримизча, тергов ҳаракатларида иштирок этишдан бош тортган ҳолисга жавобгарлик чораси белгиланмаслиги керак[8]. Бунинг ўрнига фуқароларни ҳолис сифатида тергов ҳаракатларида қатнаштириш учун уларни рағбатлантирувчи қоидалар ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, ЖПКнинг 93-моддасида суриштирувчи, терговчи процесс иштирокчиларидан биронтасининг ёки бошқа шахсларнинг ЖПКда назарда тутилган ҳолларда тергов ҳаракатлари баённомасига имзо чекишдан бош тортганлиги тўғрисида баённомага ёзиб қўйиб, уни ўз имзоси билан тасдиқлаши белгиланган.

Тергов амалиётидаги жиноят ишларини таҳлил қилиш ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи ва бошқа шахслар томонидан ЖПКда белгиланган мажбуриятларини бажармаслик ҳолатлари ҳам тез-тез учраб туришини кўрсатмоқда. Масалан, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар прокуратураси терговчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 118-моддаси иккинчи қисми «б» ва «в» бандларида кўрсатилган жиноятни содир этганлик ҳолати бўйича

иш қўзғатилиб, дастлабки тергов олиб борилган ва айблов хулосаси билан судга юборилган. Судда жиноят ишини мазмунан кўриб чиқиш жараёнида жабрланувчи дастлабки терговда берган кўрсатувларини инкор этиб, судланувчилар М. ва У. билан ўз ихтиёрига кўра, ҳеч қандай зўрлашларсиз жинсий алоқада бўлганлиги ҳақида кўрсатув берган. Жабрланувчи О. дастлабки терговда гувоҳ тариқасида ёлғон кўрсатув берса, ЖКнинг 238-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилиб, сўроқ қилинганга қарамай, судда ёлғон кўрсатув бериб, суд органларини чалғитган, судни ўз вақтини ёлғон маълумотларни аниқлаш учун сарфлашга мажбур қилиб, иш ҳолатининг аниқланишига ва суд томонидан қонуний ҳукм чиқарилишига тўсқинлик қилган. Мазкур ҳолат бўйича суд томонидан ЖКнинг 238-моддаси билан тегишли жиноят иши қўзғатилган[9].

Гулистон шаҳар ИИБ терговчилари томонидан ака-ука ўртасидаги жанжал оқибатида ЖКнинг 104-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этганлик ҳолати бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тергов олиб борилган. Дастлабки тергов давомида терговчи жабрланувчининг акасини гумон қилинувчи тариқасида ўз хизмат хонасига чақиртирганда у узрли сабабларсиз келишдан бош тортган. Ушбу ҳолат юзасидан терговчи қарор чиқариб, гумон қилинувчини сўроқ қилишга мажбурий келтирган[10].

Яна бир мисол. Хонадонда содир этилган ўғирлик жинояти юзасидан Гулистон шаҳар ИИБда юритилган иш бўйича айбланувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахсга нисбатан шахсий кафиллик эҳтиёт чораси қўлланилган. Дастлабки тергов давомида айбланувчи терговдан яширинган. Лекин терговчи айбланувчини шахсий кафилликка олган шахсга нисбатан ҳеч қандай таъсир чораси қўллай олмайди[11].

Бизнингча, терговчи айбланувчини шахсий кафилликка олган шахс эҳтиёт чораси талабларини бузганлиги учун уни МЖТКнинг 207-моддасига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортиши лозим эди. Лекин амалдаги ЖПКда ушбу ҳуқуқий чорани қўллаш тартиби белгиланмагани боис терговчи айбланувчини шахсий кафилликка олган шахсни тегишли жавобгарликка тортмаган.

Тадқиқот ўтказиш жараёнида ўрганилган 200 та жиноят ишининг 13 тасида гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчилар чақирувга биноан узрли сабабларсиз келмаганида мажбурий келтириш тўғрисида қарор чиқарилгани, 7 тасида айбланувчи эҳтиёт чораси талабларини бузгани учун оғирроқ эҳтиёт чораси танлангани, бошқа шахслар эҳтиёт чораси талабларини бузганида эса ҳуқуқий жавобгарлик чораси қўлланилгани кўрсатилмагани, 3 тасида гувоҳ ёлғон кўрсатув бергани учун жиноий жавобгарликка тортилганини кўриш мумкин. Лекин бошқа процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун ҳуқуқий таъсир чораларининг жиноят ишидаги тегишли процессуал ҳужжатларда акс эттирилмагани бошқа процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари учрамаганидан далолат бермайди.

Тадқиқот жараёнида суриштирувчи ва терговчилар ўртасида ўтказилган сўровда «Юритувингиздаги жиноят иши юзасидан процесс иштирокчилари томонидан ЖПКда белгиланган мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари учраганими?», деган саволга респондентларнинг ҳаммаси «ҳа» деб жавоб

беришган. «Айнан қайси процесс иштирокчиси томонидан процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари учраган?» деган саволга респондентларнинг 50,0% – гувоҳ, 12,5% – жабрланувчи, 37,5% – гумон қилинувчи, айбланувчи, 10,0% – фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар, 5,0% – қонуний вакил, 12,5% – ҳимоячи, 5,0% – мутахассис, 2,5% – эксперт, 2,5% – таржимон, 15,0% – уйида тинтув ва олиб қўйиш ўтказилаётган шахслар, 7,5% – мансабдор шахслар ва фуқаролар, 2,5% – жамоа кафиллигига олганлар, 12,5% – вояга етмаганларни кузатув остига олганлар томонидан бажарилмаганлигини қайд этишган. «...Айнан қайси процессуал мажбуриятлар бажарилмаган» деган саволга респондентларнинг 47,5% – процесс иштирокчиларининг чақирувга биноан келмаганлигини, 27,5% – жиноят иши бўйича ҳаққоний кўрсатувлар бермагани ёки ёлғон кўрсатувлар берганини, 25,0% – иш учун аҳамиятли бўлган далилларни йўқ қилгани, сохталаштиргани, гувоҳларни кўндиришга уринганини, 10,0% – иш учун аҳамиятли бўлган, талаб қилинган ихтиёридаги далилларни беришдан бош тортганлигини, 12,5% – гувоҳлантириш, экспертиза, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштиришдан бош тортганлигини, 20,0% – эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажармаганлигини (айбланувчи, шахсий кафилликка олган шахслар, жамоат бирлашмаси ёки жамоа кафиллигига олганлар, вояга етмаганларни кузатув остига олганлар), 12,5% – дастлабки терговда иштирок этишдан бош тортганлигини (гумон қилинувчи, айбланувчи ёки бошқа процесс иштирокчилари), 12,5% – ҳимоячи томонидан гумон қилинувчи, айбланувчига зарур юридик ёрдам кўрсатмаганлигини, 2,5% – дастлабки терговда далилларни топши ва мустаҳкамлашда кўмаклашишдан бош тортганлигини (мутахассис), 12,5% – дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилганлигини, 15,0% – ўзи вакиллик қилаётган шахсларнинг ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилмагани ва уларнинг ишончини суиистеъмол қилганлигини (қонуний вакил, вакил), 80,0% – жиноят ишини тергов қилишда тартибга риоя қилмаганлигини, 12,5% – тергов ҳаракатларини ўтказишга тўсқинлик қилганлигини, 2,5% – нотўғри таржима қилган, нотўғри хулоса берганлигини, 2,5% – қарор ижроси ўз вақтида ёки умуман бажарилмаганлигини (мансабдор шахс томонидан) таъкидлашган.

«Жиноят процессида ўз манфаатини ҳимоя қилувчи шахслар ва бошқа шахслар томонидан процессуал мажбуриятларни бажармаганликлари учун уларга нисбатан қандай чора кўргансиз?» деган саволга респондентларнинг 5,0% – маъмурий жазо қўллаганликларини, 20,0% – мажбурий бажартирганликларини, 10,0% – юқори турувчи раҳбарига тегишли чора кўриш учун тақдимнома юборганлигини, 65,0% – ҳеч қандай чора кўрмаганлигини таъкидлашган.

«Ҳозирги кунда дастлабки терговда қатнашувчи бошқа шахслар томонидан процессуал мажбуриятларини ўз вақтида ёки умуман бажармасликларига қандай омиллар сабаб бўлмоқда?» деган саволга респондентларнинг 42,5% – амалдаги ЖПК ва бошқа қонунларда процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун тегишли таъсир чоралари тўлиқ белгиланмаганлигини, 20,0% – процесс иштирокчилари ЖПКда белгиланган

мажбуриятларни бажармаслик мазмунини тўлиқ тушунмаётганлигини, 25,0% – гумон қилинувчи, айбланувчи ва уларнинг яқин қариндошлари гувоҳларни кўндириш ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар билан тўсқинлик қилишини, 17,5% – иштирокчилар моддий томондан қийналганлигини (келиб-кетиш харажатлари билан боғлиқ), 20,0% – иштирокчилар процессуал мажбуриятларни бажармаслик оқибатларини тушунсалар ҳам ўз мажбуриятларига масъулият билан ёндашмаслигини ва бошқа салбий омилларни сабаб қилиб кўрсатганлар.

Ушбу салбий омилларни бартараф этиш учун қуйидаги чоралар кўрилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1) ЖПКда процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун таъсир чораларини тўлиқ белгилаш;

2) процесс иштирокчиларига ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда мажбуриятларни бажармаслик оқибатларини етарли даражада тушунтириш ва тегишли процессуал ҳужжатда (масалан, тергов ҳаракати баённомасида тартибга риоя этиш мажбуриятини) мустаҳкамлаш;

3) процесс иштирокчиларининг, айниқса, ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи шасхларнинг ҳавфсизлигини етарли даражада таъминлаш чораларини кўриш;

4) процес иштирокчилари ўз мажбуриятларини бажаришларини таъминлашда уларнинг моддий аҳволини ҳам инобатга олиш ва тегишли имкониятлар яратиш (масалан, онлайн тарзда сўроқ қилиш амалиётини жорий этиш).

Демак, тергов амалиётида ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи ва бошқа шахслар томонидан процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари учрайди. Ушбу процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари эса дастлабки терговнинг тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона олиб борилмаслигига, оқибатда жиноят иши бўйича ҳақиқат қарор топмаслигига сабаб бўлади. Шунинг учун процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолатини келтириб чиқарувчи салбий омилларни бартараф этиш юзасидан юқорида билдирилган хулоса, фикр-мулоҳазалар, таклифларни инобатга олиб, қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июндаги “Гувоҳлар, жабрланувчи, эксперт, мутахассис, таржимонлар ва холисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдори” тўғрисидаги 661-XII-сон Қонун.

2. Зайцева Е.С. Преодоление пробелов в уголовно-процессуальном законодательстве // Российская юстиция. Москва, 2017. – № 1. – С. 66-68., Кондрат И.Н. О пользе уголовно-процессуальной науки для разработки концептуальных положений уголовно-процессуальной политики и развитие уголовно-процессуального законодательства // Вестник Московского университета МВД России. Москва, 2017. – № 4.

3. Тошпўлатов А.И. Ёлғон гувоҳлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: ТДЮИ, 2008. – 21 б., Абдусаломов Ғ.М. Жиноят процессида шахсий манфаатга эга бўлган

иштирокчилар ҳуқуқларининг кафолати: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: ТДЮИ, 2008. – 23 б.

4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. «Калқон» Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг ижтимоий-ҳуқуқий журнали № 4 (223), 2017. 13-36 б.

5. Рузметов Б.Х. Выемка и обыск на предварительном следствии: состояние, тенденции и перспективы. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. –Т.: ТДЮИ. 2008. -24 с.

6. Исақов Н. Холислик беғараз бўлсин // Хаёт ва қонун. – Тошкент. 1998. – № 3. -Б. 57.

7. Калугин А. Понятой в уголовном процессе // Российская юстиция. -Москва. 1998. – № 10. – С. 11-12 с.; Родичева Т.П.. К вопросу об участии понятых при проведении следственных действий в учреждениях, исполняющих наказание в виде лишения свободы // Российский следователь. -Москва. 2008. – № 8. –С. 10.

8. Овчинников Ю. Актуальные вопросы института понятых в уголовном процессе Российской Федерации // Уголовное право. – Москва, 2008. – № 2. – С. 108.

9. Гулистон шаҳар суди архивидаги № 21/1289-сонли жиноят иши.

10. Гулистон шаҳар суди архивидаги № 20/3482-сонли жиноят иши.

11. Гулистон шаҳар суди архивидаги № 20/3615-сонли жиноят иши.

Х. Каримов

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси кафедраси бошлиғи,
ю.ф.ф.д., доцент**МАЪМУРИЙ ПРЕЮДИЦИЯ ИНСТИТУТИ МАВЖУД
БЎЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ
ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАР**

Аннотация: ушбу мақолада маъмурий преюдиция институти мавжуд бўлган жиноятларни квалификация қилишдаги ҳамда суд-тергов амалиётидаги муаммолар таҳлил қилинган, Олий суди Пленуми қарорларидаги айрим тушунтиришлар ва уларга ўзгартиришлар киритишлар бўйича таклифлар билдирилган.

Калит сўзлар: маъмурий преюдиция, квалификация, суд-тергов амалиётидаги муаммолар, Преюдиция.

Abstract: this article contains analysis of crimes with administrative prejudice and practical problems of forensic investigation. Also there are given some explanations of the related decisions of the Supreme court and the proposals for amendments.

Key words: administrative prejudice, practical problems of forensic investigation, prejudice

Аннотация: в данной статье проанализирован проблемы квалификации преступлений с административной преюдицией и судебно-следственной практики, представлены некоторые разъяснения Пленумом Верховного суда и предложения по внесению в них изменений.

Ключевые слова: административная преюдиция, квалификация, судебно-следственная практика, Преюдиция.

Преюдиция латинча “praejudicialis” сўзидан олинган бўлиб, аввалги суд қарорига тегишли деган маънони билдиради. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 54 та моддасида 66 та жиноят таркиби бўйича Маъмурий преюдиция назарда тутилган. Яъни, ушбу моддадаги қилмишлар жиноят сифатида малакаланиши учун “маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлиши” талаб этилади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 37-моддасида “башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади” [1] деб мустаҳкамланган. Демак, ушбу моддадан шахс маъмурий жазога тортилган кундан бошлаб, яъни маъмурий жазо ышллаш тўғрисидаги қарор кучга кирган кундан бошлаб ҳамда жазони ўташ муддати тугагандан сўнг бир йил давомида маъмурий жазога тортилган ҳисобланади деган хулосага келиш мумкин. Жиноят кодексидagi баъзи қилмишлар жиноят сифатида баҳоланиши учун маъмурий жазо қўлланилган бўлишликни ҳамда ушбу қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг, худди шундай қилмишни содир этган бўлиши талаб этилади. Шу ўринда савол туғилади? Шахс маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг қанча муддатда ичида худди шундай ҳуқуқбузарликни содир этса жиноий жавобгарлик келтириб чиқаради. Бу ҳақида Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги “Баданга қасддан

шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори мисолида кўриб чиқамиз. Мазкур Қарорнинг 24-бандида “Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, баданга қасддан, соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига сабаб бўлмаган даражада енгил шикаст етказганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган” [2]. Баданга қасддан бундай шикаст етказганлик учун жиноий жавобгарлик, фақат у шундай қилмиш учун шахсга нисбатан маъмурий жазо маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор кучга кирган кундан бошлаб бир йил ичида такроран содир этилган (ЖК 109-моддасининг биринчи қисми) ёки соғлиқнинг қисқа вақт давомида ёмонлашувига сабаб бўлган (ЖК 109-моддасининг иккинчи қисми) ҳолдагина келиб чиқади.” Демак, Пленум қарорида маъмурий преюдицияга эга бўлган Жиноят кодексининг 109-моддасининг 1-қисми мисолида жиноий жавобгарлик “маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор кучга кирган кундан бошлаб бир йил ичида такроран” содир этилган ҳолдагина келиб чиқиши тушунтирилмоқда. Яъни, ушбу мисолда шахсни Жиноят кодексининг 109-моддасининг 1-қисми учун жавобгарликка тортиш учун 2 та белгига эътибор қаратиш лозим. Биринчидан шахс Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 52-моддасининг 2-қисми билан жазога тортилган бўлиши, иккинчидан жазо қўллаш тўғрисидаги қарор кучга кирган кундан бошлаб бир йил ичида ичида содир этилган бўлиши талаб этилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Судлар тўғрисидаги Қонунига асосан, “қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришлари судлар, ушбу тушунтиришлар берилган қонун ҳужжатларини қўллаётган бошқа органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир”. Шу сабабли, суд-тергов амалиётида ушбу тушунтиришларга амал қилиш мажбурий.

Шу ўринда, юқоридаги Пленум қарори тушунтиришини Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 37-моддаси талабларидан келиб чиқиб, кўриб чиқамиз. Яъни юқорида келтирганимиздек, “башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади”. Бу ерда Пленум қарорида келтирилган “маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор кучга кирган кундан бошлаб” тушунчаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 37-моддасидаги “маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб” тушунчалари бир биридан фарқ қилади. Фикримизча, “маъмурий преюдицияга эга бўлган жиноят таркиблари учун жиноий жавобгарлик вужудга келишига оид тушунтиришларда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 37-моддаси талабларига асосан, башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида такроран содир этилган ҳолдагина келиб чиқишига оид” тушунтириш берилиши мақсадга мувофиқ. Бунда бир йил ўтгандан сўнг содир этилиши қилмишни жиноят сифатида эмас, балки маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида малакалашга асос бўлади.

Хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилиги, жумладан, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 157-моддаси [3] болалар ёки ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлагани учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, ушбу модда маъмурий преюдицияга эга. Мазкур нормага асосан шундай қилмиш учун маъмурий жазога тортилган шахс, маъмурий жавобгарликка тортилган деб ҳисобланган даврда юқоридаги қилмишни содир этса жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради. Яъни, жиноят моддасининг ўзида бевосита қайси даврда содир этилиши жиноий жавобгарликни келтириб чиқариши белгиланган. Бундай норма Россия Жиноят кодексининг маъмурий преюдиция назарда тутилган моддаларида белгиланган.

Беларусь Республикаси Жиноят кодексининг маъмурий преюдиция назарда тутилган жиноятларида қилмишни маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг бир йил ичида содир этилиши жиноий жавобгарликни келтириб чиқариши бевосита кодекснинг ўзида назарда тутилган.

Қайд этиш лозимки, муайян ишлар бўйича суд амалиётини умумлаштириш натижалари муҳокама қилиниб Пленум қарорлари қабул қилинганда тушунтиришларни бошқа ишлар бўйича аналогия сифатида қўллаб бўлмайди. Масалан, Жиноят кодексининг 122-моддасида белгиланган “Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш” жинояти маъмурий преюдицияга эга. Яъни, “Моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса” жиноий жавобгарлик келтириб чиқаради. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 474-моддасида “Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш” учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Бундай ҳолда ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга ёки Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ маъмурий қамоқ қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

2009 йил 10 апрелдаги “Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорининг 14 бандида “Қуйидагилар шахсни ЖК 122-моддасига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиш шартлари ҳисобланади:

моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлаш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки суд буйруғи мавжудлиги;

бундай шахсни моддий таъминлашдан бўйин товланганлик учун шахсга нисбатан муқаддам маъмурий жазо чораси қўлланилганлиги;

ушбу маблағ жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўланмаслиги” [4] деб белгиланган.

Шу ўринда савол? Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 474-моддаси бўйича жавобгарлик тортилиб, ўн беш сутка муддатга

маъмурий қамоққа олиш жазоси тайинланган шахсга нисбатан қачон жиноят иши қўзғатилиши мумкин. Яъни, ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олиш жазоси ўталгандан кейин икки ойдан ортиқ муддат мобайнида бўйин товлангандан кейинми ёки маъмурий жазога тортиш ҳақида қарор кучга киргандан кейин икки ойдан кейинми? Фикримизча, бу ҳолатда ҳам шахс маъмурий қамоқ жазони ўтаб бўлгандан сўнг, икки ойдан ортиқ муддат мобайнида бўйин товлангандан кейин жиноий жавобгарлик келтириб чиқариши ҳақида тушунтириш берилиши мақсадга мувофиқ.

Маъмурий преюдицияга эга жиноятлар таркиби тузилишига эътибор қаратсак бир қанча шаклда намоён бўлади.

1. Фақатгина модданинг 1-қисмида маъмурий жазога тортилган бўлиш талаб этилади. Масалан, Жиноят кодексининг 109-моддаси 1-қисми.

2. Барча қисмларда маъмурий жазога тортилган бўлиш талаб этилади. Масалан, Жиноят кодексининг 1251-моддаси барча қисмлари.

3. Маъмурий преюдиция назарда тутилган қилмишни оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилганда қилмиш тўғридан-тўғри жиноят сифатида баҳоланади. Масалан, Жиноят кодексининг 1271-моддасининг 3-қисми.

4. Жиноий жавобгарлик келиб чиқиши учун қилмиш иқтисодий миқдорга боғлиқ. Масалан, 2013 йил 6 сентябрдаги “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорининг 3-бандига асосан, қонун божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш учун жавобгарлик турини божхона чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказилаётган товар ёки бошқа қимматликлар миқдори билан боғлаган бўлиб, бу миқдор уларнинг ҳуқуқбузарлик содир этилган кундаги қийметидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Товар ёки бошқа қимматликларни қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан кўп миқдорда ўтказганлик учун ҳар доим, шахс айнан шундай ҳуқуқбузарлик учун бир йил давомида бир неча марта маъмурий жавобгарликка тортилганлигидан қатъий назар, маъмурий жавобгарлик келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 182-моддасининг биринчи қисми бўйича жиноий жавобгарлик товар ва транспорт воситаларини кўп миқдорда қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган (Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 22721-моддаси, 22722-моддасининг биринчи қисми) шахс маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил давомида яна айнан шундай ҳуқуқбузарликни кўп миқдорда содир этган ҳолдагина келиб чиқади.

Жиноят кодекси 182-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган квалификация белгилари мавжуд бўлганда, жиноий жавобгарлик шахс товар ёки бошқа қимматликларни қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказганлик учун илгари маъмурий жавобгарликка тортилган-тортилмаганлигидан қатъий назар, келиб чиқади. Бунда ЖК 182-моддаси иккинчи қисмининг «б», «в» ва «г» бандлари бўйича жиноий жавобгарлик фақат божхона тўғрисидаги қонунчилик кўп миқдорда бузилган ҳолдагина келиб чиқади [5]. Яъни, Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини

бузиш: Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисмида а) жуда кўп миқдорда; б) чегарани бузиб ўтиш, яъни божхона хизматининг розилигини олмасдан туриб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан очикдан-очик ўтказиш йўли билан; в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб; г) хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса каби оғирлаштирувчи белгилар мавжуд. Демак, жиноий жавобгарлик шахс жуда кўп миқдордаги божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган-тортилмаганлигидан қатъий назар, келиб чиқади. Жиноят кодексининг 182-моддасининг 2-қисмидаги “Чегарани бузиб ўтиш, яъни божхона хизматининг розилигини олмасдан туриб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан очикдан-очик ўтказиш йўли билан; уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб; хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса” каби оғирлаштирувчи ҳолатларда жиноий жавобгарлик фақат божхона тўғрисидаги қонунчилик кўп миқдорда бузилган ҳолдагина келиб чиқади.

5. Жиноят кодекси 1861-моддаси 1-қисм диспозициясидаги маъмурий жазога тортилганлик ёки муайян белгиланган миқдорда қилмишни содир этиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Масалан, “Этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса” деб белгиланган. Яъни, анча миқдорда ҳуқуқбузарликни содир этилиши маъмурий жавобгарликка тортилганликни талаб этмайди. Анча миқдоргача ҳуқуқбузарликни содир этилиши эса, маъмурий жазога тортилганликни талаб этади. Ушбу модданинг 2-қисми “б”, “г” бандари, 3-қисмининг “б” банди билан жиноий жавобгарлик маъмурий жавобгарликка тортилган-тортилмаганлигидан қатъий назар фақат этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш анча миқдорда содир этилган бўлса келиб чиқади.

6. Маъмурий преюдиция назарда тутилган қилмишни муайян миқдорда ёки бошқа оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилганда қилмиш тўғридан-тўғри жиноят сифатида баҳоланади. Масалан, Жиноят кодексининг 213 ва 214-моддалари. Жумладан, ЖКнинг давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши ҳуқуқбузарлиги учун ЖКнинг 214-моддасида жиноий ҳамда МЖТКнинг 193-2-моддасида маъмурий жавобгарлик белгиланган. Яъни, шахсни ЖКнинг 214-моддасидаги жиноятни 1-қисми билан жавобгарликка тортиш учун, шахсга МЖТКнинг 193-2-моддасига асосан маъмурий жазо қўлланилган бўлиши талаб этилади.

Фикримизча, маъмурий преюдицияга эга бўлган жиноятларда оғирлаштирувчи ҳолатлар назарда тутилганда “ўша ҳаракатлар” жумласи ишлатилганда “ўша ҳаракатлар” ибораси шахсга боғлиқ ҳаракатларни назарда тутати ҳамда маъмурий жазога тортилганлик бўлишликни назарда тутмайди. Мисол учун, Жиноят кодексининг 214-моддасининг 1-қисмида “Давлат

органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса” деб белгиланган. Ушбу модданинг 2-қисмида ўша ҳаракатлар: “а) анча миқдорда; б) тамагирлик йўли билан содир этилган бўлса” деб белгиланган. Бунда ўша ҳаракатлар деганда “Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши” тушунилади. Демак, “Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши” тамагирлик йўли билан содир этилган бўлса ҳам тўғри жиноий жавобгарлик келтириб чиқаради. Бундай ҳолатларда маъмурий жазо қўлланилган бўлиши талаб этилмаслиги ҳақидаги тушунтириш берилиши тақлиф этилади.

Маъмурий преюдиция назарда тутилган жиноятлар бўйича ягона суд амалиётини шакллантиришга оид тушунтиришлар мавжуд эмаслиги ҳамда тергов ва суд амалиётида турлича амалиёт шаклланимаслиги учун “Маъмурий преюдицияга эга бўлган жиноятлар бўйича қонун нормаларини тўғри қўллашга оид” Олий суд Пленумининг қарорини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

“Маъмурий преюдицияга эга бўлган жиноятлар бўйича қонун нормаларини тўғри қўллашга оид” Олий суд Пленумининг қарорини қабул қилиниши қонун нормаларини тўғри қўллашга, ягона суд амалиётини шаклланишига ҳамда ўз навбатида шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Қайд этиш лозимки, маъмурий преюдиция институти юқорида келтирилганидек, бир қатор МДХ давлатлари жиноят кодексларида мавжуд бўлиб, бундай институт аксарият хорижий мамлакатлар қонунчилигида қўлланилмайди. Қирғизистон Республикасининг янги қабул қилинган Жиноят кодексига, Қозоғистон Республикаси Жиноят

кодексларида маъмурий преюдиция назарда тутилмаган.

Россия олимлари ўртасида ҳам маъмурий преюдицияни жиноят қонунчилигидан чиқариш борасида турлича қарашлар мавжуд. Масалан, профессор Н.А.Лопашенко [6] маъмурий преюдицияни жиноят қонунчилигидан чиқаришни ёқласа, профессор В.П.Малков [7] мазкур институтни қолдириш тарафдори. В.В.Волженкин [8] ва М.И.Ковалев [9] жиноят қонунчилигида маъмурий преюдицияни мавжудлиги *non bis in idem* тамойилига зид деб таъкидлайди. Уларнинг фикрича шахс ўз қилмиши учун жавобгарликка тортилиб бўлинган, шунинг учун кейинги худди шундай қилмиши учун устига устак жиноят сифатида жавобгарликка тортиш учун эса асос йўқ деб ҳисоблайдилар. А.Г.Безверхов [10] эса маъмурий преюдиция нафақат қилмишни жиноят сифатида белгилаш, шунингдек, жиноятларни қисман декриминализация қилинишига олиб келади деб таъкидлайди. Профессор Н.А.Лопашенко [11] маъмурий преюдицияни жиноят қонунчилигидан чиқаришни асоси сифатида шахс белгиси қилмишни жиноят сифатида белгилашга асос бўлмаслиги керак деб таъкидлайди. Умуман олганда маъмурий преюдицияни жиноят қонунчилигидан чиқариш ёки қолдириш масаласида турлича қарашлар мавжуд. Фикримизча, профессор Н.А.Лопашенкони фикрига қўшилган ҳолда шахс белгиси қилмишни жиноят сифатида белгилашга асос бўлмаслиги керак. Чунки қилмишни моҳияти, унинг табиати, ижтимоий хавфлилиги шахсга қараб ўзгариб қолмайди. Қилмиш ўша-ўша, фақат шахс илгари шу қилмиш учун маъмурий жазога тортилган. Шахсни мазкур қилмишни маъмурий жазога тортилганидан сўнг бир йил ичида яна такроран содир этиши маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Маъмурий преюдицияга эга бўлган жиноят қонунчилигидаги қилмишларни биринчи марта содир этилганлиги расман жиноят ҳисобланмасада, амалда ўз табиатида кўра жиноий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Бундан ташқари, “Енгил тан жароҳати етказиш” (52-модда), “Оз миқдорда талон-тарож қилиш” (61-модда), “Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш” (612-модда), “Майда безорилик” (183-модда) каби ҳуқуқбузарликлар шахснинг соғлиги ва мулкнинг дахлсизлиги қарши қаратилган ҳуқуқбузарликлар бўлсада, амалда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда тартибга солинган. Хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилиги таҳлили бундай ҳуқуқбузарликларни жиноий ҳуқуқбузарликлар сифатида ножўя қилмиш (проступок) таснифи доирасида тартибга солади.

М.Х.Рустамбоев “жиноий проступок” институтини киритиш заруратини асослаб, “жиноий проступок”ни жиноятдан фарқини 3 та белгисига кўра фарқлайди. 1) ижтимоий хавфлилиқ даражаси, 2) жазо сифатида озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинланмаслиги, 3) айбдор шахснинг судланган ҳисобланмаслиги [12]. Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш жараёнида М.Х.Рустамбоевнинг “жиноий проступок” институтини киритиш тўғрисидаги фикрига қўшиламиз.

Жиноят кодексига назарда тутилган маъмурий преюдицияга эга бўлган жиноятлардан маъмурий преюдиция институтини босқичма-босқич бекор қилиш, бунда хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, жиноятларни таснифлашга оид янгича мезонларни ишлаб чиқиш, ижтимоий хавфи катта

бўлмаган жиноий қилмишларни хорижий мамлакатларда мавжуд “ножўя қилмиш” (проступок) институтини киритиш орқали такомиллаштириш таклифи этилади. Ўзбекистон республикаси Президенти Қарори билан тасдиқланган 2018 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси”да [13] жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва характерини белгиловчи муқобил кўрсаткичларни жорий этиш орқали жиноятларни таснифлаш тизими ва мезонларини қайтадан кўриб чиқиш жиноий жавобгарлик ва жазо тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишидаги вазифалар сифатида белгиланган.

М.Х.Рустамбоев жиноят қонунчилигида “жиноий проступок” институтини киритишда Ўзбекистон Республикасининг проступок тўғрисидаги кодексини (“Кодекс Республики Узбекистан о проступках”) [12] қабул қилишни таклиф этади.

Бугунги кунда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни жиноят судларида кўриб чиқиши жорий этилганлиги ҳам, маъмурий ҳуқуқбузарликлар ўз табиатида кўра жиноий ҳуқуқбузарликларга яқинлигини кўрсатади. Хулоса сифатида маъмурий ва жиноят қонунчилигига “ножўя қилмиш” (проступок) институти билан боғлиқ тегишли институционал ўзгаришлар киритилишини тақозо этади. Албатта ушбу жараён босқичма-босқич амалга ошириладиган, шунингдек, ушбу институтларни киритилишини илмий асослаш учун алоҳида чуқур илмий тадқиқотлар ўтказилишини талаб этади. Унгача маъмурий преюдиция институти билан боғлиқ суд-тергов амалиётида юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш ҳамда ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида юқорида қайд этилган ва турлича амалиётни бартараф этиш мақсадида “Маъмурий преюдицияга эга бўлган жиноятлар бўйича қонун нормаларини тўғри қўллашга оид” Олий суд Пленумининг қарорини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар рўйхати:

1. <https://www.lex.uz/acts/111453>
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. “Адолат” 2014. 62-бет.
3. www.consultant.ru
4. <https://www.lex.uz/docs/1602168>
5. <https://www.lex.uz/acts/111453>
6. Лопашенко Н. А., Административной преюдиции в уголовном праве – нет! / Н. А. Лопашенко // Вестник Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации. – 2011 – № 3 (23) – С. 64–71.
7. Малков В. П., Административная преюдиция: за и против / В. П. Малков // Вестник Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации. – 2011 – № 3 (23) – С. 58–64.
8. Волженкин Б. В., Принцип справедливости и проблемы множественности преступлений по УК РФ / Б. В. Волженкин // Законность. – М., – 1998 – № 12 – С. 2–7.
9. Ковалев М. И., Преступление и проступок / М. И. Ковалев // Проблемы совершенствования законодательства по укреплению правопорядка и усиление борьбы с правонарушениями: межвуз. сб. науч. тр. Свердловск: Изд-во Свердл. юрид. ин-та, – 1982 – С. 3–14.
10. Безверхов А. Г., Административная преюдициальность в уголовном законодательстве России: исто-

ки, реалии, перспективы / А. Г. Безверхов // Вестник Самарской гуманитарной академии. Серия: Право – 2011 – № 2. – С. 40–41.

11. Лопашенко Н. А., Административной преюдиции в уголовном праве – нет! / Н. А. Лопашенко // Вестник Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации. – 2011 – № 3 (23) – С. 69.

12. М.Х.Рустамбоев Бош прокуратура Академияси Ахборотномаси №3 (35) 2018 й. 14-б.

13. <https://lex.uz/docs/3735818>

Д. Валижонов

Преподаватель Ташкентского государственного юридического университета

ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ БОРЬБЫ С ТРАНСНАЦИОНАЛЬНОЙ ОРГАНИЗОВАННОЙ ПРЕСТУПНОСТЬЮ

Аннотация. в данной научной статье автор тщательно проанализировал теоретико-правовые аспекты борьбы с транснациональной организованной преступностью. Более того, автор смог раскрыть суть и содержание понятия транснациональной организованной преступности. В статье также рассмотрены признаки и виды транснациональных преступлений, в частности торговля людьми, региональная коррупция и т.д.

Ключевые слова: борьба с преступностью, транснациональная организованная преступность, признаки и виды транснациональных преступлений, торговля людьми.

Аннотация. мазкур мақола муаллиф трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатларини батафсил ёритиб берган. Бундан ташқари, муаллиф трансмиллий уюшган жиноятчилик таркиби ва моҳиятини очиб беришга интилган. Шунингдек, мақолада трансмиллий жиноятлар, шу жумладан, одам савдоси, минтақавий коррупция ва ҳ.к. турлари ҳамда белгилари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: жиноятчиликка қарши курашиш, трансмиллий уюшган жиноятчилик, трансмиллий жиноятлар турлари ва белгилари, одам савдоси.

Abstract. in this scientific article, the author carefully analyzed the theoretical and legal aspects of the fight against transnational organized crime. Moreover, the author was able to reveal the essence and content of the concept of transnational organized crime. The article also discusses the signs and types of transnational crimes, in particular human trafficking, regional corruption, etc.

Key words: fight against crime, transnational organized crime, signs and types of transnational crimes, human trafficking.

Преступность как социальное явление, присущее современному обществу, представляет собой неизбежное зло, с которым идет постоянная борьба государства, его правоохранительных органов, гражданского общества. В последние десятилетия это социальное зло приобрело особую общественную опасность, поскольку стало носить наднациональный характер. Преступность вышла за территориальные пределы суверенных государств, стала интернациональной.

Согласно мнению Д.М. Валеева, «Транснациональная организованная преступность (далее - ТОП) представляет собой одну из наиболее серьезных угроз для всех цивилизованных государств современности» [1]. Ее значение было отмечено более двадцати лет назад на конференции по организованной транснациональной преступности, которая состоялась в Неаполе (Италия) в 1994 г., прошедшей под эгидой ООН. В дальнейшем международное сообщество постоянно подчеркивало необходимость активизации противодействия проявлениям транснациональной преступности.

На расширенном заседании Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан от 31 января 2018 года Президент Республики Узбекистан особо отметил, что «... главными направлениями государственной политики в сфере обеспечения государственной и общественной безопасности на долгосрочную перспективу должны стать усиление роли государства в качестве гаранта безопасности личности, ... совершенствование нормативного правового регулирования предупреждения и борьбы с преступностью, коррупцией, терроризмом и экстремизмом ... расширение международного сотрудничества в правоохранительной сфере» [2].

Проблема противодействия транснациональной организованной преступности имеет практическое и документальное значение.

Остается востребованной разработка рекомендаций и предложений по повышению эффективности международно-правовых норм и внутригосударственного законодательства Республики Узбекистан о борьбе с транснациональной организованной преступностью, а также анализ политики государства в указанной области.

Согласно мнению правоведа Б. Фрахи, «... актуальным выглядит научные подходы к транснациональной организованной преступности с обновлением таковых, а также осуществить поиск и выработку нового понятия этого феномена, соответствующего современному уровню международно-правового регулирования противодействия ТОП» [3].

Наряду с этим, по мнению А.Г. Волеводз [4] «Транснациональная организованная преступность — это структурно сложное, социальное, антиправовое явление, представляющее собой последовательную целенаправленную систему преступных деяний (активных действий) одной или нескольких преступных группировок, организованных на основе национальных, религиозных, этнических, родственных, профессиональных или иных связей, действующих на территории двух и более государств в целях совершения правонарушений и извлечения прибыли или иного запрещенного дохода».

Более того, европейские ученые С. Хафнегел и К. МакКартней считают [5], что «Реализация международного сотрудничества по борьбе с правонарушениями, относящимися к ТОП, конкретизируется через международное обязательство соответствующего государства ввести на национальном уровне императивный уголовно-правовой запрет всех правонарушений, которые связаны с выходом преступных сообществ за пределы национальных границ государств и с созданием кооперативных преступных группировок в разных странах». Частично соглашаясь с этим доводом, следует отметить тот факт, что каждая страна, в лице уполномоченного органа (например, Генеральная прокуратура) имеет специфический подход в борьбе с организованной, транснациональной преступностью.

Следует особо отметить определенные критерии, позволяющие идентифицировать преступность как транснациональную и организованную [6]. По мнению английских ученых Р. Кюрри и Дж. Рикнофа [7] эти критерии разделяются по следующим признакам:

а) транснациональность, т.е. совершение преступления на территории двух и более государств;

б) многоэтапность, т.е. совершение преступления в одном государстве, когда возникновение умысла на

его осуществление, планирование или последующая подготовка имели место на территории другого государства;

в) распределенность, т.е. совершение преступления в пределах одного государства, когда его существенные последствия имеют место в другом государстве;

г) полисубъектность, т.е. преступления совершают как физические лица, так и юридические лица, в совокупности образующие преступные группировки;

д) клановость, т.е. транснациональные преступления совершают лица, объединенные в сообщество (объединение) на основе национальных, родственных, религиозных, этнических, профессиональных или иных связей;

е) высокодоходность, т.е. транснациональные преступления дают их участникам систематический сверхвысокий доход (прибыль), одним из обязательных условий получения которого является распространение преступной деятельности на территории двух и более государств.

Учитывая вышесказанные аргументы и доводы, на наш взгляд, можно сделать вывод о том, что в настоящее время реализация обязательств по сотрудничеству государств и международных организаций по предупреждению транснациональной организованной преступности и борьбе с ней зависит от принятия конкретизирующих международно-правовых норм в форме многосторонних или двусторонних договоров, а также конкретизирующих их межправительственных и межведомственных соглашений.

Известный правоведа А.В. Агутин [8] утверждает, что концепция механизмов имплементации международно-правовых норм о криминализации транснациональных преступлений в уголовное законодательство имеет определенные особенности. В частности, ее основные положения включают недостаточность правового регулирования определения ТОП:

а) в уголовном законодательстве постсоветских стран (РФ, Казахстан, Узбекистан, Беларусь и т.п.) имеются сорок восемь составов преступлений, сформулированных прямо или опосредовано на основе соответствующих норм международного права. В то же время обнаруживаются пробелы в материальном и процессуальном праве, которые следует преодолевать посредством дальнейшего правотворчества;

б) утверждение о наличии юридико-технических недостатков в международном уголовном праве, касающихся закрепления понятия ТОП и её разновидностей, а также иных норм, регулирующих противодействие ТОП, для которых характерна бессистемность, закреплённая в абстрактных формулировках, порождающих неоднозначность толкования. Все это создает сложности для процесса имплементации норм международного права в национальное законодательство государств. Это требует систематических усилий участников международно-правового общения по уточнению и систематизации национальных правовых актов, и их применению, созданию международных механизмов унификации национально-правовой практики противодействия ТОП [9]. Формирование таких механизмов должно осуществляться на основе общепризнанных принципов и норм международного права с использованием международно-правовых стандартов уголовного правосудия;

в) вывод о том, что для уголовного законодательства постсоветских стран (РФ, Казахстан, Узбекистан, Беларусь и т.п.) характерно отсутствие системного подхода к имплементации конвенционных норм, что выражается в конкуренции составов преступлений;

г) в целях совершенствования уголовного законодательства предлагается в системном единстве, по всем составам преступлений, относящимся к ТОП, усилить меры уголовной ответственности.

На наш взгляд, наряду с вышеуказанными аргументами, целесообразно включить в международные договоры, заключаемые Узбекистаном, таких норм, которые регламентировали бы различные правовые вопросы взаимодействия правоохранительных органов в борьбе с ТОП. Для этого, в первую очередь, необходимо совершенствовать международные механизмы по борьбе с ТОП.

В частности, первым шагом могло бы стать создание в рамках ООН межгосударственного Международного комитета по мониторингу ситуации ТОП, системному анализу деятельности Интерпола и органов прокуратуры, оценке эффективности средств правового воздействия, направленных на борьбу с деятельностью транснациональных преступных группировок. Все эти меры должны способствовать повышению эффективности международного сотрудничества по борьбе с ТОП.

Более того, в рамках данного исследования предлагается создать «Центры антикриминальной подготовки» на базе соответствующих подразделений органов прокуратуры, в которых целесообразно проводить специализированную подготовку сотрудников органов прокуратуры, способных осуществлять эффективную борьбу с различными формами ТОП, специфичными для регионов нашей страны (Бостанлыкский район и г. Ташкент, Ферганская долина, пограничный пункт Хайратан, г. Бекабад), а также предоставлять специализированным подразделениям необходимые ресурсы для борьбы с указанными видами преступлений.

Суммировав все аргументы и мнения, следует определить, что совершение конкретного преступления в рамках ТОП является результатом взаимодействия образовавшихся под воздействием неблагоприятных жизненных условий негативных нравственно-психологических свойств личности и внешних объективных обстоятельств, образующих криминогенную ситуацию.

Кроме этого, как указывается в литературе [10], преступлениями международного характера можно считать такие, которые не находятся в связи с политикой какого-либо государства, но носят противоправный характер: захват заложников; посягательства на лиц, пользующихся международной защитой, незаконный оборот наркотических средств и психотропных веществ; противоправные действия против безопасности гражданской авиации и морского судоходства, пиратство на море и др.

Устанавливая различия между организованной преступностью и ТОП, целесообразно отметить, что состав преступных деяний, относящихся к внутригосударственной, «национальной» организованной преступности достаточно широк, и, в частности, включает множество преступлений в экономической сфере (кража, мошенничество, грабеж, вымогательство, незаконная банковская деятельность, коммерческий подкуп и т.д.), а также

наркопреступления, организацию занятия проституцией, незаконные азартные игры и др.

По мнению А.Г. Волеводз [11], в отличие от вышеуказанных преступных деяний, ТОП (если судить по тексту Конвенции ООН против транснациональной организованной преступности), предполагает весьма узкий перечень видов транснациональной преступной деятельности.

В частности, это участие в организованной преступной группе, отмывание доходов от преступлений, коррупция, воспрепятствование осуществлению правосудия, торговля людьми, незаконный ввоз мигрантов по суше, морю и воздуху, незаконное изготовление и оборот огнестрельного оружия, его составных частей и компонентов, а также боеприпасов к нему.

Таким образом, несмотря на определённое количество работ по проблеме противодействия организованной транснациональной преступности отечественных и зарубежных учёных, необходимо заметить, что данные исследования проводились в основном в отношении отдельных видов ТОП, в частности, борьба с терроризмом, наркотрафиком, коррупцией, рабством и т.д.

Но, возникающие новые формы преступности и их быстро возрастающее негативное влияние на современную международно-политическую ситуацию, а также роль, участие и опыт Узбекистана в сотрудничестве по противодействию данным угрозам в правовом ракурсе освещены, на наш взгляд, недостаточно.

Нерешённые проблемы в данной области дают основания для их более глубокого изучения с использованием современных научных наработок, пересмотра деятельности и трансформация международных форм и методов социально-правового контроля, и нахождения с правовой точки зрения обоснованных оптимальных путей для международного сотрудничества в создании системы антикриминальной безопасности.

Список литературы:

1. Агутин А.В. Прокурорский надзор за исполнением законов при расследовании преступлений экстремистской направленности: учеб. пособие / А.В. Агутин; Акад. Ген. прокуратуры Рос. Федерации. – М., 2017. – С. 90.
2. Валеев Д.М. Транснациональная организованная преступность: понятие и сущность // Пробелы в Российском законодательстве – 2011 – № 1 – С. 157–159.
3. Волеводз А.Г. Правовые основы новых направлений международного сотрудничества в сфере уголовного процесса. Дисс... док. юрид. наук. – Москва, 2002. – С. 68.
4. Исмоилов Б.И. Проблемы международно-правового сотрудничества Республики Узбекистан в борьбе с терроризмом и организованной преступностью. // Экстремизм, терроризм, гуруҳий ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш муаммолари. – Тошкент, 1999. – Б.32–33.
5. Какителашвили М.М. Прокуратура в системе разделения властей государств – участников СНГ / Прокуратура в системе обеспечения национальной безопасности (Сухаревские чтения): сб. материалов III науч.-практ. конф. (г. Москва, 6 октября 2017 г.) / под общ. ред. О.С. Капинус; [под науч. ред. А.Ю. Винокурова; сост. И.А. Васькина, Н.А. Кулакова, В.А. Немировский, А.С. Семенов]; Университет прокуратуры Рос. Федерации. – М., 2018. С. 99-105.

6. Международное сотрудничество по противодействию коррупции с использованием полномочий прокурора в сфере уголовного судопроизводства: лекция / А.В. Агутин. – М.: Акад. Ген. прокуратуры Рос. Федерации, 2017. – 67 С.

7. Расширенное заседание Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан от 31 января 2018 года // Электронный ресурс // <https://president.uz/ru/lists/view/1470>

8. Фрахи Б. Международное сотрудничество против организованной преступности. Опыт Европейского интеграции // Вестник МПА СНГ. - 1995. - №1. - С. 60-63.

9. Saskia Hufnagel and Carole McCartney. Routledge Handbook of Transnational criminal law (edited by Neil Boister, Robert J Currie). – New York: Routledge publishing, 2015, - P.108.

10. Shearer I. A. Extradition in international law. – Manchester University Press, 1971. – P. 85.

11. Robert J Currie, Joseph Riknof. Transnational and international criminal law. Second edition. Irwin Law Inc. – Toronto. 2013. – P. 67.

М. Инагамова,

ИИБ Академияси катта ўқитувчиси

АЁЛЛАРГА НИСБАТАН ТАЙЗИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ (ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА)

Аннотация: мақолада хорижий мамлакатлар тажрибасида аёл ҳуқуқлари ҳимояси ва унда полициянинг иштироки ҳамда жабрланган аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатишнинг ҳуқуқий механизмлари масалалари ёритилган.

Таянч сўзлар: аёл ҳуқуқи, полиция, дискриминация, жабрланган, тажоввуз, касб этикаси кодекси, зўравонлик, жиноят.

Аннотация: в статье рассматриваются вопросы защиты прав женщин и участия полиции в практике зарубежных стран, а также правовые механизмы, социальной, правовой и психологической помощи пострадавшим женщинам.

Ключевые слова: права женщин, полиция, дискриминация, жертвы, низвержение, кодекс профессиональной этики, насилие, преступление.

Annotation: the deals with the protection of the rights of women and the police participation in the practice of foreign countries, as well as legal mechanisms, social, legal and psychological assistance to affected women.

Keywords: womens rights, police, discrimination, victims, overthrow, code of professional ethics, violence, crime.

Маълумки ривожланган хорижий давлатларда аёллар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг сиёсий, ҳуқуқий ва институционал механизмлари яратилган. Мазкур механизмларнинг самарали фаолияти натижасида аёллар ҳуқуқларига тажоввуз камайган. Шу сабабли хорижий мамлакатлар полиция хизмати томонидан аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё аҳолисининг 49,7 фоиз аёллардир (аёллар 3 миллиард 132 миллион 342 минг, эркеклар 3 миллиард 169 миллион 122 минг киши) [1]. Агар ҳомила пайтида қизлар жинслари туфайли олдириб ташланмаганларида ва чақалоқликларида тегишли тарзда парвариш қилинганларида эди, уларнинг сони камида 60 миллионга кўпроқ бўлар эди. Статистик маълумотларга кўра, аёлларнинг ҳар учинчиси (демакки, бир миллиард аёл) ҳаётида камида бир марта калтакланган ёки жинсий алоқа қилишга мажбурланган ёхуд бошқача тарзда ҳўрланган, ҳар бешинчи аёлнинг ҳаётида камида бир марта номусига тегилган ёки тегишга ҳаракат қилинган. Одатда, зўравон киши аёлнинг қариндошларидан бири ёки таниши бўлган. Шунингдек, 47 фоизи аёлларнинг таъкидлашича, улар илк маротаба ўзлари хоҳламаган тарзда жинсий алоқада бўлганлар ҳамда зўравонлик билан ўлим топган аёлларнинг 70 фоизга яқини ўз эрлари ёки бирга яшаётган эркек томонидан ўлдирилган [2].

Жумладан турмушга чиқишдан аввал бегона эркек билан жинсий алоқада бўлганлик, турмушига рози бўлмаганлик ёки ажрашишга ҳаракат қилганлик, баъзида эса фақат бегона эркек билан гаплашганлик учун аёлнинг яқин қариндошлари уни «иснод келтиргани»да айблаб ўлдирадilar. Бу каби кўрсаткичлар

ҳозирги маърифий жамиятда ҳам хотин-қизлар камситилиши билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги, унинг олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўриш заруратини кўрсатади. Бундай долзарб масала дунё полиция тизими олдида ҳам аёл ҳуқуқлари ҳимоясида алоҳида вазифаларни юклайди [3].

Бугунги кунда мамлакатимиз ички ишлар органлари томонидан аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ижобий натижаларга эришиш учун, ривожланган мамлакатларнинг бу борадаги тажрибаларини таҳлил этиш, қиёсий ўрганиш, илғор ҳамда ҳар томонлама маъбул деб топилган жаҳатларини амалиётга жорий этиш ўзининг самарали натижасини беради. Бироқ, бу жараёнда яна бир муҳим масалани доимо ёдда тутиш лозим, яъни бошқа мамлакатларнинг тажрибасидан фойдаланганда уларни кўр-кўрона кўчириб, ўз амалиётимизга татбиқ этиш ярамайди [4]. Аксинча, бу ҳолат тизимда инқирозга, унинг нуфузи пасайишига олиб келиши мумкин. Бунда халқимиз менталитети, ўзбекона ҳаёт тарзи, миллий-маънавий қадриятлари, мамлакатдаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий жараёнлар инobatга олинishi лозим.

Шу сабабли, мамлакатимиз ички ишлар органлари томонидан аёл ҳуқуқлари ҳимояси борасидаги хорижий тажрибани таҳлил этиш жараёнида, давлатларни географик жойлашувидан келиб чиқиб, қуйидаги йўналишларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, Шимолий Америка мамлакатлари тажрибаси; Ғарбий Европа мамлакатлари тажрибаси; Шарқий Осиё мамлакатлар тажрибаси; Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар тажрибаси.

Аёл ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш борасида Америка Қўшма Штатларида полиция тизими инсон ҳуқуқлари, жумладан аёл ҳуқуқларини таъминлашга оид бой ижобий тажрибага эга. Жумладан аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бош мезон сифатида полиция ходимларининг «Касб этикаси кодекси» қабул қилинган ва ҳар бир ходим ушбу Кодекс талабларига сўзсиз риоя қилишга мажбурдир [5].

Аёллар, ёшлар, кексалар, ногиронлар ва бошқа тоифаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича алоҳида ҳуқуқий актлар яратган давлатлардан бири Канада ҳисобланади. Мазкур мамлакатда аёлларга нисбатан зўравонликларнинг олдини олишга полиция томонидан жиддий эътибор қаратилади [6]. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда аёлларга нисбатан зўравонлиқнинг барча шакллари қарши кураш таъминлиги асосланган ҳолда 1998 йилда «Оиладаги зўравонликларга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Ушбу қонунга мувофиқ учта ҳимоялаш шакли, яъни хавфсизлик буйруғи (зудлик билан ёрдам керак бўлганда); Қироллик судининг ҳимоя қилиш тартиби; уй-жойга кириш ҳуқуқини берувчи ордерлар мавжуд [7]. Бундан ташқари, аёлларга нисбатан содир этилаётган зўравонликларнинг олдини олиш мақсадида давлат бюджетидан маҳаллий ташкилотлар учун кичик грантлар ташкил этилиб, бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олишда профилактик чоралар қўлланилмоқда.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларидан бири бўлган Германия Федератив Республикаси полицияси томонидан ҳам инсон ҳуқуқлари, айниқса, аёллар ҳуқуқлари алоҳида ҳимоя қилиниши назоратга олинган бўлиб, бугунги кунда ҳудудида қийин ҳаётий вазиятларга дучор бўлган, зўравонлик ва турли қийинчиликларга учраган аёллар учун, «Аёллар уйлари» (Frauenhäuser), юзлаб маслаҳат марказлари, кундузги

психологик ёрдам ҳамда 360 дан ортиқ ижтимоий ёрдам марказлари фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, қийин аҳволга тушиб қолган жабрланувчилар учун ёрдамга чақиритиш махсус телефон рақам «110» хизмати кенг йўлга қўйилган бўлиб, ушбу рақамдан чақирув сигнали кетиши билан шахснинг жойлашган жойи аниқланади ҳамда зудлик билан полиция ходимлари юборилиши назоратга олинган. Зўравонлик ва жиноят содир этган шахслар ўзлари яшаётган хонадонлардан чиқариб юборилади, уларнинг жабрланувчисига яқинлашиши, телефон орқали сўзлашув ёки хабарлар юбориши тақиқланади. Бинобарин, жабрланувчининг турмуш ўртоғи шундай ҳолатларни содир этган тақдирда оилани молиялаштириш мажбурияти юклатилган [8]. Бу амалиёт эса аёлларнинг иқтисодий қарамлигини бартараф этиш учун хизмат қилмоқда.

Франция давлатида ҳам ҳудди Германия Федератив Республикасидаги каби жисмоний, психологик, жинсий, иқтисодий, кибер зўравонликларга дучор бўлган аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ўзига хос тизими ишлаб чиқилган. Жумладан, мамлакат ҳудудида зўравонликка дучор бўлган аёлларнинг мурожаатларини қабул қилувчи «3919» рақамли «Violences Femmes info» телефон алоқаси ва «Téléphone Grand Danger» номли фавқулодда тезкор қўнғироқ қилиш тизими яратилган бўлиб, унинг асосий вазифаси кўмакка муҳтож аёлларга тиббий ва реабилитацион ёрдам кўрсатишдан иборат. Мазкур хизматларга 2012/2015-йилларда 1147 нафар жабрланган аёл мурожаат этган бўлиб, уларни ҳимоя қилиш мақсадида полиция назоратига олинган. Бундан ташқари, мамлакат Бош вазирга «Аёл ва эркаклар ўртасидаги тенглик» масаласи бўйича бўйсунувчи давлат котиби лавозими жорий этилган. Унинг асосий вазифаси Франция аёлларининг барча соҳаларда эркаклар билан тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлишини таъминлашдан иборат [9].

Шарқий Осиёнинг йирик давлатларидан бири ҳисобланган Хитойда аёллар ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатланган қонунчилик базаси яратилган бўлиб, бу «Гендер тенглик ва Хитойда аёлларнинг ривожланиши» номли Оқ китобда келтирилган. Унга кўра, сўнгги йигирма йил давомида «Никох», «Меҳнатни рағбатлантириш», «Ижтимоий суғурта тўғрисида»ги ҳамда «Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, Хитойда 2016/2020-йилларга мўлжалланган «Инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича давлат Дастури» ишлаб чиқилган бўлиб, унинг 2-бўлимида «Аёллар ҳуқуқлари ҳимояси»га оид қатор вазифалар белгиланган, жумладан, аёлларга нисбатан зўравонликларнинг олдини олиш, аёлларни ўғирлаш, сотиш каби жиноятлар полиция томонидан аниқ ва қатъий назоратга олиниши ҳамда қонун чиқарувчи органлар томонидан жавобгарлик кучайтиришга қаратилган қонунчилик базаси ишлаб чиқилиши белгиланган [10].

Кунчиқар мамлакат саналган Япония пойтахти Токиода аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича БМТнинг «БМТ-Аёллар» бўлими ташкил этилди [11]. Бундан ташқари, Япония Конституциясида аёллар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати ҳақидаги нормалар мавжуд бўлиб, мазкур норма талабларининг бузилганлиги натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқбузарликлар ҳуқуқни муҳофаза қиливчи органлар, жумладан полиция томонидан назорат қилинади [12].

Австралияда «Аёллар ва қизларга нисбатан зўравонликни тугатиш 2018/2030 йилларга мўлжалланган

барқарор ривожланиш мақсадлари Дастури» ишлаб чиқилган [13]. Унга кўра гендер тенгликни таъминлаш, аёл ва қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, соғлом турмуш тарзини таъминлаш ҳамда тоза меҳнат шароитлари ва иқтисодий ўсиш мақсадлари белгиланган.

Ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш йўналишида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар тажрибасида қуйидаги ижобий тажрибани кўриш мумкин:

Хусусан, Қирғизистон Республикасида 2009 йилда ички ишлар органлари томонидан гиёҳвандликка ва психотроп моддаларга ружу қўйган аёлларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида биринчи марта ижтимоий ётоқхона ташкил этилиб, унда 2 ой мобайнида даволаш ва профилактика ишлари ташкил этилиши йўлга қўйилган бўлиб, бугунги кунда мазкур ётоқхона ўзининг самарасини бермоқда [14], яъни кўплаб аёллар соғлом турмуш тарзига қайтарилмоқда.

Қозғистон Республикаси ички ишлар органлари тизимида ҳам оиладаги зўравонликларга қарши кураш бўйича профилактика инспектори лавозими жорий этилган бўлиб, уларнинг асосий вазифаси нафақат оиладаги зўравонликлардан жабр кўрган аёлларни ҳимоя қилиш, балки аёлларнинг оила аъзолари орасида гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилувчи шахсларни ҳам доимий назоратга олиш ҳамда ҳисобини юритиш вазифаси юклатилган [15].

Бироқ, дунё миқёсида аёллар ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ижобий ишларга қарамай, ҳали ҳануз энг ривожланган давлатларда ҳам аёл ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатлари учраб турибди.

Юқорида ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасида аёл ҳуқуқлари ҳимояси ва унда полициянинг иштироки масаласи илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинди. Шу ўринда мамлакатимизда аёллар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи давлат сиёсати даражасида эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикаси демократик ҳуқуқ давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришни ўзини пировард мақсади деб эълон қилди ва шу йўлда илдам қадам босиб келмоқда.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ислохотлар айнан шу вазифаларни амалга оширишга қаратилган. Бунда Ўзбекистон, *бир томондан*, жаҳон ҳамжамиятида қабул қилган илғор демократик ғоялар ҳамда институтларга таянса, *иккинчи томондан* халқимизнинг узоқ ўтмишга бориб тақаладиган бой давлат-ҳуқуқий тарихий тажриба ва таълимотларга асосланади. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистонда асрлар давомида тарихий ҳаёт синовларидан ўтиб синалган давлатчилик ва ҳуқуқий институтларни, ажодларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий ғояларини чуқур ўрганишни тақазо этади.

Ўзбекистон ўз мустақилликни қўлга киритиш, миллий давлатчилиكنи тиклаш, ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш ҳамда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга интилиш кучайган давр ҳисобланади. Бу даврда инсон ҳуқуқлари, хусусан аёллар ҳуқуқларини самарали амалга ошириш, жамиятнинг манфаатларига хизмат қилувчи давлат ва ҳуқуқ тузилмаларни яратишни ўзларининг асосий мақсади ва вазифаси деб билган ички ишлар органлари вужудга келди. Мазкур соҳа вакиллари ўша давр талабларига жавоб берадиган ва

шарт-шароитларини ўзида мужассамлаштирган қонунлар ишлаб чиққанлар ва ҳаётга татбиқ этишга интилганлар.

Шу ўринда бугунги кунда, мамлакатимизда аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ички ишлар органлари иштирокининг тутган ўрни ва ролини кучайтириш, бу йўналишнинг ҳуқуқий механизмларини қарор топишига эришиш ва фаолият кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш ўта муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Биз, одатда, жамиятимиз ҳаётига қарши қаратилган хавф-хатарлар ҳақида гапирганда, кўпинча четдан кирадиган таҳдидларни тушунамиз. Лекин эски замондан қолган айрим салбий ҳолатлар, афсуски, бугунги тинч ва ёруғ ҳаётимизга соя солиб - турибди. Лоқайдлик, бир-бирини кўролмаслик, оилада эр-хотин, қайнона-келин, қўни-қўшилар ўртасидаги келишмовчилик, аёлларга беписанд қараш — бундай ярамас иллатлар бизга, бизнинг халқимизга мутлақо ярашмайди». Бу каби салбий иллатларга қарши курашиш асосий вазифамиздан бири ҳисобланиб, ушбу йўналишда бир қатор амалий ишларни, жумладан ички ишлар органлари ходимлари томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқлар ва манфаатлари ҳимоясида умумийлик принциpidан, индивидуал ёндашувга ўтиш зарур. Бунда аёллар билан ишлаш, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниши, аввало, аёлларни тушуниш, уларни ҳис этиш заруратидан келиб чиқиб, ички ишлар органлари ходимларига аёл ҳуқуқлари билан боғлиқ мавзулар янада чуқурроқ тушунтирилиши, махсус ўқув машғулотлари сонининг оширилиши муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари аёл ҳуқуқлари ҳимояси ва бу жараёнда ички ишлар органлари иштирокининг стратегик мақсад ва устувор йўналишларини аниқ белгилаш, бу йўналишдаги ҳаракатларнинг яқин, ўрта ва узоқ муддатли режалари ишлаб чиқиши, шунингдек оилалардаги низоли вазиятларни, оилавий-маиший зўрлик ишлатишни ва ўз жонига қасд қилишга мойил ҳулқ-атворни, уларнинг келиб чиқишига олиб келадиган сабаблар ва шарт-шароитларни таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш, ахборот-таҳлилий ҳамда улар профилактикасига оид материалларни оммавий ахборот воситаларида ва Интернет тармоғида тарқатиш орқали ушбу соҳадаги муаммолар ҳақида жамоатчиликнинг хабардор этилишини таъминлаш зарур.

Бу эса, Ўзбекистонда аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ички ишлар органлари иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада ривожлантиришни тақазо этади.

Шу ўринда 2019 йилнинг 2 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги ҳамда «Хотин-қизларни таййиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилиниб, ижрога қаратилганлиги фикримизнинг далилидир. Мазкур иккала қонун ҳам бевосита ички ишлар органлари ходимлари томонидан аёллар ва уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан алоҳида эътиборга моликдир.

Хулоса ўрнида шу таъкидлаш мумкинки, ҳали мамлакатимиз ички ишлар органлари томонидан аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий-институционал тузилмаларини яратиш борасида амалга оширилиши

лозим бўлган ҳамда ўз ечимини кутаётган бир қатор масалалар мавжуд. Хусусан, ички ишлар органи ходимларининг аёл ҳуқуқларига оид халқаро ва миллий қонунчиликдан хабардорлигини ошириш, аёл ҳуқуқларининг мазмун-моҳиятини ёритувчи турли ўқув - методик ва амалий материаллар тайёрлаш, уларнинг ички ишлар органлари ходимларига етказиш ишларини кучайтириш ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг аёллар билан ишлаш бўйича замонавий методикасини ишлаб чиқиш, шунингдек оммавий ахборот воситалари, айниқса, телевидение орқали аёл ҳуқуқлари ҳимояси, уларни таъминлашда ички ишлар органлари иштирокини кенг ёритиб берадиган материаллар, кўрсатувлар тайёрлаш ва тизимли равишда ёритиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар рўйхати:

1. БМТнинг Аҳоли бўйича Бўлимидан олинган маълумотларга кўра.
 2. «Халқаро Амнистия» ташкилоти маълумотларига кўра.
 3. Médecins sans Frontières, "The Crushing Burden of Rape: Sexual Violence in Darfur", 8 марта 2005 г., с. 6.
 4. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 128–136.
 5. Bone J. New York police in the dock again as corruption claims dent image. URL: http://www.timesonline.co.uk/tol/news/world/us_and_americas/article5860794.ece.
 6. Международная антикоррупционная академия.<http://www.interpol.int/Public/Corruption/Academy/default.asp>.
 7. Забелина Т.Ю., Израелян Е.В., Шведова Н.А. Канада и проблема насилия в семье: двадцать лет борьбы. <http://www.owl.ru/win/research/kanada.htm>.
 8. А. Сорока. Что женщины должны знать о домашнем насилии. <https://germania.one/chto-zhenshhiny-dolzhen-znat-o-domashnem-nasilii/>
 9. Одним из фундаментальных прав женщины является право не подвергаться насилию. <https://ru.ambafrance.org/Prava-zhenschi>
 10. Государственная программа действий в сфере прав человека / 2016-2020 гг. / <http://russian.news.cn/importnews/>
 11. ООН займется защитой прав женщин в Японии. <http://www.ginsc.net/home.php?option=article&id=32736&lang=ru>.
 12. Белоусов М.С. Права, свободы и обязанности граждан Японии. <https://law.wikireading.ru>.
 13. Совместная международная программа ООН: необходимо объединить усилия в борьбе с гендерным насилием. <https://www.unodc.org/unodc/ru/frontpage/2018/May/un-joint-global-programme-calls-for-coordinated-multi-sectoral-responses-to-gender-based-violence.html>
 14. Александр Зеличенко. Роль полиции в противодействии распространения ВИЧ среди ПИН // Обзор международного опыта сотрудничества полиции и программ предотвращения распространения ВИЧ. – М., 2016. – 44 с.
- Александр Зеличенко. Роль полиции в противодействии распространения ВИЧ среди ПИН // Обзор международного опыта сотрудничества полиции и программ предотвращения распространения ВИЧ. – М., 2016. – 44 с.

Б.Ф.Алимов

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси
катта ўқитувчиси

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТЛАРИ ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада ўғрилиқ жиноятларининг турлари, сабаблари, профилактика инспекторининг ўғрилиқ жиноятларини профилактикаси бўйича фаолиятини ташкил этиш жараёнидаги муаммолар, шунингдек, ўғрилиқ жиноятларини профилактикасини ташкил этиш бўйича маъмурий ҳудудда ташкил этилиши лозим бўлган профилактик тадбирлар ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: профилактика инспектори, ўғрилиқ, жиноят, маъмурий ҳудуд, профилактик тадбирлар.

Аннотация: в данной статье освещены виды, причины совершения хищений, проблемы в процессе организации деятельности инспектора по профилактике преступлений связанных с хищением, а также профилактические мероприятия, которые должны быть организованы на административной территории по организации профилактики преступлений связанных с хищением.

Ключевые слова: инспектор по профилактике, кража, преступление, административная территория, профилактические мероприятия.

Annotation: this article highlights the types, causes of theft, problems in the process of organizing the activities of the inspector for the prevention of crimes related to theft, as well as preventive measures that should be organized in the administrative territory to organize the prevention of crimes related to theft.

Keywords: prevention inspector, theft, crime, administrative territory, preventive measures.

Қадимдан ўғрилиқ энг ёмон иллатлардан ҳисобланган ва оғир жазога лойиқ қўрилган. Хусусан, "Ислом дини"да ўғрилиқ жинояти катта гуноҳлардан бири ҳисобланиб, уни содир этган шахснинг қўли кесиб ташлашгача бўлган жазо тайинланган.

Ўғрилиқ талон-тарожнинг энг кўп тарқалган шакли бўлиб, унинг фош этилиши фоизларининг пастлиги, яшirin равишда содир этилиши унинг ҳам очилишини қийинлаштиради, шу билан бирга ушбу жиноятнинг профилактикасида жамиятда мавжуд бўлган ва ҳал этилмаган ижтимоий-иқтисодий муаммолар самарадорлиққа салбий таъсир кўрсатади.

Ўғрилиқ жиноятининг профилактикаси объекти ўзганинг мол-мулкни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлардир. Шу боисдан, энг аввало ўғрилиқ жинояти профилактикасида мол-мулк эгалари бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳушёрлигини ошириш, уларнинг мол-мулкларини қўриқланишини яхшилаш борасидаги ишларни яхшилаш муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, ўғрилиқ жиноятлари профилактикасини ташкил этиш ва амалга оширишда профилактика инспекторларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, профилактика инспекторлари ўзлари хизмат кўрсатадиган маъмурий ҳудудларда жойлашган корхона, ташкилот ва муассасалар, истиқомат қилаётган фуқароларнинг

мол-мулкини қўриқланишини ва талон-тарож қилинишини олдини олишда кенг қамровли профилактик тадбирларни ташкил этиши ва амалга оширишга маъсул мансабдор шахсдир.

Албатта, профилактика инспекторларининг ўғрилиқ жиноятлари профилактикаси бўйича фаолиятини ташкил этишда ушбу жиноятларнинг сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга алоҳида эътибор қаратиш шарт.

Таҳлиллар асосида ўғрилиқ жиноятларининг куйидаги асосий сабабларини келтириб ўтиши лозим:

1) ижтимоий–иқтисодий муаммолар, яъни бунда аҳолининг аксарият қисмининг ишсизлиги, кам таъминланган оилалар, шу жумладан ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилаларни қўллаб қувватлар борасидаги камчиликлар;

2) маънавиятида камчиликлар, хусусан, енгил пул ва бойлик топиш илинжида бўлган аҳоли қатламининг мавжудлиги, шунингдек енгил ҳаёт кечириш, ўйин кулгига мойил бўлган енгил табиатли шахсларнинг шаклланиши;

3) гиёҳвандлик ва сурункали алкоголизм каби иллатларнинг пайдо бўлиши, бу тоифа шахсларнинг оғир меҳнат қила олиш қобилиятларининг йўқлиги ва натижада уларда осон йўл билан пул топишга бўлган ҳоҳишнинг мавжудлиги;

бошқарув соҳасидаги камчиликлар, хусусан аҳолини иш билан таъминлаш чораларини кўрилмаслиги, давлат бошқарув органларида айрим шахсларнинг коррупция билан боғлиқ жиноятларга йўл қўйиши ва ҳаказо [1].

Шунингдек, жабрланувчилар виқтим хулқини ҳам киритиш даркор [2], яъни, ўғрилиқ жиноятининг қурбони бўлган шахсларнинг аксарияти ўзларининг мол-мулкларини қаровсиз қолдирганликлари ёки уларга бепарволик билан муносабатда бўлганликларини, шу билан бирга айрим ҳолларда улар ўзларининг бойликларини ошкора бошқаларга кўз кўз қилганликлари аниқланган.

Шу боисдан ўғрилиқ жиноятларини олдини олишда нафақат жиноятчиларга қарши кураш балки фуқароларнинг хушёрлигини ошириш, ўз мол-мулкига эътиборли бўлишлари ва уларни қаровсиз қолдирмасликларини тушунтириш, ушбу йўналишда тарғибот ишларини амалга ошириш ҳам мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари ўғрилиқ жиноятлари профилактикасини самарали ташкил учун профилактика инспекторлари томонидан аввал маъмурий ҳудудда қайси турдаги ўғрилиқлар, қаерларда, куннинг қайси вақтларида содир этилганлигини таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, ўғрилиқларнинг объекти хусусиятига кўра куйидаги ўғрилиқ жиноятларинихонадонларда содир этиладиган ўғрилиқ; мол ўғрилиги, кўчаларда содир этиладиган ўғрилиқ, транспорт воситаларидаги ўғрилиқ, автотранспорт ўғрилиги, кассавурлик, яъни чунтакдан пул ва буюмлар ўғрилиги, савдо дўконлари ва омборхоналарда содир этиладиган ўғрилиқ каби турларга ажратиш мумкин.

Ўғрилиқларнинг турларига қараб уларнинг содир этилиши механизми, вақти, жойи бир биридан фарқланади.

Шунингдек, ўғрилиқларнинг латентлиги ҳам юқрои бўлиб, айрим фуқаролар ўғрилланган мол ва буюмларини арзимас ҳисоблаб, ички ишлар

органларига мурожаат этмайди. В.В.Лунеев фикрига кўра, амалдаги жиноятчилик, одил судлов хабардор бўлган жиноятчилик сонидан, улар хабардор бўлган жиноятчилик эса – расмий рўйхатга олинаётган жиноятчилик сонидан бир неча мартаба кўпроқдир [3].

Шу боисдан, профилактика инспекторларининг ўғрилиқ жиноятлари профилактикасини ташкил этиш ва амалга ошириш фаолиятида куйидагитадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш лозим биринчидан, хизмат ҳудудида муқаддам ўғрилиқ жиноятларини содир этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган ва профилактик ҳисобда турувчи шахсларнинг турмуш тарзини доимий назорат қилиш, уларнинг яқин алоқаларини ўрганиш; иккинчидан, кўп қаватли уйлар ва хонадонларга Миллий гвардия ходимлари билан ҳамкорликда қўриқлаш сигнализациялари ўрнатилишини ташкил этиш ва бу борадаги тарғибот ишларини амалга ошириш; учиндан, қишлоқ ҳудудларида фуқароларнинг молларини қаровсиз қолдиришларини олдини олиш мақсадида улар билан мунтазам равишда тушунтириш ишларини олиб бориш; тўртинчидан, автотранспорт воситаларини пуллик сақлаш жойларини ташкил этиш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритиш; бешинчидан, кўчалар ва йўللarda кечқурунги ёритиш мосламаларини тўлиқ бўлишини таъминлаш, бу борада камчиликлар юзасидан “Электртаъминот” корхоналарига камчиликларни бартараф этиш юзасидан бажарилиши шарт бўлган тақдимномалар киритиш; олтинчидан, ўғрилиқлар энг кўп содир этиладиган ҳудудлар, хусусан, кўчалар, хиёбонлар ва бошқа жамоат жойларида кундузги ва кечқурунги янги патруль йўналишларини ташкил этиш юзасидан раҳбариятга таклифлар киритиш; еттинчидан, маҳаллада “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гуруҳларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш; саккизинчидан, доимий равишда ҳудудда назорат ва профилактик ишларни ташкил этиш, шунингдек, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш.

Хулоса қилиб, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, профилактика инспекторларининг фаолияти хизмат олиб борадиган маъмурий ҳудудда ҳар қандай турдаги жиноят, шу жумладан ўғрилиқларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, ўғрилиқларнинг профилактикасини ташкил этиш борасида ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини чуқур таҳлил этиш, ушбу жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда ўз вақтида бартараф этишлари, ўғрилиқ жиноятларини барвақт олдини олишни таъминлайди.

Адабиётлар руйхати:

1. Криминология. Махсус қисм: Дарслик / И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2015. – 744б.
2. Кузнецова Н.Ф. Проблемы криминологической детерминации. – М., 1984. – С.44.
3. Лунеев В.В. Преступность XX века. Мировые, региональные и российские тенденции. – М., 1997. – С.125.

О.Д. Алланазаров,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кафедраси бошлиғи ўринборсари

ВОЯГА ЕТМАГАН ГУМОН ҚИЛИНУВЧЕНИ СЎРОҚ ҚИЛИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШНИНГ ТАКТИК ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация. мақолада вояга етмаган гумон қилинувчини сўроқ қилишни режалаштириш, унда иштирок этадиган шахслар доирасини белгилаш, вақти ва жойини аниқлаш, вояга етмаган гумон қилинувчининг шахсини ўрганиш ва уни чақириш усулини танлаш ҳамда ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш учун зарур бўлган шарт-шароитни яратиш каби тайёргарлик жараёнида ҳал этиладиган масалалар бўйича олимларнинг фикр-мулоҳазалари таҳлил қилинган. Шу асосда ушбу тергов ҳаракатига тайёргарлик кўриш тактикасини такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирилган.

Таянч сўзлар: жиноят, вояга етмаганлар, тергов, тактика, сўроқ қилиш, тайёргарлик, гумон қилинувчи, қонуний вакил, ҳимоячи, тергов ҳаракати.

Аннотация. в статье проанализированы мнения ученых по планированию допроса, определения круга лиц участвующих в нем, определение места и время, изучение лица несовершеннолетнего подозреваемого, выбор формы вызова к допросу, а так же вопросы решаемые в процессе подготовки к созданию условий необходимых для проведения данного следственного действия. На их основе приведены рекомендации по совершенствованию тактики подготовки к данному следственному действию.

Ключевые слова: преступление, несовершеннолетние, следствие, тактика, допрос, подготовка, подозреваемый, законный представитель, защитник, следственное действие.

Annotation. the article analyzes the opinions of scientists on planning the interrogation, determining the circle of persons participating in it, determining the place and time, studying the face of a minor suspect, choosing the form of summoning for interrogation, as well as issues solved in the process of preparing to create the conditions necessary for carrying out this investigative action. On their basis, recommendations are given for improving the tactics of preparing for this investigative action.

Key words: crime, minors, investigation, tactics, interrogation, preparation, suspect, legal representative, defender, investigative action.

Вояга етмаганлар жиноятлари бўйича терговнинг дастлабки босқичида ўтказиладиган процессуал ҳаракатлар ичида уларни сўроқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Сўроқ қилиш вояга етмаган шахсдан жиноятни содир этиш механизми, иштирокчилари, уларнинг шахсига оид маълумотлар, жиноятнинг сабаб ва шарт-шароитлари ҳамда ишга алоқадор бўлган бошқа ҳолатлар бўйича маълумот олишга қаратилган тергов ҳаракати бўлиб, терговчининг тактик ва психологик жиҳатларга эга бўлган процессуал фаолиятида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида вояга етмаган шахслар билан ўтказиладиган тергов ҳаракатлари бўйича алоҳида

қоидалар назарда тутилган бўлиб, уларни сўроқ қилишда ушбу қоидаларга риоя этилиши талаб қилинади.

ЖПКнинг 553 ва 554-моддаларига кўра, вояга етмаган гумон қилинувчини сўроқ қилиш қуйидаги хусусиятларга эга:

Биринчидан, вояга етмаган гумон қилинувчини сўроқ қилиш унинг ҳимоячиси ва қонуний вакил иштирокида амалга оширилиши лозим.

Иккинчидан, ҳимоячи ва қонуний вакил гумон қилинувчига саволлар беришга, сўроқ якунланганидан кейин эса баённома билан танишишга ҳамда у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдиришга ҳақли.

Учинчидан, вояга етмаган гумон қилинувчини сўроқ қилишнинг умумий давомийлиги кун давомида олти соатдан ошмаслиги керак.

Тўртинчидан, вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг ихтиёрига кўра педагог ёки психолог иштирок этиши мумкин.

Вояга етмаган гумон қилинувчини сўроқ қилиш натижасида ишнинг ҳар томонлама, тўла ва холисона тергов қилинишига хизмат қиладиган маълумотларнинг аниқланишига эришилиши тергов ҳаракатининг тактик жиҳатдан тўғри ташкил этилиши ва ўтказилишига боғлиқ.

Криминалистикага оид адабиётларда қайд этилишича, барча тергов ҳаракатлари сингари сўроқ қилиш ҳам тактик нуқтаи назарда учта босқичдан, яъни унга тайёргарлик кўриш, ишчи босқич (бевосита ўтказиш) ҳамда сўроқ натижаларини расмийлаштириш босқичларидан иборат бўлади [1].

Н.М. Қўшаев ва Ш.Ф. Файзиевлар юқоридагилардан ташқари, процесс иштирокчиларини тасдиқлаш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тергов ҳаракати вазифалари ва ўтказиш тартибини тушунтириш жараёнларини ҳам тайёргарлик босқичидан кейинги алоҳида ҳаракатлар сифатида таърифлаб, процессуал ҳаракатларни амалга ошириш жараёнини тўртта босқичга ажратишади [2].

Айрим адабиётларда, тайёргарлик кўриш, ишчи босқич ва расмийлаштириш босқичлари билан бирга тергов ҳаракати натижаларини баҳолаш ҳамда уларнинг жиноят иши бўйича далил сифатидаги аҳамияти ва ўрнини белгилаш жараёнларига ҳам процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг алоҳида босқичи сифатида қаралади [3].

Б.А.Ражабов эса, тергов ҳаракати ўтказилиб, натижалари расмийлаштирилганидан кейин тузилган баённомани иштирокчиларга таништириш жараёнини процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг алоҳида босқичи сифатида эътироф этади [4].

Юқоридаги муаллифлар таъкидлашганидек, вояга етмаганлар жиноятлари бўйича сўроқ қилиш тергов ҳаракатини тактик жиҳатдан бир нечта босқичларга бўлган ҳолда амалга оширилиши ижобий самара беради. Босқичларга ажратиш масаласида Н.М. Қўшаев ва Ш.Ф. Файзиев томонидан билдирилган фикрларга қўшилган ҳолда, вояга етмаган гумон қилинувчини сўроқ қилиш жараёнини қуйидаги тўртта босқичда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

1. Сўроқ қилишга тайёргарлик кўриш.

2. Сўроқда иштирок этаётган процесс иштирокчиларини тасдиқлаш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тергов ҳаракати вазифалари ва ўтказиш тартибини тушунтириш.

3. Ишчи босқич, яъни кўрсатувлар олиш ва уларни аниқлаштириш.

4. Яқунловчи босқич, яъни сўроқ натижаларини расмийлаштириш, иштирокчиларга ўқиб эшиттириш ва улар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларга муносабат билдириш.

Ушбу босқичларнинг ҳар бирида муайян процессуал ва тактик ҳаракатлар амалга оширилади ҳамда кейинги босқичларни ўтказиш учун замин яратилади. Улар орасида илк ҳаракатлар амалга оширилаётган тайёргарлик кўриш босқичи вояга етмаган гумон қилинувчини сўроқ қилишда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, вояга етмаган гумон қилинувчи билан тўғри мулоқот ўрнатиш, унга ижобий маънодаги руҳий ва тарбиявий таъсир кўрсатиш, иш учун аҳамиятли ҳолатлар бўйича саволларни шакллантириш ва тактик усулларни тўғри танлаш, умуман олганда, сўроқ жараёнининг самардорлиги айнан тайёргарлик жараёнидаги ҳаракатларнинг тўғри бажарилиши билан боғлиқ.

Шулардан келиб чиқиб, вояга етмаган гумон қилинувчини сўроқ қилишга тайёргарлик кўриш жараёнида бир қатор вазифалар бажарилмоғи лозим. Б.Т.Акраходжаев, М.Э.Муминов, М.Дж.Ботаевлар иш материалларини ўрганиш ва исботланиши лозим бўлган ҳолатлар ҳажмини аниқлаш вазифасини сўроқ қилишга тайёргарлик кўришдаги дастлабки ҳаракатлар сифатида қайд этишган [5].

Ушбу фикр асосли бўлиб, жиноят иши бўйича тўпланган ҳужжатларнинг мазмуни ва иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, тайёргарлик жараёнида амалга оширилаётган ҳаракатларнинг ҳажми ва кўлами аниқланади.

Ушбу вазифа қуйидаги уч хил тергов вазиятида амалга оширилиши мумкин:

1) вояга етмаган шахсдан терговга қадар текширув даврида ҳолат юзасидан тушунтиришлар олинган;

2) турли сабабларга кўра вояга етмаган шахсдан тушунтиришлар олинмаган, лекин ҳодисанинг бошқа иштирокчиларидан тушунтиришлар олинган ёки иш ҳолатлари бўйича сўроқ қилинган;

3) вояга етмаган шахс гуруҳ таркибида жиноят содир этган бўлиб, бошқа гумон қилинувчилар жиноят иши бўйича сўроқ қилинган.

Аксарият ҳолатларда, вояга етмаган шахс ва ҳодисанинг бошқа иштирокчиларидан терговга қадар текширув даврида тушунтиришлар олинади. Улар терговчи учун сўроқ қилишга тайёргарлик кўришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, дастлабки маълумотларга таянган ҳолда умумий тасаввур пайдо бўлади ва тайёргарлик жараёнидаги кейинги ҳаракатлар шунга мос равишда ташкиллаштирилади.

Терговга қадар текширув даврида вояга етмаган шахсдан тушунтиришлар олинмаган бўлса, иш бўйича сўроқ қилинган бошқа процесс иштирокчиларининг кўрсатувларини, ҳодиса содир бўлган жойдан олинган излар ва ашёларни, экспертиза хулосаларини пухта ўрганиш ҳамда сўроқ қилишга бир нечта сценарий бўйича тайёргарлик кўрилиши мақсадга мувофиқ.

Тайёргарлик кўриш жараёнидаги ҳаракатлардан яна бири – вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчининг шахсини ўрганишдир. Ушбу масалада олимлар ва тадқиқотчилар томонидан бир қатор ўринли фикрлар билидирилган.

Жумладан, Е.В.Стрелцова сўроқ қилишга тайёргарлик кўришда вояга етмаганнинг шахсини

ўрганишга алоҳида тўхталиб, унинг жиноят содир этишдан олдинги турмуш тарзи ва тарбияланиш шароитлари, шахсининг йўналтирилганлиги, ақлий ва руҳий ўзига хослиги, характери, оиладаги ва жамоадаги ҳолати, ҳулқ-атворининг ўзига хос жиҳатлари бўйича аниқ маълумотлар тўпланиши лозимлигини билдирган [6].

Х.Х.Алиев ушбу фикрни аниқлаштирган ҳолда, вояга етмаган шахснинг руҳиятига хос хусусиятлар, унинг ҳаваслари ва қизиқишлари, ота-онаси ёки у билан бирга яшайдиган бошқа қариндошлари, дўстлашаётган тенгдоши ва катта ёшдаги болалар билан ўзаро муносабатларини аниқлаш, психологик алоқа ўрнатиш ва ундан ҳаққоний кўрсатмалар олиш учун зарур бўлган маълумотлар тўпланган бўлиши зарурлигини таъкидлаган [7].

Д.Ю.Волков ҳам сўроқ қилинувчининг шахсини ўрганиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, ушбу жараён сўроқ қилишга тайёргарликнинг зарурий қисми эканлигини ва муваффақиятли психологик мулоқот ўрнатишга хизмат қилишини баён қилган [8].

Ушбу муаллифларнинг фикрларига қўшилган ҳолда, вояга етмаган шахснинг аниқ ёши, саломатлик ҳолати, шахсига хос хусусиятлар, турмуш ва тарбияланиш шароитлари каби масалалар қонунчиликда улар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича исботланиши лозим бўлган алоҳида ҳолатлар сифатида назар тутилганлигини инобатга олиб, биринчи марта сўроқ қилиш вақтида аниқланган бўлиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Шулар билан бирга, вояга етмаган гумон қилинувчининг шахсини ўрганишда уларнинг ўқиш ёки ишлаш жойидаги ҳулқ-атвори, билим олишга ва меҳнатга муносабати, илгари маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилганлиги, профилактик ҳисобда туриш-турмаслиги, ота-оналари ва оилада бирга яшайдиган бошқа яқинлари тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш тайёргарлик кўриш жараёнида амалга оширилаётган бошқа ҳаракатларга ҳамда бевосита сўроқ қилиш жараёнига таъсир кўрсатади.

Қайд этилган ҳолатларни вояга етмаган гумон қилинувчини сўроқ қилишдан олдин пухта ўрганиш мақсадида тезкор-кидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ва ички ишлар органларининг профилактика хизмати ходимлари билан ҳамкорлик қилиш унумли натижа беради [9].

Тайёргарлик жараёнида вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлари ва жиноят иши бўйича тўпланган ҳужжатларни ўрганиш асосида сўроқ қилиш жараёни режалаштирилади. Д.Довудова таъкидлаганидек, сўроқ қилиш самарали амалга оширилиши учун унинг барча босқичлари пухта режалаштирилиши, шароитлар лозим даражада яратилган бўлиши лозим [10].

Унда қуйидагиларга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ:

- тайёргарлик кўриш жараёнида қилиниши лозим бўлган ҳаракатлар;

- сўроқ жараёнида берилалган саволлар кетма-кетлиги ва қўлланиладиган тактик усуллар;

- сўроқ давомида ўқиб эшиттирилиши мумкин бўлган бошқа шахсларнинг кўрсатувлари;

- сўроқ давомида тақдим этилиши мумкин бўлган предметлар ва ҳужжатлар.

Шунингдек, терговчи сўроқ қилиш режасини тузишда гумон қилинувчи ўзини ҳимоя қилиш

мақсадида келтириши мумкин бўлган вазиятни тахмин қилиб версиялар тузиши ва уларни текшириш бўйича зарур ҳаракатларни амалга ошириши лозим [11].

Сўроқда иштирок этадиган шахслар доирасини белгилаш ва уларнинг шахсини ўрганиш – тайёргарлик жараёнидаги муҳим ҳаракатлардан биридир. Вояга етмаганларни сўроқ қилишда қонуний вакил ва ҳимоячи иштирок этиши шарт. Педагог, психолог ёки бошқа соҳа мутахассислари иштирокчиларнинг илтимослари ёки заруратга кўра терговчининг ўзи томонидан таклиф этилиши мумкин.

А.А.Базаров вояга етмаганларни сўроқ қилиш чоғида педагог ёки психологнинг иштирокини мажбурий қилиб белгилаш [12] таклифини илгари сурган. Н.А.Рамазонова эса, аксарият ҳолларда педагогларнинг жиноят ишидаги иштироки пассив даражада эканлигини таъкидлаб, вояга етмаганларни сўроқ қилишда психолог иштирокини шарт қилиб белгилашни таклиф этган [13].

Бизнинг фикримизча, сўроқ жараёни иштирокчилари доирасини белгилашда вояга етмаган шахсга хос бўлган хусусиятлар инобатга олинishi лозим. Амалдаги қонунчиликда сўроқ қилиш давомида педагог ёки психолог иштироки шартлиги белгиланган бўлмаса-да, уларнинг иштироки ижобий самара беради. Шу сабабли юқоридаги муаллифларнинг фикрларига қисман қўшилган ҳолда, 16 ёшга тўлмаган, шунингдек, ақлий ривожланишда ортда қолиш ёки руҳий касалликка чалиниш белгиларига эга 18 ёшгача бўлган вояга етмаган шахсларни сўроқ қилишда педагог ёки психолог иштирокини мажбурий қилиб белгилаш мақсадга мувофиқ. Бошқа ҳолатларда педагог ёки психолог қатнаштириш масаласи ишнинг ҳолатларидан келиб чиқиб терговчи томонидан ҳал этилгани маъқул.

Агарда вояга етмаган шахснинг ёши, ақлий ва руҳий ривожланиши, содир этилган жиноятнинг хусусияти ушбу иштирокчиларни қатнаштириш заруратини юзага келтирса, вояга етмаган шахс ҳурмат қиладиган устози, спорт мураббийи ёки у ишонадиган бошқа педагог, шунингдек тажрибали психологларни ишда қатнаштириш масаласи албатта режалаштирилиши лозим.

Тайёргарлик кўришда юқорида санаб ўтилган вазифалар ҳал этилганидан сўнг сўроқ қилиш вақти ва жойи аниқлаб олинishi лозим. Ушбу масалани ҳал этиш тайёргарлик жараёнидаги пухта ўйлаб ҳал этиладиган мураккаб вазифа бўлганлиги боис шу йўналишда изланишлар олиб борган олимлар ва тадқиқотчиларнинг эътиборидан четда қолмаган.

Жумладан, Б.Рўзметов сўроқ қилиш вақти, жойи ва сўроққа чақириш усулини танлаш каби масалаларни тайёргарлик кўриш чоғида амалга ошириладиган энг муҳим ҳаракатлардан бири сифатида қайд этган [14].

Б.Г.Нургазинов ва К.Е.Исмагуловлар вояга етмаганларни суриштирувчи ёки терговчининг хизмат хонасини сўроқ қилиш мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлаб, сўроқ қилиш жойи сифатида вояга етмаган шахснинг уйи, таълим олиш жойи ёки бошқа болалар мусасасини, шунингдек вояга етмаганларни сўроқ қилиш учун махсус жиҳозланган хоналарни тавсия этишади [15].

А.Г.Сапова эса, вояга етмаган шахснинг сўроқ қилиш жойи унинг шахси ва юзага келган тергов вазиятидан келиб чиқиб ҳал қилиниши лозимлигини таъкидлаб, терговчининг хизмат хонаси ёхуд вояга етмаган

шахснинг ўқиш (иш) ёки яшаш жойи бўлиши мумкинлигини баён қилган [16].

М.Г.Эсанов ва М.Р.Ходжаевларнинг фикрича, 15 ёшгача бўлган вояга етмаганларни улар кўнмаган шароитларда, масалан мактабда ёки оила даврасида, 15 ёшдан ошганларни хизмат хонасида расмий вазиятда сўроқ қилиш кўпроқ самара беришини таъкидлашган [17].

Одатда, амалиётда сўроқ қилиш жойи сифатида терговчининг хизмат хонаси, махсус жиҳозланган тергов хонаси, вояга етмаган шахснинг ўқиш, иш ёки яшаш жойи, ички ишлар органи таян пункти танланиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, бу борада А.Г.Сапова фикрлари қўшилган маъқул. Чунки сўроқ қилиш жойини танлаш вояга етмаган гумон қилинувчининг шахси ва юзага келган тергов вазияти билан бевосита боғлиқ. Мисол учун, биринчи марта жиноят содир этган ёки илгари судланган, ушланган, озодликдан маҳрум қилинган вояга етмаган гумон қилинувчини сўроқ қилиш жойини танлаш бир-биридан фарқ қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, сўроқ қилиш жойини танлашда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар сифатида қуйидагилар тавсия этилади:

- вояга етмаган шахснинг ёши;
- унинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари;
- вояга етмаган шахснинг тавсифловчи маълумотлар ва унинг шахсига хос хусусиятлар;
- содир этилган ижтимоий хавфли қилмишнинг оғирлик даражаси ва юзага келган тергов вазияти.

Вояга етмаган шахснинг сўроқ қилиш вақтини танлашда унинг кундалик турмуш-тарзидан келиб чиқиб, ўқишдан ва ишдан бўш пайтлари қақрилиши лозим. З.Ф.Иноғомжонова ва Г.З.Тўлагановлар тўғри таъкидлашганидек, вояга етмаган гумон қилинувчини кундузги вақтда сўроқ қилиш мақсадга мувофиқ, уларни заруриятсиз тунда сўроқ қилиш, терговчи томонидан турли суиистеъмоликларга олиб келиши мумкин [18].

Агар сўроқ қилиш жойи сифатида ўқиш ёки иш жойи танланган бўлса, у ердаги иш вақти тугаб, синфдошлари ёки ҳамкасблари кетишганидан кейин тергов ҳаракатини ўтказган маъқул.

Бундан ташқари, вояга етмаган гумон қилинувчини сўроқ қилишга қисқа вақт ичида тайёргарлик кўриш ва ўтказиш лозим. Чунки содир этилган қилмишнинг айрим жиҳатлари эсдан чиқиши ёки вақт ўтиши билан бошқача тасаввур қилиниши вояга етмаганларга хос жиҳат бўлиб, ушбу омиллар кечиктириб ўтказилган сўроқнинг самарадорлигини камайтиради.

Тайёргарлик жараёнида вояга етмаган шахснинг сўроқ қилишга чақириш усулини танлаш ҳам терговчи олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Одатда, вояга етмаган гумон қилинувчи сўроқ қилиш учун ота-онаси ёки бошқа қонуний вакиллари орқали чақиртирилади.

Сўроқ қилишга чақирувда терговчи томонидан бу чақирув қўшнилар, ишлаш ёки ўқиш жойидаги бошқа шахслар орасида шов-шувга сабаб бўлиб, келажақда сўроққа қақирилган шахснинг психологик ҳолатига таъсир этадиган оқибатлар келтириб чиқишининг олди олинishi лозим. Чақиртириш сўроқ қилинаётганларга қийинчилик туғдирмаслиги ва нохуш кечинмалар келтириб чиқармаслиги лозим, чунки бу уларнинг терговчи билан муносабатларини қийинлаштириши мумкин [19].

А.О.Варлова ва Л.В.Гнетовалар вояга етмаган шахсни сўроққа чақиртиришнинг усулини танлашда агар у фаол мулоқотга киришаётган бўлса, шахсан, агарда қўрқувда ёки мулоқотга киришмаётган бўлса, қонуний вакиллари орқали чақиртириш мумкинлигини билдирган [20].

Бизнинг фикримизча, вояга етмаган шахсни сўроққа чақиртириш учун тўғридан-тўғри ўзига муружаат қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Тўғри, қонунчиликда вояга етмаган гумон қилинувчини сўроққа чақиртириш тартиби аниқ белгиланмаган. Бироқ қонуний вакил ва ҳимоячи сўроқ жараёнининг мажбурий иштирокчиси эканлигини, ушбу иштирокчиларсиз вояга етмаган шахсни чақиртирилиши унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига путур етказиши мумкинлигини эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

Шу сабабли терговчи қонуний вакилга телефон орқали боғланиб, ҳолатни умумий тарзда тушунтирган ҳолда вояга етмаган шахсни сўроққа таклиф этгани маъқул. Кўпинча, расмий қоғоз ёки ҳужжатлар орқали чақиртириш ота-оналарда фарзанднинг келажагидан ташвишланиш, айрим ҳолларда қўрқув ҳиссини уйғотиши ва шу ҳислар таъсирида вояга етмаган шахс руҳиятига салбий таъсир этадиган муомала ёки ҳаракатларни амалга оширишига сабаб бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, сўроққа чақиртириш усулини нотўғри танлаш ота-оналар ва бошқа қонуний вакиллар томонидан вояга етмаган шахсга сўроқ давомида кўрсатма бермаслик ёки ҳеч нарсадан хабари йўқлигини айтиш билан чекланиш бўйича топшириқлар берилишига олиб келиши мумкин.

Сўроқ қилиш ўқиш ёки иш жойида амалга оширилган ҳолларда, дастлаб қонуний вакилни сўроқ қилиб, кейин у билан биргаликда вояга етмаган шахсни сўроқ қилиш жойига бориш тавсия этилади. Шунингдек, вояга етмаган шахс ва унинг қонуний вакилини сўроқ қилишга чақиртириш билан бир вақтда ҳимоячи таклиф этиш чоралари кўрилиши лозим.

Юқорида кўрсатилган сўроқ қилишга тайёргарлик кўриш бўйича барча ҳаракатлар амалга оширилганидан кейин терговчи сўроқ ўтказилаётган жойда зарур шарт-шароит яратиш ва қўлланиладиган техник воситаларни тайёр ҳолатга келтириш чораларини кўради. Бунда:

Биринчидан, тергов ҳаракати иштирокчиларининг жойлашиш тартибини белгилайди. Жой танлашда сўроқ иштирокчилари вояга етмаган шахсга кўз билан ёки имо-ишора билан йўналтириши, шунингдек уни туртиб чалғитиши мумкинлиги инобатга олиниши лозим.

Иккинчидан, қўлланиладиган техник воситалар ва жиҳозлар тайёр ҳолатга келтирилади. Жумладан, овоз ёзиш ва видеоёзув қурилмалари, сўроқ қилиш терговчи хонасидан ташқарида ўтказилганида зарур бўладиган бошқа нарсалар.

Тайёргарлик жараёнида терговчи томонидан вояга етмаган гумон қилинувчининг кўрсатувларини видеоёзув орқали қайд этиш масаласига алоҳида аҳамият бериши мақсадга мувофиқ.

Бу борада В.Ю.Степняк таъкидлаганидек, вояга етмаганларни сўроқ қилишда видеоёзувдан фойдаланилиши тергов ҳаракатининг талаб даражасида ўтказилганлигини текшириш имконини беради [21].

Сўроқ жараёни видеотасвирга олиниши, аввало, вояга етмаган гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва қонуний

манфаатларининг тўлиқ таъминланишига хизмат қилади. Шу билан бирга, уларга йўналтирувчи саволлар берилиши, руҳий босим ўтказилиши ва шу каби қонунга хилоф ҳаракатларнинг олди олинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, вояга етмаган гумон қилинувчиларни сўроқ қилишда тайёргарлик кўриш босқичида амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатларни пухта амалга ошириш, сўроқ жараёнини тўғри режалаштириш ва ташкиллаштириш биринчидан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари тўлиқ таъминланишига, иккинчидан, вояга етмаган шахс билан тўғри психологик алоқа ўрнатилишига, учинчидан, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар бўйича ҳаққоний кўрсатувлар олинишига замин яратади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Маматқулов Т. Б., Хасанов Ш. Х. Криминалистика: Чизмалар альбоми. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2005. – 222 бет., Криминалистика: Учебник / Под. Ред. А.Г.Филиппова. М. 2007. - С. 178-191
2. Қўшаев Н.М., Файзиев Ш.Ф. Жиноят процессида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари. – Тошкент, 2007. – Б. 14–16.
3. Криминалистик тактика: Дарслик./ Т.Б. Маматқулов, Ш.Т. Джуманов, У.Т. Тургунов ва бошқ. – Т., 2013. — Б. 17.; Криминалистика: определения, схемы, таблицы, диаграммы, рекомендации: учеб. пособ. для студентов юрид. вузов/ Н.Г.Шурухнов. – М., 2009. – С. 352
4. Ражабов Б.А. “Гувоҳлантириш тергов ҳаракатини ўтказишда шахс ҳуқуқларини таъминланиши” номли юрид.фанл.нозд. дисс.авт. Т. 2010 Б. 13-14; Гувоҳлантириш тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби ва тактикаси: Ўқув қўлланма. – Т.: 2018 Б. 32
5. Сўроқ қилиш тергов ҳаракатини режалаштириш хусусиятлари: Ўқув-амалий қўлланма / Б.Т.Акраходжаев, М.Э.Муминов, М.Дж.Ботаев. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2015. – Б. 35.
6. Стрелцова Е.В. Тактические и психологические основы допроса несовершеннолетних подозреваемых, обвиняемых: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Саратов, 2007 – С. 8-9.
7. Алиев Х.Х. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар/ Баркамол авлодни шакллантиришда ҳуқуқий тарбиянинг аҳамияти: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2010 йил 30 апрель). – Т.: 2010. – Б. 333-336
8. Волков Д.Ю. Изучение личности как подготовительный этап допроса подозреваемого, обвиняемого, содержащегося в следственном изоляторе //Человек: преступление и наказание. – 2017. – Т. 25(1–4), № 2. – С. 283–287.
9. Баданга оғир шикаст етказиш ҳамда вояга етмаганлар томонидан содир этилган одам ўлдириш жиноятларини тергов қилиш методикаси: Ўқув-методик қўлланма / Ш.Т. Икрамов, Р.Кабулов, Д.М. Миразов ва бошқ. - Т., 2012. – Б. 87.
10. Довудова Д. Суд тергови жараёнида сўроқ қилишнинг процессуал тартиби // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. 2017. № 3 (31). Б. 25-28.

11. Номусга тегиш жиноятини тергов қилиш амалиёти: Ўқув-методик қўлланма / Ш.Т. Икрамов, Д. М. Миразов, Б. Б. Муродов, Б.Ф. Алимов ва бошқ. – Т., 2012. – Б. 53-54.

12. Базаров А.А. Процессуальные гарантии обеспечения прав и законных интересов несовершеннолетних на стадии предварительного расследования: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2012. – С. 14.

13. Рамазонова Н.А. “Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш услубиёти” Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори дисс. автореферати. – Т. 2019. – Б. 20.

14. Рўзметов Б. О некоторых криминалистических аспектах тактики подготовки к производству следственных действий. // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси 2012. № 4 (12) Б. 48-51.

15. Нургазинов Б.Г. ва Исмагулов К.Е. Некоторые вопросы совершенствования института дистанционного допроса в казахстанском уголовном процессе // Вестник Института законодательства РК №1 (50) 2018. С. 85-86

16. Сапова А.Г. Тактические особенности допроса несовершеннолетних подозреваемых (обвиняемых). // <https://cyberleninca.ru/article/n/takticheskie-osobennosti-doprosa-nesovershennoletnih-podazrevaemyh-obvinaemyh/> (кириш вақти 18.09.2020 й.)

17. Эсанов М.Г., Ходжаев М.Р. Тергов: амалий қўлланма. – Т., 2009. – Б. 188.

18. Иноғомжонова З.Ф., Тўлаганова Г.З. Алоҳида тоифадаги жиноят ишлари бўйича иш юритиш. Ўқув қўлланма. – Т., 2009. Б. 22.

19. Дастлабки тергов фаолияти психологияси: Дарслик / Б.Н. Сирлиев, И. Соттиев ва бошқ. – Т., 2015. – Б. 217-219.

20. Варлова А.О., Гнетова Л.В. Особенности допроса несовершеннолетних // Инновационная экономика: перспективы развития и совершенствования. 2012. № 4(12). С. 48-51.

21. Стельмах В.Ю. Обеспечение законных прав несовершеннолетних участников следственных действий // Вестник Воронежского института МВД России. 2016. №3. С. 145.

Ҳ.Э.Ахмедов

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси ўқитувчиси

МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ ОСТИДАГИ ШАХСЛАР БИЛАН ПРОФИЛАКТИК ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШДА МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИНИНГ РОЛИ

Аннотация: ушбу мақолада маъмурий назорат остидаги шахслар билан профилактик ишларни ташкил этиш ва амалга оширишда маҳалла фуқаролар йиғинининг ўрни, уларнинг ички ишлар органлари билан ҳамкорлигининг йўналишлари, маҳалла фуқаролар йиғинининг ушбу йўналишдаги фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳужжатлар ҳамда ваколатлари ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: ҳуқуқбузарлик, маъмурий назорат, профилактик ишлар, назорат остидаги шахс, маҳалла фуқаролар йиғини.

Аннотация: в данной статье освещены роль схода граждан махалли в организации и осуществлении профилактической работы с лицами, находящимися под административным надзором, направления их взаимодействия с органами внутренних дел, нормативно-правовые документы и полномочия схода граждан махалли, регулирующие деятельность в данном направлении.

Ключевые слова: правонарушение, административный надзор, профилактическая работа, контролируемое лицо, сходы граждан махалли.

Annotation: In this article the role of the mahalla in the organisation and implementation of preventive work with persons under administrative supervision, direction, their interaction with bodies of internal affairs, legal documents and powers of mahalla, regulating the activity in this direction.

Keywords: offense, administrative supervision, preventive work, controlled person, gatherings of mahalla citizens.

Ўзбекистон Республикаси эркин демократик фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаб, бу йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилди. Такидлаб ўтиш лозимки фуқаролик жамиятида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мавқеининг баландлиги ва мустахкамлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Фуқаролик жамияти юксак даражада уюшган, батариб муносабатлар тизимига таянган, ўзини ўзи бошқариш механизмларидан иборатдир. Бу механизмларни эса, асосан жамоат бирлашмалари, жамоат тузилмалари ташкил этади.

Шу боисдан, мамлакатимизда маъқул, истиқболли, яхши самара берадиган жамият қуриш асосий мақсадлардан бири этиб белгиланди ва давлат органлари ўз ваколатларини босқичма-босқич жамоат бирлашмаларига бериб бориши принципи асосида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, маҳалла фуқаролар йиғинининг фаолияти ўзини ўзи бошқаришга асосланган экан, улар маҳалла ҳудудида тинчлик ва осойишталикни ҳам таъминлашга маъсулдир.

Ўзбекистон Республикаси 2013 йил 22 апрелдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳрирда қабул

қилиниши бу борада муҳим қадам бўлди. Қонуннинг 3-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши тушунчасига фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган мустақил фаолиятидир деб кўрсатиб ўтилганлиги ҳам бунинг исботидир.

Шу боисдан, маҳалла фуқаролар йиғинлари маҳаллада ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг барча йўналишларида ички ишлар органларининг яқин ҳамкорлари ҳисобланади. Хусусан, улар ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турувчи, ҳуқуқбузарликларга мойил, шу жумладан маъмурий назорат остидаги шахслар билан ҳам яқка тартибдаги профилактик ишларни амалга оширишда маҳалла фуқаролар йиғинларининг роли беқиёсдир.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонунида ҳам шундай моддалар мавжудки, уларда маҳалла фуқаролар йиғинларига маълум бир маънода вазифалар белгилаб беради. Жумладан, Қонуннинг **8-моддасида** “Қўлланиладиган маъмурий чекловлар суд томонидан ички ишлар органининг тақдимномасига ёки назорат остидаги шахснинг ёхуд унинг вакилининг аризасига, шунингдек меҳнат жамоасининг, **жамоат бирлашмасининг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг илтимосномасига** биноан назорат остидаги шахснинг турмуш тарзи ва ҳуқ-атвори ҳақидаги маълумотлар инobatта олинган ҳолда қисман бекор қилиниши мумкин”, **13-моддасида** “Агар назорат остидаги шахс ҳуқуқбузарлик содир этмаётганлиги, ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларга риоя қилаётганлиги ҳамда зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажараётганлиги аниқланса, шунингдек яшаш, иш, ўқиш ёки хизмат жойидан ижобий тавсифномалар мавжуд бўлса, маъмурий назорат муддатининг камида ярми ўтгач ички ишлар органининг тақдимномаси ёхуд назорат остидаги шахснинг ёки унинг вакилининг аризаси асосида, шунингдек меҳнат жамоасининг, **жамоат бирлашмасининг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг илтимосномасига** кўра маъмурий назорат суд томонидан муддатидан илгари тугатилиши мумкин”-деб белгиланган норма маъмурий назорат бўйича маҳалла фуқаролар йиғинига ҳам маълум бир ваколат ва вазифалар юклатилганлигини кўрсатади.

Шунингдек, қонунда маъмурий назоратни амалга оширувчи асосий субъектлардан ҳисобланган ички ишлар органларининг маҳалла фуқаролар йиғини билан маъмурий назорат остидаги шахслар билан профилактик ишларни ташкил этиш бўйича ҳамкорлигини белгиловчи нормалар мавжуд.

Хусусан, маъмурий назоратни амалга оширишда ички ишлар органларининг ҳуқуқларидан фойдаланиш жараёнида маҳалла фуқаролар йиғини билан қуйидаги йўналишларда ҳамкорлик қилади:

назорат остидаги шахснинг ҳуқ-атвори тўғрисида иш, ўқиш ёки хизмат жойи маъмуриятдан, жамоат бирлашмасидан, яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан, шунингдек фуқаролардан маълумотларни сўраш ва олиш;

профилактик суҳбат ўтказиш учун назорат остидаги шахсни унинг яшаш жойидаги ички ишлар органларига чақириш, назорат остидаги шахснинг талаби билан бундай суҳбатларни фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи вакиллари ёки яқин қариндошлари иштирокида ўтказиш;

ички ишлар органлари маъмурий назоратни амалга ошириш бўйича алоҳида тадбирларни ўтказишда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунда маҳалла фуқаролар йиғини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича қуйидаги ваколатларга эга:

1) тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижро этилишиустидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

2) атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади;

3) ваколатли органларга атроф муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашади;

4) ҳудуддаги аҳоли ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўради;

5) маҳаллада профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан тадбирлар ташкил этиш ва амалга оширилишини таъминлаш;

6) ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил, ҳуқуқбузарликлар содир этган ва бошқа тоифадаги ички ишлар органларида профилактик ҳисобда турувчи шахслар билан яқка тартибдаги профилактик ишларни ташкил этишда профилактика инспекторларига яқиндан ёрдам кўрсатиш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли Фармони қабул қилинди. Ушбу фармонда маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасидаги ролини ва мустақил фаолиятини янада такомиллаштириш борасида вазифалар белгилаб берилди.

Бу борада давлатнинг маҳалла фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишда давлат ёрдамини кўрсатилишини таъминлаш мақсадида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди.

Мазкур вазирлиқнинг ташкил этилиши биринчидан, маҳалла фуқаролар йиғининг мустақил фаолият юритишини таъминлаш, иккинчидан, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ягона органнинг ташкил этилиши илан уларнинг фаолиятига бошқа давлат органларининг аралашувиға барҳам бериши, учинчидан, маҳалла фуқаролар йиғинларининг

моддий-техник базасини такомиллаштириш, яхшилаш, тўртинчидан, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятига хос бўлмаган мажбуриятларини олиб ташлаш ва натижада маҳаллаларда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида жамият ҳаётидаги энг муҳим вазифаларини самарали бажаришга имкониятларнинг яратилганлигидир.

Шу билан бирга, профилактика инспекторларининг маҳалла фуқаролар йиғинлари раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари этиб белгиланиши маҳалла фуқаролар йиғинлари ва профилактика инспекторларининг ҳамкорлигини янада кучайтириб, ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишда имкониятларини янада кенгайтиради.

Хусусан, республикада ички ишлар органлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамкорлигининг натижасида 2019 йилнинг 5 ойлик таҳлиллар натижаларига кўра маъмурий назорат таъсири остига тушувчи шахслар томонидан содир этиладиган жиноятлар 30% камайганлигини кўриш мумкин. Шу давр мобайнида республикада 5 ой давомида 4633 нафар маъмурий назорат қонуни таъсири остига тушадиганлар ИИБ томонидан ҳисобга олиниб, улар билан тегишли тартибда, яқка ва умумий тартибда профилактик-огоҳлантирув тадбирлари маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда амалга оширилиши таъминланган [1].

Юқоридагиларга асосланиб шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий назорат остидаги шахслар билан қуйидаги профилактик ишларни ташкил этади ва амалга оширади:

1) маъмурий назорат остидаги шахснинг оилавий аҳволи, унинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ўрганади;

2) маъмурий назорат остидаги шахсни ишга жойлаштиришда корхона, ташкилот, муассасаларга тавсиялар киритади;

3) судга маъмурий назорат муддатини қисқартириш ёки айрим чекловларни бекор қилиш юзасидан тавсиялар киритади;

4) маъмурий назорат остидаги шахслар ва уларнинг оила аъзоларига ижтимоий нафақалар тайинланишида ёрдам беради;

5) маъмурий назорат остидаги шахслар билан яқка тартибдаги тарбиявий профилактик ишларни ташкил этишда профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик қилади.

Хулоса қиладиган бўлсак, жамият ҳаётида кундан кун роли ошиб бораётган, тичлик ва осойишталикни таъминлашда алоҳида субъектлардан бўлган, жамоятчиликнинг асосий бўғини ҳисобланадиган маҳалла фуқаролар йиғинининг маъмурий назорат остидаги шахслар билан профилактик ишларни ташкил этиш ва амалга оширишдаги фаолиятининг аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади, *биринчидан*, маъмурий назорат остидаги шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий, шахсий муаммоларини жойида бартараф этишда; *иккинчидан*, маъмурий назорат остидаги шахснинг жиноят содир этишининг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишда; *учинчидан*, маъмурий назорат остидаги шахснинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатмайдиган профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш ва амалга оширишда; *тўртинчидан*, маъмурий назорат остидаги шахснинг шахсий эҳтиёжлари, хусусан, уй-жойга, яшаб турган жойида

доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтказишда; *бешинчидан*, маъмурий назорат остидаги шахсни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чораларини кенг кўламда қўллашда; *олтинчидан*, маъмурий назорат остидаги шахсда жамият аъзоларига бўлган ишончни уйғотишда.

Адабиётлар руйхати:

1. <https://sputniknews-uz.com/analytics/20190625/11862447/IV-yangi-onun-sobi-mabuslarga-atni-o-saifadan-boshlash-imkonini-beradi.html>
2. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуни. www.lex.uz
Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонуни. www.lex.uz

М.Махаматов
ТДЮУ катта ўқитувчиси, PhD

БИРЛАШИШ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПИНING ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИГА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯСИ

Аннотация: мақолада Халқаро меҳнат ташкилотининг тўрт фундаментал принципларидан бири – бирлашиш эркинлиги ва жамоа музокараларини олиб боришга бўлган ҳуқуқни акс эттирувчи нормаларнинг аҳамияти, уларнинг Ўзбекистон миллий қонунчилигига имплементацияси ўрганилган. ХМТ назорат органи Конвенция ва тавсияларни қўллаш бўйича экспертлар қўмитасининг халқаро нормаларни қўллаш бўйича тавсияларини амалга ошириш йўллари таҳлил қилинган, бирлашиш эркинлиги нормаларини қўллаш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси қийосланган.

Таянч сўзлар: принцип, конвенция, вакиллик органи, бирлашиш ҳуқуқи, имплементация, жамоа музокаралари

Аннотация: в статье исследован значение норм, отражающий один из четырех основополагающих принципов Международной организации труда – свобода объединения и ведение коллективных переговоров, их имплементация в национальное законодательство Узбекистана. Проанализированы пути реализации рекомендаций надзорного органа МОТ Комитета экспертов по применению конвенций и рекомендаций, сравнивается опыт зарубежных стран по применению норм о свободе объединения.

Ключевые слова: принцип, конвенция, представительный орган, право на объединения, имплементация, ведение коллективных переговоров.

Annotation: the article examines the meaning of norms that reflect one of the four fundamental principles of the International labor organization-freedom of Association and collective bargaining, their implementation in the national legislation of Uzbekistan. The article analyzes ways to implement the recommendations of the ILO Supervisory body, the Committee of experts on the application of conventions and recommendations, and compares the experience of foreign countries in applying the norms on freedom of Association.

Keywords: principle, convention, representative body, right of association, implementation, collective bargaining.

Бирлашиш эркинлиги ва жамоавий музокараларни олиб боришга бўлган ҳуқуқни амалда тан олиш принципини таъминлашга қартилган 1948 йил 9 июлдаги “Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 87-сонли конвенция ҳамда 1949 йил 1 июлдаги Жамоа музокараларини ташкил этиш ва юритиш ҳуқуқи принципларини қўлланиши тўғрисидаги 98-Конвенциялар қабул қилинган [1].

Мазкур конвенция Халқаро меҳнат конференцияси томонидан қабул қилинган бўлиб, 21 моддани ўз ичига олади. Унинг 1-моддасидаёқ мазкур ҳужжатни ратификация қилган ва унга нисбатан кучга кирган давлатларга конвенцияда келтирилган қоидаларни бажариш мажбуриятини юклайди. Фикримизча, мазкур модда 1998 йилги ХМТ Декларацияси қабул қилинганидан сўнг янада мустаҳкамланди. Бунга

сабаб, **биринчидан**, конвенция 1-моддаси фақатгина ушбу ҳужжат қайси аъзо-давлатга нисбатан кучга кирган бўлсагина қўлланилиши лозимлиги назарда тулади, яъни унинг ҳудудий ҳаракат доираси муайян аъзо-давлатга нисбатан кучга кириши билан чегараланган; **иккинчидан**, 1998 йилги ХМТнинг Меҳнат соҳасидаги асосий ҳуқуқ ва принциплар тўғрисидаги декаларацияси 2-бандига мувофиқ аъзо-давлатлар фундаментал принципларни ўзида мужассам этган конвенцияларни Ташкилотга аъзоликларини жиҳатидан, уларни ратификация қилмаган бўлсалар ҳам бажариш мажбуриятини оладилар [2].

Бирлашиш эркинлиги, уни таъминлаш масаласи нафақат меҳнаткашларга балки иш берувчиларга ҳам бевосита тегишлидир. Конвенцияга мувофиқ меҳнаткашлар ва иш берувчилар, ҳеч бир чеклашларсиз, ташкилот таъсис этиш ва фақат ушбу ташкилотнинг қоидаларига бўйсунган ҳолда, ўзлари танлаган ташкилотга олдиндан рухсат олмасдан қўшилиш ҳуқуқига эга.

Мазкур ҳуқуқнинг таъминланиши қандай аҳамият бор деган саволга қуйидагича жавоб беришимиз мумкин: **биринчидан**, меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг кучли ва мустақил бирлашмалари меҳнат бозорини самарали тартибга солишнинг асосий воситаларидан бири бўлиб хизмат қилади; **иккинчидан**, меҳнаткашлар ва иш берувчилар ўртасида ижтимоий мулоқотни кучайтириш, юзага келиши мумкин бўлган низоларни олдини олиш функциясини бажаради; **учинчидан**, меҳнат шароитларини яхшилаш, муносиб меҳнатни таъминлаш ва умуман инсон ҳуқуқларини амалга оширишда кўмакдош бўлувчи фуқаролик жамияти институт вазифасини бажаради.

Мазкур фикрларимизнинг исботини Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонунида ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан, касаба уюшмаси ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолият турига кўра ўз аъзоларининг меҳнат ҳуқуқлари ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун муштарак манфаатлар билан боғланган фуқароларнинг жамоат бирлашмасидир. Ходимлар, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида таълим олаётган шахслар ҳамда иш билан таъминланган бошқа шахслар ҳеч қандай тафовутсиз ва олдиндан рухсат олмай туриб, ихтиёрий равишда касаба уюшмаларини тузиш ҳуқуқига, шунингдек касаба уюшмаларига уларнинг уставларига риоя этиш шарти билан кириш ҳуқуқига эгадир [3].

Конвенциянинг 3-моддаси 2-қисми меҳнаткашлар ва иш берувчилар бирлашмаларининг мустақиллигини таъминлашга хизмат қилувчи қоидаларни мустаҳкамлаган. Давлат органлари бирлашиш ҳуқуқини чекловчи ёки унинг қонуний амалга оширилишига қаршилик қилувчи ҳар қандай аралашувдан тийилиши керак.

Бугунги кунда ХМТ маълумотида кўра жаҳон амалиётида меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг муайян вакиллик ташкилотларини таъсис этишни чекловчи ҳолатлар деярли учрамайди. Бироқ мазкур даражага эришгунга қадар, бирлашиш ҳуқуқини тақиқловчи энг кўп учрайдиган шакллардан бири бу ҳукумат томонидан аввалдан муйян ташкилотни

белгилаб қўйиш ва унга барча ишчилар аъзо бўлиш мажбуриятининг мавжудлиги, эътибор беринг мажбурият, ҳуқуқ эмас ҳамда давлат билан келишмасдан ташкил этилган бошқа ташкилотлар эса ноқонуний деб эълон қилинар эди [4].

Ўзбекистон қонунчилигига биноан касаба уюшмалари ўз уставларида белгиланган мақсадларга ва вазифаларга мувофиқ равишда бошқа мамлакатларнинг касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилиш, ўз хоҳишига кўра халқаро ва бошқа касаба уюшмалари бирлашмаларига ва ташкилотларига кириш ҳуқуқига эгадирлар.

Дарҳақиқат нафақат миллий даражада, балки халқаро даражада ҳамкорлик алоқаларин йўлга қўйиш, икки томонлама ва кўп томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик: **биринчидан**, хорижий мамлакатлар ижобий тажрибаларини ўзлаштириш, мазкур соҳадаги миллий механизми такомиллаштириш имкониятини юзага келтирса; **иккинчидан**, миллий қонунчилик асослари халқаро умум эътироф этилган стандартларга янада мувофиқлаштирилади; **учинчидан**, меҳнаткашларимиз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини давлатимизда ва ундан ташқарида самарали ҳимоя билан таъминлаш имконияти янада ортади.

Ўз ўрнида Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси (ХКУК) таркибига 333 та миллий касаба уюшма марказларини олган, жаҳоннинг 163 мамлакатидagi 180 миллионга яқин ходимларни бирлаштирган йирик касаба уюшма бирлашмаси ҳисобланади. ХКУК доирасида бир неча регионал ва халқаро касаба уюшма тузилмалари, шу жумладан, Касаба уюшмалари Европа конфедерацияси ҳамда Европа ҳудуди ва МДХ мамлакатларини ўз ичига олган Касаба уюшмалари Умумевропа регионал кенгаши фаолият кўрсатади [5]. Мана шу рақамларнинг ўзиёқ халқаро ҳамкорлик алоқаларининг нечоғлик салмоқли эканлигидан далолат беради.

98-Конвенция касаба уюшмаларига бирлашиш ва жамоа музокараларини олиб боришга бўлган ҳуқуқни қўллаш масалаларини тартибга солишга қаратилган бўлиб, уни Ўзбекистон меҳнат қонунчилигига имплементацияси ва қўлланилиши бўйича ХМТ Экспертлар қўмитаси ўз мулоҳазасини билдириб ўтган. Мулоҳазанинг мазмунига кўра, ташкилотлардан ходимларнинг вакиллик органи сифатида касаба уюшмалари ва бошқа вакиллик органлари биргаликда фаолият олиб бориш, шу билан бирга жамоа музокараларига киришиши мумкинлигига эътироз билдирилган ва Меҳнат кодексининг 21, 23, 31, 35, 36, 48, 49 и 59 моддаларига ўзгартириш киритиш бўйича муайян чоралар кўришни сўраган.

Меҳнат кодексининг юқорида келтириб ўтилган моддаларида кўрсатилган асосий камчилик бу муайян корхонадаги ходимлар вакиллик органининг тегишли масалалар бўйича қатнашишда қайси бирига устуворлик бериши назарда тутилмаганлигидир. Шу билан бирга Қўмита фикрича, бошқа вакиллик органлари фақатгина Касаба уюшмалари вакиллиги мавжуд бўлмагандагина иштирок этиши мумкинлиги қонун нормалари билан тартибга солиб қўйилиши лозим, акс ҳолда ходимларнинг нуфузли вакиллик органлари (касаба уюшмалари) фаолияти принципни қўллашга зарар етказиши мумкин.

Меҳнат кодексининг 21-моддасида “Корхонада бошқа вакиллик органларининг ҳам бўлиши касаба уюшмаларининг ўз вазифаларини амалга ошириш

борасидаги фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим”лиги назарда тутилган, бироқ уларнинг қайси бири тегишли масалаларни ҳал этишда юқори мавқега эгалиги белгиланмаган. Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни [6] 9-моддасига кўра “Касаба уюшмалари иш берувчи, иш берувчиларнинг бирлашмаси билан жамоа музокараларини олиб боришда ва жамоа шартномаларини, келишувларини тузишда устувор ҳуқуққа эга бўлади...” деб мустаҳкамлаб қўйилган. Эътибор бериладиган бўлса, Қонун жамоа музокараларини олиб боришда ва жамоа шартномаларини, келишувларини тузишда касаба уюшмаларига устуворлики назарда тутмоқда, бошқача айтганда касаба уюшмалари бошқа вакиллик органларига нисбатан нуфузли ташкилот сифатида эътироф этилмоқда.

Бошқа томондан, корхонада касаба уюшмаларидан ташқари ходимларнинг бошқа вакиллик органининг ҳам бўлиши, улар ўртасида рақобатнинг юзага келишига олиб келиши мумкин. Меҳнат кодексига кўра, вакиллик қилишни ҳамда ўз манфаатларини ҳимоя этишни ишониб топширадиган органи ходимларнинг ўзлари белгилайдилар. Бироқ, касаба уюшмасидан ташқари бошқа вакиллик органи қандай ҳолларда тузилиши масаласи Меҳнат кодексига назарда тутилмаган.

Бу масалада Россия Федерациясининг тажрибасига назар ташлаш ўринлидир. Чунки, Россия Федерацияси Меҳнат кодекси 31-моддасида ходимларнинг бошқа вакиллик органларини қачон ташкил этиш мумкинлиги тартибга солинган бўлиб, айнан мазкур масала Экспертлар қўмитасининг бир неча бор эътироз билан сўров жўнатишига сабаб бўлган [7]. Эътирознинг мазмунини Ўзбекистон Меҳнат кодексидagi каби касаба уюшмалари ва бошқа вакиллик органларининг биргаликда мавжуд бўлиши ва фаолиятига тааллуқли эди. ХМТнинг 1971 йилда қабул қилинган Ходимларнинг вакиллик органлари тўғрисидаги 143-тавсияси 2-бўлим 4-қисмида ҳам бир муассасада ҳам касаба уюшмалари ҳам бошқа вакиллик органлари бўладиган бўлса, касаба уюшмалари фаолияти устуворликка эгалиги назарда тутилади ҳамда шу бўлим 2-қисм “b” бандига кўра, касаба уюшмаларининг мутлақ ҳуқуқларига кирувчи фаолияти билан ходимлар томонидан мустақил сайланган вакиллар шуғулланмасликлари назарда тутилган.

Қўмитанинг юқоридаги мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси юқоридаги моддаларига ходимларнинг бошқа вакиллик органлари фақатгина касаба уюшмалари мавжуд бўлмагандагина музокараларга кириши мумкинлигини назарда тутувчи тегишли ўзгартиришларни киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, бирлашиш эркинлиги принципи универсал даражада халқаро миқёсда эътироф этилган ҳамда нафақат меҳнаткашлар балки иш берувчиларнинг ҳам манфаатларини ҳимоя қилишда бирдек долзарб аҳамият касб этади. Мазкур ҳуқуқ бўйича алоҳида халқаро ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги, қолаверса ХМТнинг 87-сонли конвенциясининг фундаментал дея эълон қилинганлиги бунинг далилидир. Ўзбекистон Республикаси ХМТнинг аъзоси сифатида меҳнат соҳасида қабул қилинган ва қилинаётган миллий қонун ҳужжатларини халқаро ҳужжатларга мослаштириш,

ратификация қилинган халқаро шартномалар нормаларини имплементация қилишда катта ютуқларга эришган. Умуман олганда, миллий қонунчилигимизнинг бирлашиш ҳуқуқини назарда тутувчи қоидалари халқаро шартнома нормаларига тўла мос келади ва муносиб меҳнатни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистон ўзаро манфаатли, тенг ҳуқуқли ҳамкорликни ривожлантиришда давом этмоқда.

Адабиётлар рўйхати:

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: “Адолат”, 2004 йил. 140-б.
2. Декларация МОТ об основополагающих принципах и правах в сфере труда. – Женева: МБТ, 1998.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги 638-ХII-сон қонуни.
4. Свобода объединения на практике: извлеченные уроки. Доклад генерального директора МОТ. Международная конференция труда, 97-я сессия 2008. – Женева: МБТ, 2008. – С. 11.
5. Ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш йўлида - <https://kasaba.uz/>
6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 48-сон, 546-модда
7. Observation (CEACR) - adopted 2017, published 107th ILC session (2018). https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=1000:13100:0::NO:13100:P13100_COMMENT_ID:3344315

А.Р.Ибрагимова,

ТДЮУ Бизнес ҳуқуқи кафедраси
катта ўқитувчиси

ТАШҚИ САВДОДА ЭКСПОРТНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация: мақолада ташқи савдо бўйича назариялар таҳлил қилиниб, ушбу назарияларда Ўзбекистонда экспортни қўллаб-қувватлашга қаратилган ёндашувлар борасида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: ташқи савдо, экспорт, мутлақ афзалликлар назарияси, протекционизм, қиёсий афзалликлар назарияси, Портер назарияси, экспорт стратегияси.

Аннотация: в статье анализируются теории внешней торговли и рассмотрены подходы к поддержке экспорта в Узбекистане.

Ключевые слова: внешняя торговля, экспорт, теория абсолютного предпочтения, протекционизм, теория сравнительных преимуществ, теория Портера, экспортная стратегия.

Annotation: the article analyzes the theories of foreign trade and comments on the government's approaches to supporting export in Uzbekistan

Keywords: foreign trade, export, absolute preference theory, protectionism, comparative advantage theory, Porter's theory, export strategy.

Дунё бўйича товарлар ва хизматлар айланиши мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлиги, иқтисодий барқарорлиги ва пул маблағларининг узлуксиз ҳаракатланиши учун хизмат қилади.

Давлатнинг ташқи савдо фаолияти мамлакат учун зарурий маҳсулотларни импорт ва ишлаб чиқарилган маҳаллий маҳсулотларнинг чет эллик ҳамкорларга экспорт қилишда ифодаланади.

Миллий қонунчиликка кўра, ташқи савдо фаолияти халқаро товарлар ва хизматлар савдоси соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятидир.

Ташқи савдо фаолияти товарлар, ишлар, хизматлар, ахборот, интеллектуал фаолият натижалари, шу жумладан, уларга доир мутлақ ҳуқуқлар (интеллектуал мулк) билан халқаро айирбошлаш соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида туридир [1].

Ташқи савдо фаолияти товарларни ва хизматларни экспорт ва импорт қилиш йўли билан амалга оширилади [2].

Давлатлар ўз манфаатлари ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ташқи савдо фаолиятини тартибга соладилар, ташқи савдо сиёсатини белгилайдилар. Хусусан, ҳар бир давлат ўзининг имкониятларини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда пухта уйланган экспорт стратегиясини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади.

Ушбу сиёсатни белгилаш узоқ даврлардан бери ўзини оқлаб келган, айрим пайтларда эса, ҳар бир мамлакат учун ўзига хос равишда ишлаб чиқилган назариялар асосига қурилади.

Бундай назарияларнинг энг дастлабкиси меркантилизм назарияси бўлган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, халқаро савдо назариясига асос солган меркантилизм таълимоти икки босқични босиб ўтган, дастлабки меркантилизм

унинг намоёндалари томонидан пул баланси назарияси яратилган[3].

Меркантилизмнинг дастлабки босқичи имкон қадар давлатнинг ташқи савдога аралашуви ва кўпроқ товарни хорижга сотган ҳолда кўп миқдордаги олтинни жамлашга қаратилган бўлган. Асосий мақсад кўпроқ ва кўпроқ пулни мамлакатга олиб кириш ҳисобланган. Кейинчалик эса ҳамон ташқи савдода давлат аралашуви юқорилиги кўзда тутилса-да, ташқи бозордан ҳам оз миқдорда бўлсада маҳсулот сотиб олишга имкон берувчи савдо баланси назарияси шаклланди.

Савдо баланси назарияси эса кечки меркантилизм намоёндалари томонидан асослаб берилган. Ушбу давр шунингдек протекционизм даври деб ҳам аталади[4].

Кўп мамлакатлар иқтисодий ривожланишда кучли протекционизм ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш босқичидан ўтадилар, кейин эса аста-секин экспортга йўналиш томон силжийдилар[5].

Протекционизм (лотинча protection – ҳимоя, ҳомийлик) - давлат томонидан ташқи савдода импорт маҳсулотларининг кириб келишига чеклов қўйилишида ифодаланади. Натижада худди шу турдаги товарларни ички бозорда ишлаб чиқарувчилар қўллаб-қувватланади.

Ҳозирги кунда, протекционизмнинг тарифлар, квоталар, субсидиялар, сертификатлаш, миллий маҳсулотлардан фойдаланиш талабларини жорий қилиш, маъмурий тўсиқлар, антидемпинг ва валюта курсларини бошқариш каби усуллари кенг қўлланилади. Мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш жараёнлари секинлашган ҳолларда протекционизм сиёсатининг жозибадорлиги ошади [6].

Буларнинг барчаси маҳаллий ишлаб чиқарувчилар экспортини рақобатлантириш ва импорт натижасида вужудга келадиган рақобатдан ҳимоя қилиш мақсадида фойдаланилади.

Одатда, протекционизм муайян даврда қўлланилади. Бу давр мобайнида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатга дош берадиган даражагача ўсиб олиши кутилади. Бунда иқтисодиётдаги “гўдак” секторлар ривожланиб олиб, бозорда ўз мавқеларини эгаллаб олишларига умид боғланади. Мамлакатнинг ички имкониятлари ва бозор конъюктурасидан келиб чиққан ҳолда бу мақсадларга эришиш учун зарур бўладиган оптимал муддатлар белгиланади.

Афсуски, жаҳон тажрибасида ҳимоя қилишнинг оптимал даврини аниқлаш бўйича яхши тажрибаларни топиш мушкул. Масалан, Малайзия мамлакатида 1985 йилда ташкил қилинган автомобиль саноати юқори тарифлар ҳисобига ҳимоя қилинган бўлса-да, ҳозиргача ҳам ўз рақобатбардош маҳсулотини ишлаб чиқара олмади. Daniel Borer (2018) тадқиқотида ички автомобиль саноатини ҳимоялаш эвазига йўқотилган фаровонликнинг юқори эканлиги туфайли ушбу саноатни сақлаб қолиш ўзини оқламаслиги тўғрисида ҳулоса қилинган ва рақобатбардошликни ошириш учун импорт чекловларини пасайтириш тавсиялари берилган[7].

Фикримизча, мамлакатимиздаги автомобиль саноати ҳам протекционизмнинг айрим элементларини акс этган ҳолат туфайли аналогик ҳолатга келиб қолган. Нархларнинг юқорилиги[8], рақобатчиларнинг мутлақо йўқлиги ва хориждан автотранспорт

воситаларини импорт қилиш учун божларнинг юқорилиги айни вазиятга сабаб бўлмоқда.

Кўпинча импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш иқтисодий мустақилликка эришишнинг усули бўлиб хизмат қилади[9].

Протекционизм ички ишлаб чиқарувчини ҳимоя қилишга қаратилганлиги, муайян маънода унинг учун ички бозорни яратиб бера олиши билан афзал бўлса, рақобатчиларнинг деярли бўлмаслиги, истеъмолчилар учун танлаш имкониятининг қолмаслиги туфайли ноафзалдир.

Айрим ҳолатларда, экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаришни истаган тадбиркор четдан хомашёни импорт қилмоқчи бўлганда импортдаги чекловлар ва божлар туфайли қийинчиликларга дуч келади. Юқори божлар туфайли олиб келинган импорт хомашёсини қайта ишлаб тайёр маҳсулотга айлантириш маҳсулотнинг таннархини ошириб юборилишига сабаб бўлади ҳамда бу маҳсулот бозорда ўз ўрнини топа олмайди.

Яна бир эътиборга олишимиз керак бўлган муҳим жиҳат протекционизм давлатда ҳуфёна иқтисодиёт ва божхона қоидаларини бузиш каби ҳуқуқбузарликларини салмоғининг кўпайишига олиб келади.

Х.Обидовнинг фикрича, протекционизм иқтисодий ривожланиш босқичида қўлланилиши мумкин бўлган турли иқтисодий усуллардан бири сифатида яшаш ҳуқуқига эга ва унинг самарали бўлиши учун қуйидаги шароитлар бўлиши шарт:

1. Ҳимояга олинаётган секторларнинг технологик жиҳатдан ривожланиши учун шарт-шароитлар мавжудлиги. Масалан, Хитойдан телевизор ишлаб чиқаришни Ўзбекистонга кўчириб келганимиз билан технологик жиҳатдан ривожланиш бўлмас экан, биз Хитойдан арзон телевизор ишлаб чиқара олмаймиз. Ҳимоя қилинаётган секторларни ривожлантириш учун мутахассислар ва илмий салоҳиятни кучайтириш лозим.

2. Ушбу секторларнинг узоқ муддатли стратегик ривожланиш ва инвестиция дастурларининг мавжудлиги. Ушбу дастурлар рақобатбардошликни босқичма-босқич ошириш чора-тадбирларини ўзида му-жассамлаштириши лозим.

3. Ҳимоя усулларини босқичма-босқич камайтириб бориш орқали ишлаб чиқарувчиларни эркин рақобатга тайёрлаб бориш ёндашувининг мавжудлиги[10].

Деярли барча мамлакатлар ўз ривожининг муайян бир даврида протекционизм имкониятларидан самарали фойдаланишга интилганлар. Айрим ҳолатлар ижобий натижага эришганлар ҳам.

1950-60 йилларда Кореядаги тўқимачилик саноатини ҳимоя қилишга қаратилган юқори протекционистик чоралар ушбу мамлакатнинг экспорт потенциалини ривожлантиришдаги муҳим қадамлар бўлиб ҳисобланади. 60-йилларнинг ўрталарида Корея давлати томонидан фақатгина экспорт қилувчиларга эркин импорт қилиш имкониятлари очиб берилди. Валюта курсларини давлат томонидан инфляция даражасига нисбатан қадрсизлантириб бориш сиёсати эса экспорт қилувчиларга нархлар ўсишидан келадиган зарарларни компенсация қилиб, уларнинг имкониятларини кенгайтди[11].

Айрим ҳолатларда эса протекционизмга қаратилган чоралар мавжуд вазиятнинг янада оғирлашишига ҳам сабаб бўлган. АҚШда (1930 й.) Smoot-Hawley

тарифларининг ўрнатилиши протекционистик руҳдаги улкан ва шов-шувларга сабаб бўлган воқеалардан ҳисобланади. Конгресменлар Смут ва Хоули иқтисодийнинг “гўдак” секторларини ҳимоя қилиш, иш ўринларини яратиш, хавфсизлик билан боғлиқ секторларни сақлаб қолиш, истеъмолчиларни ҳимоя қилиш, америкалик фермерлар ва маҳаллий саноатни хорижий рақобатдан ҳимоя қилишни сабаб қилиб кўрсатиб қонун лойиҳасини оммага олиб чиқишган.

Мамлакатдаги мингдан ортиқ мутахассислар ва олимлар бу қарорнинг таҳликали эканлиги ҳақида АҚШнинг ўша пайтдаги президенти Герберт Гуверга ўз эътирозномаларини юборишади.

Президент Герберт Гувер кучли лоббистлар гуруҳи, турли бизнес доиралари ва ўз партияси томонидан бўлган босимлар туфайли қонунни вето ҳуқуқини қўллагасдан тасдиқлайди, натижада иқтисодий таназзул янада чуқурлашиб кетади[12].

Ташқи савдо бўйича яна бир назария бу Адам Смитнинг мутлақ афзалликлар назариясидир. Ўзининг “Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари” асарида давлатларнинг эркин халқаро савдодан манфаатдор эканликларини таъкидлайди. Бунда мамлакатнинг импорт қилувчи ёки экспорт қилувчи эканлиги катта аҳамият касб этмайди.

А.Смит ҳар бир мамлакатда бошқа мамлакатдагиларга қараганда анча кам чиқимлар билан товарлар ва хизматларнинг муайян турларини ишлаб чиқаришга имкон берадиган мутлақ афзаллик мавжудлигини далиллаб берди. Бундай устунлик табиий хусусиятлардан келиб чиқиши (географик жойлашув, аҳоли менталитети ва бошқа табиий факторлар) ёки иқтисодий ривожланиш жараёнида орттирилиши мумкин.

Ушбу назария бўйича, ҳар бир мамлакат мутлақ афзалликка эга бўлган товарни ишлаб чиқаришга ихтисослашиши керак. Бундай товарни ишлаб чиқариш мамлакат учун бошқа мамлакатлар шу товарни ишлаб чиқариш учун кетган реал харажатлардан кўра камхарж бўлиши лозим.

Савдо ўзаро фойдали бўлиши учун ҳар бир мамлакат бирор-бир мутлақ афзалликка эга бўлиши керак ва албатта, ишлаб чиқариш фаолиятининг турли йўналишларида бу ифодаланиши керак. Турли давлатлар савдо фаолиятини ихтисослаштиришнинг асосий шартларидан бири айна шу масаладир.

Агар давлат қайсидир товарни бошқа давлатларга нисбатан кам харажат қилиб ва ҳажм жиҳатдан кўпроқ ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлса демак бундай маҳсулот мутлақ афзалликка эга бўлган товардир. Мутлақ афзалликка эга бўлмаган товарларни ишлаб чиқаришдан воз кечиш ҳамда мавжуд ресурсларни бошқа товарларни ишлаб чиқариш учун йўналтириш ишлаб чиқаришнинг ошишига ва мамлакатлар ўртасида меҳнат натижаларининг алмашилишига туртки бўлади.

Мутлақ афзалликка эга бўлган товарни мунтазам ишлаб чиқариш натижасида ишчи кучининг малакаси ривожланади, товар сифати янада яхшиланади, ишни ташкил этишнинг янада самаралироқ усуллари вужудга келади.

Ўз-ўзидан аёнки мунтазам равишда бир товарни кўп ҳажмда ишлаб чиқаришга ихтисослашмаган давлатлар мутлақ афзаллик туфайли бу борада мукамалликка эришган давлатдан товар сотиб ола бошлайдилар. Мутлақ афзалликка эга давлат эса ўз

ички бозорини таъминлаш билан бирга ўз экспортини ҳам оширади.

Айни бир мамлакат учун табиий афзалликлар сифатида унинг иқлими, жойлашган ҳудуди, табиий ресурслари ҳам эътироф этилиши мумкин. Давлатлар булардан самарали фойдаланиш натижасида ўз экспортларини ривожлантириш имкониятига эга.

Масалан, Ўзбекистоннинг экологик тоза мева-сабзавотларни етиштиришга ниҳоятда қулай иқлими бор. Ишчи кучининг кўплиги ва ишлаш қobiliятига эга бўлган аҳоли сонининг юқорилиги ҳам афзалликлардан биридир. Айрим “кексайиб” бораётган давлатларда (Германия, Италия) фаол ишчи кучи камлиги туфайли иш кучининг етишмаслигини ҳал қилиш учун турли чоралар кўрилади: четдан меҳнат мигрантлари жалб этилади, пенсия ёшини оширишга интилишади ва ҳ.к. Бизда эса аҳолининг аксар қисми меҳнатга лаёқатли эканлиги боис бу афзалликдан фойдаланиш зарур.

А.Смит назариясидан ихтисослаштириш қанчалик яққол аҳамият касб этса, мамлакат оладиган даромад ҳам шунча ошади, деган хулоса келиб чиқади.

Рикардо-Торренс-Милл назариясига кўра эса ташқи савдо асосида мамлакатларда мавжуд меҳнат унумдорлиги ўртасидаги тафовут ётади. Товарни шерикларига нисбатан кўпроқ харажат билан ишлаб чиқараётган мамлакат экспорт соҳасидаги ихтисослашувни шундай товар ишлаб чиқаришдан бошлаши керакки, бунда кам харажат ва юқори меҳнат унумдорлигига эришиш мумкин бўлсин. Бу мамлакатнинг импорти эса кўп харажат талаб қиладиган товарлардан бошланиши керак.

Ушбу назария қиёсий афзалликлар назарияси ҳам деб аталади. Мамлакат ҳар доим ҳам мутлақ афзалликка эга бўлмаслиги мумкин. Аммо мамлакатда шундай бир ишлаб чиқариш соҳалари бўлиши мумкинки, бу соҳа бошқа соҳаларга солиштиртганда нисбатан камчиқим бўлади. Бошқа мамлакатларга эса шундай ишлаб чиқаришни амалга оширгандан кўра уни айирбошлаш ёки сотиб олиш арзонроққа тушади. Бунда мамлакатлар ўзлари сарфлайдиган харажатларни солиштирган ҳолда қайси товарни ишлаб чиқариш ёки бошқалардан сотиб олишни мақсад қилиб қўядилар.

Хекшер Олин назариясига кўра, мамлакатнинг ташқи савдо соҳасидаги ихтисослашувни ундаги ишчи кучи ва капитал сингари ишлаб чиқариш омилларининг миқдорига қараб белгиланади. Мисол учун, капиталга нисбатан ишчи кучи кўп мамлакат экспорти кўп меҳнат талаб қиладиган товарлардан иборат бўлади. Ишчи кучи кам, лекин капитали кўп бўлган мамлакатлар эса кўп капитал талаб қиладиган ишлаб чиқаришни амалга оширишади.

Мазкур назария биринчи ўринга ишлаб чиқариш харажатларини эмас, балки бунинг учун қандай ресурслар сарфланишини қўяди. Мамлакатлар ўзларида ортиқча бўлган ресурслардан фойдаланилган товарларни экспорт қилишга интилади.

М.Портер назариясига кўра, мамлакатнинг ташқи савдодаги мавқеи мамлакат ичидаги ишлаб чиқарувчилар ўртасида қанчалик соғлом рақобат ўрнатилганлигига боғлиқ. Агарда мамлакат ичида рақобат мавжуд бўлса бунинг натижасида етакчи ишлаб чиқарувчилар бозорда ўрин эгаллаш учун ўз фаолиятларини такомиллаштирадilar. Бу эса ички бозордаги сифат ошиши, нарх тушиши билан

биргаликда, ташқи бозорга йўналтириладиган экспортбоп маҳсулотларнинг ҳам сифат, ҳам нарх борасида афзалликларга эришишига йўл очиб беради.

Портернинг фикрича, давлат томонидан йўл қўйиб берилган сунъий устунликка эга бўлган корхоналарнинг бўлиши иқтисодий ривожига ўта салбий таъсир кўрсатади, ресурслардан самарасиз фойдаланилишига ва талон-тарож этилишига сабаб бўлади.

Портер назарияси XX асрнинг 90-йилларида Австралия, Янги Зеландия ва АҚШда ташқи савдодаги товарлар рақобатбардошлигини оширишда давлат даражасидаги тавсияларнинг ишлаб чиқишига асос бўлиб хизмат қилди [13].

Ташқи савдо бўйича ишлаб чиқилган назариялар ҳар доим ҳам давлатлар томонидан тўлиқлигича амалиётга жорий этилавермасида, улардаги айрим ғоялар мамлакатнинг экспорт стратегиясини белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Бизнингча, Ўзбекистоннинг ҳозирги ривожланиш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ташқи савдо сиёсатини белгилашда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, мамлакатнинг ички бозорининг тўйинганлик даражасига эришиш зарур. Бунда товарлар ишлаб чиқарилиши натижасида ички бозордаги айрим товарларга нисбатан тақчиллик бартараф этилади ва уларнинг нархи тушиши ва ҳаттоки, сифати ошишига ҳам эришиш мумкин.

Мамлакат ички бозорининг ривожланиши натижасида давлат ички тақлиф ҳажми талаб ҳажмидан ортиши туфайли ташқи савдо операцияларининг кенгайиши, йўналтириладиган сармоянинг арзонлашиши ҳамда харажатларнинг камайишига олиб келади.

Мисол учун, Ўзбекистонда пандемия натижасида 2020 йил 16 мартдан тиббий ниқоблар тақчиллиги оқибатида нархларнинг асоссиз равишда кескин кўтарилиб кетиши туфайли уларнинг экспорти тўхтатилди [14]. Тақчиллики бартараф этиш бўйича тезкор ва самарали чоралар [15] кўрилиши натижасида эса нархларнинг нормал ҳолатга келиши ҳамда етишмовчиликнинг бартараф этилиши кузатилди. Нафақат тақчиллик бартараф этилди, балки ички бозорнинг тўйиниши натижасида экспорт ҳам амалга оширила бошланди [16].

Иккинчидан, Ўзбекистон икки қарра қуруқлик билан ўралган (double-landlocked) мамлакат ҳисобланади. Дунёда фақат иккита шундай мамлакат бўлиб, бири Ўзбекистон, иккинчиси эса Лихтенштейндир.

Бунда денгизга чиқиш имкониятига эга бўлмаган мамлакатимиз денгизга чиқа олмайдиган бошқа шундай мамлакатлар билан ўралган. Мавжуд вазиятга баҳо берган ҳолда ташишнинг камхаражатлиги ва нисбатан қулайлигидан келиб чиқиб чегарадош мамлакатларга экспорт қилишга эътибор қаратиш лозим. Айни ҳолат ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий ҳамкорликка ҳам йўл очилиши маълум.

Учинчидан, иқтисодий тармоқларида давлат томонидан мустаҳкам ҳимояланаётган айрим соҳаларнинг монополиясига нўқта қўйиш зарур. Бу орқали иқтисодий ривожига салбий таъсир кўрсатувчи, мавжуд ресурслар ва табиий бойликлардан самарасиз фойдаланувчи ва талон-тарож қилувчи корхоналардан (Портер назарияси) ҳоли иқтисодий яратилишига эришиш лозим. Тармоқларда рақобатнинг ривожланиши натижасида

маҳсулотлар сифати ошиши ва тадбиркорлик субъектлари томонидан экспорт қилишга интилиш кучайиши ўз тасдиғини топган ҳолат ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ташқи савдони тартибга солишнинг шакллари ва усуллари алоҳида мамлакатларда ўхшаш, бироқ эркин савдо ёки протекционизмни устунлик қилиш шароитида улардан фойдаланиш механизмларида фарқлар мавжуд [17].

Хулоса қилиб айтганда, айни давргача ўзини оқлаб келган назарияларни пухта ўрганган ҳолда уларнинг ижобий ҳамда мамлакатимизга мос келадиган ютуқларини экспорт стратегиясини ишлаб чиқишда иноватга олиш, уларнинг ўзини оқламаган жиҳатларидан эса юзага келиши мумкин бўлган масалалар ва муаммоларни бартараф этишда фойдаланиш лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Алимов А., Ҳамедов И. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари. Т.: "ЎАЖБНТ" Маркази, 2004, 16-б.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги Қонуни (янги таҳрири), 2000 йил 26 май, 77-II-сон. 11-модда.
3. Турсунов А.М., Кариева Л.С. Ташқи савдо сиёсатининг назарий асослари ва тарихий жиҳатлари. //International scientific journal «Internauka» // № 12 (52), 2018, 24-б.
4. Турсунов А.М., Кариева Л.С. Ташқи савдо сиёсатининг назарий асослари ва тарихий жиҳатлари. //International scientific journal «Internauka» // № 12 (52), 2018, 24-б.
5. Алимов А., Ҳамедов И. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари. Т.: "ЎАЖБНТ" Маркази, 2004, 234-б.
6. <http://uza.uz/oz/society/protetsionizm-zbekiston-uchun-kerakmi-11-07-2019>
7. https://www.researchgate.net/publication/328930637_How_costly_is_the_Malaysian_car_Estimations_of_Welfare_Costs_of_Protecting_the_Vehicle_Industry_of_Malaysia
8. <https://uz.sputniknews.ru/society/20200820/14803670/UzAuto-Motors-zavyschala-tseny-na-avtomobili-v-srednem-na-10--zaklyuchenie-AMK.html>
9. Алимов А., Ҳамедов И. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари. Т.: "ЎАЖБНТ" Маркази, 2004, 234-б.
10. <http://uza.uz/oz/society/protetsionizm-zbekiston-uchun-kerakmi-11-07-2019>
11. <http://uza.uz/oz/society/protetsionizm-zbekiston-uchun-kerakmi-11-07-2019>
12. <https://www.investopedia.com/terms/s/smooth-hawley-tariff-act.asp>
13. <http://www.ereport.ru/articles/mirecon/intrade.htm>
14. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/03/15/maska/>
15. <https://uzts.uz/uz/tibbiy-niqoblar-qoshilgan-qiyamat-soli-idan-ozod-qilinadi/>
16. <https://uza.uz/oz/society/tibbiy-ni-oblar-rossiyaga-eksport-ilinmo-da-23-05-2020>
17. Турсунов А.М., Кариева Л.С. Ташқи савдо сиёсатининг назарий асослари ва тарихий жиҳатлари. // International scientific journal «Internauka» // № 12 (52), 2018, 24-б.

Э.Ахунджанов
ТДЮУ катта ўқитувчиси

ХАЛҚАРО ЮК ТАШИШ МУНОСАБАТЛАРИ СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ҚОНУНЧИЛИГИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: в статье исследованы зарубежный опыт по правовому регулированию вопросов международной перевозки грузов, указаны отличительные особенности норм зарубежного законодательства.

Ключевые слова: опыт, груз, перевозка, закон, транспорт.

Аннотация: мақолада халқаро юк ташишни ҳуқуқий тартибга солишда хорижий мамлакатларнинг тажрибаси таҳлил этилган, хорижий мамлакатлар қонунчилигининг ўзига хос жиҳатлари ёритилган.

Калит сўзлар: тажриба, юк, ташиш, қонун, транспорт.

Annotation: in this article were analysed foreign experiment on legal regulation of questions of the international transportation of goods, were specified distinctive features of standards of the foreign legislation.

Key words: experience, goods, transportation, law, transport.

Хорижий давлатларда халқаро юк ташишга оид муносабатлар қоида тариқасида фуқаролик қонунчилигининг халқаро фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга оид махсус қисмларида тартибга солинади. Шундай бўлсада, айрим давлатларда халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари алоҳида қонунларда – халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини тизимлаштириш асосида махсус кодекслар қабул қилинган бўлиб, ушбу давлатларда халқаро юк ташиш муносабатлари мазкур кодекслар ёки алоҳида қонунлар доирасида тартибга солинади. Бундай тажрибага эга давлатлар сифатида Австрия (1978 йил), Венгрия (1979 йил), Польша (1965 йил), Туркия (1982 йил), Словения (1982 йил), Хорватия (1982 йил), Хитой (1985 йил), ГФР (1986 йил), Швейцария (1987 йил), Руминия (1992 йил), Италия (1995 йил) ва Эстония (2001 йил) каби давлатларни кўрсатиш мумкин.

Иккинчи гуруҳ давлатлар сифатида фуқаролик қонунчилигида халқаро хусусий ҳуқуқнинг коллизия нормаларини мустаҳкамлаган ҳамда ушбу қоидалар доирасида халқаро ташишга оид муносабатларни тартибга солувчи давлатларни кўрсатиш мумкин. Хусусан, мазкур давлатлар сирасига Испания, Португалия, Вьетнам, МДХ давлатлари – Россия, Украина, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон ва бошқа қатор давлатларни киритиш мумкин.

Халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари махсус ушбу соҳага бағишланган Кодекс ёки Қонун, шунингдек Фуқаролик кодекслардан ташқари бошқа қонун ҳужжатларида ҳам мавжуд. Бундай қонун ҳужжатлари қаторига Хитойнинг 1986 йилдаги фуқаролик ҳуқуқининг умумий қоидалари, 1985 йилдаги халқаро ҳўжалик ҳуқуқлари тўғрисидаги қонуни киради. Қонун Хитой ва чет эл ташкилотлари ўртасида барча чет эл иқтисодий, олди-сотди муносабатлари бўйича тузиладиган шартномаларга нисбатан қўлланилади. Ушбу қонунни чет эл элементлари билан

мураккаблашган фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга бевосита қўлланадиган меъёрлардан иборат деб айтиш мумкин. Қонуннинг кўп нормалари диспозитив характерга эга.

Халқаро юк ташишни ҳуқуқий таъминлаш бўйича хориж тажрибаси шундан далолат берадики, ушбу муносабатлар аксарият давлатларда алоҳида қонунлар тизими орқали тартибга солинмоқда. Айрим давлатларда, жумладан, АҚШда ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини тизимлаштириш йўлидан бориб, ягона Транспорт кодекси қабул қилинган бўлиб, у ҳуқуқий тартибга солиш предмети бўйича қонун ҳужжатларини умумлаштиради.

Шунингдек, АҚШда Америка ҳуқуқ институти томонидан тайёрланган конфликтлар тўғрисидаги қонунлар Тўплами ҳаракат қилади (1834 йилда – биринчи, 1971 йилда – иккинчи тўпламлари нашр қилинган). Халқаро юк ташишга оид муносабатлар АҚШнинг Ягона Савдо кодексида ҳам мавжуд, унда қонунни макон ва замон бўйича қўллаш ҳақида қоидалар ўз аксини топган. Юқоридагилардан ташқари, АҚШнинг Луизиана штатида 1991 йилда “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида” қонун қабул қилинган бўлиб, у мазкур штатнинг Фуқаролик кодекси таркибига киритилган. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам халқаро ташишга оид муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган.

Франция фуқаролик қонунчилигига мурожаат этадиган бўлсак, Фуқаролик кодексида юк ташишга оид муносабатлар батафсил тартибга солинмаган. Унинг атиги айрим моддаларида, жумладан, 1782-1786-моддаларида қуруқлик ва сувда юк ташувчиларга оид баъзи нормалар мустаҳкамланган. Францияда, шунингдек, халқаро хусусий ҳуқуққа оид қонун ҳужжатларини тизимлаштириш борасида муайян тажриба тўпланган. Хусусан, Францияда 1959 ва 1969 йилларда “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги қонун лойиҳалари ишланган бўлиб, уларда халқаро юк ташишга оид муносабатлар ҳам ўз ифодасини топган эди.

Канадада халқаро юк ташиш масалаларини тартибга солишга оид нормалар бир қатор ҳужжатларда, шу жумладан, Федерал Божхона Акти, Федерал Божхона хизмати агентлиги тўғрисидаги Акт, Хавфли юкларни ташиш тўғрисидаги Федерал Акт, Божхона тарифи Акти, Шимолий Америка Эркин савдо Акти (“NAFTA”), Автомобил хавфсизлиги Акти, Юк ташувчи транспортлар тўғрисидаги Акт, Транспорт ва денгиз орқали ташиш тўғрисидаги Акт, Соҳилбўйи ҳудуди тўғрисидаги Акт, Денгизда сўғурталаш тўғрисидаги Акт, Темир йўлда хавфсизлик тўғрисидаги қонун, Денгизда сузиш тўғрисидаги Акт, Ташишлар тўғрисидаги Акт, Ҳаво орқали ташишлар тўғрисидаги Акт, Тижорат мақсадларида ташишлар тўғрисидаги Акт, Юк ташишда хавфсизлик тўғрисидаги Акт, Хавфли юкларни ташиш ва улар билан муомала қилиш тўғрисидаги Акт, Йўл ҳаракати тўғрисидаги Акт, Денгиз бўйича иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Акт, Автомобил транспорти тўғрисидаги Акт, Темир йўлда хизмат кўрсатиш тўғрисидаги Акт, Темир йўл тўғрисидаги Актда ва бошқаларда ўз ифодасини топган [3]. Канаданинг Квебек провинцияси Фуқаролик кодексининг ўнинчи китоби халқаро хусусий ҳуқуқ масалаларига бағишланган бўлиб, унинг умумий қоидалари халқаро юк ташишга оид муносабатларни тартибга солишда ҳам қўлланилади.

Эстониянинг 2001 йилдаги “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги қонунида ташиш шартномасига нисбатан шартнома тузилиш вақтида жўнатувчининг асосий фаолият жойи жойлашган давлат, агар юклаш жойи ёки юкларни тушириш жойи ушбу давлатда жойлашган бўлса шартнома узвий боғлиқ давлат сифатида эътироф этилиши кўзда тутилган. Эстония қонунчилигига биноан юкларни ташиш шартномасининг қоидалари асосий мақсади юк ташишдан иборат бўлган барча шартномаларга нисбатан қўлланилади. Ушбу қоидалар агарда ҳолатлар мажмуидан шартнома бошқа давлатга нисбатан узвийроқ боғлиқлиги аниқланган ҳолатлардагина қўлланилмайди [2].

Японияда ҳам халқаро юк ташишга оид муносабатлар ўз ҳуқуқий асосларига эга бўлиб, улар, авваломбор, 1989 йилда қабул қилинган ва 1990 йилнинг 1 январидан амалга киритилган “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги қонунда назарда тутилган [1].

Хитой Халқ Республикасида эса, 1984 йилги “Денгиз кемалари тўғрисида”ги, 2003 йилги “Бандаргоҳ тўғрисида”ги, 1991 йилги “Темир йўл тўғрисида”ги ва бошқа қонунларида халқаро юк ташишни амалга ошириш билан боғлиқ давлат ички қоидалари белгилаб берилган [6, 77-78-стр]. Таъкидлаш лозимки, Хитойда 2000 дан ортиқ бандаргоҳлар фаолият кўрсатади, улардан 130 дан ортиғи чет эл кемаларини ҳам қабул қилади. Хитойнинг энг йирик 16 та бандаргоҳи йилига 50 млн. тонна юкни қабул қилади. Хитой бўйича барча бандаргоҳларнинг умумий юк қабул қилиш ҳажми эса, йилига 2890 млн. тоннадан ошиб кетади. 2010 йилги маълумотларга кўра, бутун дунё бўйича халқаро денгиз ташишларининг 35 фоизи айнан Хитойда амалга оширилади [4, 152-стр]. Шу боис ҳам Хитойда денгиз орқали халқаро ташишлар анча чуқур тартибга солинган. Чунончи, 1992 йилги Денгиз кодекси, 2003 йилги “Бандаргоҳ тўғрисида”ги қонун, 1984 йилги “Денгиз кемалари ҳаракатлини хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун, 1998 йилги Денгиз ҳакамлик комиссияси тўғрисидаги Ҳакамлик қоидалари, 1974 йилги “Чет эллик кемалардан ундирилладиган транспорт солиғи тўғрисида”ги низом ва бошқа қонун ҳужжатларида ушбу масалалар атрофлича ёритилган. Шунингдек, Хитойда 1986 йилда Фуқаролик ҳуқуқининг Умумий қоидалари, 1985 йилда “Халқаро хўжалик ҳуқуқи тўғрисида”ги қонун қабул қилинган бўлиб, уларда Хитой ва чет эл ташкилотлари ўртасида барча чет эл иқтисодий, олди-сотди шартномаларга оид муносабатлар тартибга солинган. “Халқаро хўжалик ҳуқуқи тўғрисида”ги қонун асосан диспозитив хусусиятга эга чет эл элементлари билан мураккаблашган фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга бевосита қўлланидиган меъёрлардан иборатдир.

Беларусь Республикасида 1998 йил 7 декабрдаги Фуқаролик кодексининг 40-41-боблари “Ташиш” ва “Транспорт экспедицияси”га бағишланган. Шунингдек, ташишнинг алоҳида турларини тартибга солишга қаратилган кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, 2006 йил 16 майдаги Ҳаво кодекси, 1998 йил 15 июлдаги Сув кодекси, 2002 йил 24 июндаги Савдо денгизчилиги кодекси, 1999 йил 6 январдаги “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги қонун, 2001 йил 21 июлдаги “Автомобил транспорти ва автомобилда ташиш тўғрисида”ги қонун, 1998 йил 5 майдаги “Транспорт фаолияти асослари тўғрисида”ги қонун, 1994 йил 2 декабрдаги “Автомобил йўллари

тўғрисида”ги қонун, 2002 йил 17 июлдаги “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги қонун шулар жумласидандир. Беларусда транспортнинг мушакил тури сифатида – қувур транспорти кўзда тутилади. Шу боис, 2002 йил 9 январда махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат – “Магистрал қувур транспорти тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. 1998 йил 5 майдаги “Транспорт фаолияти асослари тўғрисида”ги қонунга асосан транспортда ташиш фаолияти давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш, транспорт фаолияти субъектларининг мулкчилик шаклидан қатъий назар тенглиги, транспорт фаолияти субъектлари ва давлат манфаатларининг уйғунлиги ва уларнинг ўзаро масъулияти, халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги каби принципларга асосланиши белгиланган [7, 114-116-стр].

Россия Федерациясида ташиш шартномасига нисбатан коллизия принциплар асосида моддий ҳуқуқ нормаларининг қўлланилиши умуман Фуқаролик кодексида (1211-модданинг 3-банди), ташишнинг алоҳида турларига нисбатан эса тегишли кодекслар ва қонунларда ифодаланган. Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 1211-моддаси 3-қисмига мувофиқ, ташувларга нисбатан тарафлар ўртасида битим мавжуд бўлмаган тақдирда ташувчининг давлат қонуни қўлланилади, транспорт экспедицияси шартномасига нисбатан эса экспедитор давлати қонуни қўлланилади, чунки ташувчи, жумладан, экспедитор ҳам кодекс томонидан “шартнома мазмуни учун муҳим аҳамият касб этувчи ижро”ни амалга оширувчи томонлар сифатида белгиланади. Халқаро ташиш ҳуқуқи қўлланилиши лозим бўлганда бундай ҳолат ташувчи томонидан тақдим қилинган ҳужжатда белгиланган бўлиши мумкин.

Халқаро тўғридан-тўғри аралаш темир йўл-сув юк ташувлари тўғрисидаги 1959 йилги Битим Россия Федерацияси учун ўз кучини сақлаб қолган. Россия Федерацияси, шунингдек халқаро комбинациялашган ташувлар ва мутаносиб объектлар муҳим йўналишлари тўғрисидаги 1 февраль 1991 йилги Европа Битими (САКПП)нинг ҳам аъзоси ҳисобланади.

Бироқ, Россия Федерацияси Юкларнинг халқаро аралаш ташувлари тўғрисидаги БМТ Конвенцияси (24 май 1980 йил), Хавфли юкларни автомобиль, темир йўл ва ички сув транспорти орқали ташишда етказилган зарар учун фуқаролик жавобгарлиги тўғрисидаги Конвенция (КГПОГ) (1 февраль 1990 йил), Халқаро савдода транспорт терминаллари операторларининг жавобгарлиги тўғрисидаги БМТ Конвенцияси (15 апрель 1991 йил)нинг аъзоси эмас.

Россия Федерациясида охириги йилларда халқаро автомобиль қатнови ўрнатиш тўғрисида ҳукуматлараро халқаро битимлар тузиш фаолиятининг кучайишини кузатиш мумкин. Масалан, Россия Федерацияси ва Испания Қироллиги ўртасидаги халқаро автомобиль қатнови тўғрисидаги 2001 йилдаги Битим, собиқ СССР ва Италия Республикаси ўртасидаги халқаро автомобиль юк ва йўловчи қатнови ҳақидаги 19 июнь 1984 йилдаги Битим ва бошқалар. Ҳозирги кунда Россия Федерацияси ва бошқа давлатлар иштирокида 35 тадан ортиқ шартномалар амал қилмоқда. Бундай шартномаларнинг барчаси қоида тарикасида намунавий хусусият касб этади ва тузилиши жиҳатидан учта бўлимдан иборат бўлади: умумий қоидалар, йўловчи қатнови ва юк қатнови [5].

Қирғизистон Республикасида эса, юк ташиш муносабатлари 1997 йил 5 декабрдаги Фуқаролик кодексининг ташиш ва транспорт экспедициясига оид

32-33-боблари билан тартибга солинади. Шунингдек, Қирғизистонда транспорт соҳасидаги айрим масалаларни тартибга солувчи махсус қонун ҳужжатлари – 1998 йил 8 июлдаги “Транспорт тўғрисида”ги ҳамда 1998 йил 9 июлдаги “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги қонунларида ҳам юк ташишга оид қоидалар ўз ифодасини топган.

Это соглашение представляет собой основной шаг вперед всей международной системы в деле защиты прав интеллектуальной собственности и очевидно станет ее базой в будущем. Одно из огромных преимуществ этого соглашения состоит в том, что оно предусматривает значительно более четкий механизм урегулирования споров, который позволяет нам более эффективно контролировать, как наши партнеры соблюдают меры, обеспечивающие открытый доступ на свои рынки, участниками которых все мы являемся.

На развитие международной торговли может оказывать негативное влияние различие законодательных норм, принятых в разных странах для защиты прав интеллектуальной собственности. Более того, небрежное или неэффективное применение этих норм на практике способствует торговле подделками и «пиратскими» товарами. Это наносит ущерб коммерческим интересам производителей, которые законно обладают правами интеллектуальной собственности. Поэтому Соглашение по торговым аспектам прав интеллектуальной собственности (TRIPS), подписанное в ходе многосторонних торговых переговоров Уругвайского раунда, включает минимум норм по защите прав интеллектуальной собственности, а также минимум процедур и мер для их исполнения. Соглашение определяет также механизм для обеспечения на международном уровне соблюдения норм странами-участницами ВТО на национальном уровне.

В основу этого Соглашения положены международные конвенции по вопросам защиты интеллектуальной собственности. Его положения включают следующие виды прав интеллектуальной собственности:

- патенты;
- авторские и смежные права;
- торговые марки и знаки;
- промышленный дизайн;
- топология интегральных микросхем;
- закрытая информация;
- географические указания.

Таким образом, соглашение ТРИПС основывается на главных международных конвенциях по правам интеллектуальной собственности и включает большинство их положений. Следуя всем вышеприведенным конвенциям, можно гарантировать более высокую степень защиты прав интеллектуальной собственности, чем того требует ТРИПС.

Основные положения Соглашения можно разделить на следующие пять групп:

- основные принципы и общие обязательства;
- минимальные уровни защиты, включающие предмет охраны; предоставленные права; допустимые исключения из этих прав; минимальный период охраны;
- антиконкурентные меры, содержащиеся в лицензионных контрактах.
- внутренние процедуры и меры по обеспечению прав интеллектуальной собственности.
- определение переходных периодов для выполнения правил на национальном уровне.

Для того, чтобы владельцы патентов не злоупотребляли предоставленными им правами, предусматривается обязательное лицензирование этих прав. Этим обеспечивается баланс между законными интересами обладателей и пользователей прав. Соглашение также определяет процедуры проведения консультаций между правительствами в случае, если какая-либо страна-участница ВТО имеет основания полагать, что процедура лицензирования или условия предпринимательства в одной из стран-участниц ВТО нарушают положения данного Соглашения или оказывают негативное влияние на конкуренцию.

Соглашение ТРИПС содержит, с некоторыми исключениями, требования, касающиеся предоставления режима наибольшего благоприятствования и национального режима и обеспечения охраны интеллектуальной собственности членами ВТО. Следует отметить, что Соглашение ТРИПС занимает особое место в системе ВТО. Международные соглашения обычно оставляют за каждой из сторон определение методов и средств по разработке и исполнению международных обязательств, в то время как Соглашение ТРИПС обязывает государства-члены ВТО обеспечивать эффективные меры против любых действий, нарушающих права интеллектуальной собственности. [1]

Соглашение по правам интеллектуальной собственности еще раз подтверждает основной принцип национального режима – в вопросах доступности, приобретения, сфер применения, поддержания и обеспечения прав интеллектуальной собственности иностранным гражданам должен предоставляться режим, который является не менее благоприятным, чем в стране их проживания. Другим принципом, подтвержденным данным Соглашением является принцип наибольшего благоприятствования, который не допускает дискриминацию иностранных граждан.

Итак, международное сотрудничество в области интеллектуальной собственности в основном регулируется Соглашением по ТРИПС и соглашениями под

эгидой ВОИС. Соглашение ТРИПС обобщило и объединило существующие документы, взяв за основу содержащиеся в них принципы регулирования интеллектуальной собственности и сделав акцент на экономической составляющей данного объекта.

В условиях международной экономической интеграции требуются определённые гарантии в вопросах защиты интеллектуальной собственности. В отличие от документов, образующих ВОИС, Соглашение по ТРИПС предписывает участникам обеспечить правоприменение в соответствии с предусмотренными Соглашением стандартами.

Таким образом, положения Соглашения ТРИПС содержат три аспекта:

1. Охрана прав интеллектуальной собственности должна быть обеспечена присоединяющимся государством в соответствии с определенными международными стандартами.

2. Присоединяющееся государство должно обеспечить меры гражданского, уголовного, административного производства в случае нарушения прав интеллектуальной собственности.

3. Таможенные органы присоединяющегося государства должны обеспечить охрану исключительных прав на объекты интеллектуальной собственности при перемещении товаров через таможенную границу.

Вместе с тем, можно говорить о том, что создатели Соглашения ТРИПС, фактически объединили основные достижения международного публичного права в сфере защиты прав интеллектуальной собственности, выразившиеся в виде принятых конвенций и, кроме того, придали ВТО роль одного из основных органов по обеспечению таких прав, что в свою очередь, позволило детализировать требования к государствам, являющимися членами ВТО.

Список литературы:

1. Agreement on Trade-Related Aspects of Intellectual Property Rights// (Соглашение о торговых аспектах прав на интеллектуальную собственность), WIPO PUBLICATION № 223 (E). https://www.wipo.int/edocs/lexdocs/treaties/ru/wto01/trt_wt001_001ru.pdf
2. Сафронов А. Правовая охрана промышленной собственности по Соглашению о торговых аспектах прав интеллектуальной собственности и влияние указанного Соглашения на развитие законодательства Российской Федерации об охране промышленной собственности. Дисс. канд. юрид. наук. –М., 1998.
3. Рустамбеков И., Мусаев С. Международное авторское и патентное право. Учебник. –Т.: ТГЮУ, 2018.

У. Сайдахмедов
Ҳуқуқ магистри

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТРАНСЧЕГАРАВИЙ СУВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМЛАРИ ВА ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада бугунги кунда Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг институционал механизмлари ва халқаро ҳуқуқий режимлари халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ўрганилган. Шунингдек, мақолада минтақадаги трансчегаравий сувлардан фойдаланишни тартибга солишчи тузилмалар, икки ва кўп томонлама шартномаларнинг классификацияси ҳам таҳлил қилинган. Шунингдек, трансчегаравий сувлардан фойдаланишга оид муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Марказий Осиё, халқаро-ҳуқуқий режим, механизм, трансчегара сувлар, фойдаланиш, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, тузилмалар

Аннотация: в данной статье освещены институциональные механизмы и международно-правовые режимы трансграничного водопользования в Центральной Азии сегодня на основе международно-правовых инструментов. В статье также анализируются структуры, регулирующие использование трансграничных вод в регионе, классификация двусторонних и многосторонних соглашений. Также разработаны предложения и рекомендации по решению проблем использования трансграничных вод.

Ключевые слова: Центральная Азия, международно-правовой режим, механизм, трансграничные воды, использование, международно-правовые документы, структуры

Annotation: this article highlights the institutional mechanisms and international legal regimes of transboundary water use in Central Asia today based on international legal instruments. The article also analyzes the structures regulating the use of transboundary waters in the region, the classification of bilateral and multilateral agreements. Also, proposals and recommendations were developed for solving the problems of using transboundary waters.

Keywords: Central Asia, international legal regime, mechanism, transboundary waters, use, international legal documents, structures

Бугунги кунда трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланиш ҳамда халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш борасида манфаатдор давлатлар ўртасида турли келишмовчиликлар юзага келиб, турли низоларни вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Сув муносабатларини тартибга солишчи халқаро шартномаларда дарё сувидан ирригацион ва бошқа мақсадларда фойдаланишда бир давлат бошқасининг манфаатларига зарар етказмаслиги белгилаб ўтилган. Демак, трансчегаравий сув оқимларидан ҳар қандай мақсадда фойдаланаётган ҳар бир давлат сув ресурсларини микдор жиҳатдан қишлоқбўйи давлатлари орасида тенг тақсимланишини ёддан чиқармасиклари лозим.

Марказий Осиёдаги сув захираларининг асосини трансчегаравий дарёлар суви ташкил қилади. Марказий Осиёда 9 трансчегаравий дарёлар мавжуд бўлиб, улар Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Чу, Талас, Или, Мурғоб, Тежен, Иртиш дарёлари дидир.

Улардан учтасигина (Амударё, Сирдарё, Или) ўз сувларини Орол денгизи ва Балхаш кўлига қуяди, қолганлари чўл ва саҳролар бағрига сингиб кетади. Иртиш дарёси Марказий Осиё (Қозоғистон) ҳудудини кесиб ўтиб Обь дарёсига қўшилади [1].

Амударё ва Сирдарё фақат ўзининг катталиги ва узунлиги билангина эмас, балки стратегик аҳамияти нуқтаи назаридан ҳам алоҳида эътиборни жалб қилади. Чунки бу икки дарё Марказий Осиёдаги йирик табиий денгиз – Орол денгизини сув билан таъминлайди. Марказий Осиё мамлакатларининг қишлоқ ҳўжалиги, саноати, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳамда шаҳарсозликда уларнинг аҳамияти бекиёсдир.

Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг институционал механизмлари ва халқаро-ҳуқуқий режимлари минтақа давлатлари ҳукуматлари томонидан ратификация қилинган халқаро ҳўжатлар ҳамда бевосита давлатлараро тузилган икки ва кўптомонлама шартномалар асосида белгиланади.

Амударё Оролбўйи ҳавзасидаги энг серсув дарё дидир. Орол ҳавзаси сув захираларининг учдан бир қисми (78 км³) Амударё ҳиссасига тўғри келади.

Амударё сувидан асосан суғориш ишларида фойдаланиб келинади. Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб дарёнинг сув захиралари аёвсиз ишлатила бошланди. Амударёнинг юқори, ўрта ва қуйи оқимида бир неча каналлар қазилди, жумладан, машҳур Қорақум канали, Аму–Қорақўл, Аму–Бухоро машина канали, Қарши магистрал канали, Тошсоқа, Шовот, Қиличчиёзбой, Қипчоқ–Бўзсув, Суэнли, Пахтаарна, Қизкеткен, Кегейли, Қувонишжарма ирригация тизимлари барпо этилди ва таъмирланди. Қашқадаро ва Туюмўйин гидроузеллари қуриб битказилди [2].

Собиқ Иттифоқ даврида 1987 йилга қадар сув ресурслари ҳавзасини бошқариш ва тартибга солишда Иттифоқ сув ҳўжалиги вазирлиги, республика сув ҳўжалиги вазирликлари ва Урганч шаҳрида жойлашган тўғридан-тўғри Иттифоқ сув ҳўжалиги вазирлигига бўйсунувчи дарёнинг қуйи оқимида жойлашган давлатларга қатъий тартибда сув тақсимотини олиб борадиган ташкилот олиб борар эди (бугунги кунда мазкур ташкилот Амударё ҳавзаси сув ҳўжалиги бирлашмаси таркибига киради).

80-йиллар охирига келиб Орол денгизи сув ҳавзаси сув ресурсларидан фойдаланишни оператив бошқариш ўзининг имкониятларини йўқота бошлади. Шу сабабли, ҳавзадаги сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш самарадорлигини ошириш, бошқарувда менеджмент тамойилларига ўтиш, шунингдек сув ресурсларини бошқариш муаммоларини ўз вақтида ҳал этишни таъминлаш мақсадида республика ҳукуматлари таклифига биноан 1987 йил 27 августда Иттифоқ сув ҳўжалиги вазирлиги буйруғига асосан Ўзбекистон Республикасининг Урганч шаҳрида жойлашган сув ресурсларини республикалараро тақсимлаш бўйича Амударё сув ҳавзаси бошқармаси ташкил этилди. Кейинчалик мазкур бошқарма Амударё ҳавзаси сув ҳўжалиги бирлашмасига ўзгартирилди [3]. Ушбу бирлашмага давлатлар билан умумий келишувга асосан Амударё ҳавзасидаги асосий, яъни Панж,

Вахш, Кофирнигон, Амударёнинг бошланишидан Орол денгизигача, шунингдек Амударёнинг Туямўйин гидроэнергетик мажмуаси қуйи қисмида жойлашган иншоотлар билан давлатлараро магистрал каналларини сақлаш, бошқариш ва улардан фойдаланиш вазифасини бажариш киради. Сув ҳавзаси бирлашмасига Амударё, Панж, Вахш, Кофирнигон ҳамда давлатлараро каналларда жойлашган барча сув насосларини, шунингдек сув ҳавзаси бирлашмаси балансига ўтказилмаган Вахш дарёсидаги Данғара гидроузели, Қорақум канали ва сув омбори билан биргаликда Туямўйин гидроузели назоратини амалга ошириш берилган.

Сўнгги икки йил ичида Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон Республикалари сув ҳўжалиги бирлашмаси балансига 84 та гидротехник иншоотларни (шулардан 36 таси асосий сув олиш жойлари), 169 та сув постлари-станцияларини, 386 км. давлатлараро каналларни, шунингдек эксплуатация қилиш билан боғлиқ бўлган кўплаб объектларни (йўллар, алоқа, электр таъминоти, техник ускуналар ва шу кабилар) топширдилар [4].

Амударё ҳавзаси сув ҳўжалиги бирлашмасига давлатлар ўртасида сув ресурсларини тезкор бошқариш ва тартибга солиш, сув истеъмолчиларини белгиланган лимит асосида (давлатлар билан келишган ҳолда) ўз вақтида ва узлуксиз таъминлаш, Орол денгизи ва Оролбўйи ҳудудларида санитария-экологик назоратини олиб бориш масалалари юклатилди.

Бирлашма ўз фаолиятини Марказий Осиё Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув ҳўжалиги комиссияси томонидан тасдиқланган Низомига, комиссияга аъзо давлатларнинг амалдаги қонунчилигига, комиссия қарорларига, келишувларга, баённомалар ва бошқа норматив ҳужжатларга асосан олиб боради [5]. Бирлашма ўз мустақил балансига эга, юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, ўз муҳри ва давлат банкларида махсус ва жорий ҳисоб-рақамларига эга. Бирлашмани Марказий Осиё Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув ҳўжалиги комиссияси қарори билан тасдиқланган раҳбар бошқаради. Бирлашма Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистон Республикалари томонидан ажратмалар ҳисобига молиялаштирилади.

Сирдарё Марказий Осиёнинг энг узун дарёсидир. У Қирғизистон Республикасининг тоғли ҳудудларида Норин ва Қорадарёнинг қўшилиши натижасида шаклланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига Андижон вилоятининг Учтепа кўрғони, Норин дарёси эса Наманган вилоятининг Учқўрғон шаҳри ҳудуди орқали кириб келади. Фарғона водийсининг шарқий чеккасида, Андижон вилоятининг Балиқчи қишлоғи ёнида Норин дарёси билан Қорадарё қўшилган жойдан Сирдарё деб аталади [6].

Сирдарё сувидан асосан суғорма деҳқончилик мақсадида фойдаланиб келинган. Собиқ Иттифоқ даврида сув ҳўжалиги соҳасида амалга оширилган кўриқ ерларни ўзлаштириш сиёсати натижасида суғориладиган ерлар майдони 2,4 млн. гектардан ортиб кетди.

Сирдарё ҳавзаси мураккаб гидротехник иншоотлар тизимига эга. Айниқса, унинг баланд тоғлардан оқиб тушадиган irmoқларида жуда кўп гидроэнергетик иншоотлар – тўғон ва гидроузеллар қурилган. Норин дарёсидаги Учқўрғон, Қорадарёдаги Кампирравот,

Тешиктош, Куйганёр, Сирдарёдаги Фарҳод ГЭСи шулар жумласидандир.

Сирдарё ҳавзасида узунлиги 32 минг км. бўлган 300 дан ортиқ коллектор ва зовурлар қазилган, ариқ-каналларнинг умумий узунлиги қарийб 65 минг км.га етади. Катта Андижон, Катта Фарғона, Катта Наманган, Қизилқум, Охунбобоев номли магистрал каналлар уларнинг энг йирикларидир.

Дарёнинг юқори оқимида – Қирғизистонда Тўхтағул сув омбори (сув сиғими 19,5 км³), Тожикистонда Қайроққум сув омбори (сув сиғими 4,2 км³), ўрта ва қуйи оқимида эса – Ўзбекистонда Айдарқўл қўли (сув сиғими 41 км³), Қозоғистонда Чордара сув омбори (сув сиғими 5,7 км³) каби улкан сув иншоотлари ва инфратузилмаси мавжуд. Сирдарё сув ҳавзаси Тўхтағул сув омборидан Қозоғистон Республикаси чегарасигача (Чордара сув омбори) ўз ичига олади. Республика табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари, Бош гидромет ва санитария эпидемиологик-осойишталик хизматлари билан бир қаторда бирлашма Сирдарё сувларининг сифатини назорат қилади. Бирлашма 198 та гидротехник иншоотларга эга, улардан 21 таси тўғридан-тўғри Норин, Сирдарё, Қорадарё ва Чирчиқнинг асосий каналларида жойлашган [7].

Тошкент шаҳрида жойлашган бирлашманинг марказий аппарати ўзининг ҳудудий муассасалари орқали давлатлараро кенгаш томонидан тасдиқланган Норин-Сирдарё каскади сув омбори ишлаш режими ва сув лимитларини вегетация даврида қишлоқ ҳўжалигига сувни тақсимлашни олиб боради.

Сирдарё сув ҳўжалиги бирлашмаси таркибига қуйидагилар киради:

Андижон вилояти Куйганёр шаҳрида жойлашган Норин-Қорадарё сув ҳўжалиги бирлашмаси;

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида жойлашган Гулистон сув ҳўжалиги бошқармаси ва Дўстлик канали;

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрида жойлашган Юқори гидротехника иншоотлари бошқармаси;

Чорвоқ шаҳрида жойлашган Чорвоқ сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси.

Сув ҳўжалиги мажмуини бошқариш борасидаги қийинчиликлар бошқарув объектлари Марказий Осиёнинг бешта суверен давлатининг бепоён ҳудудларида жойлашгани ва бир-биридан олислиги билан боғлиқ. Сув ҳўжалиги мажмуи бошқарув объекти сифатида қуйидаги хусусиятларга эга:

- сув ҳўжалиги мажмуи аҳволига оид катта ҳажмдаги ранг-баранг ахборотлар;
- бошқарув органлари ва ахборот манбаларининг кўплиги ҳамда кенг ҳудудда жойлашгани;
- гидрологик ахборотларнинг мавҳумлик хусусиятлари;
- сув ҳўжалиги мажмуи иштирокчиларининг бошқарувга оид талабларининг зидлиги;
- сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича ягона иқтисодий мезонларнинг мавжуд эмаслиги.

“Амударё” ва “Сирдарё” ҳавза сув ҳўжалиги бирлашмалари ўз фаолиятида учта асосий тамойилга амал қилади: (1) сув ресурсларини сув олишнинг белгиланган лимитларига мувофиқ тўғри тақсимлаш; (2) ҳар қандай вазиятда иштирокчилар ва сувдан фойдаланувчилар ўртасида ҳаққонийлик ҳамда дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш принципига амал қилиш; (3) сув – минтақада барча манфаатдор томонлар ва давлатлар саъй-ҳаракатини бирлаштирувчи барқарорлик омили [8].

Бироқ, сувни давлатлараро тақсимлашнинг ижро органи ҳисобланган Ҳавза сув ҳўжаликлари бирлашмасининг имконияти қуйидаги сабабларга кўра чекланган:

- давлатлараро аҳамиятга эга сув олиш иншоотларининг бир қисми, шунингдек, сув омборларига эга муҳим гидроэнергетика мажмуалари миллий органлар бошқарувида;

- Ҳавза сув ҳўжалиги бирлашмаси ер ости сувлари ва қайтадиган оқова сувлар олиш миқдори, жадвали, шунингдек, сув ресурслари сифатини назорат қилмайди;

- дарёларнинг асосий қўндоқларида ускуналар ва сув олиш иншоотлари эскирган;

- Ҳавза сув ҳўжалиги бирлашмаси ва миллий гидрометеорология хизматларининг ўзаро ҳамжиҳатлигини мувофиқлаштириш талаблар даражасида эмас;

- дарёлар ҳавзаларини бошқариш ва улардан фойдаланишнинг аниқ қоидалари йўқ; давлатлараро аҳамиятга эга дарёларнинг қўриқланадиган ҳудудлари белгиланмаган ва ҳоказолар.

Мавжуд чекловлар ва ўзгаришлар шароитида Сув ҳўжалиги мажмуини бошқариш борасидаги қийинчиликлар Ҳавза сув ҳўжалиги бирлашмалари роли ва ваколатини кучайтириш, тошқинлар, қурғоқчилик ва бошқа фавқулдда вазиятларда зарар ҳамда хавфларни камайтирган ҳолда, Сув ҳўжалиги мажмуидан ишончли фойдаланиш ва бошқаришни таъминлаш учун мазкур тизимнинг имкониятларини оширишни талаб қилади [9].

Шунингдек, Марказий Осиёда трансчегарвий дарёлардан оқилонга ва адолатли ҳамда ҳамкорликда фойдаланиш мақсадида Марказий Осиё давлатлараро сув ҳўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси (ДСХМК) ташкил этилган. Мазкур комиссия сув ресурсларидан унумли фойдаланиш ва ҳимоялаш, уларни бошқариш муаммоларини ҳал этиш мақсадида 1992 йил 18 февралда Олмаота шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон давлатлари келишувига асосан ташкил топган [10]. Комиссия ўз фаолиятини тенглик, одиллик ва ўзаро фикр алмашиш асосида олиб боради. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1993 йил 23 мартдаги қарорига асосан, ДСХМК ва унинг бўлимлари Оролни қўқариш халқаро жамғармаси таркибига қиради ва халқаро ташкилот мақомига эга. Комиссия зиммасига сув ресурслари тақсмотини ташкиллаштириш ҳамда сув бериш ва сув ўтказиш графиклари, сув сифати бўйича қабул қилинган қарорларни зудлик билан амалга ошириш каби вазифалар юклатилган. 25 йиллик тажрибага эга Комиссиянинг Илмий-ахборот маркази соҳага оид маълумот ва ахборотларни йиғиш, таҳлил этиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш, уни кенг жамоатчиликка етказиш каби вазифаларни бажаради.

Яна бир Марказий Осиёда трансчегарвий сувлардан фойдаланишнинг институционал механизмлари бири сифатида 1993 йил 26 мартда Марказий Осиё давлатлари – Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон давлатлари раҳбарлари ҳамкорлигида Орол денгизи ҳавзасида экологик инқирозга барҳам бериш ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш учун Оролни қўқариш халқаро жамғармаси тузилди. Таъсисчи-давлатлар бу жамғармага галма-гал раислик қилади ва Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари навбати билан Оролни

қўқариш халқаро жамғармаси Президенти этиб сайланади.

2008 йил декабрдан буён Оролни қўқариш халқаро жамғармаси БМТ Бош ассамблеяси ва сессиялари кузатувчиси, деган мақомга эга бўлди.

Жамғарма Ижроия қўмитаси Тошкент, Олмаота, Бишкек, Душанбе, Тошҳовуз, Қизил-Ўрда ва Нукус шаҳарларида ўз бўлимларига эга.

Шунингдек, Давлатлараро сув ҳўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси, Давлатлараро барқарор ривожлантириш комиссияси, Минтақавий гидрология маркази, Оролни қўқариш халқаро жамғармаси GEF агентлиги Жамғарма тузилмаси таркибига қиради [11].

Барқарор ривожланиш бўйича давлатлараро комиссия (БРДК, МКУР) 1994 йилда Орол денгизи ҳавзасидаги муаммолар бўйича давлатлараро кенгаши қарори билан тузилган. Ўша пайтда у ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, илмий-техникавий ва экологик ҳамкорлик бўйича давлатлараро комиссия деб номланган эди, аммо 1995 йилдан ҳозирги номи билан фаолият юритмоқда. 2000 йил 18 октябрдаги мазкур комиссиянинг Уставига мувофиқ, ташкилотнинг асосий мақсади минтақавий экологик ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва бошқаришдан иборатдир. Унинг вазифаларига барқарор ривожланишнинг минтақавий стратегиясини, барқарор ривожланиш дастурлари ва режаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, шунингдек Марказий Осиё давлатларининг ўз мажбуриятларини бажаришдаги ҳаракатларини мувофиқлаштириш қиради.

БРДК 15 кишидан иборат – ҳар бир мамлакатдан 3 вакил, шу жумладан табиатни муҳофаза қилиш муассасаси раҳбари, иқтисодиёт вазирининг ўринбосари ва илмий жамоатчилик вакили. Комиссия раиси ҳар икки йилда алмашиб туриш асосида табиатни муҳофаза қилиш вазирлари бўлган комиссия аъзолари орасидан сайланади. БРДКнинг ижро этувчи органи унинг Илмий-тадқиқот маркази ва котибияти ҳисобланади. Комиссияни минтақанинг барча давлатларида ўз бўлимлари мавжуд. Бундан ташқари, комиссия ўз тузилмасида Минтақавий тоғ ҳудуди маркази ва Минтақавий қайта тикланадиган энергия манбалари маркази ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Комиссия ҳузурида Жамоатчилик кенгаши фаолият юритади. Комиссия фаолияти бир неча йиллардан буён БМТнинг атроф-муҳит бўйича дастурининг Бангкокдаги минтақавий бўлими томонидан қўллаб-қувватланиб келинади. Комиссия БМТнинг атроф-муҳит бўйича дастурининг Марказий Осиёдаги асосий ҳамкорларидан бири ҳисобланади [12].

Қисқача қилиб айтганда, Марказий Осиёдаги трансчегарвий дарёлар сувидан оқилонга фойдаланиш истиқболлари ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш масалалари минтақа мамлакатларининг биргалиқдаги ўзаро саъй-ҳаракатлари билангина чекланиб қолмай, айна пайтда, уларнинг қўшни чегарадош мамлакатлар – Афғонистон, Эрон, Хитой билан ҳам самарали ҳамкорлигини талаб этади. Шу билан бирга, мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларга ечим топишда илм-фан вакиллари иштирокидаги қўшма илмий тадқиқотларнинг биргалиқда амалга оширилиши аҳамиятлидир.

Трансчегарвий дарёлардан фойдаланишни тартибга солувчи бу икки халқаро ҳуқуқий ҳужжат

тавсиявий характердаги ҳужжатлар ҳисобланишини ҳамда аксар ҳолатларда, экологик муаммоларни ҳал қилиш масалаларига кўпроқ урғу берганлигини қайд этиш лозим. Камдан-кам ҳолларда улар трансчегаравий дарёлар сувларидан фойдаланишни бошқариш масалаларини қамраб оладилар. Бундан ташқари, ушбу шартномларда сув билан боғлиқ халқаро низоларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий механизми деярли ўз ифодасини топмаган. Ундан ташқари, қонунчилик ва норматив базаси анча кучсиз ишланган [13].

Шунингдек, халқаро ҳуқуқ томонидан умумэтироф этилган принципларга амал қилган ҳолда трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланишда йирик гидроэнергетик иншоотлар қуришда тегишли давлатларнинг жавобгарлигини кучайтириш, келтирилаётган бевосита ва билвосита зарарни моддийлаштириш, ҳисоблаш, жавобгарликка тортиш ва зарарни қоплаш каби масалаларни халқаро шартномалар ва давлатлар ўртасида тузилаётган кўптомонлама шартномаларларда акс эттириш муҳим аҳамият касб этади.

Йирик тўғонлар бўйича халқаро комиссиянинг 2007 йилда эълон қилган асосий тамойилларига мувофиқ, бирор дарё битта давлат ҳудудини кесиб, иккинчи бир давлат ҳудудига ўтганда, ундан тенг улуш асосида фойдаланишнинг имкони бўлмайди. Қоидага кўра, бундай ҳолатда ҳар бир давлат халқаро шартномалар нормалари ва халқаро ҳуқуқ тамойиллари асосида сувдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Мазкур тамойилларга мувофиқ, юқори оқимдаги давлат ўз ҳудудидан оқиб чиқаётган сувнинг сифати учун қуйи давлатлар олдида жавобгардир. Юқори оқимдаги давлатлар оқим бўйлаб қўшни давлатларга зарар келтирмаслиги ҳамда унинг олдини олиш ва оқибатларини енгиллаштириш учун барча чораларни кўриши лозим. Айрим ҳолатларда компенсация чоралари кўзда тутилиши мумкин.

БМТнинг Атроф-муҳит дастури (United Nations Environment Programme – UNEP) доирасида экспертлар гуруҳи томонидан тайёрланган ва 1992 йилда қабул қилинган “Биологик хилма-хиллик тўғрисида”ги Конвенциянинг 3-моддасига мувофиқ, “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомига ва халқаро ҳуқуқ тамойилларига мувофиқ, давлатлар ўзларининг атроф-муҳит соҳасидаги сиёсатига биноан ўз тасарруфидаги захиралардан фойдаланишнинг суверен ҳуқуқига эгалар ва уларнинг юрисдикциялари ёки назорати остидаги фаолият миллий юрисдикция доирасидан ташқаридаги бошқа давлат ёки ҳудудларнинг атроф-муҳитига зарар етказмаслиги учун жавобгардирлар” [14].

Йирик гидроэнергетик иншоотлар бевосита ва билвосита трансчегаравий таъсирга эга бўлгандагина халқаро ҳуқуқнинг тартибга солиш объектига айланади. Бундай иншоотларнинг трансчегаравий дарёларга қурилиши уларнинг трансчегаравий таъсирини янада ошириб юборади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов 2010 йил 20 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти саммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисида “Бундай шароитда 30-40 йил аввал, собиқ совет даврида ишлаб чиқилган, мазкур дарёлар юқори қисмида улкан гидроиншоотларни қуриш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга ҳар қандай уринишлар,

боз устига, ушбу иншоотлар барпо этиладиган зоналарнинг сейсмик хавфи 8-9 баллни ташкил этилишини ҳисобга олсак, буларнинг барчаси экологияга ўнглаб бўлмайдиган зарар етказиши ва хавфи техноген ҳалокатларга олиб келиши мумкинлиги аён бўлади.

Кўплаб халқаро экология ташкилотлари ва нуфузли экспертлар тавсия қилаётганидек, ушбу дарёлардан шу миқдордаги энергетика қувватларини олиш учун нисбатан хавфсиз, аммо анча тежамкор кичик ГЭСлар қурилишига ўтиш оқилона йўл бўлур эди” деб таъкидлаган эди [15].

Трансчегаравий дарёларнинг географик ўзига хослиги ва гидрологик параметрлари, фойдаланишнинг тарихий анъаналари ва фойдаланувчи халқларнинг ўзига хос менталитети трансчегаравий дарёлар ҳуқуқининг универсал тамойиллари ва нормалар тизимини шаклланишига кўп ҳолларда имкон бермас-да, бу борада умумий асосий принциплар ишлаб чиқилган ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. Трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланишни монополлаштирмаслик, қўшни давлатлар эҳтиёжларини ҳисобга олиш, сувдан рационал ва оқилона фойдаланиш тамойиллари юқорида номлари келтирилган Хельсинки конвенцияси ва унга қўшимча 1999 йил 17 июнда қабул қилинган “Сув ва соғлиқ муаммолари бўйича Протокол”да ҳамда БМТ Конвенцияси (Нью-Йорк конвенцияси)да ўз аксини топган.

Адолатлилик, самаралилик, қарор қабул қилишда колегиялик, рационаллик, жавобгарлик ва бошқа принциплар эса Рио декларацияси ҳамда Хельсинки ҳужжатларида баён қилинган.

Шунингдек, атроф-муҳитга зарар етказиш ҳолатлари кучайган пайтда экологик зарар учун молиявий жавобгарликни кучайтириш талаб этилади ёки зарарни қоплаб бериш қобилиятига эга бўлмаган корхоналар учун атроф-муҳитга зарар келтириши эҳтимоли юқори бўлган фаолият тури билан шуғулланиш маълум доирада чекланади. Зарарни қоплашга қаратилган тўлов қобилиятининг йўқлиги жавобгарликни таъминлашнинг самарали механизми мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Зарарни қоплаш ва уни бартараф этиш бўйича йирик молиявий жавобгарликлардан халос бўлишнинг кенг тарқалган механизмларидан бири экологик суғурталашдир. Экологик суғурта атроф-муҳитга етказилган экологик зарарни қоплаш учун ишончли молиявий салоҳият кафолати бўлиб, у зарарни ундириш оғирлиги солиқ тўловчилар зиммасига эмас, балки зарар келтирган корхона ёки масъул шахсга қаратилишини таъминлайди. Экологик суғурта корхоналарни молиявий ғимоялабгина қолмай, шу билан бирга, уларни экологик зарарни келтириб чиқарувчи ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олишга ундайди.

Ривожланган давлатларда экологик жавобгарлик юкланадиган ҳўжалик юритувчи субъектлар зарарни қоплаб бериш жавобгарлигидан суғурталанади. Аммо Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг махсус ишчи гуруҳи ўтказган тадқиқотлар натижасига кўра [16], экологик суғурта бозори ҳатто Европада ҳам етарли даражада ривожланмаган. Кам сонли суғурта компанияларигина экологик жавобгарликдан молиявий ғимояланиш полисларини тақлиф қила олади. 2011 йилда Европа Иттифоқида экологик суғурталаш

бадалларидан келиб тушган даромад 250-300 миллион евро ни ташкил этган. Бу суғурта бозоридаги умумий тушумларнинг 1 фоизи демакдир.

Экологик суғурта соҳасида АҚШ тажрибаси эътиборга молик. Мамлакатда 2003 йилнинг ўзида экологик суғурта бозорининг қоплама нархи 2 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. Чунки АҚШда экологик жавобгарлик тўғрисидаги қонунлар 1980 йиллардаёқ қабул қилинган ва уларда, ҳатто, орқага таъсир кучига эга бўлган ва чекланмаган объектив солидар жавобгарлик ҳолатлари кўзда тутилган. АҚШ қонунчилигида атроф-муҳитга зарар келтириши мумкин бўлган ҳар қандай фаолият турлари (ерошти сувларидан фойдаланиш, кимёвий тозалаш ва чиқиндиларни йўқотиш объектлари) учун молиявий таъминот кафолати талаб этилади. Атроф-муҳитни муҳофазаловчи кучли ҳуқуқий тартибот ҳўжалик юритувчи субъектлар учун юқори иқтисодий таваккални келтириб чиқаради ва шу орқали экологик суғуртага талабни кучайтиради. Натижада экологик суғурта бозори ва унинг молиявий инфратузилмалари ривожлана бошлайди [17].

Экологик суғурта атроф-муҳитга етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини таъминловчи ягона восита эмас. Халқаро амалиётда банк кафолати, ўз ўзини суғурталаш, жамоавий кафолат каби тажрибалар ҳам учрайди. Испания ва Чехияда зарарни қоплашни кафолатловчи исталган молиявий воситадан фойдаланиш имконияти мавжуд.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Марказий Осиё минтақасида атроф-муҳитга трансчегаравий таъсир оқибатида етказилаётган зарарни аниқлаш ва компенсациялаш соҳасида мукаммал дастурлар ишлаб чиқилмаган. Мана шундай вазиятда, Марказий Осиёда атроф-муҳитга трансчегаравий таъсир орқали етказилаётган зарар учун халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик механизмларини такомиллаштириш зарурати сезилмоқда. Жумладан, Марказий Осиё минтақасида атроф-муҳитга трансчегаравий таъсир оқибатида етказилаётган зарарни аниқлаш ва компенсациялаш соҳасида мукаммал дастурлар ишлаб чиқилиши лозим. Трансчегаравий таъсирга эга йирик гидроиншоотлар қуришнинг легитимлиги, халқаро ҳуқуқ принципларига мослиги, кучайиб бораётган энергия танқислиги шароитида трансчегаравий дарёлардан энергетик мақсадларда фойдаланиш, трансчегаравий таъсирини баҳолаш ва оқибатларини бартараф этиш борасида халқаро-шартномавий инструментларни янада бойитиш ҳамда уларнинг ижро ва назорат механизмларини кучайтириш, трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланиш ва йирик гидроэнергетик иншоотлар қуришда тегишли давлатларнинг жавобгарлигини кучайтириш, келтирилаётган бевосита ва билвосита зарарни моддийлаштириш, ҳисоблаш, жавобгарликка тортиш ва зарарни қоплаш мезонларини халқаро шартномаларда аниқ акс эттириш муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Юнусов Ҳ., Мўминов А. Трансчегаравий сувлардан фойдаланишга оид халқаро-ҳуқуқий низоларни ҳал этиш масалалари. Монография. – Т.: ЖИДУ, 2017. – Б. 97.

2. Сайдахмедов У.М. Трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан ноқиллона фойдаланишнинг салбий

таъсири // “Ҳуқуқ ва бурч” илмий-ҳуқуқий журнал. 2013 йи 7-сон. – Б. 55.

3. Бассейновая водохозяйственная организация «Амударья» // http://www.icwc-aral.uz/bwoamu_ru.htm

4. Қаранг: Ўша жойда.

5. Ҳавза сув ҳўжалиги бирлашмалари мақоми ва инфратузилмаси (Электрон манба) // [Water_uz_part_04\[1\].pdf](http://Water_uz_part_04[1].pdf) – Б. 91.

6. О деятельности БВО «Сырдарья» // <http://bwosyrdarya.org/o-bvo-sirdarya/>

7. Межгосударственная координационная водохозяйственная комиссия Центральной Азии. Исполнительные органы МКВК. Бассейновая водохозяйственная организация «Сырдарья» http://www.icwc-aral.uz/bwosyr_ru.htm

8. Ҳавза сув ҳўжалиги бирлашмалари мақоми ва инфратузилмаси (Электрон манба) // [Water_uz_part_04\[1\].pdf](http://Water_uz_part_04[1].pdf) – Б. 91-92.

9. Рысбеков Ю. Трансграничное сотрудничество на международных реках: проблемы, опыт, уроки, прогнозы экспертов // Под ред. В.А. Духовного. – Ташкент: НИЦ МКВК, 2009. – С.18.

10. Жильцов С.С. Политика стран Центральной Азии: водно-энергетический аспект. Вестник РУДН, серия Политология, 2016, № 3. – С. 8-9.

11. Эшчанов О. Оролни асраш – умумий муаммо (Электрон манба) <https://saviya.uz/hayot/suhbat/orolni-asrash-umumiy-muammo>

12. Совершенствование организационной структуры и договорно-правовой базы МФСА: анализ и предложения. Дискуссионный документ. Межгосударственная комиссия по устойчивому развитию (Электрон манба) https://www.unece.org/fileadmin/DAM/env/water/cadialogue/docs/rus/Draft_Paper_united_FINAL.pdf

13. Юлдашева К.А. Правовой режим трансграничных рек в соответствии с современным международным правом. – Т.: НИЦ МКВК, 2010. – С. 3.

14. UN Convention on Biological Diversity // Конвенция о биологическом разнообразии от 5.06.1992: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/biodiv.shtml

15. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримовнинг БМТ саммити Минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисдаги нутқи. “Адолат”. 2010 йил 24 сентябрь.

16. Ответственность за ущерб окружающей среде в странах Восточной Европы, Кавказа и Центральной Азии (БЕКЦА): Применение лучшего международного опыта. OECD, 2012). – С. 9. (Liability for Environmental Damage in Eastern Europe, Caucasus and Central Asia (EECCA): Implementation of good international practices OECD, 2012). Available at: www.oecd.org/env/eap

17. Юнусов Ҳ., Мўминов А. Трансчегаравий сувлардан фойдаланишга оид халқаро-ҳуқуқий низоларни ҳал этиш масалалари. Монография. – Т.: ЖИДУ, 2017. – Б. 42.

Ш.Ишметова
Преподаватель ТГЮУ

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ МЕЖДУНАРОДНОГО РАЗДЕЛЕНИЯ ТРУДА

Аннотация: В статье рассмотрены вопросы международно-правового регулирования международного разделения труда, в частности обсуждены международные документы, которые создают основу в трансграничном регулировании разделения труда. Также автором рассмотрены обычаи делового оборота в регулировании международного разделения труда.

Ключевые слова: международный договор, обычаи, ИНКОТЕРМС, международное разделение труда.

Annotation: The article examines the issues of international legal regulation of the international labor division, in particular, discusses international documents that create the basis for cross-border regulation of the division of labor. The author also examines the customs of business turnover in the regulation of the international labor division.

Key words: international treaty, custom, INCOTERMS, international labor division.

Проблема предмета, принципов, источников, структуры МРТ еще остается не разрешенной как на национальном, так и на международном уровне. Как правило, некоторые правоведы утверждают, что регулирование МРТ является составной частью международного публичного права, в связи основными вопросами являются взаимоотношения между государствами как с субъектами власти, государствами и международными межправительственными организациями. Однако большая часть специалистов считает, что на сегодняшний день широко развиваются трансграничные и частноправовые отношения.

Как отметил в свое время Ф. Розеслер, вслед за идеями, согласно которой государства как отдельные пирамиды устанавливают друг с другом связи по всем важным вопросам только на уровне вершин посредством международных договоров, в правовой науке появилась идея о возрастающем значении трансграничных отношений [1]. Из этого следует, что регулирование МРТ не может заканчиваться лишь договорами между государствами.

С правовой точки зрения, регулирование МРТ может представлять выраженное сочетание частного права (включая *lex mercatoria* и трансграничное коммерческое право), внутригосударственного права (включая коллизионные нормы) и элементов публичного права с многообразием двусторонних и многосторонних договоров, которые, в свою очередь, могут быть введены международными организациями в виде распоряжений центральных банков, деклараций принципов, резолюций, рекомендаций, обычного права, общих принципов права, судебных решений и коммерческих обычаев. Были и сторонники, которые утверждали, что совершенно отсутствует граница между частной и публичной стороной в международном праве, а возможно и в праве вообще, с чем очень сложно согласиться. Однако Л.Н. Галенская указывала, что сейчас идет тенденция сближения международного

публичного и частного права, международного и внутригосударственного права [2].

Международное разделение труда непосредственно связано с внешнеэкономической деятельностью, которая складывается из гражданских правоотношений, возникающих в связи с импортом и экспортом объектов гражданских прав и публично-правовых отношений, где реализуется государственный контроль.

В сферу внешнеэкономической деятельности входят следующие группы отношений:

1. Частноправовые отношения: а) внешнеторговые отношения; б) международные инвестиционные отношения; в) отношения в сфере международных перевозок.

2. Публично-правовые отношения: а) международные валютные отношения; б) таможенные отношения; в) отношения по введению и применению нетарифных регулирований внешнеэкономической деятельности; г) отношения в сфере правового регулирования территорий с особым экономическим статусом.

Внеэкономическая политика заключается в регулировании внешнеэкономических связей государства и интернационализации производственных факторов, так как он направлен на установление режима принятия страны к участию в распределении товаров. Основными составляющими внешнеэкономической политики являются внешняя торговая политика, куда также входит экспортно-импортная политика, внешнее привлечение иностранных инвестиций и расширение национальных инвестиций за рубежом [3]. С точки зрения науки, термин «внешняя политика» и «международная политика» являются схожими [4].

В основе внешнеторговой деятельности и в целом МРТ лежит гражданско-правовая сделка (договор), которая осложнена иностранным элементом, так называемая трансграничная или международная коммерческая сделка, опосредующая международный оборот товаров, услуг, а также результатов интеллектуальной деятельности [5]. С точки зрения права достаточно важным является выделение трансграничных (международных) сделок из всего спектра договоров, так как от этого будет зависеть правовое регулирование. Если сделка не содержит иностранного элемента и относится к национальной, то она будет полностью регулироваться внутренним правом страны, в то время как международная сделка может быть связана с несколькими правовыми системами, что впоследствии приводит к сложностям выбора права.

В ходе исторического развития интенсивность и типы трансграничного торгового оборота менялись, но торговля и деятельность хозяйственных субъектов, в том числе трансграничных, не прерывались, что привело к тому что совершенствовались и регулирующие ее правила. Они были представлены в виде сплав обыкновений, обычаев, правовых норм и принципа справедливости (*as quo et bono*), получивший название *lex mercatoria*.

При наличии иностранного элемента во внешнеэкономической сделке серьезно осложняется процесс заключения и осуществления сделок, в связи с чем в законодательстве должны быть соответствующие нормы. К затрудняющим условиям можно отнести: условия получения платежа, критерии валютного вопроса, перемещение товара через территорию двух или более стран, страховой вопрос при повреждении товара, подписание дополнительных контрактов по детальным обязательствам, таможенные требования

того или иного государства, форс-мажорные обстоятельства, определение нормы о применимом праве и порядок рассмотрения споров.

Этапы либерализации международной торговли и разделения труда невозможен без обеспечиваемых соглашений Всемирной торговой организации. Соответственно, установленные нормы ВТО являются основополагающей базой правового регулирования международного торгового оборота. Конвенция ООН 1980 г. о договорах международной купли-продажи товаров и Конвенция 1958 г. об исковой давности в международной купле-продаже товаров содержат требования касательно заключения и исполнения контрактов международной купли-продажи товаров. Последняя применяется только в том случае, если в момент заключения договора международной купли-продажи товаров коммерческие предприятия сторон договора находятся на территории государств-участников, или если, согласно нормам МЧП, к договору купли-продажи применимо право одного из государств-участников. В добавок ко всему, Конвенция устанавливает общий 4-летний срок исковой давности по всем требованиям продавца и покупателя, который не может быть изменен соглашением сторон. Вместе с тем, правовыми основами международного товарооборота могут быть акты частного происхождения, такие как Принципы международных коммерческих договоров УНИДРУА, Инкотермс, правовые руководства ЮНСИТРАЛ по заключению коммерческих международных контрактов, типовые проформы и другие.

Принципы УНИДРУА — это детализированная система норм общего договорного права, регулирующая вопросы заключения, действительности, толкования, содержания, исполнения и последствий неисполнения международных коммерческих контрактов независимо от национальных правовых традиций [6]. Более того, Принципы международных коммерческих договоров УНИДРУА являются примером неофициальной кодификации правил международной торговли, представляющие собой набор достаточно гибких правил, что делает возможным их широкое применение в различных моментах. Принципы применяются в том случае, если стороны указали на их применение, закрепив прямую отсылку к Принципам, а также могут применяться, когда в договоре стороны согласились, что их отношения будут регулироваться «общими принципами права».

Говоря об Инкотермс, стоит отметить, что они оставлены из набора 11 международных стандартных торговых условий, последней версией которых является Incoterms 2010, позволяющие сторонам контракта определить точку, в которой затраты и риски, связанные с транспортировкой, будут точно разделены между продавцом и покупателем. Данный документ также распределяет ответственность за таможенное оформление, пошлины между сторонами.

Поскольку Инкотермс не имеют статуса закона, а являются договорными стандартными условиями, они не применяются к данной транзакции, если стороны специально не включают их, ссылаясь на Инкотермс напрямую, так как Инкотермс это элементы международного договора купли-продажи, которые могут быть получены из тендера или предварительного счета продавца [7]. Таким образом, Инкотермс применяются только к продавцу и покупателю, один из которых будет предполагать соответствие Инкотермс с точки зрения распределения транспортных расходов и рис-

ков, но это будет зависеть от того, будет ли грузоотправитель давать точные указания перевозчику для отправки в соответствии с ограничениями, данными Инкотермс. Они разделены на две группы: те, которые могут использоваться для любого вида транспорта и видов транспорта, и те, которые используются только для морского и внутреннего водного транспорта.

На сегодняшний день правовая природа указанных актов остается невыясненной и без конкретизации, поэтому вопрос об их роли в международном торговом праве и МРТ зависит от теоретического толкования последнего. Также существуют международные соглашения по отдельным торговым вопросам (ГАТТ, ГАТС и др.), которые обладают обязательным критерием исполнения для государств-участников. Международные соглашения по отдельным торговым вопросам не только создают международно-правовые обязательства государств, но и оказывают дальнейшее воздействие на их внутренние правовые системы и принятие необходимых нормативно-правовых актов. Регулирование торгового обмена услугами на мировом уровне осуществляется согласно Генеральному соглашению по торговле услугами (ГАТС), которое основывается на установленных принципах ГАТТ по отношению к товарам: отсутствие дискриминации, национальный режим, неиспользование национальных законов в ущерб иностранным производителям, но в зависимости от вида и особенностей услуг появляются трудности в реализации.

В числе международных организаций, образованных в целях содействия международной торговле и имеющих значение для МРТ, можно назвать Международную торговую палату, Международное бюро публикации таможенных тарифов, Международный институт по унификации частного права (ЮНИДРУА).

Помимо того, Комиссией ООН в 1976 г. был принят в первом чтении Проект статей о клаузулах о наиболее благоприятствуемой нации. Под словом «клаузулы» в проекте подразумеваются договорные положения о режиме наибольшего благоприятствования. Данный проект был принят и во втором чтении в 1978 г. и представлен ГА ООН с предложением рекомендовать его государствам-членам, чтобы заключить в дальнейшем многостороннюю конвенцию, но ГА ООН оставила проект без движения. Проект статей о клаузулах о наиболее благоприятствуемой нации представляет собой документ и достаточно большую ценность, как сборник норм и принципов договорного и обычно-правового происхождения, образующих международно-правовой институт наибольшего благоприятствования. В проекте для каждой нормы имеется официальный комментарий и мнение юристов.

Стоит подчеркнуть, что также к международно-правовым основам относятся Конвенция о праве, применимом к договорным обязательствам (Рим, 1980), Конвенция о праве, применимом к договорам международной купли-продажи товаров (Гаага, 1986), Конвенция о признании и приведении в исполнение иностранных арбитражных решений (1958), Конвенция о правовой помощи и правовым отношениям по гражданским, семейным и уголовным делам (Минск, 1993), Арбитражный регламент ЮНСИТРАЛ, Соглашение СНГ о порядке разрешения споров, связанных с осуществлением хозяйственной деятельности (Киев, 1992), Соглашение об общих условиях поставок товаров между организациями государств - участников СНГ (Киев, 1992).

Таким образом, одним из предпосылок последующего развития международной правовой базы МРТ между различными функционирующими хозяйствующими субъектами является составление общих условий и правовых режимов регулирования норм, когда они всесторонне способны отвечать интересам и приносить обоюдную выгоду. Следовательно, огромное количество правовых источников способствуют полноценному регулированию сфер и процессов, связанных с МРТ посредством унификации международно-правовых основ.

Список литературы

1. Roessler F. Law, de facto agreements and Declarations of principles in international economic relations // German Yearbook of International Law. 1978. Vol. 21. – P. 98.
2. Галенская Л.Н. Тенденции развития правового регулирования международных отношений в XXI в. // Международные отношения и право: взгляд в XXI в. – СПб., 2009. – С. 42.
3. Хамедов И.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикасида таъқиқот қисмиди фаолият асослари: Дарслик. – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт жамғармаси». – Т., 2001. – Б. 38.
4. Алимов А. Внешнеэкономическая деятельность Республики Узбекистан: взгляд в будущее. – Т.: «Ўзбекистан», 1992. – С. 44.
5. Дмитриева Г. К. Международное торговое право и Право международной торговли: общее и особенное // Вектор юридической науки, 2015. – №3. – С. 74.
